5	**<u>Ўқув машғулотини якунлаш.</u>** • Маъруза ва талабалар фикрини умумлаштириб, ҳар бир савол бўйича якуний фикр айтилади ва мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар билан талабалар таништирилади • Мустақил иш топшириғи: Генинг В.Ф (Етнический процесс и первобитности) асарининг кириш қисмни ўқиб чиқиб ибтидоий жамоа таризини ўрганишда социологик-етнографик назария намоёндалари вакилрининг талимотларининг ўзига зос хусусиятларини кўриб чиқиш ва тезис тайерлаш.	**Ўқитувчи 10 мин.**

Асосий саволлар:

Россиядаги 1917 йил февраль инқилобининг Туркистон ўлкасига таъсири ва унинг мустамлакачилик ҳарактери

Туркистонда вужудга келган ташкилотлар ва уларнинг сиесий фаолияти

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши

"Туркистон мухторияти"нинг ташкил топиши ва унинг тарихий аҳамияти

Таянч иборалар: Инқилоб, икки ҳокимиятчилик, "Шўрои ислом", "Шўрои уламо", Муваққат ҳукумат, "Турон", "Алаш Ўрда", сиесий уйғониш, қурултой.

Октябр тўнтариши, халқ комиссарлари Совети, Туркистон мухторияти, большевиклар, Қўқон фожеаси.

1-асосий савол:
Россиядаги 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилобининг ўлкамизга таъсири ва унинг мустамлакачилик ҳарактери

МАҚСАД:
Февраль буржуа-демократик инқилобининг Туркистонга таъсирини ёритиб бериш, Туркистон тарихини ўрганишга қизиқиш уйғотиш, ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:
1.1. Февраль инқилобининг Туркистонга сиёсий таъсирини тушунади
1.2. Инқилобнинг аксилмиллий ҳарактерини тушунади
1.3. Туркистон сиесий уйғониши хусусиятларини умумлаштиради.
1.4. 1917 йил буржуа-демократик инқилобнинг Туркистонга таъсирига баҳо беради.

1-асосий саволнинг баёни:
Мустақилликнинг тарихан қисқа даврида мамлакатимиз ҳаётида ҳам, одамлар турмушида ҳам кескин бурилиш ясалди. Турмуш тарзимиз ўзгарди. Тафаккуримиз кенгайди. Ўзлигимизни англай бошладик. Мустақиллик йиллари ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг шиддатлилиги, дунёвий муаммолару серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган умумий қарашларимиздан тортиб, энг кичик, энг шахсий юмушларимизгача бўлган барча ҳодисаларни ўзида мужасам этди. Энди тарихчиларимиз халқнинг истиқлолга эришиш йўлидаги фидойи меҳнатини, миллий мустақилликка эришиш йўллари ва воситаларини, миллий давлатчилик қурилишига доир тажрибани, истиқлолни мустаҳкамлашнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий омилларни ўрганиш ва миллий истиқлол мафкурасини ва миллий ғояни яратиш каби муаммоларни ҳар томонлама мушоҳада қилмоқлари лозим. "Тарихий хотирасиз келажак йўқ," - деган эди И.Каримов. Тарих хотираси инсон тараққиётига кучли таъсир ўтказади, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллий онг, миллий тафаккур халқ тарихи, унинг ривожланиш босқичларини ўрганиш,ундан сабоқ чиқариш билан боғлиқ. Мазкур тўпламда Ўзбекистон тарихининг 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган совет мустамлакачилиги даври ҳамда 1991 йил 31 августидан бугунги кунгача мустақиллик даврини ёритувчи маърузалар матнлари жамланган. Собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври (1917-1991 йиллар) мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. 1917 йил октябрида большевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнтариш собиқ Иттифоқ халқлари, жумладан Ўзбекистон халқлари тарихида ҳам салкам 75 йил давом этган янги мустамлакачилик саҳифасини очиб берди. Чор мустамлакачилик империяси ўрнини "қизил империя" эгаллади. Республикадаги ижтимоий-сиёсий тарихий жараённинг ўта мураккаб ва зиддиятли кечиши кўплаб қурбонлар берилишига, маданий ва маънавий

йўқотишларга олиб келди. Октябр тўнтаришидан кейин Ўзбекистоннинг анчагина қисми Туркистон автоном Республикаси сифатида РСФСР таркибига қўшиб олинди. 1924 йилда ўтказилган миллий-ҳудудий чегаралаш натижасида Ўзбекистон ССР ташқил топиб, ССР Иттифоқи таркибига киритилди. Оқибатда Ўзбекистон тўла-тўкис Москвага қарам бўлиб қолди. Мустабид тузум Ўзбекистонни Марказ таркибидаги мустамлака сифатида ўз исканжасида доимий сақлаб қолиш ва уни метрополиянинг хом ашё базаси ва маҳсулот бозори сифатидаги ҳолатини янада мустаҳкамлашга интилди. Ўзбекистон саноати асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилишга йўналтирилган эди. Марказнинг Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсати республиканинг маданий ривожида ҳам ўзининг ифодасини топди. Шўролар даврида халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнатлари эвазига яратилган моддий-маънавий бойликлар унинг фаровонлиги учун хизмат қилмади. Аксинча, бу бойликлар ўзбек халқини камситиш, миллий ғурўрини оёқ ости қилиш, ўзлигини унуттириш, коммунистик мафкурани янада кучайтириш учун хизмат қилди. Ўзбекистон ҳудудида бунёд этилган корхоналар, керагидан ортиқча ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерлар, қазилган каналлар, қурилган сув омборлари республикамизнинг экологик аҳволини мураккаблаштирди, Орол денгизининг қуриб боришини тезлаштирди, деҳқончилик ерлари таркибини ўзгартириб юборди, атроф муҳитни, ичимлик сувини заҳарлади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритишим билан тарихий ҳақиқатни тиклаш учун, янгича ва холис ёндашув, совет даврида юзага Ватанимиз тарихидаги нохолисликларни миллий мустақиллик мафкураси асосида тугатиш учун қулай шарт-шароит қарор топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида мустабид совет тузуми даврига муносабат билдирар экан: "…бугун биз ота-боболаримизга… сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим"[1],деб таъкидлаган эди. Модомики, шундай экан, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, мустабид сиёсий тузум тарихи билан халқимиз тарихини ажрата билишимиз, уни холисона ёритишимиз зарур.

Мустақиллик даври тарихига оид маърузаларда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қатриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши каби масалалар кўриб чиқилади.

Россия империяси пойтахтида 1917 йил 28 февраль куни демократик инқилоб ғалаба қилди. 2 март куни Керенский раҳбарлигида Муваққат ҳукумат тузилди. Шу билан бир вақтда ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари

[1] Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. \\ "Туркистон". 1999 йил, 2 феврал.

Советлари иш бошлади. Натижада иккиҳокимиятчилик юзага келди. Бу ҳодиса ғолиб, Февраль буржуа-демократик инқилобининг тарихий ўзига хослигини, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва сабабларини акс эттирди ва мамлакатдаги воқеаларнинг ривожига ўз таъсирини ўтказди.

Петроградда қуролли қўзғолоннинг ғалаба қозониши, янги ҳокимият тузилмаларининг тузилиши, дастлабки қонуний актлари Россиядаги кўп асрлик монархия тузумига барҳам берди, мамлакатда демократик ўзгартиришлар учун йўл очилди. Мамлакат аҳолисининг жуда кўпчилик қисми унда яшаб турган қанчадан-қанча халқлар, турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари инқилобни кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар ва унинг томонига ўтдилар. /алаба нашидаси, озодлик, тенглик, мустақиллик шиорлари халқлар кўнглидаги орзу-умидларни уйғотиб, уларнинг ўз-ўзини англаши учун кенг йўл очиб берди.

Февраль инқилоби Туркистонга ҳам таъсир қилди. Февраль воқеаларидан сўнг Туркистон сиёсий жиҳатдан уйғонди. Ўлкада янги ҳокимият тузилмалари барпо қилиш, сиёсий ташкилотлар тузиш ишлари бошланиб кетди. Ҳамма шаҳар ва ишчилар мавзеларида Ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузила бошлади. Улар инқилобий демократия орзусини юзага чиқаришга вақил этилган ва Муваққат ҳукумат маҳаллий муассасаларининг хатти-ҳаракатлари устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини даъво қиладиган қуролланган халқ органлари тариқасида ташкил топиб борди. Бу советлар хайъатига асосан европалик аҳоли вақиллари кирди. Бу эса маҳаллий аҳоли ўртасида норочиликни келтириб чиқарди.

Ўлка мусулмон аҳолиси ҳаётида 1917 йил март-апрел ойларида сиёсий уйғонишда бурилиш даври бўлди. Ўлка аҳолиси ўзларининг "Шўрои Ислом" ташкилотини туздилар. 7-15 апрель кунлари Ишчи ва солдат депутатларининг Советларининг 1 Туркистон ўлка съезди бўлиб, унда ўлка ҳокимияти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди, бироқ ҳал қилинмади. Туркистон ўлкаси ижроия комитетлари 9-16 апрел съезди диққат марказида ҳам шу масала бўлиб, делегатлар бир қисми мухторият Туркистонга кейинроқ берилиши керак, деган фикр билан чиқдилар. Бошқа бир қисми эса мухторият миллий бўлмай, балки ҳудудий бўлиши керак деб ҳисоблар эдилар.

Федератив тузум мухолифлари ҳам якдил эмас эди: баъзилари синфий нуқтаи назарда туриб, "бутун дунё ишчиларининг манфаатлари бир ҳил, шунга кўра федератив тузумни жорий этиб, давлатни айрим бўлакларга ажратишнинг ҳожати йўқ", деб даъво қилсалар, бошқалари гўёки мусулмон аҳоли манфаатларини ёқлаб, аксинча "Россияда федератив республика жорий қилинадиган бўлса, улар мухторият асосида ўз-ўзини бошқаришга ҳали тайерланган эмас", дер эдилар. Бу фикрларнинг барчаси ўлкада яшаб турган кўп миллионли туб аҳолига бўлган ишончсизликдан, бу аҳоли манфаатларини инкор этишдан иборат эди.

Резолюцияда съезд миллий мухториятдан кўра ҳудудий мухториятни кўпроқ ёқлаб чиқди. Бу икки съезд ишининг диққат марказида турган масалалар урушга, муваққат ҳукуматга муносабат тўғрисидаги, Таъсис мажлисига тайёргарлик тўғрисидаги, Россия бошқарувининг келажакдаги

шакллари, ўлкани бошқариш, озиқ-овқат тўғрисидаги ва бошқа масалалардан иборат бўлди. Бу съездларда турли сиёсий кучларнинг аниқ бўлиб қолган ниятлари Туркистон миллий демократияси вақилларидан кўтаринки кайфиятни бир оз босиб қўйди ва юзага келган сиёсий вазият асл моҳиятини улар кўз ўнгида очиб берди. Ўлкани бошқариш хусусида жойнинг ўзида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш мақсадларида Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил апрелдаги қарори билан тайинланган Туркистон комитети аъзоларининг етиб келиши ҳам бунга сезиларли даражада таъсир ўтказди.

Туркистон Комитетининг дастлабки ҳайъатида 9 аъзодан 4 нафари: Букейхонов, М.Танишбоев, С.Н.Мақсудов ва А.Давлетшинлар турк миллатлари вақиллари эди. Бироқ уларнинг деярли ҳаммаси ҳам кучсиз сиёсатчи бўлиб, маҳаллий шароитни унчалик яхши билмас эдилар ва шу сабабдан ўлкадаги воқеалар ривожига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмадилар.

Муваққат ҳукумат Туркистон генерал-губернаторлигини Туркистон Комитетига алмаштириш билан, аслини айтганда, мустамлака ўлка бошқарувини моҳият эътибори билан аввалича қолдириб, унинг фақат ташқи номини ўзгартирди, холос. Ва бу нарса, шубҳасиз, сезилмасдан қолмади ва тез орада Туркистон Комитети билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ҳамда Советлар ўртасида қарама-қаршилик вужудга келишига сабаб бўлди.

Муваққат ҳукуматининг қилаётган хатти-ҳаракатлари мустамлака ҳарактерига эга эканлиги, маҳаллий аҳолига бошқарувни бериб қўйиш уларга ёқмаганлиги тобора аён бўлиб борди. Февраль инқилобидан сўнг Туркистонда "Шўрои Ислом", "Турон", "Шўрои Уламо" ташкилотлари бирлашиб, Туркистон ва Қозоғистонда умумий бўлган "Иттифоқи муслимин" деган сиёсий партиясини тузишга қарор қилинди. Туркистон мусулмонларининг биринчи партияси - Туркистон федералчилар партияси вужудга келди. Сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатларнинг қабул қилиниши Туркистондаги миллий ҳаракатнинг сиёсий жиҳатдан етукликка эришганлигидан далолат берар эди.

2-асосий савол:
Туркистонда вужудга келган ташкилотлар ва уларнинг сиёсий фаолияти.
МАҚСАД:
Февраль буржуа-демократик инқилоби таъсирида вужудга келган ташкилотлар, партияларга таъриф бериш, ташкил топган ташкилотлар тарихига ўқувчиларни қизиқтириш.
ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:
2.1.Туркистонда февраль буржуа-демократик инқилоби орқали вужудга келган ташкилотларни билади.
2.2. Ташкилотларнинг вужудга келиш тарихини шархлайди.
2.3. Туркистонда вужудга келган ташкилотларнинг мухториятга муносабатини таҳлил қилади.
2.4. Ташкилотларнинг сиёсий фаолиятига баҳо беради.

2-асосий савол БАЁНИ:

1917 йил 27 февралда Петроградда буржуа-демократик инқилоби ғалабаси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари ва ҳар хил тоифалар вақилларидан тузилган ижроия комитетлар ташкил этила бошланди. Тошкентнинг ҳамма даҳалари вақиллари тўпланиб, "Шўрои Ислом" ташкилотини туздилар.

14 мартда бўлиб ўтган йиғилишда Шўрои Исломнинг 15 кишидан иборат раёсати тузилди. Унинг ҳайъатига А.Фитрат, Мунаввар Қори, У.Хўжаев, ва бошқалар кирди. Қабул қилинган вақтинчалик Низомда "Шўрои Ислом"нинг асосий мақсадлари ва вазифалари қўйидагилардан иборат деб эълон қилинди: Туркистон мусулмонларини бирлаштиришга доир ишни авж олдириш, Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш, сиёсий ва ижтимоий масалалар юзасидан шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларда митинглар ўтказиб туриш, турли миллатларни бир-бирига яқинлаштириш ва бирлаштириш ва ҳк.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ошиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги шароитида Тошкентда 1917 йил 16 апрелда "Шўрои Исломия"нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чақирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг 1 қурултойи иш бошлади. Қурултой муваққат ҳукумат ва унинг дастурини тан олди ва Россияда Федератив демократик республика таъсис этиб, барча халқларга , жумладан Туркистон халқларига ҳам миллий мухторият бериш ғоясини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Қурултойнинг сўнгги мажлисида марказий раҳбар орган - Туркистон ўлка мусулмон Шўроси ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Ўлка мусулмон Шўросининг раиси ва раёсати М.Чўқаев (раис), А.З.Валидий, М.Беҳбудий, Мунаввар Қори, У.Хўжаев ва бошқалар сайланди. Шундай қилиб, Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам қўйилди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Мунаввар Қори бошчилигидаги "Шўрои Исломия"дан 1917 йил июн ойида асосан диний уламолардан ташкил топган "Шўрои Уламо" ажралиб чиқди.

1917 йилнинг езига келиб Туркистон комитетининг моҳияти ҳам анча аниқ билиниб қолди. Бу комитетнинг Туркистонда сиёсий мухторият жорий қилишнинг иложи йўқ деб эътироф этиши, унинг демократлигига бўлган ишончни йўқотди. Бироқ миллий демократия етакчилари Турккомитетни қўллаб-қувватлашда давом этдилар, чунки бу вақтга келиб Ўлка мусулмонлари Совети билан Ишчи ва солдат депутатлари советлари нуқтаи назарларининг бир-бири билан ҳеч сиғиша олмаслиги аник бўлиб қолган эди. Туркистон ишчи ва солдат депутатлари советлари тобора зўр бериб ҳокимиятни даъво қилиши, туб халқлар умуммиллий манфаатларини инкор этиши миллий демократияни Советлардан ўзоқлаштирди, улар ўртасида мухолифликни кучайтирди.

Шундай қилиб, миллий демократия ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисобланган, ўлкани бошқаришда туб халқларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ҳаракатда янги қирралар пайдо бўлди. Бу ҳаракат етакчиларининг муътадил либерал тактикаси, ўлкадаги миллий муаммоларни ҳал қилишда Муваққат ҳукуматни ён босишга ишонтириш йўли билан кўндиришга бўлган умидлар Туркистон жамиятидаги ҳақиқий воқеликка

тўғри келмай қолди. Шу вақтга келиб, ташкилий жиҳатдан расмийлашиб олган бу кучлар (Ўлка мусулмонлари Совети бошчилигидаги "Шўрои Ислом", "Шўрои Уламо", Мусулмон ишчи депутатлари Советлари) ҳокимиятнинг моҳияти муаммоларига, унинг мақсадларига ўз манфаатлари нуқтаи назаридан туриб ёндошдилар. Бу нарса 1917 йил ёзида шаҳар Думаларидаги ўринлар учун сайловлар олдидан авж олиб кетган курашда очиқ-ойдин намоён бўлди. Тошкент шаҳар Думасига сайловларда 14 рўйхат, жумладан Тошкентнинг туб аҳолисидан "Шўрои Уламо", бинокор мусулмон ишчилар иттифоқи, эски ҳамда янги шаҳардаги бирлашган мусулмон ташкилотларидан (улар асосан "Шўрои Ислом"дан иборат эди) 3 рўйхат ўртага қўйилди. Сайлов натижалари "Шўрои Уламо"нинг ғалаба қозонганини кўрсатди. "Уламо"нинг сайловлардаги ғабаласи Туркистоннинг оврупалик аҳолидан иборат демократик доиралари салбий муносабат билан кутиб олдилар.

Миллатлар ўртасида кучайиб келаётган қарама-қаршилик Туркистонни қайнаб турган қозондек қилиб қўйди. Ўлкада турли можаролар бўлиб ўтди. Очлик ҳамда озиқ-овқат молларининг қимматлиги туфайли айрим ишчи ва солдатларнинг ўзбошимчалик билан маҳаллий савдогарларни тинтиши ва молларини мусодара қилиш ҳоллари кўпайиб қолганлиги миллий жиҳатдан жиддий кескинлик ҳавфини туғдирар эди. Петроградда генерал Корниловнинг ҳарбий тўнтариш уюштириб, ҳукуматни ағдаришга ўрингани, большевикларнинг кескин хатти-ҳаракатлари уларнинг инқилоб ҳимоячилари сифатида ишчилар оммаси ўртасида обрўсини оширди. Уларнинг "Бутун ҳокимият Советларга" деган шиори мамлакат ҳудудида маъқулланди.

Тошкентдаги ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўртасидаги ушбу бўлинишдан усталик билан фойдаланишга ўринди. Сентябр воқеалари натижасида Тошкент Совети ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилди. 1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон Мусулмонларининг 2 қурултойи очилди. Ушбу қурултой ҳокимиятни солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советларига беришга қарши чиқди. Сентябр воқеалари жамиятдаги сиёсий қарама-қаршиликларни кескинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан миллий ҳаракатнинг кейинги йўлларини бир-биридан ажратиб юборди.

Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик ва қозоқ мусулмонларининг қурултойида "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" ва бошқаларни бириктириш йўли билан бутун Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган "Иттифоқи муслимин" деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди. "Уламочилар" қурултойдаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий федерация "Туркистон Федератив Республикаси" тузилиши ғояси олға сурилди. Феврал инқилобининг таъсири билан Туркистонда касаба уюшмалари оммавий равишда ташкил этилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади.

Сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистондаги миллий ҳаракатнинг сиёсий жиҳатдан етукликка эришганидан далолат берар эди. Бироқ миллий озодлик ҳаракатининг охирги

мақсадларини либерал-демократик ҳаракат раҳбарлари, қадимийчилар ва радикал-социалистик йўналиш етакчилари ҳар хил тушунишлари, шу кучларнинг бирлашувини қийинлаштирди ва пировард натижа ўлкадаги миллий озодлик ҳаракатининг келажакдаги тақдирини белгилаб қўйди.

3-асосий савол:
Туркистонда мустабид Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.
Ўқитувчи мақсади:
Туркистонда Октябр тўнтариши оқибатларини очиб бериш, Октябр тўнтаришидан сўнг ҳокимият учун курашни тушунтириб бериш, Халқ Комиссарлари Советининг тузилиши ва дастлабки фаолиятини шарҳлаб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:
3.1. Туркистонда Октябр тўнтаришидан кейинги ҳокимият учун бўлган курашни шарҳлаб беради
3.2. Большевиклар ва меньшевиклар ҳаракатларини тушунади
3.3. Мустақил давлат тузиш ҳуқуқининг амалда қандай оширилганлигини англаб етади
3.4. Октябр тўнтариши тўғрисидаги эски ва янги қарашларни қиеслайди.

БАЁН:

1917 йил кўзига келиб Туркистонда ижтимоий-сиёсий вазият кундан-кунга кескинлашиб борди. Очлик аҳоли турмуш даражасининг фожеали равишда пасайиб бориши кундалик ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати бўлиб қолди. Барча йўналишдаги мусулмон етакчилари таъсис мажлисининг тарафдорлари бўлиб қолавердилар. Улар мухториятга эришиш, ўз халқларининг бўлғуси тақдирини ҳал қилиш, шу жумладан мажлиснинг чақирилишига боғлиқ деб ҳисобладилар. Бироқ таъсис мажлисига номзодлар кўрсатишда жипслашиб, бирдамлик билан майдонга чиқишга улар муваффақ бўлмадилар.

1917 йил сентябр ойида большевиклашган Тошкент Совети солдатларни ва асли россиялик ишчиларни ўз томонига торта олган эди. Омманинг зўрайиб бораётган инқилобийлигини тўхтатиш юзасидан генерал Коровиченконинг баъзи ҳарбий қисмларини тарқатиб, Тошкентдан чиқариб юбориши тўғрисида Тошкент совети билан келишмасдан туриб берган буйруқларини бажаришдан бош тортдилар. Генералнинг ушбу хатти-ҳаракати инқилобий кескинликни янада кучайтирди. Октябр ойининг иккинчи ярмида шаҳарни митинг ва йиғилишлар тўлқини босиб кетди. Ишчлар ва солдатлар бутун ҳокимиятни Советларга беришни талаб қилдилар.

Петроградда қуролли қўзғолон ғалаба қозонгани ва Бутунроссия Советларининг II съезди ҳокимиятни Советларга бериши, халқ комиссарлари Совети тузилиши ҳамда ер ва тинчлик тўғрисида декрет қабул қилиш ҳақида қарор чиқаргани ҳақида 27 октябрда Туркистонда телеграмма олинди. Бу хабар Тошкентда воқеалар ривожини тезлаштирди. 27 октябрдан 28 октябрга ўтар кечаси солдат комитетлари саноат ишчилари иштироқи билан Тошкент советининг қўшма мажлисини ўтказади. 28 октябрь куни қуролли қўзғолон

бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қўзғолонга бошчилик қилиш учун инқилобий комитет тузилади.

Генерал Коровиченко большевикларга қўшилиш юзасидан қилинган ҳар қандай ўринишларни бутун чоралар билан босиш тўғрисида ўлканинг барча гарнизонларига буйруқ юборади. Юнкерлар, казаклар ва броневиклар Тошкент Советининг мажлиси бўлаётган Озодлик уйини ҳамда Ишчи ва солдат депутатлари Ўлка совети биносини ўраб оладилар. Коровиченко буйруғи билан 2-Сибир полки қуролсизлантирилди. 1-Сибир полкини қуролсизлантиришга ўриниб кўрилганди, аммо етиб келган темирйўлчилар бу ўринишни чипакка чиқарди. Тошкент ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинди. Тошкентдаги қуролли қўзғолон кунларида ишчи ва солдат депутатларининг Ашгобот, Кушка, Перов, Красноводск ва бошқа Советлари генерал Коровиченконинг ҳаракатларига қарши ўз норочиликларини билдирадилар ва Тошкент Советини қўллаб қувватлаб чиқадилар. Қўзғолон арафасида, деҳқон депутатлари советларининг II Туркистон ўлка съезди (20-26 октябр) Коровиченко ва унинг ёрдамчиларини эгаллаб турган лавозимларидан туширишни талаб қилди, лекин Таъсис мажлисига қадар советларга ўтишга қарши чиқди. Ишчи ва солдат депутатлари Туркистон ўлка Совети ҳам 28 октябрда худди шундай йўл тутганлигини билдирди.

Мусулмон депутатлари Ўлка Совети бирмунча қатъий мавқеини эгаллади. Ҳарбий комитет, ишчи ва солдат депутатлари Тошкент совети Ижроия комитети ва Ўлка советининг 31 октябрдаги бирлашган мажлисида ҳокимиятни тортиб олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Бош комиссар генерал Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети аъзоларини қамоққа олдилар ва шу куни Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилганлиги эълон қилинди. Қуролланган русийзабон ишчилар, асосан темирйўлчилар, Тошкент гарнизонининг солдатлари билан биргаликда бир гуруҳ маҳаллий бинокор ишчиларнинг хайрихоҳлиги билан давлат тўнтаришини ўтказдилар.

Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқатсиз кураш олиб борди. 1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг III ўлка съездида ҳокимият масаласи ҳал қилинди. Бунда 15 кишидан иборат Туркистон халқ комиссарлари Совети тузилди. У 8та сўл эсер ва 7та большевикдан иборат эди. Ҳукуматга маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вақил киритилмади. Шерали Лапин бошлиқ "Уламочи"лар, меньшевик ва сўл эсерларнинг ўлка Совети таркибига мусулмон вақилларини ҳам киритиш борасидаги таклифлари инобатга олинмади. Бу эса большевиклар тарафидан миллий масалада йўл қўйилган катта сиёсий хатолик бўлиб, бунда Совет раҳбарларининг шовинистик кайфиятлари очиқ намоён бўлди. Ҳукуматнинг бундай зиддиятли таркиби ўлкада европалик аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлади.

Россия Халқ Комиссарлари Совети 2 ноябрда "Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси" ва 20 ноябрда "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" мурожаатномасини эълон қилди. Дабдабали декларацияда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи расмий равишда

тан олинди: хаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи берилди; ҳамма ва ҳар қандай миллий, диний ва бошқа чеклашлар бекор қилинди.

Ушбу декларациялар қанчалик баландпарвоз ваъдалар бермасин, амалда қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Кўп ўтмай Туркистон ХКС "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо" ташкилотларини тарқатиб юборди. Кейинчалик бу ташкилотларнинг раҳбарлари "Туркистон мухторияти"га кириб, миллий мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатида қатнашди.

4-асосий савол:
"Туркистон мухторияти"нинг ташкил этилиши ва унинг тарихий аҳамияти.
Ўқитувчи мақсади:
Туркистон мухторияти ташкил этилиши мақсадларини очиб бериш, мухторият фаолиятини очиб бериш, мухториятни тор-мор келтириш учун қилинган ҳаракатларни кўрсатиш, Қўқон фожеаси оқибатларини тушунтириш, Туркистон мухторияти мустақиллик сари қадам бўлганлигини ўқувчилар онгига сингдириш.
ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАР:

4.1. Ўлкадаги совет мустамлакачилик сиёсатини асосли шарҳлайди
4.2. Туркистон мухторияти ташкил топишини очиб беради.
4.3.Туркистон мухторияти фаолиятини билади.
4.4. Туркистон мухторияти миллий мустақилликка интилиш эканлигини тушуниб етади.
4.5. Қўқон фожеаси оқибатларини билади.
4.6.Советлар ҳокимиятининг Туркистон мухториятига муносабатини аниқлайди.
2.7.Туркистон мухторияти тарихий аҳамиятига баҳо беради.

4-асосий савол БАЁНИ:

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европали қисми вақиллари ҳам тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар. Туркистонни бошқариш тузуми тўғрисидаги масала уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турди. Қурултойнинг барча вилоятлардан вақил бўлиб келган қарийб 200 га яқин қатнашчилари мухторият ва мустақиллик эълон қилиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

Қурултойда қабул қилинган қарорда "Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Россия таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди". 28 ноябрда таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, "Туркистон мухторияти" деб аталадиган бўлди. Бутунроссия Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар, ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон халқ (миллат) мажлиси қўлида бўлиши керак эди. Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан тузилган

Муваққат ҳукумат хайъати таркибига 8 киши сайланди, улардан 4 ўрин русийзабон аҳоли вақилларига ажратилди.

Қурултой жараёнида Туркистон Миллат мажлиси 54 кишидан иборат қилиб сайланди, шундан 2ғ3 қисми, яъни 36 нафари маҳаллий аҳолидан эди. Туркистон мухторияти ҳукумати қисқа фурсат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Фитрат мухторият эълон қилинган кунни "миллий лайлатулқадримиз" деб атади. Туркистон мухториятини барча демократик кучлар қизғин қувватлади.

Афсуски, ўлка большевиклари Туркистон мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Туркистон Советларининг IV съезди Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари деб ҳисоблади ва ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди. Туркистон ХКС мухторият ҳукуматни тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг "Дашнакцутюн" партияси аъзоларидан кенг фойдаланди.

1918 йилнинг 19 февралида Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукумати большевикларнинг қонли ҳужумлари натижасида ағдариб ташланди. Ҳукумат ағдарилгач ҳам Қўқон ва унинг атрофларидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш баттар авжига чиқди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10 минг киши ўлдирилди. "Улуғ Туркистон" газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, 20 феврал "Хўканд тарихининг энг даҳшатли куни бўлди". Эски шаҳардаги ҳамма магазинлар, савдо фирмалари, банклар ва озми-кўпми яхшироқ кўринган хусусий хонадонларнинг ҳаммаси таланган. Газетада ушбу мақола "Хўканд ҳозир ўликлар шаҳри", деб тугайди. Туркистон мухториятини ағдарилиши Ўрта Осиёни советлаштиришга кенг йўл очиб берди.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. 1917 йил февралдаги Россиядаги воқеаларни айтиб беринг.
2. Февраль демократик инқилоби нимани ўзида акс эттирди?
3. Туркистонда февраль демократик инқилоби амалга оширилдими?
4. Бўлиб ўтган тарихий воқеаларни кетма-кетликда жойлаштиринг.
5. Туркистон мухторияти масаласи қандай ҳал қилинди? (Конспект қилинг)
6. Февраль демократик инқилоби таъсирида Туркистонда қандай ташкилотлар вужудга келди?
7. "Шўрои Ислом" ташкилоти раёсат аъзоларини рўйхатини тузинг.
8. "Шўрои Уламо" қандай ташкилот эди?
9. Тарихий воқеаларни хронологик кетма-кетликда келтиринг.
10. "Шўрои ислом" ва "Шўрои Уламо" ташкилотлари сиёсий фаолиятини қиёсий таҳлил қилинг.
11. Бутунтуркистон мусулмонларининг 1 қурултойи қачон иш бошлаганини топинг.
12. "Шўрои Исломия" ташкилотига ким бошчилик қилганини топинг.
13. Туркистон халқ комиссарлари Совети қачон тузилган ва унга нечта маҳаллий вақиллар киритилганини кўрсатинг.

14. Октябрь тўнтаришига эски ва янги қарашларни қиёсланг.
15. Совет ҳокимиятининг миллий масаладаги шовинистик сиёсатини очиб беринг.
16. Туркистон халқлари "Мухтор Туркистон" тузилишини қандай кутиб олганини таърифлаб беринг.
17. Ўлка совет ҳукумати Туркистон мухториятига қандай муносабатда бўлганлигини кўрсатинг
18. Туркистон мухторияти фаолиятига баҳо беринг

А) ютуқлари

В) камчиликлари

Адабиётлар:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ - Т.,Шарқ, 1998.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.:Шарқ, 2000
3. Абдуллаев Р.М. Национальнўе политические организации в Туркестане в 1917-1918 гг. Автореф. дис…д-ра ист. н. - Т.,1998
4. Аъзамхужаев С. Туркистон мухторияти - Т.:Фан, 1996
5. Мустафо Чўқай. Истиқлол жаллодлари - Т, 1992
6. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йй) - Т.:Ўқитувчи, 1994
7. Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг хасрати тарихи - Т.:Фан, 1991
8. Аҳмад Закий Валидий Туғон. Бўлинганни бўри ер. - Т.: Адолат, 1997

Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига. - Т.:Фан, 1997.

2-савол: «Ибтидоий жамоа» тарихи фанининг тарихшунослиги ва манбалари

2-мавзу: Туркистон ўлкаси, Хива ва Бухородаги қуролли мухолифат.

Фанни ўқитиш технологияси:
« Туркистон ўлкаси, Хива ва Бухородаги қуролли мухолифат» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. 1917-1920 йилларда Бухоро ва Хивадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият
2. Хива хонлигининг ағдарилиши
3. Бухоро амирлигининг ағдарилиши
4. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг юзага келиши сабаблари ва унинг моҳияти.
5. Фарғона водийсидаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат.
6. Бухородаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва унинг моҳияти

7. Хивадаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва унинг моҳияти

Таянч иборалар:

Монархия тартиботи, мухолифат, руҳонийлар, манифест, ўзаро муносабат, Хива хонлиги ағдарилиши, Бухоро амирлигининг ағдарилиши. БХСР, ХХСР, Ёш хивалиулар, Ёш бухороликлар. Туркистон мухторияти, Қўқон фожеаси, мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли, қурултой, Ўт қўйилган ер тактикаси, қўрбоши.

1-асосий савол:

1917-1920 йилларда Бухоро ва Хивадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият.

МАҚСАД:

Ўрта Осиё хонликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни кўрсатиш, уларнинг советлар билан ўзаро муносабатларини очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Февраль инқилобидан кейин хонликлардаги вазиятни шархлайди.
1.2. 1917 йил 15 апрель Манифести моҳиятини очиб беради.
1.3. Хонликларнинг Советлар билан ўзаро муносабатларини изоҳлайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Ўрта Осиёдаги давлат бирлашмалари - Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ХХ аср бошларида, яъни иккинчи ўн йиллигида ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кескин ўзгаришига неча ўн йиллар давомида зимдан авж олиб бораётган жараёнлар, ташқи сиёсатга, ички сиёсатга тааллуқли янги тенденция ва ҳодисалар сабаб бўлди.

Бухоро ва Хива билан қўшни давлатлар - Россия ва Туркияда инқироз ҳал қилувчи ташқи сиёсий омил бўлиб қолди. Бухоро ва Хива жадидчилиги маданий-сиёсий, маърифий оқим тариқасида Туркистон жадидчилиги билан бир вақтда пайдо бўлиб, шу даврда сиёсий тус ола бошлади. Бироқ туркистонлик жадидлар ўз халқини Россия мустамлакачилигидан халос қилиш, мустақилликни қўлга киритишни мақсад деб билсалар, Бухоро ва хивалик жадидлар ўз давлатларининг ҳокими мутлақларини ўзларига асосий душман деб билдилар.

Хонликларнинг якка ҳокимлик тартиблари ҳали мустаҳкам эди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги подшо Россияси протекторати остида бўлсалар-да, расман мустақил давлат бўлиб қолаверган. Бухорода амир Саид Олимхон, Хивада Асфандиёрхон ва туркман уруғ бошлиқлари чекланмаган ҳокимиятга эга эдилар. Мусулмон руҳонийлари бу тартиб-идоранинг ишонган таянчи бўлди. Руҳонийлар олий ҳукмдор билан халқ ўртасида бир-бирини боғловчи халқа бўлиб ҳисобланар ва ҳукмдор ҳокимияти муқаддас деган ишончни қўллаб-қувватлаб борар эди. Ёш хиваликлар ва ёш бухороликлар ўзларига иттифоқчиларни ташқаридан - Россиядан ва Туркистон губернаторлигидан излашга мажбур эдилар.

Россиянинг Бухоро ва Хива устидан ярим асрлик протекторати бу ерда Россия таъсирининг зўрайиб бориши билан нишонланди. Россия билан ташқи савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши, Россия капиталининг кириб келишининг кенгайиши, темир йўлларнинг қурилиши бу ерда буржуа муносабатлари пайдо бўлиши учун туртки бўлди. Россия капиталистларининг қўлида жамланган завод ва фабрикалар банклар, савдо фирмаларининг пайдо бўлиши Россиянинг хом ашёга талабини қондириш билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бу ерга Россия фуқаролари - амалдорлари, саноатчилари, савдогарлари, ишчилари, аскарлари, христиан руҳонийлари ва бошқаларнинг кўчиб келишига олиб келди. Темир йўл ёқалари ва дарё пристанлари яқинида юзага келган рус қишлоқлари йирик шаҳарларга айланди.

1917 йил 5 апрель куни Хива хонлигида манифест эълон қилинди. Бу манифестга кўра хон ҳокимияти руҳонийлар ва буржуазия вақилларидан сайланадиган Мажлис, яъни парламент ва нозирлар кенгаши билан чекланар эди. Ҳукумат ва мажлисга ёш хиваликлар бошчилик қилдилар. 1917 йил 7 апрель куни Бухоро амири Саид Олимхон ислоҳотлар тўғрисида Россия резиденти Миллер томонидан тайёрлаган Манифестни имзолади. Бу Манифестда амир солиқлар тизимини тартибга солиш, бюджетни белгилаш, шаҳар бошқармасини таъсис этиш ва бошқаларни ваъда қилди. Бироқ руҳонийлар тазйиқи остида амир Манифест бекор қилинганини эълон қилди. Кейинроқ хиваликлар ҳам мағлубиятга учради. Асфандиёрхоннинг буйруғи билан ёш хиваликлардан 17 киши қамоққа олинди.

Шундай қилиб, хонликларда мутлақ монархияни қўллаб-қувватлайдиган кучлар бирлашиб, фаоллашиб борди.

Октябр тўнтариши ва Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан кейин хонликларнинг ички ва ташқи сиёсий аҳволи кескин ўзгарди. Хонликлар большевиклар ҳукуматини тан олишдан бош тортди, Афғонистон, Эрон, Англия билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва бўларни мустаҳкамлаш йўлида интилишлари уларнинг мақсадларини аниқ кўрсатди. Совет Туркистони билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар қарама-қарши тус олди. Иккала хонлик ўз қуролли кучларини жанговар салоҳиятини ошириш йўлига кирди.

Очлик, озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашуви, оғирлашган ҳарбий зулм хонликлар ички сиёсий ҳаётида беқарорликни юзага келтирди. Туркистон большевиклари раҳбарияти ҳарбий кучни намойиш қилиш билан Бухоро амирига қарши ҳарбий юриш бошлади. Туркистон ХКС раиси Д.Колесов 1918 й 28 февраль куни Янги Бухорога келди. Амирга қўйиладиган талаблар белгилаб олинди. Амир бу талабларни рад этгандан кейин Колесов Эски Бухорога бостириб кириш тўғрисида буйруқ берди. Бироқ амир лашкарининг ва халқнинг қаршилигига учраб, Колесов чекинишга мажбур бўлди. Қўшимча ҳарбий кучларнинг мадади Колесовни тор-мор бўлишдан сақлаб қолди. 1918 йил 25 март куни Қизилтепада амир сулх тузишга рози бўлди. Хива хонлиги билан ҳам 1919 йил 9 апрель куни Тахтада битим имзоланди.

1919 йилнинг ёзидан бошлаб Совет Туркистони билан Бухоро ва Хива ўртасида муносабатлар яна кескинлашди.

2-асосий савол: Хива хонлигининг ағдарилиши.
Мақсад:
1919 йил охирида Хивадаги воқеаларни ёритиш, Хива хонлигининг ағдарилиши сабабларини тушунтириш.
ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:
2.1. 1919 йил охиридаги Хивадаги воқеаларни шархлайди.
2.2. ХХР эълон қилинишини изоҳлайди.

2-асосий саволнинг баёни:

ТКП Ўлка комитети ва Туркистон МИК Хива хонлигидаги барча оппозиция кучларининг жипслашуви ва мустаҳкамланишига эришмоқчи бўлиб, Петро-Александровскдаги партия ва совет ходимларига ва Хива коммунистларига ёш бухороликлар ҳамда Жунаидхонга қарши кайфиятдаги туркман уруғ бошлиқлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва бўларнинг Жунаидга қарши курашларида уларга ҳар томонлама ёрдам беришни тавсия этди. 1919 йил ноябрида шу кучлар ўртасида иттифоқ тузилди. Жунаидхонга рақиблик қилаётган энг йирик туркман қабилаларининг бошлиқлари вақиллари Қўшмамедхон ва /уломалихонлар Тўрткулда тузилган Хива инқилобий марказида коммунистлар ва ёш бухороликлар билан бирга кирдилар. Бу марказ хонни ағдаришни мақсад қилиб қўйган эди.

Кейинги воқеалар ривожи Тошкент билан Москванинг қўли борлигини кўрсатди. ТКП Ўлка Мусулмонлари бюроси вақили Ҳасанов 4 ноябрда Хевада қўзғолон бошланди деган телеграмма юборади. Бунга жавобан 1919 йил 21 декабрь куни Туркистон республикаси Инқилобий Ҳарбий кенгаши вақили Скаловнинг Хива қўшинлари гуруҳини ва Туркфронт штаби томонидан юборилган янги ҳарбий қисмларни қайта ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқаради. У Амударё қўшинлари гуруҳи деган номни олади. 23 декабрда бу қўшинлар зиммасига Жунаидхоннинг зулмидан озод бўлишда Хива меҳнаткашларига ёрдам бериш вазифаси юкланди. Бироқ шимолий отряд Амударё бўлими ҳудудидаги қўзғалган казак отрядларини йўқ қилиб, 22 декабрдаёқ Хива хонлиги ҳудудига бостириб кирган эди. 29 декабрда Хўжайлини, 9 январда Кўҳна Ўрганч билан Омонқалъани, 14 январда Порсуни, 16 январда Илялини, 18 январда Тошовузни ишғол қилдилар. 19 январда Газободга яқинлашдилар. Жанубий отряднинг бўлинмалари ҳам Амударёдан ўтиб ҳужумни кенгайтира бошладилар.

Бу қўшинлар қисуви остида Жунаид Тахта томон чекинди, кейин эса саҳрога чиқиб кетди. 20 январь куни Тахта Қизил армия қўшинлари томонидан ишғол қилинди. 1 февралда эса қўшинлар Хива хонлиги пойтахти -Хивага кирдилар. 1920 йил 2 февралда Саид Абдулла тахтдан воз кечди ва бутун ҳокимиятни Муваққат инқилобий ҳукуматга топширди. 1920 йил 26 апрель куни Бутунхоразм 1 қурултойи Хоразм Халқ Совет Республикасини эълон қилди ва унинг Конституциясини қабул қилди. Қурултой Халқ Нозирлари Советини тузди, унинг раиси П.Юсупов, ўринбосари Ж.Султонмуродов ва туркман қабилаларининг бирини бошлиғи К.Сапиевлар сайланди. Шундай

қилиб, ёш хиваликлар ва туркман уруғ бошлиқларининг бир қисми совет қуролли кучларнинг ёрдамида ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

3-асосий савол: Бухоро амирлигининг ағдарилиши.
Мақсад: Бухоро амирлигининг ағдарилиши ва БХСР тузилишини ёритиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Бухородаги сиёсий вазиятга ва сиёсий кучларга баҳо беради
1.2. Бухоро амирлигининг ағдарилишини шарҳлайди
1.3. БХСР тузилишини очиб беради.

3-асосий саволнинг баёни:

Бухоро амирининг совет Россияси билан муносабатларни тўғрилашни истамагани, большевиклар тартиботини қабул қилмагани, урушга тайергарлик олиб боргани, советларга қарши барча кучларга паноҳ бергани, совет раҳбариятини ташвишлантириб, хавотирга солиб қўйди. Бухоро хонлигини Фрунзе "совет танасидаги жарохат", деган эди. 1920 йил августда Фрунзе Ленинга телеграмма юбориб, амирликни тез орада йўқ қилиш зарурлигини айтади. Москва тез жавоб беради. 1920 йил 10 августда РКП(б)МКнинг Сиёсий Бюроси Туркфронтнинг Инқилобий Ҳарбий Кенгаши учун Бухоро масаласи юзасидан директивалар қабул қилади. Уларда Бухоро ҳудудига қўшин қисмларига ҳужум бошлашдан эҳтиёт бўлиш керак деб, Туркфронт огоҳлантирилган эди. Турккомиссия, Туркфронт ва ТКП раҳбарияти директиваларни инқилобни ташқи кучлар билан ташкил этиш тўғрисидаги ўз фикрларини қувватлаш деб билдилар ва тайёргарликка киришдилар. Бу инқилобчи ёш бухороликлар ва Бухоро коммунистларининг истакларига мос тушар эди. Шунинг учун 3 августдаги йиғилишда Турккомиссия ёш бухороликлар ва коммунистлар билан осонгина иттифоқ тузишга эришди. Бухоро КПнинг Чоржўйдаги IV съезди 1920 йил 16 августидаёқ амир ҳокимиятини ағдариш тўғрисида қарор қабул қилди. Инқилобга амалий раҳбарлик қилиш учун В.Куйбишев, Ф.Хўжаев, Н.Хусаиновлардан иборат партия маркази тузилади. У 1920 йил 28 августда Янги Бухорога кўчиб келади. Эски Чоржўйда Бухоро коммунистлари кўнгилли отряднинг чиқишини ташкил этиб, буни меҳнаткаш оммани инқилобининг бошланиши деб эълон қилади ва Турккомиссиядан ёрдам сўрайди.

1920 йил 25 август куни Фрунзе Туркфронт қўшинларига "қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида" буйруқ берди. Қўшин Самарқанд, Каттақурғон, Қизилтепа, Когон, Чоржўй гуруҳларига бўлинди. Кучли бронепоездлар, авиаотрядлар ишга солинди. 28 августдан 29 август ўтар кечаси ҳаракатларни бошлаш буюрилди. Бу кучли қўшиннинг ишга туширилиши операциянинг оқибатини олдиндан белгилаб берди. Бухоро остонасида улар Бухоро қўшинларининг қаршилигига дуч келди. Фрунзе қўшимча мадад тўғрисида фронт штабига мурожаат қилди. Бухоро шафқатсиз ўққа тутилди.

Амир Саид Олимхон ўзининг "Бухоро халқи хасрати тарихи" асарида ёзганидек, " вайронагарчилик янада зўрайиб, одамларнинг яна халоқ бўлишига йўл қўймаслик" учун ўз қўшинлари билан Бухородан чиқиб кетди. 1920 йил 2 сентябрда Туркфронт қўшинлари ва бухороликларнинг кўнгилли қисмлари Бухорога кириб боришди.

1920 йил 14 сентябрда Абдуқодир Муҳиддинов бошчилигида Умумбухоро инқилоб комитети ва Халқ нозирлари совети тузилди, унинг раиси Ф.Хўжаев этиб тайинланди. Умумбухоро инқилоб комитети ва ҳукумат асосан коммунистлардан тузилган эди.

1920 йил 6-8 октябрь кунлари бўлиб ўтган халқ вақилларининг 1 умумбухоро қурултойи Бухорони ҳокимият ишчи ва деҳқонлар қўлида бўлган Халқ совет республикаси деб эълон қилди.

4-асосий савол: Туркистонда мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг юзага келиши сабаблари ва унинг моҳияти.

Ўқитувчи мақсади: Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат сабаблари ва моҳиятини очиб бериш, унинг ҳаракатлантирувчи кучларини таҳлил қилиш, ҳаракатнинг етакчилари ва ғоявий раҳнамолари билан ўқувчиларни таништириш,уларда миллий онгни шакллантириш, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат сабабларини тушунади.

Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат моҳиятига баҳо беради.

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатини чор мустамлакасига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракат билан қиёслайди

Мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ҳаракатлантирувчи кучларини билади.

Мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ғоявий раҳнамоларини билади.

Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат даврларини аниқлайди.

4-асосий савол БАЁНИ:

Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан тор-мор қилинса ҳам, у Фарғона водийсида мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди, унга миллий буёқ ва тус берди. Мухтор ҳукуматнинг тугатилиши мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтадики, чор Россиясининг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар энди большевиклар тузуми ва совет Россиясига қарши қуролли курашга отландилар. Демак, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча тузумга қарши мустабид

совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг бошланиши хронологик жиҳатдан 1918 йил феврал ойининг сўнгги ўн кунлигида деб белгилашимиз мумкин.

Ўлка партия ва совет раҳбарлари бу курашни бойлар, эшонлар аксилинқилобий ҳаракатининг шаклларидан бири деб билди. Фарғона водийсидаги жанговар ҳаракатлар Фарғона фронти деган расмий ном олди. Туркистонликларнинг отрядларида талайгина меҳнаткашлар, деҳқонлар, ҳунармандлар, камбағалларни инкор этиш имкониятига эга бўлмай, большевикча тарғибот уларни иштироқини бўлар сиёсий жиҳатдан етилмаган кишилардир ва эксплуататор синфлар шундан фойдаланиб, уларни ўз сафларига тортиб олмоқда, деб тушунтирди. Ўлкада Туркистон Мухтор ҳукуматини тор-мор келтиришдан сўнг, маҳаллий аҳолига қарши жазо компанияси авж олдирила бошлади. Халқлар орасида социалистик сиёсатни амалга ошириш борасида масжид ва мадрасалар епиб қўйилди, қозилар иш кўриши таъқиқланди, бозорлар епиб қўйилди, Туркистон туб халқларига қарши қаттиқ террор усули фойдаланиб, "ўт қўйилган ер тактикаси" деган ном олди.

1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустақил равишда 40дан ортиқ қўрбоши дасталари фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уездида, ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Паҳлавон, Қобул, Сотиболди Қози ва Раҳмонқул Наманган уездида, Парпи қўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Эшмат қўрбоши Қўқоннинг Бувайда қишлоғида, Умар Чоли Ўрганжи қишлоғида, Ойбола Найманча қишлоғида, Жонибек Қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новкатда ўз фаолиятларини бошладилар.

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган қуролли безорилик ёки босқинчилик ёхуд босмачилик ҳаракати эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ҳаракатининг ўзига хос миллий йўналиши ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатнинг бошдан охиригача бир устувор ғоя ётадики, бу бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги ғоясидир. мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туришига қарамай, унда иштирок этувчиларнинг таркиби алмашиб турганлиги ва иккиламчи манфаатлар кучлар мувозанатига салбий таъсир қилганига қарамай, ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллиги бўлиб қолаверди.

Совет ҳокимияти вақилларининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай уларнинг нафсониятига тегиши қуролли ҳаракатнинг доимий равишда авж олиши ҳамда унинг узлуксиз давом этишига олиб келди.

Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар эди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатига "асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар қатнашди". Фарғонадаги қуролли мухолифат куч ва сон жиҳатдан тиш тирноғигача қуролланган совет

қўшинларидан баъзан мағлубиятга учраб турса-да, эътиқод ва озодлик учун курашаётган мужоҳидлар водийдаги бутун аҳоли орасидан доимо мадад ва ёрдам олиб турардилар. Қизил армиянинг зўравонлиги ва босқинчилигига қарши фидокорона курашаётган истиқлолчилар сафига доимо янги курашчилар келиб қўшиларди.

Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг уюшган бир шаклда намоён бўлишида қўрбошилар кўрсатган ғайрат-шижоатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўз вақтида Фарғона водийсида Кичик ва Катта Эргашлар, Мадаминбек, Ислом Паҳлавон, Ёрмат Махсум, Холхўжа Эшон ва Муҳиддинбек, Самарқанд вилоятида Очилбек ва Баҳромбек, Бухоро Халқ Республикасида Саид Олимхон (собиқ амир), Иброҳимбек, Мулла Абдуқаххор, Анвар пошо, Салим Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Остон Қоровулбеги, Урмон Полвон, Хайит Амин, Фўзайл Махдум, Дониёлбек, Хоразм Халқ республикасида Жунаидхон, /уломалихон, Қўшмамедхон, Темир Алихон каби қўрбошилар бу ҳаракатни ягона кучга бирлаштириш учун раҳбарликни бирин-кетин ўз қўлларига олсаларда, лекин Фарғона водийси, Хоразм ва Бухородаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати бошдан охиригача ягона марказга тўлиқ уюша олмади. Туркистон фидойиларининг озодлик ҳаракатини ягона марказга бирлаштириш учун собитқадам ва изчил курашаетган Мадаминбек билан Анвар Пошонинг тақдирлари эса фожиали тугади.

Шуниси диққатга сазоворки, қўрбошилар ўз сафларида ҳарбий уюшқоқликни мустаҳкамлаш мақсадида мураккаб тузилмани ишлаб чиққан эдилар. Ҳаракатнинг бош қўмондонлари "Амир ал-муслимин", кейинроқ эса "Амир-лашкарбоши" деб номланади. Нуфузли қўрбошилар (одатда қўрбоши унвони генерал билан тенг бўлса, понсод полковник билан баробар эди) "лашкарбоши", "мингбоши", "тўқсабо",. "тўпчибоши" унвонларига сазовор бўлган бўлса, ўртача даражадаги сардорлар - понсод қўрбошилар эса "юзбоши", "мироҳур", "қоровулбеги" деб аталган.

Мустақиллик учун олиб борилган бу кураш моҳияти мустақил давлатчиликка эришиш йўлидаги Туркистон халқларининг совет ҳокимиятига қарши қўзғолони эди. Бу эса советлар таркибига кирган майда халқ вақилларининг ўз бошқарувига эга бўлиши кераклигини талаб қилиб чиқиши ва шу йўлдаги интилишлари эди.

5-асосий савол: Фарғона водийсидаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати ва унинг моҳияти.

Мақсад: Фарғона водийсидаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати жараёнини очиб бериш, унинг раҳбарлари ҳақида гапириб бериш, моҳиятини очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Фарғонадаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати даврларини билади.
2. Фарғонадаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати раҳбарлари фаолиятини кўрсатиб беради.

3. Фарғонадаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати хусусиятларини умумлаштиради.
4. Фарғонадаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати аҳамиятига баҳо беради.

5-асосий саволнинг баёни:

Дастлабки истиқлолчи гуруҳларнинг тузилиши Қўқон атрофидаги Бачкир қишлоғидан чиққан Кичик ва Катта Эргашларнинг номлари билан ўзвий боғлиқдир. 27 февралда бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш шаҳид бўлгач, унинг ўрнига Катта Мулла Эргаш қўрбоши Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши озодлик байроғини кўтарди. Совет ҳокимияти ва большевикларга қарши миллий истиқлол ҳаракатини ташкил қилишдек буюк ва шарафли вазифа энди унинг зиммасига тушди.

Миллий озодлик машъалини Скобелев уездида Марғилон милициясининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли (Мадаминбек) кўтарди. "Яккатут волости Гарбобо қишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшиларди", - деб езилади 1918 йилга оид архив ҳужжатларининг бирида. мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати сафига Мадаминбек сингари салохиятли саркардаларнинг келиб қўшилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Фарғона водийсидаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати 1919 йил ёзининг охири ва кўзида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги ислом қўшинлари сафига Жалолободда турган рус крестьянлар армиясининг қўшилиши водийда совет ҳокимиятини ағдариш учун реал куч эди. Сентябрнинг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллади. Қуршоб касабаси ёнидаги жангларда совет армияси қисмлари катта мағлубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекинди. 8 сентябрда бир ярим кеча-кундузлик жанглардан кейин Ўш шаҳри гарнизони таслим бўлди, қамоқхонада ётган махбуслар истиқлолчилар томонидан озод қилинди. Мадаминбек бошчилигидаги армия тантана билан шаҳарга кириб келди. Ўш шаҳрида 9 сентябрда бўлган митингда Мадаминбек нутқ сўзлади. Митингда қатнашганларнинг гувоҳлик беришича, Мадаминбек ўз нутқида мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг сиёсий моҳияти, истиқлолчиларнинг мақсадларини очиб берди.

Мадаминбек қўшинлари 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳрини эгалладилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар Андижонни қамал қилишга киришдилар. Афсуски, 1 ой давомида Фарғона водийсини ларзага келтирган Мадаминбек бошчилигидаги мусулмон қўшининнинг ҳужуми пировард натижада мағлубият билан тугади. 1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом овулида бўлган анжуманда Мадаминбек бошчилигида "Фарғона муваққат мухторият ҳукумати" тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб 24 киши киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бирга бош қўмондон қилиб ҳам тайинланди.

1919 йилнинг кеч кўзига келиб Мадаминбек қўл остида 30 мингга яқин йигит Қизил армияга қарши истиқлол жангларини олиб бордилар. Бу пайтда Шермуҳаммадбекда 20 000 йигит, Эргаш қўрбошида 8000 йигит бўлган. Айнан ана шу уч лашкарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларини йўналтириб турганлар.

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар ўзаро уйғунлашиб кетган эди. У Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг ҳақиқий маънодаги доҳийси, тан олинган йўлбошчиси эди. Мадаминбек водийдаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. Бундай бошқарув усулини яна Эргаш ва Шермуҳаммадбек қўрбошиларгина жорий этган эди.

Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати 1920 йилнинг ёзи ва кўзида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Кураш яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди. Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги ватанпарварлар билан бир қаторда эндиликда Хоразм ва Бухородаги фидойилар ҳам босқинчи Қизил армия жангчиларига қарши муқаддас курашга отландилар. Кураш байроғини водийда Мадаминбек ўрнига энди Шермуҳаммадбек кўтарди. 1920 йил 3 майдаги истиқлочлиларнинг навбатдаги Олтиариқда бўлиб ўтган қурултойида Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти ёки қисқача қилиб айтганда Туркистон муваққат ҳукумати тузилди. Бу қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва ислом қўшинларининг олий бош қўмондони қилиб сайланди. Шермуҳаммадбек кўтарган эрк ва истиқлолнинг яшил байроғи остида Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар тўпланди. Большевик маддоҳларидан бирининг эътирофича, "Мадаминбек қўрбошилар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шермуҳаммадбек шубҳасиз, энг хавфлиси эди".

Туркистон МИК раиси Иномжон Хидиралиевнинг сал кейинроқ ёзишича, "1920 йил сентябрда босмачиларнинг сони 70 000 кишига етди ва кучли вахима уйғотди". Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари ҳам етарли даражада мавжуд бўлиб, улар асосан жадид мунавварлари ва ислом уламолари эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилиш борасида жадидлар билан уламолар ўртасида ўзаро рақобат мавжуд эди. Наманганлик Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғли, Тошкентлик муфтий Садридинхон Махсум Шарифхўжа Қози ўғли, Туркистон МИКнинг собиқ аъзоси Тўрақул Жонўзоқов, асли бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидий Туғон ва бошқалар мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари эдилар. Ҳаракатга раҳбарлик қилган ислом уламолари орасида Яссавийлик ва Нақшбандийлик тариқатларининг пирлари кўп бўлган.

6-асосий савол: Бухородаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати ва унинг моҳияти.

Мақсад: Бухородаги миллий озодлик ҳаракатининг ривожланиб боришини кўрсатиш, ҳаракат раҳбарлари фаолиятини ёритиб бериш, ўқувчиларда миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Бухородаги миллий-озодлик ҳаракати даврларини билади.
2. Бухородаги миллий-озодлик ҳаракати тарихини шархлайди.
3. Ҳаракат раҳбарлари фаолиятини кўрсатиб беради.
4. Бухородаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати ривожланишини таҳлил қилади.
5. Бухородаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати хусусиятларига баҳо беради.

6-асосий саволнинг баёни:

1920-24 йилларда мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. БХРдаги ҳаракатнинг Туркистондаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан амирлик тузуми тарафдори бўлган мужоҳидлар жадидлардан иборат ёки Бухоро ҳукуматига ва, шунингдек, Қизил армия қўшинларига қарши кураш олиб бордилар (Иброҳимбек, Мулла Абдуқаххор ва б). Иккинчи томондан миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлар Файзулла Хўжаев бошлиқ БХР ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб кетилишини, БХРнинг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашадилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек ва б.).

Бухородаги бу ҳаракат туркиялик саркарда Анвар Пошонинг бу ерга келиши билан ўзининг юқори чўққисига кўтарилдики, 1921 йил қиши ва 1922 йил баҳор-ёзида бутун Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг маркази айнан Шарқий Бухорога кўчгани ҳам бежиз эмасдир.

Бухорода миллий-озодлик ҳаракати 1920 йил октябр ойи ўрталарида бошланган. Худди шу пайтда Бухоро амири кофирларга қарши ғазовот эълон қилган эди. 1920 йил декабрида амир ўз атрофига 15 мигдан ортиқ ватанпарварларни тўплаб улгўрган эди. Большевиклар бундан қўрқиб, Москва ва Тошкентга ҳарбий мадад бериш тўғрисида телеграммалар жўнатишди. Бухорога келган Қизил армия аскарлари ўртасида талончилик, зўравонлик авж олиб кетди.

Ҳар бир беклик, туман ва қишлоқларда мол-мулкини ҳимоя қилиш гуруҳлари тузилди. Масалан, 1921 йил ўрталарида Косонда Шариф Мироҳур 60 йигити билан, Каркида Қилич Мерган 300 йигити билан кураш олиб борган бўлса, Бухоро шаҳри атрофида Жўра Амин - 120, Ҳамро Полвон - 40, Мурод мешкоб -120, Согит Мансур - 70, Аъзамхўжа - 150, Тошмурдашўй- 60, Мулла Абдуқаххор -250, Урмон полвон - 50, Митон полвон - 40, Наим полвон- 40, Хушвақт ва Сирожхўжа - 120, Қилич Сардор -45, Қилич Очил Сардор -25 йигити билан, Самарқанд атрофида Саид Аҳмадхон- 150, Ахрорхон - 200, Саид Шариф -80, Тўрабеков - 70,Холбўта - 120, Оллоқул- 40 ва бошқалар ўз

йигитлари билан кураш олиб борган. Ватанпарварларнинг катта-кичик 50 дан ортиқ гуруҳлари бўлиб , уларда 6 мингдан ортиқ йигитлар мустақиллик ва озодлик учун кураш олиб борганлар. Қизил армия сафида эса 12 мингдан ортиқ аскар, пулемётлар, замбараклар, 1та бронепоезд, 10 аэроплан, халқ милицияси отряди бўлган. 1922 йилга келиб Бухоро ҳудудида Қизил армия аскарлари сони 40 мингдан ошиб кетди. Улар орасида бор-йўғи 400та бухоролик қизил аскарлар бор эди. Улар ватанпарварларга қарши қўйилди. Туркиянинг собиқ ҳарбий нозири генерал Анвар 1921 йил 2 октябрда Бухорога келади. Бу ерда Файзулла Хўжаев билан учрашиб, у билан суҳбатлашади. Мамлакатни айланиб чиқаётганда, ватанпарварлар сафига қўшилади. 1922 йил 15 апрелда Бухоро озодлик ҳаракатининг раҳбарлари Шарқий Бухорода тўпланиб, Анвар пошони ўзларига сиёсий раҳбар ва бош қўмондон қилиб сайлайдилар, шу пайтдан бошлаб миллий-озодлик ҳаракати уюшган тус олиб янада кенгаяди.

1922 йил 19 апрелда Русия Анвар пошога сулҳ таклиф қилади. Унга биноан Дарвоз, Қоратегин, Қулоб, Душанбе ва Ҳисор бекликлари Анвар пошога берилиши , бунинг эвазига у большевикларнинг Туркистондаги сиёсатига дахл қилмаслик сўралган эди. Лекин Анвар пошонинг орзуси бутун Туркистонни большевиклардан тозалаш эди. 1922 йил баҳорида Шарқий Бухорога Қизил армиянинг ўқчи ва отлиқ полклари, бронеотрядлар, артиллерия батареялари ва пулемётчилар роталари юборилди. Ўртада ўзоқ давом этган қонли жанглар бошланди. Большевиклар Анвар пошони бутун дунё мамлакатларининг душмани, халқаро империализмнинг агенти деб эълон қилиб, халқ ўртасида унга қарши ташвиқот олиб бордилар.

1922 йил август ойидаги оғир жангларнинг бирида Анвар пошо халоқ бўлади. Ватанпарварларнинг омон қолган кучларига Иброҳимбек бош бўлади. Қизил Армия ҳимоясиз аҳолини оммавий қирғин қилиш билан аламини олди.

Озиқ-овқат продразвёрсткаси аҳолининг аҳволини янада оғирлаштирди. Дон-дунлар тортиб олиниб, Русияга жўнатилди. Аҳоли ўртасида норочилик кундан-кунга ортиб борди. Бухоро ҳукумати раҳбарияти ўртасида келишмовчиликлар юз бериб, улар орасида бўлиниш юз берган.

1922 йил 25 майда Бутун Бухоро Шўролари МИКи ўз ихтиери билан ҳукуматга таслим бўлган ватанпарварларни кечириш ҳақида декрет чиқаради. Шу билан бирга аҳолига ён берилиб, тортиб олинган ерлари қайтарилади, қочилик судлари тикланади. Оддий меҳнаткашлар советлар ваъдаларига ишониб, қуролни ҳукуматга топшириб, курашни тўхтатадилар. Бироқ улар таслим бўлган бўлса ҳам, кўплари қамоққа олинади.

1923 йилда миллий-озодлик ҳаракатни батамом йўқ қилиш учун Русия катта ҳарбий куч ташлайди. Улар асосан Шарқий Бухорода Иброҳимбекка қарши ташланади. Бу кураш 1925 йил охиригача давом этади. 1925 йил сентябрда Иброҳимбек ўзининг омон қолган 5000 кишилик лашкари билан охирги жангга киради ва энгилади. Иброҳимбек Афғонистонга ўтиб кетади. Бу тенгсиз курашда ватанпарварларнинг йирик кучлари тор-мор этилган бўлса-да, кичик гуруҳлар курашни 30-йиллар ўрталаригача давом эттирадилар.

7-асосий савол: Хивадаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати ва унинг моҳияти

Мақсад: Хоразмдаги 1920-24 йилларда миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланиб боришини ёритиш, ўқувчиларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Хоразмда мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати тарихини билади.
2. Хоразмдаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати тарихини даврлаштиради
3. Хоразмдаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди
4. Хоразмдаги миллий-озодлик ҳаракатига баҳо беради.

7-асосий саволнинг баёни:

1920 йилда Хоразмда Совет Россиясидан андоза олиб ўзгартиришлар қилина бошланди. Бироқ бу ерда саноат пролетариати ва унинг партияси йўқ эди. Бу ерда асрлар мобайнида иқтисодиётнинг Осиё, Шарқ учун хос бўлган ижтимоий муносабатлар, маданият, ахлоқ шаклланиб келганди. Совет ҳокимияти Хива хонлигини ағдариб ташлагандан сўнг анъанавий ҳаётни, реал ҳолатни ҳисобга олмай, жадаллик билан янгича қура бошлади. Бўларнинг ҳаммаси халқнинг норочилигига сабаб бўлди ва бу ерда миллий-озодлик ҳаракати кенг қулоч ёйди.

ХХРда Қизил армияга қарши курашнинг тепасида Жунаидхон турган. У Хоразмда сиёсий ҳокимият учун кураш бошлаб, катта муваффақиятларга эришди. Қисқа муддатда Жунаидхон ўз қўшинини 20 минг кишига етказди. Ўзбек ҳунармандлари ва деҳқонларидан ташкил топган дасталарда Мадраимбой, Саъдулла бола, Шокир бола ва бошқалар раҳбарлик қилган. Жунаидхон бошчилигидаги мужоҳидлар ҳужумга ўтиб, 1920 йил ёзида Кўҳна Ўрганч, Хужайли, Илонли ва Тахтани қайта эгаллашди, қизил аскарларни асир олишди. Жунаидхон совет қўмондонлигига мактуб юбориб, қўшинлар Хоразмдан олиб чиқиб кетилмаса, асирларни отиб ташлашини билдирди.

Бу вақтда Хоразмда раҳбар доиралар ўртасида кураш кескинлашиб кетди. 1920 йил март ойиининг бошида Хоразмда вақфларни бутунлай тугатишга ва бошқа кескин ўзгаришларга қарши чиққани учун Полвонниёз Юсупов бошчилигидаги ҳукумат ағдарилди. 1920 йил охирларида совет ҳукумати Жунаидхонга таслим бўлишни таклиф қилдилар. Лекин у курашни давом эттирди. Қизил армия истиқлолчиларни йўқ қилишга киришди. Бу жангларга биринчи ўзбек ҳарбий бошлиғи, 1921 йилдан Хоразм республикаси Инқилобий Ҳарбий Кенгашининг раиси бўлган Миркомил Миршаропов бошқарди.

1921 йил баҳорида истиқлолчилар энгилиб, даштга қочишга мажбур бўлдилар. Туркманлар бошлиқларидан /уломалихон совет ҳукумати билан келишув олиб борди.

1923 йил кўзидан мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати кучая борди. РКП)б) Ўрта Осиё МК томонидан Хоразм истиқлолчиларига

қарши курашиш учун махсус комиссия тузилди. 1924 йил 2 январдаги йиғилишда комиссия Жунаидхонга қарши жанг операцияларини кенгайтиришни муҳокама қилди. Жунаидхон билан бирга Мадраимбой, Оғажон эшон, Матчонбек ва бошқалар ҳаракат қилдилар. Уларнинг умумий сони 10-12 мингга етди. Жунаидхон совет ҳукумати билан мўзоқаралар олиб борди ва ўз талабларини қўйди. Бироқ бу мўзоқаралар кутилган натижа бермади. 1924 йил январида истиқлолчилар фаол ҳаракатни бошлаб юбордилар. Хива атрофида қаттиқ жанглар бошланди. Жунаидхон Хива ва Ўрганчни қамал қилди. Советларга Қизил армиянинг янги ёрдамчи кучлари етказиб келинди. Кейинги жангларда яхши қуролланган, сон жиҳатдан ҳам устун бўлган Қизил армиянинг қўли баланд келди. 2 февралда Хива Қизил армия қўлига ўтиб, истиқлолчилар чекинди. 1924 йил баҳорида истиқлолчиларни тугатиш учун совет ҳукумати йирик операцияларни амалга оширди. Мағлубиятга учраган Жунаидхон чўлга яширинди.

1924 йилга келганда истиқлолчилар иқтисодий таназзул ва қашшоқлик, дахшатли очлик ва халқнинг оғир турмушини кўрмасликлари мумкин эмас эди. Тинимсиз давом этган 7 йиллик курашдан Туркистон халқлари ҳам, қўрбоши ва уларнинг йигитлари ҳам жуда толиққан эди. Шунинг учун қасоскорларнинг кўпчилиги 1924 йил давомида қаршиликни тўхтатдилар. Улар кейинги жанглар учун ҳам куч тўплашлари лозим эди. Шундай қилиб, Туркистон минтақасида 1918-1924 йилларда давом этган мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатининг биринчи даври якунланди.

Лекин ҳали олдинда курашнинг тўлиқ ўн йили турар эди. Ватанпарварлар яна 1935 йилгача озодлик байроғи ва мустақиллик яловини хилпиратиб, исломнинг яшил туғи остида босқинчи Қизил армия қўшинларига қарши ҳаёт-мамот курашини олиб бордилар. Демак, Туркистонда халқларнинг истиқлол жанглари қарийб 20 йил давомида асло тинмади. мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати фақат 1935 йилда бутунлай мағлубиятга учради.

Хулоса тариқасида, тарихчи Қ.Ражабовнинг даврлаштирилишини келтирамиз. Хоразмдаги миллий-озодлик ҳаракатни у уч даврга бўлади: 1) 1918 йил ўрталаридан то 1920 йил бошларигача; 2) 1920-1924 йилгача; 3) 1925-1935 йй.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. 1917 йилги февраль демократик инқилобидан кейин хонликлардаги аҳволни шархлаб беринг.
2. Ёш хиваликлар ва ёш бухороликлар мақсадларини очиб беринг.
3. Хонликлар Россияга ростдан ҳам қарам бўлганми?
4. Хонликларнинг совет ҳукуматига муносабатини тушунтиринг.
5. Хива хонлигининг ағдарилишида Москва ва Тошкентнинг қўли бор эди, деганда нимани тушунасиз?

6. Хива хонлигини ағдаришда қандай кучлар иштирок этган эди?
7. Бухоро амирлигининг ағдарилиши сабабларини тушунтиринг.
8. 1920 йил 14 сентябрда қайси органлар тузилди ва уларга ким раҳбар этиб тайинланди?
9. Бухоро ХСР эълон қилиниши тўғрисида сўзлаб беринг.
10. А.И.Зевелев мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатини хронологик чегараларини белгилаган йилларини аниқланг
11. Мустақиллик йилларидаги даврлаштириш бўйича мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракати биринчи даври иккинчи босқичини айтинг ва таърифланг
12. Совет давридаги мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатини даврлаштиришни таҳлил қилинг ва унинг хато-камчиликларини аниқлаб, конспект ёзинг
13. Совет даври ва мустақиллик йилларида мустабид совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатини даврлаштиришни қиёсий ўрганиш.
14. Воқейликларни кетма-кетликда жойлаштиринг.
15. 5.Қўрбошилар ҳаёти ва фаолиятига оид материалларни қиёсий таҳлил қилинг.
16. Бухородаги миллий озодлик ҳаракати раҳбарлари фаолияти тўғрисида мақолаларни танқидий конспект қилинг
17. Бухородаги миллий-озодлик ҳаракати даврларини қиёсий таҳлил қилинг
18. Хоразмдаги миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланиш борасидаги ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилинг.
19. Хоразмдаги миллий-озодлик ҳаракатини даврлаштириш масаласини ижодий таҳлил қилинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев Р.М. Национальнўе политические организации в Туркестане в 1917-1918 гг. Автореф. Дис…д-ра ист. н. - Т.,1998
1. Аъзамхужаев С. Туркистон мухторияти - Т.:Фан, 1996
2. Мустафо Чўқай. Истиқлол жаллодлари - Т, 1992
4. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йй) - Т.:Ўқитувчи, 1994
5.Зевелев А.И.,Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, суҳность, крах.-М.,1981
1. Папоров Ю. Саҳро қуёши чароғонми?ғгЕшлик, 1990,№5.
2. Ражабов Қ. Анвар Пошшо Туркистонда.ғг Саодат, 1992.№8.
3. Ражабов Қ. Бухоро қўрбошилари. Т. Фан ва турмуш. 1998. №6.
9. Туркистон бирлиги ва мустақиллиги учун кураш саҳифалари.-Т.,1995
10.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб- Т.,2000.

3-мавзу: Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши.

Фанни ўқитиш технологияси:
«Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши
2. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши
3. Советларнинг Ўзбекистонда юритган иқтисодий сиёсати ва унинг мустамлакачилик моҳияти. Янги иқтисодий сиёсат

Таянч иборалар:

Ягона Туркистон ғояси, советларнинг миллий сиёсати, Турккомиссия, Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши, миллий-давлат чегараланиши, Янги иқтисодий сиёсат.

1-асосий савол: Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши.

МАҚСАД:

Ўрта Осиё хонликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни кўрсатиш, уларнинг советлар билан ўзаро муносабатларини очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Февраль инқилобидан кейин хонликлардаги вазиятни шархлайди.
2. 1917 йил 15 апрель Манифести моҳиятини очиб беради.
3. Хонликларнинг Советлар билан ўзаро муносабатларини изоҳлайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Большевиклар партияси бош бўлган совет ҳокимияти Туркистон мустақиллиги учун курашган ватанпарвар, эрксевар истиқлолчилар ҳаракатини даф этишга муваффақ бўлгач, эндиликда бу ҳудудда узоққа мўлжалланган ўз маккорона режаларини амалга оширишга киришди. Шу мақсадни кўзлаб, у XX асрнинг 20-йиллари бошларидан бу заминда мусталакачиларга хос бўлган «орани буз, ҳокимлик қил» қабилидаги ўз миллий сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этиш йўлини тутди. Аслида советларнинг миллий сиёсати чоризмнинг кўп замонлар бу юртда юритиб келган шовинистик, улуғ давлатчилик сиёсатидан моҳият эътибори билан фарқ қилмасди. Фақат унинг шакли-шамойили ўзгарганди, холос.

Гап шундаки, чоризм ҳукмронлиги даврида чекка ўлкалар халқлари очиқ-ошкора тарзда камситилар, уларнинг инсоний қадр-қиммати, ор-номуси, аслий миллий қадриятлари таҳқирланар эди. Совет мутасаддилари эса ўзларининг ниқобланган сохта ишлари, ёлғон-яшиқ ваъдалари ва даъватлари билан мазлум миллат кишиларини лақиллатишга, ўз ҳукмларига бўйсундиришга, «ягона Туркистон учун» кураш ғоясини йўққа чиқаришга интилдилар.

Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари РСФСР тасарруфидаги Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари таркибига кирарди. Табиийки, советлар бу республикаларда зўр бериб ўз ҳукмронлик мавқеини кучайтириш ва мустаҳкамлашга интиларди. Хусусан, 1920 йилда большевиклар Россияси ва унинг бевосита ташаббуси ҳамда раҳнамолигида амалга оширилган «халқ инқилоблари»дан сўнг вужудга келган Хоразм, Бухоро Халқ Республикалари дарҳол советлар таъсирига олинган эди. Бу республикаларнинг кейинги қисқа даврлик тарихий тақдири ҳам большевиклар ҳокимиятининг тўлиқ ҳукмронлиги таъсирида кечди. 1923-24 йилларга келиб «социалистик ўзгаришлар»нинг чуқурлашиб бориши давомида эса улар Совет Социалистик Республикаларига айлантирилиб, инон-ихтиёрлари Москва тасарруфига ўтказилди. Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси ўлка халқларининг хоҳиш-иродасига зид ўлароқ ҳукмрон Марказ томонидан амалга оширилди.

Советларнинг миллий масала соҳасида Туркистонда амалга оширилган тадбирлари уларнинг йўлбошчилари эълон қлган миллий сиёсат қоидалари ва талабларига бутунлай зид келарди. «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси» ёҳуд «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига мурожаати» сингари ҳужжатларда совет ҳокимиятининг миллий масала бобидаги асосий вазифалари ифодалаб берилган эди. Жумладан, ўша Декларацияда: 1)Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги; 2)уларнинг то ажралиб мустақил давлат тузишгача бўлган ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши; 3)барча миллий ва миллий-диний имтиёз ва чеклашларни бекор қилиш; 4)Россия ҳудудида яшовчи кичик миллий ва этник гуруҳларнинг эркин ривожланиши таъкидланган эди. Амалда эса шовинистик сиёсат юритилди. «Эркинлик, озодлик» ҳақидаги шиорлар ва даъватлар пировардида пуч, сохта бўлиб чиқди.

Туркистон халқлари ўз миллий давлатчилигини тиклаш ва ривожлантиришга интилди. 1920 йил январида бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида Туркистон АССР МИҚ раиси Т.Рисқулов сўзг чиқиб, муштарак Туркистон ғоясини илгари суради, асосан туркий халқлардан иборат Туркистон Автоном Республикасини Турк Совет Республикаси, Туркистон Компартиясини Туркий халқлар Компартияси, деб ўзгартиришни таклиф қилади. Бу таклифлар конференцияда, шунингдек, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида, РКП(б) Марказқўми, унинг Сиёсий бюроси, совет ҳокимияти доираларида турли баҳсларга сабаб бўлади. Шу боис «Туркистон масаласи» бир неча бор Марказда, РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг 1920 йил март-июнь ойларидаги мажлисларида муҳокама қилинди. Марказда «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида», «Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида» деган ном остида бир неча қарорлар қабул қилиндики, улар ўлка ҳаёти устидан назоратни кучайтириш, совет ҳокимияти негизларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўлка халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз миллий давлатчилигини ўз хоҳишларича ҳуқуқий асосда ташкил қилиш борасидаги уринишларига барҳам берилди. Ўлканинг меҳнатсевар, жафокаш халқи, унинг битмас-туганмас бойликлари, табиий ва минерал ресурслари Марказ фойдасига

ишлаши, хизмат қилиши совет ҳокимиятининг бирдан-бир муддаоси эди. Ҳукмрон Марказ ташаббуси билан ташкил этилган Турккомиссия, Ўрта Осиё Бюроси, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши сингари нуфузли органларнинг ўлка ҳаётининг барча жабҳаларини ўз назоратига олиши, ўз изнларига бўйсиндириш борасида ҳаракат этиб келганлиги боиси ҳам мана шундадир.

Шу даврда Москва «раҳнамолиги»да янги мустамлакачилик сиёсати манфаатларини кўзлаб иттифоқ давлати – СССРнинг тузилиши ҳам Туркистон халқлари ҳаётига ўз асоратли таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Маълумки, большевиклар бошлиқ советлар ҳокимиятидан фарқли ўлароқ собиқ чор империяси ҳудудларини парчалаб юборишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Совет ҳукумати барча усул ва ғоявий таъсир воситаларини ишга солиб, мазлум миллатларни ягона бир қизил салтанат таркибига бирлаштириш, шу асосда қудратли иттифоқ давлатини барпо этишни ўз олдиларига бош мақсад қилиб қўйдилар.

1922 йил 26 декабрда Советларнинг Бутун Россия Х съезди совет республикаларини ягона совет давлатига бирлаштиришни зарур топди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. 1922 йил 30 декабрда Декларацияни тўрт республика делегациялари имзолайдилар ва шу куни Москвада Бутуниттифоқ Советларининг 1 съеди СССРни тузиш тўғрисидаги Декларация ва шартномасини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, октябрь тўнтаришидан 5 йил ўтгандан кейин 1922 йил 30 декабрда СССР тузилди. Унинг таъсисчилари РСФСР, БССР, УССР, ЗСФСР ҳукуматлари бўлдилар. Кейинчалик унинг таркиби кенгайиб борди. ХХ асрнинг 30-40 йиллари бошларига келиб бу иттифоқ давлати таркиби янги республикалар ҳисобига кенгайиб, у сон жиҳатидан 15 тага етказилди. Шундай қилиб ер юзи ҳудудининг 1/6 қисмини эгаллаган қудратли советлар салтанати вужудга келди.

РКП(б) МҚнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва Я. Э. Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди.

Т.Рисқулов бошчилигидаги Туркистон миллий коммунистларининг «Турк Совет Республикаси»ни ташкил этиш хусусидаги туркий халқларнинг бирлиги ғоясини уларнинг сўнгги таянчи бўлган Туркистон минтақасида уларнинг ўз давлат тузумини Ўрта Осиё давлатчилигининг тарихан қарор топган шаклларига, турмуш тарзига, ижтимоий аҳолига, ахлоқи, иқтисодий ва маънавий маданиятига мувофиқ тарзда барпо этиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга зўр бериб уринишдан иборат эди.

Россия раҳбарияти ўша вақтда миллий коммунистларнинг ўлка халқлари давлатчилигини туркийлар бирлиги принциплари асосида қуриш ҳақидаги даъволарини рад этиб, бундан кейин ҳам уларни бўлиб юбориш ва Россия

таркибида айрим автоном, миллий давлат тузилмалари ташкил этиш йўлидан бориш ниятини қатъий баён қилган эди.

Марказнинг юқори сиёсий раҳбарияти учун Туркистонни бўлиб юбориш уни ягона давлат тузилмаси сифатида йўқ қилиш ғояси устивор бўлиб қолди. 1920 йил 20 июнда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси мажлисида Туркистон масалалари юзасидан қабул қилинган тўртта қарор кейинчалик «РКП(б) нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида», деган умумий ном билан машҳур бўлиб, алоҳида бандида ТуркМИКга «Туркистоннинг маъмурий округларини унинг миллий таркибига мувофиқ қайта тақсимлашга киришиш» топширилган эди.

1920 йил сентябрда Советларнинг IX Умумтуркистон съезди ТАССР Конституциясини тасдиқлади, унинг лойиҳасини Турккомиссия тайёрлаган эди. Конституцияда айтилишича, «Туркистон унда яшовчи асосий халқларнинг, яъни: туркманлар, ўзбеклар, ва кирғизларнинг (қозоқларнинг) мухтор республикаси деб эътироф қилиниб, асосий миллий гуруҳлар, иқтисодий ва маиший уклади бўйича вилоятларга бўлинади ва РСФСРнинг Туркистон Автоном Республикаси деган ном билан аталади». Большевиклар Ўрта Осиёдаги халқларни миллий гуруҳларга ажратиш учун уларнинг этник жиҳатдан ўхшашларини бирлаштиришни лозим кўрди ва бу мақсадда тил воситасидан фойдаланди. Большевикларнинг бу соҳадаги фаолияти аниқ йўналишга эга бўлиб, туркий тилнинг айрим лаҳжаларини ислоҳ қилиш ва улар негизида ҳар бир миллий тузилма (ўзбек, туркман, қозоқ ва ҳоказо) мўлжалланган ўз миллий тилларини яратишдан иборат эди. 1922 йилдаёқ ўзбек тили ва грамматикаси бўйича биринчи ўлка съезди ўтказилди, у ўзбек тилини сунъий равишда «классик европача грамматика тизими»га келтиришга асос содди. Ана шу грамматик сўз ясовчи моделлар таъсирида сўз иборалари ва грамматик қурилишнинг янги шакллари вужудга келди, бу ҳол ўзбек тили лексикаси асосини ташкил этувчи умумтуркий лексиканинг муайян даражада ўзгаришига таъсир қилмай қолмади.

Айни вақтда «ягона туркий тил бўлмаганидек, ягона туркий маданият ҳам бўлмайди»,- деган шиор остида тил ислоҳоти ўтказилиши билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари маданий меросининг асосий тарғиботчилари бўлган ислом ва унинг ташкилотларига қарши компания авж олдириб юборилди. 1923 йил мартда ТКП VII съезди Туркистоннинг маҳаллий халқлари орасида динга қарши тарғиботни авж олдириш масаласини қўйди. Туркистон халқлари учун, шунингдек, бутун мусулмон олами учун фақат эътиқодгина эмас, балки уларнинг турмуш тарзи, маънавий маданияти бўлиб қолган исломга қарши ҳужум қилиниши аввало уларнинг умумий маданий меросини оёкости қилишга, онгига ва ўзлигини билишга путур етказишни мақсад қилиб қўйган эди.

Туркистон аҳолисини миллий белгиси бўйича гуруҳларга ажратишга қаратилган мафкуравий, сиёсий, тил-маданият ва бошқаларга доир бир қатор тадбирлар билан бирга 1920 йилдан эътиборан тажриба қилина бошланган туркман, ўзбек съездлари, конференция ва кенгашларини ўтказишга шак-шубҳасиз кенг ўрин ажратидди. Турккомиссия ташаббуси билан чақириладиган бундай съездлар, конференция ва кенгашлар одатда муайян миллий гуруҳнинг

мустақил ҳудудий-маъмурий бирлик бўлиб чиқишга «истак билдирганлиги»ни намойиш қилишдан иборат эди. Шундай йўл билан Туркистон ҳаритасида Туркманистон вилояти пайдо бўлди.

Туркистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи қозоқ ва қирғиз аҳолиси тўғрисидаги масалалар чўзилиб кетган мураккаб хусусият касб этди. 1920 йил 26 августда РСФСР БМИҚ ва ХККнинг «Қирғизистон (Қозоғистон) Автоном Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида»ги декрета муносабати билан Туркистон Республикаси таркибига кирувчи қозоқ ҳудудларининг «аҳолининг истак билдириши билан» янги тузилган республика ҳудудига қўшилиши тасдиқланди. Шунга биноан ТуркМИҚ 1920 йил октябрда Манғишлоқ уездини ва уезднинг икки волостини Қозоғистон Республикасига берди. Бошқа ҳудудларнинг (Сирдарё ва Еттисув вилоятлари) тақдири тўғрисидаги масала 1921—1922 йилларда ҳар иккала республиканинг раҳбар органлари, Туркистонда яшовчи қозоқлар съездлари даражасида узлуксиз, кўп марта муҳокама қилинди. Бироқ у йилларда бу масала ўз ечимини топмади.

Қирғизистон вилоятининг ташкил топиши лойиҳаси теварагида ҳам кўпгина тортишувлар бўлди. Бу вилоятни таъсис этиш юзасидан 1922 йилда ўтказилган «буржуа-миллатчилик тамойилларига эга бўлган дабдабали ҳарактердаги» съездга асосланиб, туркистонлик раҳбар органлар вилоятнинг ташкил топиши учун ҳали шарт-шароитлар етилмаган деб топдилар ва бу масалани ҳам кечиктиришга қарор қилдилар.

Туркистоннинг маъмурий округларга қайта тақсимланиши борасидаги амалга оширилган тадбирлар унинг миллий таркиби туфайли исёнчилик ҳаракатида алоҳида акс-садо берди. Туркистоннинг партия раҳбарияти 1920 йил кўзига келиб Фарғона водийсида исёнчилик ҳаракатининг айниқса кескин тус олганлигини қайд қилиб, унинг асосий сабабларидан бири «Туркистон маҳаллий халқларининг миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида»ги масаланинг қўйилиши эканлигини эътироф қилишга мажбур бўлди.[1] Ана шу йилларда, яъни 1920 йил кузидан 1923 йилга қадар бу ҳаракат ўзига жалб қилинган иштирокчилар кўлами бўйича ҳам, курашнинг шиддатли тус олганлиги бўйича ҳам алоҳида миқёс касб этди. У Фарғона водийсидан кейин Самарқанд вилоятини қамраб олди. Бухоро ва Хоразм республикаларига ҳам ёйилди.

Хоразм ва Бухоро халқ республикаларининг мустақиллиги бу давр охирига келиб ниҳоятда хаёлий хусусиятга эга эди. Ҳақиқатда улар мустақилликни қўлдан бой берган эдилар. Учта республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг тузилиши, Хоразм ва Бухоро коммунистик партияларининг РКП(б) таркибига кириши ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Россия билан Бухоро ва Хоразм республикалари ўртасида янги иқтисодий битимларнинг тузилиши, пул муомаласининг бирхиллашуви (унга Россия червонининг асос қилиб олиниши) натижасида, бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш бутунлай Москва ихтиёрига ўтди.

[1] Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документў и материалў. Т.Н. — Алма-Ата, 1964. С. 680.

Мустақиллик секин-аста йўқолиши билан унинг учун кураш олиб бориш янада кескинлашди ва умумхалқ хусусиятини касб этди. Бу кураш қатнашчилари минтақадаги барча халқларнинг, барча ижтимоий қатламларнинг вақилларидан иборат эди. Янги ижтимоий-сиёсий тузумнинг ана шу ялпи хужуми шароитида Ўрта Осиё халқлари онгида ўзликни, маънавиятни ҳимоя қилиш билан, қадимий миллий давлатчиликни сақлаб колиш ва уни мустаҳкамлаш ҳаракати узвий ҳолда мужассамлашиб кетган эди.

Ўрта Осиё давлатларининг ҳар бири ўзига хос ноёб, асрлар давомида қарор топган миллий тузилмалар бўлиб, уларда халқларнинг тарқоқ ҳолда (ора-сира) жойлашганлиги уларнинг умумий жамият бўлиб шаклланишида ўз изини қолдирган, улар тараққиётида иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий турмуш соҳаларида ва ўзаро муносабатларда анъанавий ўзига хослик ҳамиша сақланиб қолган. Ана шу ўзига хослик Ўрта Осиё халқларини 20-йилларнинг биринчи ярмидаги озодлик ҳаракатида бирлаштирувчи омил сифатида зўр куч билан намоён бўлди. Бу вақтда «Туркистон — туркистонлик халқлар Ватани. Ватан чегараларидан душманни қувиб чиқарамиз!» деган шиорлар остида барча Ўрта Осиёлик халқларнинг вақиллари ўз Ватани мустақиллиги учун бир сафда туриб кураш олиб бордилар.

Шу тариқа, РСФСР таркибига кирган Туркистон Автоном Республикасини янгитдан чегаралаш ҳақидаги большевиклар ғояси 20-йилларнинг ўрталарига келиб, анча кенг миқёс касб этган вазифага — чегараланишга фақат Туркистон Республикасигина эмас, балки Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг ҳам тортилиши масаласига айланиб кетди. Бу вақтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳуқуқий жиҳатдан ҳали мустақил суверен давлатлар ҳисобланарди. Ўрта Осиёнинг миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. Чунки бу вақтга келиб Марказнинг партия раҳбариятида чегаралаш масаласи аниқ ифодаланган асосий мақсадга айланиб қолган эди.

2-асосий савол: Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши.

МАҚСАД:

Ўрта Осиё хонликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни кўрсатиш, уларнинг советлар билан ўзаро муносабатларини очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Февраль инқилобидан кейин хонликлардаги вазиятни шархлайди.
2. 1917 йил 15 апрель Манифести моҳиятини очиб беради.
3. Хонликларнинг Советлар билан ўзаро муносабатларини изоҳлайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Маълумки, чоризм Ўрта осиёни забт этиб, бу ерда тарихан шаклланган ҳудудлар бирлигини бузиб, Туркистонни турли ўлка ва вилоятларга парчалаб ташлаган эди. РСФСР ҳукумати ва РКП(б) М_ эса Ўрта Осиёда миллий давлат

чегараланиши ўтказиш йўли блан ўлкани қайтадан бўлишни ва «мустақил миллий республикалар» ташкил қилишни режалаштирди[1].

Шу мақсадда 1924 йил 28 апрелда РКП(б) МҚ Ўрта осиё бюроси миллий чегараланиш масалаларини ўрганиш мақсадида комплекс комиссия ташкл этади. Ана шу комиссия тайёрлаган хулосаларга асосланиб, РКП(б) МҚ 12 июнда Ўрта осиё республикаларида миллий давлат чегараланиши ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорга биноан барча республикаларда тайёргарлик ишлари жадаллаштирилиб юборилди.

Аммо Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказиш осон иш эмас эди. Миллий республикалар давлат чегараларини аниқлаш жуда мураккаб иш эди, чунки ўтмишда миллатлар аралашиб яшаб келганлари туфайл анқ чегаранинг ўзи йўқ эди.

Бундан ташқари республика аҳолиси, унинг раҳбарияти бу сиёсатни маъқулламади. Яна Ўрта Осиёдаги учала республика партия-совет раҳбарлари ўртасида ҳам бу масалада ҳар хил фикрлар ва қарашлар мавжуд эди. Жумладан, Хоразм Компартияси масул котиби Қаландар Одинаев, МҚ аъзоси Маткарим Абдусаломов ва Республиканинг бошқа раҳбар ходимлари мллий давлат чегараланиши ўтказиш масаласига ошкора равишда қарши чиқдилар. Улар Хоразм ССРнинг ўзига хос табиий жуғрофик ва миллий маданий хусусиятларини ҳисобга олиб Федератив Республика сифатида умум Иттифоқ таркибига қўшилишни таклиф этдилар. Улар ана шу масала юзасдан юқори ташкилотларга бир неча марта таклифлар билан мурожаат қилдилар.

1924 йил 8 майда Хоразм компартияси Марказий қўмитаси масъул котиби Қ.Одинаев ХССРда миллий давлат чегараланишини ўтказмаслик тўғрисида СССР ҳукумати номига ҳам хат йўллаган эди. Ушбу хатда ХССРнинг Москвадаги мухтор элчиси, дохилия нозири М.Абдусаломов, ХССРнинг Тошкентдаги бош консули Ёқубов ва ХССР Госпланининг раиси Шулимов ҳам имзо чеккан эдилар.

Мактубда олис Хоразм республикаси иқтисодий жиҳатдан мустақилдир ва шу сабабли ўзбек, туркман, қорақалпоқ қисмлари бўлган ҳолда уларни тегишли миллий республикаларга бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди ва ҳатто Туркистоннинг Амударё вилоятини Хоразмга қўшиб бериш тўғрисидаги масала ўртага қўйилади.

Шунингдек, 1924 йил 2 июнда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг раиси Я.Э.Рудзутак номига телеграмма юборилиб, унда ХКП МҚ масъул котиби Қ.Одинаев Хоразмни Федератив республика сифатида сақлаб қолдирилишини лтимос қилди. Ушбу телеграммага ХССРга ёрдам бериш учун РСФСРдан юборилган махсус комиссия раҳбари Г.И.Бройдо, М.Абдусаломов, ЭКОСО раиси Ўроз Ирманов, ГПУ раиси Карим Болтаев ва Ёқубовлар имзо чеккан эдилар.

Аммо бу таклифлар ҳам РКП(б) МҚ нинг Ўрта Осиё бюроси томонидан қуввталанмади. Миллий давлат чегараланиши ХССР фойдасига ҳал бўлмади. 1924 йил 12 июнда РКП(б) МҚ Сиёсий Бюроси Туркистон, Бухоро, Хоразм

[1] Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Компартии – Т.:Узбекистан, 1975. С.305.

республикаларидаги туркманлар яшайдиган ерларни қўшиб, Туркманистон республикасини ташкил қилишга, Бухоро ва Туркманистон Республикаларидаги ўзбеклар яшайдиган ерларни қўшиб, Ўзбекистон Республикасини ташкил қилишга, Хоразм республикасини эса туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларни қўшмаган ҳолда алоҳида республика сифатида қолдиришга қарор қилади. Лекин марказ миллий чегаралашга қарши бўлган раҳбарларни ўзига итоат қиладиган раҳбарлар билан алмаштириб, ўз режаларини амалга ошириш сиёсатини тутди.

1924 йил 15 июнда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси қарорига биноан Хоразм компартиясининг Марказий қўмитаси масъул котиби Қ.Одинаев Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига олинди ва унинг ўрнига Москвадаги Шарқ халқлари Коммунистик университетини битказиб келган Исоқ Хонсуворов қўйилди. Аммо миллий давлат чегараланиши тўғрисидаги К.Одинаев томонидан олдинга сурилган масала шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Хоразм Коммунистик партияси Марказий қўмитаси ижроия бюроси 1924 йил 9 июлида бўлиб ўтган мажлисида худди шу масалада РКП(б)МҚ га махсус мактуб тайёрлаган эди[1].

Шундай қилиб, ХССРнинг раҳбарлари Қ.Одинаев, М.Абдусаломов, Ў.Ирманов, К.Болтаев, Шулимов, Ёқубов ҳамда уларни қўллаб-қувватлаган Г.И. Бройдо ва бошқалар Хоразм Республикасини ягона миллий ва ижтимоий бирлик сифатида сақлаб қолиш учун астойдил кураш олиб бордилар. Айни вақтда Хоразм республикасининг хукумат таркиби ҳам юқоридан берилган буйруққа биноан янги раҳбарлар билан алмаштирилди. Жумладан, ХССР МИҚ Президиуми раиси Султонқори Жуманиёзов ўрнига туркман зиёлиларидан адлия нозири вазифасини бажараётган Нодирбой Айтаков тайинланди. Нозирлар Шўроси раиси Бекчон Назаров ўрнига РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси томонидан юборилган ва шу даврда ХССР савдо нозири вазифасида ишлаган Саъдулла Турсунхўжаев тайинланади. ХССР МИҚ котиби вазифасига эса қорақалпоқ зиёлилардан чиққан Минглихўжа Ибниаминов тайинланган эди[2].

РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюросининг қарорига асосланиб,Ўрта Осиё Бюроси 1924 йил 15 июлдан махсус тезислар қабул қилинди. Бу тезислардан Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш тайёрлаш ва уни 1924 йил октябрда ўтказиш вазифаси қўйилган эди.

Ўрта Осиёда миллий чегараланишни таёрлаш ишлари ҳалқ орасида оммавий-тарғибот ва тушунтириш ишларини кенг кўламда авж олдиришни ҳамда бир қатор ташкилий-хўжалик тадбирларни амалга оширишни талаб қилар эди. Ана шу мақсадда мазкур республикалар ва вилоятлар вақилларидан (15 кишилик) Марказий ҳудудий комиссия тузилди. Комиссия таркибига Ўрта Осиёнинг партия-совет раҳбарларидан Н.Айтаков, К.Отабоев, И.Варейкис, Р.Исломов, Д.И.Манжара, И.И.Межлаук,Ф.Хўжаев ва бошқалар киритилди.

Марказий ҳудудий комиссия қошида Ўрта Осиё Республикаларини чегаралаш юзасидан ўзбек, туркман, қирғиз ва қозоқ мувваҳат миллий комиссиялари ва яна тожик ва қорақалпоқ бўйича кичик комиссиялар ташкил этилди. Бу комиссияларга янги ташкил этилаётган республикаларнинг

[1] Инқилоб қуёши. 1924. 3 сентябр.
[2] Хоразм тарихи. 2 қисм. Урганч, 1997. 56-б

чегараларини аниқлаш, зарур шартномалар ва декларацияларини тайёрлаш, давлат бошқармаларини ташкил этиш ҳамда ана шу республикаларининг давлат бюджетларини ва ҳалқ хўжалик режаларини ишлаб чиқиш вазифалари топширилди. Амалда бу ишларни маъмурий, ҳуқуқ, ер, иқтисод, бюджет, маориф ва солиқни сақлаш бўйича тузилган кичик комиссиялар амалга оширдилар.

1924 йил 26 июлда Хоразм Комунистик партияси Марказий Қўмитаси ижроия бюроси, миллий давлат чегараланиши масаласини қайта кўриб чиқди ва К.Одинаев ва унинг шериклари фикрини хато деб топди[1]. ХССРда Миллий давлат чегараланишини тўлиқ ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

1924 йил 5 августда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё Бюроси Хоразм коммунистик партияси Марказий қўмитасининг янги таклифини қўллаб, РКП (б) МҚга ушбу масалани қайта кўриб чиқишни таклиф қилди. 1924 йил 18 сентябрда РКП (б) МҚ сиёсий бюроси Хоразм Комунистик партияси МҚнинг таклифини қўллади ва ХССРни ҳам Ўрта Осиёда ўтказиладиган миллий давлат чегараланишига қўшишни маъқуллади[2].

1924 йил 29 сентябрдан 2 октябргача бўлиб ўтган Бутун Хоразм Советларининг V қурултойида Миллий давлат чегараланиш масаласи бўйича РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раиси А.Ударовнинг нутқи тингланди. У ўз нутқида Хоразмда инқилобий ҳаракат тарихи ва Ўрта Осиёда ўтказиладиган миллий давлат чегараланишининг аҳамияти тўғрисида тўхталди.

Қурултой ХССРни тугатиш ва мазкур ҳудудда яшаётган ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпоқларни шу миллатлар номи билан аталадиган миллий республикаларга ва мухтор вилоятга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хоразм ССР Марказий Ижроия қўмитаси ўзининг 1924 йил 22 ноябрдаги мажлисда Бутунхоразм Советларнинг V қурултойи қарорини маъқуллади ва тубандаги қарорни қабул қилишди:

1.Кўпчилик аҳолиси Қорақалпоқлардан иборат бўлган Хўжайли вилояти янги ташкил этилган қорақалпоқ мухтор вилоят ихтиёрига берилади;

2.Кўпчилик аҳолиси Туркманлардан иборат бўлган ХССР нинг Туркман вилояти /Дорғон-ота ва Садвар районлари билан бирга/ Туркманистон ССРга берилади:

3.ХССРнинг ўзбеклар жойлашган бошқа худудлари (ҳозирги Хоразм вилояти) янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилади[1].

1924 йил 27 октябрда очилган СССР МИҚнинг II сессиясида Туркистон Республикаси МИҚ ҳамда Бутунхоразм ва Бутунбухоро Советлари қуролтойларининг миллий чегараланиши ва янги Совет социалистик республикалари ва мухтор вилоятлар тузиш тўғрисидаги илтимосини маъқуллади ҳамда Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССРни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

---

[1] Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Компартии.- Т.:Узбекистан, 1975. С.312

[2] История Хорезмской Народной советской республики /Сборник документов.- Т., 1976. 348-б.

[1] Бюллетень ЦСУ Узбекистана. 1975. 1-сон.43-б.

Хоразм ССР Марказий қўмитасининг 1924 йил 22 ноябрида бўлиб ўтган V пленуми қарорига биноан Хоразм Ўзбекистон ССР таркибига қўшилди.

1924 йил ноябрь ойи охирига келиб, Хоразм ҳукумати ўз фаолиятини тўхтатди. Шундан сўнг ХССРнинг сўнгги 17-40 протоколи қарорига биноан Хоразм вилояти инқилобий қўмитаси ташкил қилинди ва унга Республика қурултойигача барча давлат ишларига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилади. Вилоят инқилобий қўмитаси раиси қилиб Карим Болтаев тайинланди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши натижасида ХССРнинг тугатилиши ва унинг аксар ҳудудларининг Ўзбекистон ССР таркибига қўшилиши рўй берди. Айрим ҳудудлар Туркманистонга ўтди.

Хоразм Республикаси кўп миллатли давлат эди. Инқилоб арафасида ўтказилган статистик маълумотларга қараганда, ХХСР ҳудудида 640 мингдан ортиқ аҳоли яшаб, шундан ўзбеклар 391 минг кишини (60 фоизи), туркманлар 184,2 минг кишини(13 фоизи), қирғизлар 2,2 минг кишини ташкил этган. Яна Хоразмда 8 мингга яқиш европалик ва бошқа миллат вақиллари яшаган[1]. Миллатлар орасида хонлик давридан мерос бўлиб қолган уруғ-қабилачилик муносабатлари, миллий низолар ва гуруҳбозлик сарқитлари узоқ сақланиб, Хоразмда ўтказилаётган демократик ўзгаришларга тўсқинлик қилиб келмоқда эди. Республика ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларни тенг ҳуқуқли қилиш улар ўртасида миллий низо ва адоватларни бартараф этиш, дўстлик ва биродарликни қарор топтириш биринчи даражали масалага айланди. Бу масала 1920 йил 30 апрелида бутун Хоразм меҳнаткашларининг қурултойида қабул қилинган биринчи Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топди. Бу ҳужжатга мувофиқ Хоразмдаги барча миллатлар тенг ҳуқуқли деб эълон қилинди. Улар ўз вақиллари орқали ҳукуматни бошқаришда бевосита қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Миллий низоларнинг асосий сабабчиси бўлиб укелган ер ва сувдан фойдаланишда маълум тартиб ўрнатилди.

Ўзбеклар қатори қозоқ, қорақалпоқ ва қрғизлар ҳам ўлкада ирригация қурилишларида баб-баравар қатнашадиган бўлдилар. Бутун Хоразм Советларининг II Қурултойи (19121 йил) қарорига биноан республикада миллатлар ишлари бўйича махсус бўлим ташкил этилди. Бу бўлим туркман, қорақалпоқ ва қозоқлар ўртасида сиёсий-ташкилий ва маданий ишлар билан шуғулланди.

Бутунхоразм Советларининг III қурултойида (1922 йил) қабул қилинган янги Конституцияда ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилд, унда республиканинг барча фуқаролари қайси миллатга, уруғ, қабила ва ирққа мансублигидан қатъий назар тенг ҳуқуқлидирлар, миллий чеклаш ва камситишлар ёҳуд бирор миллатнинг ортиқча имтиёзга эга бўлиши қонунга хилофдир, деб қайд этилади.

Конституциянинг 60-моддасида республика ҳудудидаги миллатларга аҳолининг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, миллий вилоятларга бирлашиш

[1] Хоразм тарихи. 2 жилд. – Урганч,1997. 53-б.; Ташенов К.Т. Национально-государственное размежевание в Средней Азии и Казахстане.- Алма-Ата, 1960. С.20; Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Компартии – Т.:Узбекистан, 1975. С.305.

ҳуқуқи берилади, деб кўрсатилади. Бошқача айтганда, янг Конституция Хоразмнинг туркман, қозоқ ва қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларида алоҳида мухтор вилоятларини барпо этишга руҳсат берди. Шунга мувофиқ Хоразм Республикаси таркибида иккита маъмурий вилоятлар: маркази Тошҳовуз шаҳри бўлган Туркман вилояти ва маркази Хўжайли шаҳри бўлган Қирғиз-Қорақалпоқ вилояти ташкил этилди.

Ўзбеклар кўпчиликни ташкил этган ҳудудларда Янги Урганч вилояти ва Хива райони ташкил қилинди[1]. Бу тадбирлар ўлкада миллий давлат чегараланишини ўтказиш учун замин тайёрлади.

РКП(б) МҚ нинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг раҳбар партия органлари унинг илгари сурган миллий-ҳудудий чегараланиш ғояларини амалга оширишга тортилди. 1924 йилнинг февралидаёқ Бухорога РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси, ТКП МҚнинг масъул котиби Абдулла Рахимбоев юборилди, бу ерда у БХСР раҳбар ходимлари кенгашида миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисида маъруза билан сўзга чиқди. Кенгаш асосан чегараланиш ўтказишни маъқуллади.[1]

1924 йил 25 февралда бу масала Бухоро компартияси МҚ Пленуми муҳокамасига қўйилди. Пленумда Файзулла Хўжаев маъруза қилди. Пленумда асос сифатида қабул қилинган БКП МҚнинг тезислари БКП МҚ комиссияси томонидан қараб чиқилди ва қайта ишланди, унинг Ижроия бюроси мажлисида 1924 йил 10 мартда тасдиқланди.[2] БКП МҚ Ижроия бюроси Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишини компартия эълон қилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим босқичи сифатида талқин этиб, тезисларда қайд этилгандек, чегараланишнинг схемасини қўйидагича таклиф этди: Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркманистон иттифоқдош республикаларини, Ўзбекистон Республикаси таркибида автоном Тожикистон вилоятини тузиш, шунингдек, Туркистоннинг қозоқ туманларини Қозоғистон Республикасига бирлаштириш. Алоҳида бандда янги ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикасининг «ихтиёрий асосда» СССР таркибига кириши айтиб ўтилди.

Хуллас, Туркистон Компартиясида миллий чегараланишни ўтказиш масаласи ривожланди. Бухорода бўлгани каби олдиндан 1924 йил 10 мартда ТКП ва ТуркМИҚ масъул ходимларининг кенгаши чақирилди. Маърузачи А.Рахимбоев Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир чораси эканлигини яна бир карра таъкидлаб, бу тадбирнинг ҳақиқий мақсадини қўйидагича аниқ ифодалаб берди: «.... партиямиз нуқтаи назаридан бу ташкил этиш (бир хил миллий республикаларнинг тузилиши) шунинг учун ҳам қулайки, агар ўзбек камбағали ўзбек қулоғига қарши, туркман камбағали туркман қулоғига қарши, қирғиз камбағали қирғиз қулоғига қарши курашадиган бўлса, у ҳолда биздаги синфий кураш миллий жиҳатлар билан хаспушлаб кетилмайди».[1]

---

[1] Хоразм тарихи. Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. Т.:Фан, 1971. 393-б.
[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. –Б.288
[2] Уша жойда
[1] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Т., 2000. 288 б

Кенгашда Рахимбоевнинг маърузасини муҳокама қилиш бо-расидаги музокаралар бир хил йўналишда бормади. Гарчи бир гуруҳ миллий партия раҳбарлари (Асфандиёров, Айтоқов, Жургенов, Оролбоев ва бошқалар) унинг миллий-ҳудудий чегараланиш ва миллий республикалар ташкил этилиши ҳақидаги таклифини маъқуллаган бўлсалар-да, лекин бу фикрга қўшилмаган мухолифлар ҳам бўлди. Жумладан, уларнинг бир гуруҳи (Паскуцкий, Цехер ва бошқалар) айрим миллий республикалар ташкил этилишига ҳали вақт эрта деб ҳисоблаб, улар учун тегишли Иқтисодий база яратилмаганлигини айтдилар. Туркистон, Бухоро ва Хоразмни Кавказорти Федератив Республикасига ўхшаш битта республика қилиб сиёсий бирлаштиришни ёқлаб чиқдилар.

Натижада, музокараларда сўзга чиққанлар фикри бир жойдан чиқмади, кенгаш ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқа олмади. Кенгашда раислик қилган ТКП МҚнинг масъул котиби И.Варейкиснинг таклифи билан кенгашнинг стенографик ёзувини ТКП МҚ Ижроия бюросига топширишга қарор қилинди.

Миллий чегараланишни ўтказиш тўғрисидаги масала ТКП МҚнинг 1924 йил 23—24 мартда бўлиб ўтган пленумида узил-кесил ҳал қилинди. Пленум миллий чегараланиш зарурлигини эътироф қилиб, бироқ уни фақат Туркистон Республикаси доираси билан чеклади: унинг ҳудудида учта миллий республика — Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғисмон республикаларини ташкил этиш мўлжалланди. Шу билан бирга пленум ТКП МҚга Бухоро ва Хоразмнинг партия органлари билан алоқа ўрнатиш, ҳамда биргаликда Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тўғрисидаги масалани келишиб олишни топширди.[1]

Хоразм Компартиясининг раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартдаеқ партия МҚ Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди. Бироқ мажлис маърузани маълумот учун қабул қилиш тўғрисидаги кўрсатма билан чекланди.

Мартнинг ўрталарида Хивада бўлиб ўтган партия-совет фаоллари йиғилишида бу масала яна қўйилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда эътироф қилинишича, «Хоразм Республикаси миллий белги бўйича чегараланади ва тегишли районлар Ўрта Осиёнинг янги ташкил этилаётган республикаларига (Ўзбекистон, Туркманистон ва ҳоказо), борди-ю, шундай республикалар ажраладиган бўлса, кираді».[1.]

Шундай қилиб, икки ой мобайнида РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси аъзолари Туркистон, Бухоро ва Хоразм компартиялари раҳбариятини Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тўғрисидаги Марказ ғоясини амалга ошириш зарурлигига кўндиришга муваффақ бўлдилар. 1924 йил 5 апрелда Ўрта Осиё бюросининг аъзоси А. Раҳимбоев бу ҳақда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Мажлисида маъруза қилди. Гарчи мажлис бу масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилмаган бўлса-да, бироқ у Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг

---

[1] +аранг: История коммунистических организаций Средней Азии. С. 729; Гордиенко А.А. Создание советской национальной государственности в Средней Азии.- М., 1974 С. 156-157

[1] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 289-б.

миллий чегараланиш ҳақидаги «таклифи»ни маъқуллашини билдирди. Шу тариқа А. Раҳимбоевнинг «Туркистон, Бухоро ва Хоразм ҳақида (миллий республика тузилиши тўғрисида)» деган маърузасини РКП(б) МҚ олдига қўйиш билан гўё чегараланиш тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлишида ташаббус республикаларнинг ўзидан келиб чиқди, деган фикр туғдирилди.

Сиёсий бюро масалани узил-кесил хал қилиш учун ТКП, ХКП, БКП делегацияларига барча зарур материалларни тайёрлаш ва РКП(б) нинг XIII съездига келтириш вазифасини юклади, Ўрта Осиё бюросига миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини географик ҳариталарга тушириб уни илова қилган ҳолда, МҚ Сиёсий бюросига тақдим этиш топширилди.[1]

Ўрта Осиёнинг миллий-ҳудудий чегараланишини амалга оширишнинг дастлабки босқичи шу билан тугалланди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг партия раҳбарияти РКП(б) МҚнинг хохиш-истагини итоат билан бажарди ва чегараланиш ҳамда миллий республикалар ташкил қилинишини ёқлаб фикр билдирди. Улар қабул қилган ҳужжатларда фикрлар ифодасининг ўхшашлиги жиҳатидан РКП(б) МҚ нинг ягона мақсади ва иродаси яққол сезилиб турарди, марказнинг бу иродасини содиқ бажарувчиси РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг раиси, Марказнинг партиявий дастёри, ўлканинг ўзига хос хусусиятларини заиф биладиган Я. Рудзутак бўлди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши натижасида Ўзбекистон ва туркманистон ССР, Тожикистон АССР ҳамда РСФСР таркибида Қора-Қирғиз ва Қорақалпоқ мухтор вилоятлари ташкил этилди.

Қорақалпоқ мухтор вилояти дастлаб Қозоғистон АССР таркибига, 1930 йилдан эса РСФСР таркибига кирди. 1932 йилда у мухтор республикаси деб эълон қлинди ва 1936 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР таркибига кирди.

Тожикистон АССР бўлса ўша вақтда Ўзбекистон ССР таркибига кирган эди. 1929 йилдан эса иттифоқдош Республика сифатида ажралиб чиқди.

Миллий давлат чегараланиши натижасида бутун Хоразм ҳудуди ва аҳолиси учта қисмга ажралди.

Аҳолиси асосан ўзбеклардан иборат бўлган Янги Урганч вилояти ва Хива (жами 23 район) Ўзбекистон ССРга, Дорғон-ота, Илолли, Кўҳна Урганч, Тошҳовуз, Пўрси, Садвар, тахта-бозор районлари Туркманистон ССРга, Қўнғирот, Хўжайли, Шумоной районлари эса Қорақалпоғистон вилоятига қўшилди.

1925 йил февралида Бухорода Ўзбекистон ССР Советларининг биринчи таъсис Қурултойи бўлиб ўтади. Қурултой Ўзбекистон Совет Социалистик республикасини ташкил этилганлиги ҳақидаги тарихий декларацияни тантанали равишда қабул қилади ва ўзининг СССР таркибига қўшилиш «истаги»ни билдиради.

Ўрта Осиёда миллий чегаралаш юқоридан берилган кўрсатма асосида сунъий равишда ўтказилган тадбир эди. Бу сиёсат Ўрта осиёдаги тарқоқ ҳудудларнинг ягона «мустақил» миллий давлатларга бирлаштириш ниқоби

[1] Турсунов Х.Т. Коммунистические партии Туркестана., Бухаръ и Хорезма в период национально-государственного размежевания Средней Азии. –Т., 1963. С. 41

остида азалдан бирга яшаб келаётган халқлар ва элатларни бўлиб ташлаш йўли билан ҳукмронлик қилишдан бошқа нарса эмас эди. Бу тадбир ниҳоятда қисқа муддатда, шошма-шошарлик билан амалга оширилди. Бунда асосан марказдан берилган топшириқ, маъмурчилик, буйруқбозлик сиёсати асосий рол ўйнади.

Янги республикаларнинг партия-ҳукумат органлари маҳаллий шароит ва миллий хусусиятлар, урф-одат ва анъаналардан бехабар бўлган марказдан юборилган бошқа миллат вақиллари билан мустаҳкамланди. Улар бу ерда бошқаришнинг марказдаги усулини кўр-кўрона жорий қилдилар. Ҳамда асосан маъмурчилик сиёсатида иш олиб бордилар. Маҳаллий халқ вақилларининг фикрлари билан ҳисоблашмадилар, аксинча, уларнинг кўпчилигига миллатчилик тамғаси босилиб, қувғин-сургун қилиндилар.

Яна ўша вақтда ҳеч бўлмаганда, айрим районлар доирасида тарихий ўтмиши, тили, урф-одати, эътиқоди ва маданияти бир-бирига яқин бўлган халқларни ва ҳудудларни парчаламасдан бир бутунлигини сақлаб қолиш муаммоси ҳам етилган ҳаётий масалалардан эди. Бироқбу масала ҳам марказдаги раҳбарлар томонидан чуқур ўрганилмади.

Шунингдек, миллий давлат чегаралниши ўтказишда давлат чегараларини аниқлаш масаласи ҳам жуда мураккаб масалалардан эди. Давлат чегаралари жуда шошма-шошарлик билан белгиланди. Ҳатто асосий аҳолиси ўзбеклардан иборат бўлган бир қатор район ва вилоятлар, яйлов ва даштлар пухта ўйламасдан бошқа республикалар ихтиёрига қўшиб юборилди. Ўзбошимчалик билан ўтказилган ана шу сиёсат туфайли Хоразм вилояти кўпчилик аҳолиси ўзбеклардан иборат бўлган баъзи бир районларидан ҳамда ўтлоқ майдонларидан ажралиб, тор доирада сиқилиб қолди. Бундай камчиликларни бошқа вилоятларда ҳам учратиш мумкин.

Миллий чегаралашда йўл қўйилган ана шу камчилик ва хатоликлар ҳозир ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айрим минтақаларда келиб чиқаётган келишмовчиликлар ва норочиликларга сабаб бўлмоқда. Ана шу муаммолар шу кунларда мустақил республикалар раҳбарларининг дўстона учрашувлари ёрдамида ақл-идрок ва сабр-тоқат билан ижобий ҳал этилмоғи зарур.

1924 йил апрел-июн ойларида марказий органлар, минтақа коммунистик ташкилотлари ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросида миллий чегараланиш масалалари юзасидан амалий таклифлар ва тегишли материаллар тайёрлаш юзасидан зўр бериб иш олиб бордилар. Бундай материалларни тайёрлашни улардан РКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг 1924 йил 5 апрелдаги мажлиси талаб қилган эди. Миллий чегараланиш масалаларини янада батафсилроқ чуқурроқ ўрганиш учун Туркистон ва Бухоро компартиялари марказий қўмиталари ҳузурида махсус комиссиялар тузилди. Бундай комиссия Ўрта Осиё бюроси ҳузурида ҳам иш олиб борарди, бу комиссия ҳузурида миллий кичик комиссиялар ҳам ташкил этилган эди.

Кичик комиссияларнинг маърузалари РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Комиссиясининг 1924 йил 10 майдаги мажлисида, 11 майда эса РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросида тингланди, бюро махсус комиссия ва унинг кичик комиссиялари ишининг якунларини муҳокама қилиб, улар ишлаб чиққан Ўрта

Осиёнинг миллий-ҳудудий чегараланишининг аниқ режасини тасдиқлади. Қабул қилинган қарорда бундай дейилган эди:

«1. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини миллий-ҳудудий белгиларига кўра чегаралаш зарур деб топилсин, янги ташкил этилаётган миллий-ҳудудий бирлашмалардан федерация ташкил этилмасин.

2. Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари ташкил этилсин ва улар мустақил ССР ҳуқуқларига эга бўлсин ва бевосита СССРга кирсин. Ўзбекистон Республикаси доирасида Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қирғизистон автоном вилояти ташкил этилсин: Қирғизистон автоном вилояти қайси республика таркибига кириши масаласи очиқ қолдирилсин.

3. Туркистон Республикасида яшайдиган қозоқлар ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб турган Қозоғистон Республикасига киритилсин».

Бироқ Ўрта Осиё бюроси бу қарорни қабул қилар экан, вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олмаган эди. 1924 йил 8 майдаёқ Ўрта Осиё Иқтисодий конференциясида қатнашиш учун Тошкентга келган Хоразм делегацияси аъзолари РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раисига «Хоразмда миллий масаланинг ҳал қилиниши тўғрисида мактуб» топширдилар, унда Хоразмни мустақил маъмурий район сифатида ўзининг доирасида қолдириш, шунингдек, Хоразм Республикаси билан Туркистон Республикасининг Амударё вилоятини бирлаштириш таклиф қилинган эди. Аслида, бу Хоразмнинг чегараланиш ўтказилишини рад қилиши эди. Шунга қарамасдан, Ўрта Осиё бюроси бу фикрни инкор этди, ўз қарорларининг биринчи бандига Хоразм Республикасини ҳам киритди. Лекин июнда ХКП МҚ Ижроия бюроси ўзининг телеграммаси билан мактуб муаллифларининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлади. Шу муносабат билан 1924 йил 12 июнда бўлиб ўтган РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг мажлисга тайёрлаган материалларига тегишли тузатишлар киритишига мажбур бўлди. Сиёсий бюро Хоразм Республикасини олдинги ҳолида қолдиришга қарор қилди.

Лекин РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартияси МҚ таркибини янгилашга киришди. Натижада 26 июнда Хоразм коммунистик партияси МҚнинг янгиланган таркиби 9 июндаги қарорни бекор қилди ва Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этди. РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг таклифи билан яна бу масалага қайтди ва Хоразмни Бухоро ҳамда Туркистон билан бир қаторда миллий-ҳудудий чегараланиш жараёнига қўшди.

Аслида, РКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг 1924 йил 12 июндаги қароридан бошлаб миллий-ҳудудий чегараланишни тайёрлаш жараёни янги босқичга кирди. 15 июлда МҚ Ўрта Осиё бюроси янги ташкил этиладиган миллий республикалар ва вилоятларнинг муваққат бюросини ташкил этди. Режалаштирилган янги миллий тузилмаларини мазмунан тўлдириш, уларнинг ҳудудларини аниқлаб чиқиш, чегараларни ажратиш ва белгилаш лозим эди. Бу иш бирмунча олдинроқ РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси ташкил этган ҳудудий комиссияда, унинг миллий кичик комиссияларида ва жанжалли масалаларни ҳал қилиш учун тузилган махсус комиссияларда бошланган эди.

Ҳудудий комиссия (унинг таркибига янги ташкил этилаётган республикалар ва вилоятларнинг вақиллари кирган эди) мажлисларининг стенографик ҳисоботлари[1] бугунги кунда бу ишни бажарганлардан бирининг образли ибораси билан айтганда, «аҳолини миллий гуруҳларга ажратиш» муаммоларининг мураккаблиги ва хилма-хиллигига чинакам баҳр бериш имконини туғдиради. Агар ўзбек ва туркман кичик комиссияларининг вақиллари умуман битта нуқтаи назарда: чегараланиш асосида мустақил «миллий совет» республикалари ва автоном вилоятлари ташкил этилишини ёқлаган бўлсалар, Хоразм делегацияси Хоразм Республикасининг дахлсизлигини ҳимоя қилишда давом этди, қозоқ кичик комиссияси эса Ўрта Осиё совет республикалари федерациясини тузиш ғоясини яна бир марта илгари сурди. Ўрта Осиё ҳудудини мўлжалланаётган миллий тузилмалар ўртасида чегараларга ажратиб олишда янада кўпроқ хилма-хиллик кўзга ташланди. Чегараланиш учун асос қилиб олинган икки принцип — миллий-ҳудудий ва иқтисодий принциплар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган шароитга тўғри келмади. Ҳудудий комиссия аъзолари олдига ҳал этилиши қийин бўлган вазифаларни келтириб чиқарди, улар ўртасида норочилик ва келишмовчиликларни чуқурлаштирди, баъзида эса ғалати ва жиддий вазиятларни юзага келтирди.

Мажлис қатнашчилари таянч масалаларни илмий жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганиб ўтирмасдан оддий овоз бериш йўли билан Ўрта Осиё федерацияси ташкил этилиши ғоясига (мажлисда бу ғояни С.Хусанов асослаб берган ва ҳимоя қилган эди) қарши фикр билдириб, Ўзбекистон, Туркманистон республикалари ташкил этилиши ва уларнинг бевосита СССРга киришини, Ўзбекистон Республикаси таркибида Тожикистон автоном вилояти ва Қирғизистон автоном вилояти таркиб топишини ёқлаб чиқдилар.

Умуман олганда, РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг ҳудудий комиссияси мажлиси иштирокчилари миллий-ҳудудий чегараланиш масалалари етарли даражада тайёрланмаганлигини, бу масалалар тахминан ҳал этилганлигини, уларни илмий жиҳатдан асослаб бериш эҳтиёжи борлигини тушуниб етдилар, қўшимча материаллар, статистик маълумотлар жалб қипиш зарурлиги, тегишли ҳариталарга эга бўлиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Ана шуларга асосланиб, хусусан, янги тузилмаларнинг чегаралари ҳақидаги масалани қараб чиқиш қолдирилди.[1]

Ҳудудий комиссия фаолиятининг натижалари Ўрта Осиё бюросида ва Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари рахбар органларида муҳокама қилинди. 1924 йил 14 сентябрда ТКП МҚ ТАССР МИҚ ва Тафтиш комиссиясининг қўшма пленумида ҳудудий комиссиянинг иши тўғрисида комиссия раиси, ТКП МҚнинг масъул котиби И.Варейкис маъруза қилди. Маърузанинг кириш қисмида унинг чегараланишни амалга оширишнинг чинакам механизмини очиб берадиган иккита мулоҳазаси эътиборни жалб қилади. У тўғридан-тўғри

[1] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 292-б.

[1] История коммунистических организаций Средней Азии. –Т., 1967. С. 734

айтдики, «бу халқларнинг бахтига мазкур масала юзасидан ҳақиқатда бирдан-бир раҳбар бизнинг партиямиз ҳисобланади».[2]
Маърузада ҳудудий комиссияда юзага келган ихтилофларга бирмунча эътибор берилди. Варейкис ўз маърузасида якунлаб берилган ҳудудий комиссия ишининг мазмунини таҳлил қилиб, миллий-ҳудудий чегараланиш сингари ғоят мураккаб масалага ёндашувда бирон-бир ишлаб чиқилган илмий услубнинг йўқлигини, бу ҳол айниқса жанжалли ҳудудларга доир масалаларни ҳал қилишда кўзга ташланганлигини кўрсатиб ўтди. Ўрта Осиёдаги янги миллий тузилмалар ҳудудини ва чегараларини белгилашда партия раҳбарлиги ҳавқиқатда реал қийинчиликларга дуч келди. Минтақадаги турли халқларнинг асрлар мобайнида қарор топган тарқоқ ҳолда (ора-сира) жойлашганлиги, уларнинг хўжалик, соф турмуш алоқалари фақат миллий жиҳатни эътироф қилишни эмас, шу билан бирга халқларнинг тарихий ривожланишини, хўжалик, маиший шарт-шароитлар каби омилларини, ҳудудларнинг иқтисодий яхлитлигини, уларнинг иқтисодий интилишини ва ҳоказоларни ҳисобга олишнинг аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Бундай иш шак-шубҳасиз анча узоқ ва синчиқлаб тайёргарлик кўришни, этнограф, иқтисодчи, тарихчи олимлар ва бошқаларнинг фикрларини ҳисобга олишни талаб қиларди. Холбуки, улардан бирортаси ҳам ҳудудий комисия таркибига киритилмаган эди, комиссия, юқорида айтиб ўтилганидек, фақат партия ходимларидангииа ташкил топган эди.

ТКП МҚ, Турк МИҚ ва Тафтиш комиссиясининг қўшма пленуми Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг миллий-ҳудудий чегараланиши режасини умуман маъқуллади, ҳудудий комиссиянинг ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг қарорларини тасдиқлади ва мазкур режани қараб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун ТуркМИҚнинг фавқулодда сессиясини чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу тариқа, бунга қадар фақат партия органлари томонидан қараб чиқилган, тайёрланган ва узил-кесил ҳал этилган масалани тасдиқлаш учун совет органларига беришга қарор қилинди. Бундан ташқари, ТКП МҚнинг Қўшма пленуми бу масалага доир ўз резолюциясида «ишчилар ва деҳқонлар оммаси орасида кенг кампания очиш»ни таклиф қилди, чунки И.Варейкиснинг маърузасида таъкидлаб ўтилгандек: «Биз юқори органлар фикрига, партиянинг фикрига эгамиз, бироқ бизда бўлажак чегараланиш кенг деҳқонлар оммаси онгига қандай сингиши ҳақида аниқ тасаввур йўқ… Барча узил-кесил қарорлар қабул қилиб бўлингач, биз бутун аҳолини бу инқилобий ислоҳот билан таништириш юзасидан ғоят кенг кампания ўтказишимиз лозим бўлади».[1] Варейкиснинг бу мулоҳазаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳақиқатдан ҳам, ўлка аҳолиси ўша вақтга қадар ўз тақдири учун ғоят аҳамиятли бўлган масалани муҳокама қилишдан бутунлай четлаштириб қўйилган эди.

Ташвиқот компанияси партия органларининг ва аввало РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг қатъий назоратида амалга оширилди. Ҳамма жойда вилоят партия қўмиталари ҳузурида вилоятларнинг масъул ходимларидан иборат

[2] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- 293-б.
[1] «Туркестанская правда». 1924, 15 сентября.

таркибда кампанияларни ўтказиш комиссиялари тузилди; йўл-йўриқ берадиган мажлислар, партия йиғилишлари ўтказилди, кампанияни ўтказиш режалари тайёрланди. Ташвиқот кампанияси жараёнида вилоят партия қўмитапарининг маълумотлари ТКП МҚ ва РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросига юборилари. Кампанияни ўтказишдаги қаттиқлик минтақа партия раҳбарияти орасида бирмунча ишончсизлик, хавфсираш борлигидан далолат берарди. Ҳақиқатдан ҳам, партия ячейкаларида муҳокама қилиш босқичида бу хавфсираш учун замин мавжудлигини тасдиқловчи жиҳатлар намоен бўлди. 1924 йил 31 августда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш юзасидан ўтказилаётган ташвиқот кампанияси тўғрисидаги директиваларни тўлдириш ва аниқлик киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисда айрим ташкилотларда «миллий манфаатларни нотўғри тушунишдан келиб чиқиб, миллий ҳис-туйғулар авж олдирилмоқда, бунинг натижасида йўл қўйиб бўлмайдиган келишмовчиликлар, партиямизнинг миллий масаладаги сиёсий йўлини бузиб кўрсатишлар вужудга келмоқда. Партиясиз оммани тарбиялаш ва ривожлантириш ўрнига бу омма миллатлараро курашга жалб қилинмокда, сиёсий жиҳатдан бузилмоқда», деб таъкидлаб ўтилган эди.[1]

Ўрта Осиё бюроси ТКП, БКП ва ХКП Марказий Қўмиталарига маҳаллий партия ташкилотларига «чегараланиш бўйича ҳам оғзаки, ҳам ёзма ташвиқот кампанияси ўтказиш вақтида байналмилал коммунистик жиҳатларга қатъий амал қилиш ва чегараланиш вақтида айрим миллатлар ўртасида қандайдир масалада бўлмасин келиб чиқадиган миллий оғмачиликка йўл қўймаслик... чегараланиш масалаларини кўпчилик ўртасида муҳокама қилиш вақтида РКП(б) МҚ ва Ўрта Осиё бюросининг Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегараланиши тўғрисидаги қарорларига қатъий амал қилиш...»[2] вазифасини юклашни таклиф этди.

Миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни қатъий тартибга солишга уриниш уз самараларини берди. Ўрта Осиё республикалари партия раҳбарияти РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида жидций ларзалардан холи бўлишга, партияли ва партиясиз оммадан миллий-ҳудудий чегараланиш ҳамда янги республикалар ва автоном вилоятлар ташкил этиш бўйича партия режаларини маъқуллаш ва қўллаб-қувватлашга эришишга муваффақ бўлдилар.[3]

2-асосий савол:

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши

1924 йил 15 сентябрда ТуркМИҚнинг навбатдан ташқари сессияси иш бошлади. Унинг кун тартибида битта масала: миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи турарди. Мазкур масала юзасидан Исломов маъруза қилди. Умуман, бу маъруза илгариги босқичларда илгари сурилган барча ғоялар ва қоидаларни яққол такрорлашдан иборат бўлди.[1] Маърузада миллий-ҳудудий

[1] «Туркестанская равда». 1924, 2 сентября
[2] «Туркестанская правда». 1924,2,5,8 сентября
[3] «Туркестанская правда», 1924, 8 сентября
[1] «Туркестанская правда», 1924, 17 сентября

чегараланишни «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи»ни тўлиқ амалга ошириш, янги «миллий-давлат тузилмалари»ни ташкил этиш сифатида тушуниш кераклигига асос солинди. Шу билан бирга Исломов маърузасида, миллий-худудий чегараланиш, «халқларнинг хоҳиш-иродасини билдириш акти», деган тезис биринчи бор очиқ, айтилди: «Туркистон халқлари билан биргаликда Бухоро ва Хоразм халқлари ҳам миллий чегараланиш тўғрисида ўз хоҳиш-иродасини билдирдилар. Улар хдм барча ўзбеклар, қирғизлар ва туркманларни ягона давлатга бирлаштириш йўли билан қилинган тарихий адолатсизлик оқибатларини тузатишга интилмоқдалар»[2]. Бу 1924 йил 16 сентябрда ТуркМИҚ сессиясининг чегараланиш тўғрисида қабул қилган қарорида ўз ифодасини топди. Қарорда бундай дейилган эди:

«Совет Иттифоки халқлари миллий муносабатлари ва миллий тузилишига асосланган принциплардан келиб чиқиб, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ишчи ва деҳқонлар оммасининг умумий иродасига асосланиб, ТАССР Марказий Ижроия қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбек халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг умумий иродасини бажариш мақсадида ўзбек халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқи берилсин.

2. Туркман халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий иродасини бажариш учун туркман халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва мустақил Туркманистон Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳуқуқи берилсин.

3. ТАССРнинг қирғиз (қозоқ) вилоятларини Қирғизистон (Қозогистон) Совет Социалистик Республикаси билан бирлаштириш мақсадида қирғиз (қозоқ) халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий истагини бажариш учун қирғиз (қозоқ) халқига ТАССР таркибидан чиқиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қора қирғиз (қирғиз) халқи ишчи ва деҳқон оммасининг ифодаланган умумий хоҳишини бажариш учун қора қирғиз (қирғиз) халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва Қора Қирғизистон автоном вилоятини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Тожик халқи ишчи ва деҳқонлар оммасининг ифодаланган умумий иродасини бажариш учун тожик халқига ТАССР таркибидан чиқиш ва Тожикистон автоном вилоятини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Мазкур қарор Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасига навбатдаги сессияда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилсин».[1]

Бирмунча кейинроқ тожикларнинг миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш шакли бир оз ўзгарди. 1924 йил 4 октябрдаги мажлисда миллий-ҳудудий чегараланиш бўйича Ўзбекистон бюроси шундай қарор қилди: Тожикистон комиссиясининг Тожикистон Автоном Республикаси ташкил этиш ва унинг Ўзбекистон иттифоқдош республикасига кириш тўғрисидаги қарорига рочилик берилсин. Мана шу мажлиснинг ўзида узоқ тортишувдан кейин яна шундай

[2] Уша жойда

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. 296-б.

қарор қилинди: Панжикент ва Ўратепа туманларининг Тожикистон таркибига киришига қаршилик қилинмасин.[2]

20 сентябрда Советларнинг V Умумбухоро қурултойи бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда қуйидагилар қайд қилинган эди:

«...Умумбухоро қурултойи Файзулла Хўжаевнинг Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши тўғрисидаги маърузаси юзасидан қарор қилади:

I. а) Барча миллатларнинг ўз ҳаёти ва тақдири ўз қўлига берилсин, бунинг учун Ўзбекистон республикаси ташкил этилсин;

б) жуда тез вақт ичида Ўрта Осиё аҳолисини социалистик ҳаётга жалб қилинсин;

в) иқтисодий ва хўжалик асосларида уларнинг ифодаланган истаклари амалга оширилиши таъминлансин;

г) аввалги буюк ўзбек маданиятини тиклаш мақсадида Туркистон Бухоро ва Хоразмнинг ўзбек аҳолиси таркибидан Буюк Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилсин, бу вилоятда яшовчи тожиклардан Тожикистон Автоном вилояти ташкил этилсин...

IV. Ўрта Осиё вилоятларида яшовчи қозоқ-қирғизларнинг (қозоқларнинг) тенг ҳуқуқлилиги эътироф қилинади. Қурултой туркман халқи манфаатлари йўлида Туркманистон Республикаси ташкил этилишини мақсадга мувофиқ деб топади.

V. Ўзбекистон ва Туркманистон республикаларининг Совет Социалистик Республикаси Иттифоки таркибига кириши зарур деб ҳисоблансин».[1]

1924 йил 29 сентябр — 2 октябрда бўлиб ўтган Советларнинг Умумхоразм V қурултойи ҳам миллий-давлат чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилди. Қурултой қарори асосида Хоразмда яшовчи ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларга Хоразм Республикаси таркибидан ажралиб чиқиб, тегишли миллий республикалар ва мухтор вилоятларга бирлашиш ҳуқуқт берилди.

1924 йил 14 октябрда РСФСР БМИҚ II сессияси Туркистон Республикаси МИҚнинг миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги қарорини тожик халқига нисбатан айрим ўзгаришлар билан тасдиқлади. Тожик халқига ТуркМИҚ сессияси ва Умумбухоро курултойи қарорида кўрсатилганидек, Ўзбекистон республикаси таркибида мухтор вилоят эмас, балки Тожикистон Автоном республикаси ташкил этиш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф қилди. Шу тариқа БМИҚ сессияси қарорига мувофиқ, Ўрта Осиёда Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари, Тожикистон Автоном республикаси, Қорақалпоғистон ва Қирғизистон Автоном вилоятлари ташкил топди.[1]

1924 йил 27 октябрда СССР БМИҚ II сессияси ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси, Советларнинг Умумбухоро V қурултойи ва Советларнинг Умумхоразм V қурултойи фавқулодда сессиясининг миллий-ҳудудий чегараланиш ва янги республикалар ҳамда вилоятлар ташкил этиш тўғрисидаги

---

[2] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. 297 б.

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. 297-б.

[1] «Народное хозяйство Средней Азии». 1924, №4. С.208.

илтимосини қондирди ва «меҳнаткаш халқнинг эркин хоҳиш билдирилиши энг юқори қонундир», деган ифода билан тасдиқлади.

СССР МИҚнинг қарорида «СССР МИҚ Раёсатига Ўрта Осиёда янги ташкил этилаётган республикаларни ана шу республикалар Советлар қурултойлари қарорларига мувофиқ расмийлаштиришни амалга ошириш» вазифаси топширилди.

Шундай қилиб, 1924 йил сентябр-октябрда миллий-ҳудудий чегараланиш Ўрта Осиё республикалари, Россия Федерацияси ва СССР Иттифоқи давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларида қонун йўли билан расмийлаштирилди.

СССР БМИҚ II сессияси қароридан кейин қисқа муддат ичида янги ташкил топган миллий тузилмаларнинг ҳақиқатда расмийлаштирилиши амалга оширилди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг 1924 йил ноябрда бўлиб ўтган махсус сессиялари ўз-ўзини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Янги ташкил этилган республикаларда инқилобий қўмиталар тузилиб, улар янги республикалар ва мухтор вилоятлар таъсис съезддарини чақириш юзасидан тайёргарлик ишларига бошчилик қилдилар.

1925 йил 13 февралда Бухорода ЎзССР Советларининг I съезди очилди. У 17 февралда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисидаги декларация»ни қабул қилди. Декларация ЎзССР ташкил топганлигини қонунан расмийлаштирди ва ЎзССРнинг ихтиёрий равишда СССР таркибига кирганлигини эълон қилди. Декларацияда қайд қилиб ўтилганидек, «шу кундан эътиборан ўзбек халқи ҳудудида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашкадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларини ўз ичига олган бу халқ тарихида биринчи марта ишчи ва деҳқонларнинг иттифоқдош Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси таъсис этилади, унга Тожикистон Автоном ССР киради».

1925 йил 13 майда ССР Итгифоки Советларининг III съезди Туркманистон ва Ўзбекистон республикасининг ССР Иттифоқи таркибига кириши тўғрисида шу республикалар «халқларининг эркин хоҳиши»ни инобатга олиб тасдиқлади.

Шу тариқа, Ўзбекистон иттифоқдош республикасининг қонунан расмийлаштириш жараёни тугалланди ва жаҳон ҳаритасида СССР таркибидаги иттифокдош республика бўлган Ўзбекистон миллий совет республикаси пайдо бўлди. Бу — кўп миллатли республика эди: жами 8131062 кишидан иборат бўлган Ўрта Осиё аҳолисидан 3963285 киши Ўзбекистон Республикасига ўтди, улардан ўзбеклар 3381579 кишини, яъни республика аҳолисининг 3/4 қисмини ташкил этарди. Ҳақикатда, Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи барча ўзбекларнинг карийб 90%и Ўзбекистон ССР ҳудудида эди.

Шундай қилиб, 1924 йилнинг охири большевизмнинг Ўрта Осиёни миллий-ҳудудий чегаралаш борасидаги сиёсати амалга оширилиши билан нишонланди. Бу большевизмнинг асосий мафкуравий ва сиёсий душмани бўлган туркизмга қарши кураш манфаатлари тақозоси билан мохирона ўйлаб топилган ҳаракат эди. Туркизм ўнлаб йиллар мобайнида чоризм ва большевизмнинг империяча муддаоларига қарама-қарши туришнинг ҳал

қилувчи омили, бутун Ўрта Осиё минтақаси миқёсида қудратли миллий-озодлик ҳаракатининг асосий бирлаштирувчи кучи бўлиб қолган эди.

Хуллас, миллий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Унинг таркибига қуйидаги ҳудудлар киритилди:

- Туркистон АССРдан 9 та уезд, 133 туман ва 7 қишлоқ округи;
- Бухоро республикасининг 9 та вилояти;
- Хоразм республикасининг 23 та тумани.

Ўзбекистон ССР ташкил этилган пайтда унинг ҳудуди 312394 кв.км.ни, аҳолиси 4 млн.447 минг 55 кишини ташкил этар эди. Ўзбекистон ССРнинг дастлабки пойтахти Бухоро бўлган. 1925 йил апрелда пойтахт Самарқанд қилиб белгиланди. 1930 йил охирида пойтахт Тошкентга кўчирилди. Бухоро Республикаси ҳукумати раиси, таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси раиси қилиб тасдиқланди. 1925 йил 13 февралда Бухородаги Халқ уйида умум ўзбек советларининг 1 қурултойида «Ўзбекистон ССР тузилганлиги тўғрисидаги Декларация» қабул қилинди. ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси Раиси лавозимига фарғоналик деҳқон, «Қўшчи» уюшмаси раҳбарларидан бири Йўлдош Охунбобоев сайланди. Ўзбекистон ССР ҳукумати – Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси лавозимига Ф.Хўжаев тасдиқланди.Совет ҳукумати Ўзбекистонда ўзининг расмий партия, совет ва комсомол, хўжалик ташкилотларини тузиб, аста-секин сиёсий ва иқтисодий таянчини мустаҳкамлаб борди. 1925 йил май ойида Ўзбекистон СССР таркибига киритилди. 1917 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг биринчи ва 1937 йилда қабул қилинган иккинчи Конституцияси ҳам амалда СССР Конституциясининг кўчирма нусхаси эди. Чунки Ўзбекистон қоғоздаги «суверен» республика бўлиб, амалда Марказга тобе ва қарам бир ўлка эди, холос. У ўз халқининг миллий манфаатларига оид бирор-бир дозарб ҳаётий аҳамиятга молик масалани Иттифоқ ҳукуматидан шғҳоли равишда мустақил ҳал эта олмасди. Республиканинг ички ва ташқи сиёсатига дахлдор барча масалалар фақат ҳукмрон Марказ хоҳиширодаси билан ҳал этиларди. Шундай қилиб, ҳукмрон совет империяси таркбига киритилган Ўзбекистон ССР, бошқа Ўрта Осиё республикалари каби амалда Марказга тўла бўйсунувчи, арзон хом ашё маҳсулотлари етказиб берувчи бир чекка ўлка бўлиб қолаверди.



ЎзССР ҳаритаси. Архив ҳужкати, 1956 йил.

3-асосий савол: Советларнинг Ўзбекистонда юритган иқтисодий сиёсати ва унинг мустамлакачилик моҳияти. Янги иқтисодий сиёсат

МАҚСАД:

Ўрта Осиё хонликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни кўрсатиш, уларнинг советлар билан ўзаро муносабатларини очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Февраль инқилобидан кейин хонликлардаги вазиятни шархлайди.
2. 1917 йил 15 апрель Манифести моҳиятини очиб беради.
3. Хонликларнинг Советлар билан ўзаро муносабатларини изоҳлайди.

3-асосий саволнинг баёни:

Советлар хокимияти Туркистон (Ўзбекистон)да уз хукмронлигини урнатар экан, унинг уз олдига қуйган асосий мақсадларидан бири, бу хам булса улка ахолисининг ишонзини қозониш, унинг вайронагарчиликка юз тутган иқтисодий хужалик хаЁтини тиклашга Ёрдам курсатиш, сунгра аста-секинлик билан социалистик қайта-қуриш жараЁнига жалб қилиб бориш эди. Айниқса бунда иқтисодиЁтнинг деярли ундан туққиз қисми қишлоқ хужалиги ишлаб зиқаришига туЁри келадиган Туркистон улкаси шароитида куп сонли дехқон хужаликлари манфаати, қизиқишини хисобга олиш, уларнинг хаЁтий эхтиЁжларини кузлаб туЁри сиёсат юритиш Совет мутасаддилари олдида турган кезиктириб булмас устивор вазифалардан саналарди. Хатто Ленин бошлиқ қизил советларнинг давлат хокимиятини эгаллаб, қабул қилган дастлабки хужжатларидан бири хам ер туЁрисидаги декрет булганлиги бежиз эмас эди. Улар миллионлар тақдирига бевосита дахлдор булган мана шу хужжатни жанговор шиор қилиб олиб, мутлоқ купчилик ахолиси дехқонлардан иборат мамлакатни, унинг таркибига кирган барза миллий улкалар халқларини

социализм йулига олиб утишни уз олдиларига бош мақсад қилиб қуйган эдилар.

1921 йилда булиб утган хукмрон Компартия Х съезди белгилаб берган янги иқтисодий сиёсатнинг мухим вазифаларидан бири хам дехқон хужалигини кутариш, бу сохани жонлантириш ва ривожлантиришга бутун зоралар билан рагбат курсатишдан иборат эди.

Ўзбекистоннинг 20-йиллар бошларидаги хужалик хаЁтини куздан кезирарканмиз бу ердаги ахволнинг незоЁлик нозорлиги мураккаблиги аЁн булади. Аввало, улка халқларининг купзилиги узоқ асрлар давомида ерсизлик азобидан азият зекиб келардилар. Нисбикорлик, зоракорлик асосида ишлаб келиш уларнинг қисмати булганди. Сунгра зор мустамлаказилари юритган кузириш сиёсатини хам Туркистон дехқонлари бошига мислсиз бало булиб, уларнинг куплаб ер мулкларидан махрум булишларига олиб келганди. 1917 йилги февраль ва октябрь узгаришлари хам улка ахолисининг орзу-умидларининг руЁбга зиқишига имкон бермади. Бунинг устига Туркистонда советлар хокимиятини урнатиш зоЁида янги тузум мутасаддилари, уларнинг қизил аскарлари томонидан амалга оширилган зуравонликлар, тажовузлар махаллий халқ, шу жумладан, қишлоқ мехнаткашларига бехад зарар келтирди, уларни хонавайронликка юз туттирди. Шу боисдан хам эндиликда улкада махкам урнашиб узоқа мулжалланган янги мақсадларни уз олдиларига қуйган советлар уз тактикаларини узгартириб махаллий дехқон хужаликларини уз томонларига қаратиб олиш узун бу ерда ер-сув ислохотини утказишга томон йул тутдилар. Бунда шуни таъкидлаш жоизки, Туркистон (Ўзбекистон) даги ер-сув ислохоти тарихий вазият тақозоси билан икки босқизда, яъни дастлаб 1921-1922 йилларда, унинг кейинги босқизи эса Ўзбекистон ССР тузилганлиги, унинг таркибига янги худудлар кирганлиги муносабати билан 1925-1929 йилларда амалга оширилди. Туркистон Советларининг XI сеъездида (1920 йил сентябрь) улкада ер-сув ислохоти масаласи куриб зиқилиб бу сохага оид вазифалар белгиланди. Бунда ахолининг бой қисми қулидаги ортиқза ерлар, шунингдек келгинди мустамлаказилар тасаруффидаги йирик ер-мулкларни мусодора қилиш, миллийлаштириш, уларнинг талай қисмини камбаЁал, батрак дехқонларга мулк қилиб тақсимлаб бериш кузда тутилганди.

Ислохот 1921 йил бахоридан бошлаб асосан Еттисув, СирдарЁ ва ФарЁона вилоятларида утказилди. Жойларда ислохот утказиш жараЁнига кумаклашиш мақсадида ахолининг ерсиз, камбаЁал қисмидан иборат «Қушзи» уюшмалари ташкил этилди.

Туркистон АССР худудида 1921 йилда 160 минг аъзони бирлаштирган «Қушзи» уюшмалари фаолият курсатди. Кескин синфий кураш характери тусини олган ер-сув ислохотининг биринзи босқизи давомида йирик мулкдорлар, қишлоқ хужаликлари тасаруффидаги куплаб ер-мулклар тортиб олинди. Умуман, ислохот жараЁнида ер тузиш жамЁармасига 722.626 десятина ер қушилди. Уларнинг анза қисми ерсиз, батрак, камбаЁал хужаликларга булиб берилди. Жумладан, махаллий ахолининг 15.745 хужалигига қарийб 600 минг десятина ерни экин экиш ва яйловлар узун берилди, кам ерли ва ерсиз узбек ахолиси узун 117.512 десятина ер ажратиб берилганди.

Ислохот давомида қишлоқда синфий зиддиятлар янада кузайиб борди. Мулкдорлардан тортиб олинган мулклар урнида сунъий тарзда дехқон хужаликларини бирлаштириш йули билан жамоа хужаликлари хам ташкил этила борди. 1921 йил урталарига келиб фақат Самарқанд, ФарЁона ва СирдарЁ вилоятлари худудларида8.745 хужаликни бирлаштирган 275 та жамоа хужалиги вужудга келиб фаолият юрита Ётган эди.

Шубхасиз, утказилган ер-сув ислохоти улка хаЁтида, унинг дехқончилик маданиятининг юксалишида, қишлоқ ахолисининг турмуш тарзининг узгариш томон юз буришида мухим урин тутди.

Хуллас, ер-сув ислохоти давомида совет хокимияти узи кузлаган мақсадини амалга оширишга эришди: дехқон хужаликларини жамоалаштиришга замин яратилди. Эндиликда унинг олдида қишлоқда янада кескин узгариш ясаб, барза дехқон хужаликларини мажбурий йуллар билан булса-да йирик жамоаларга бирлаштириш, шу йул билан социализмни қишлоққа олиб кириш вазифаси кундаланг булиб турарди. Ер-сув ислохотини биринзи босқизи натижалари хам мохият эътибори билан қишлоқ халқи, унинг куп сонли табақаларига эмас, асосан давлат фойдасига хал булди. Ер дехқонга берилмади, балки бир мулк шаклидан, иккинзи мулк шаклига айлантирилди. Негаки ерга хусусий мулкчилик тугатилган булса-да, у жамоа (амалда давлат) мулки булиб қола берди.

Энди Ўзбекистонда утказилган ер-сув ислохотининг иккинзи босқизи вазифалари тафсилотларига тухталар эканмиз, бунда 20 йиллар урталарида қишлоқ хаЁтида кезаЁтган вазиятнинг анза мураккаблиги, зиддиятли холати кузга яққол ташланади.

1925 йили республикадаги хужаликларнинг деярли 10 фоизи кам ерли Ёки ерсиз булганидан экин эка олмасди. Ери кам хужаликлар, 2 десятинагаза ерга эга хужаликлар тахминан 72 фоизни ташкил этарди. Дехқонларга қарашли ер майдони уртаза олганда 2 десятинадан 3 десятинагаза борарди. Лекин улар хам майда булакларга булиниб кетган эди. Катта мулкдорлар қулида зоракорлик ва нисбикорлик асосида ишловзиларнинг салмоЁи хам анзагина миқдорни ташкил этарди. Қишлоқдаги ер мулкларининг катта салмоқли миқдори бойлар, қулоқлар қулида тупланган эди. Ўзбекистон хукуматининг 1925 йил 2 декабрдаги «Ер ва сувни национализация қилиш туЁрисида» ва «Ер ва сув ислохоти туЁрисида» га декретлари асосида жойларда ер ва сув ислохотларини утазишга йул тутилдики, бу жараЁн то 1929 йилга қадар давом этди. Зунонзи, бу ислохот даврида бойларнинг ерлари (ФарЁона вилоятида 40 десятинагаза ва бундан хам купроқ ерлар, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида - 50, Зарафшонда - 35 десятинадан бошлаб, ҚашқадарЁ, СурхондарЁ ва Хоразмда - суЁориладиган ерлар 20 десятина ва бундан хам купроқ, лалмикор ерлар эса 45 десятинадан бошлаб) кейинзалик тақсим қилиш узун бутунлай тортиб олиниб, давлат фондига утказилди. Ер билан бирга хамма от-улов ва асбоб-ускуналар хам мусодара қилинди.

Худди шу тарздаги ер-сув ислохоти жараЁни 1929 йил давомида ҚорақалпаЁистон худудида хам утказилди.

Ислохот жараЁнида урта хол дехқонларга таяниб иш юритилганлиги боис уларнинг ер-мулкига дахл этилмади. Бу эса уларни қулолардан ажратиб олиниб, камбаЁал дехқонлар билан яқинлаштириш имконини туЁдирди.

Ер-сув ислохоти давомида Ўзбекистонда жами 1492 та узига тук хужаликлар тугатилди.

27992 та бадавлат мулкдорларнинг ортиқза ерлари тортиб олинди. Республика ер фондига 474393 десятина ер қушилди, уларнинг 10 фоизи кам ерли дехқонларга берилди.

Шу билан биргалида ислохот дехқон хужаликларининг умумий холатига хам анзайин таъир курсатди. Бунинг оқибатида батрак-камбаЁаллар табақаси ислохотдан олдин барза хужаликларнинг 76 фоизини ташкил этган булса, ислохотдан сунг эса 39 фоизгаза қисқарди. Ўрта хол дехқонларнинг салмоЁи эса 17 фоиздан 52 фоизга етди. Шу тариқа, қишлоқда товар-Ёалла етиштирувзи майда ишлаб зиқарувзилар сони ортди. Айни зоЁда қишлоқ ахолисини коопреция хужаликларига жалб этиш кузайтирилди. Республикада 20 йиллар охирларига келиб 522 та жамоа хужалиги - колхозлар юзага келган эди. Бироқ уларнинг хужалик жихатдан заифлиги, ишлаб зиқариш курсаткизларининг пастлиги кузга ташланиб турарди.

Шунингдек ер-сув ислохоти муайян ижобий жихатлари билан бир қаторда қишлоқда куплаб жиддий мураккаблик ва зиддиятлик холатларни хам келтириб зиқарди. У қишлоқ маънавиятининг асосий негизи - рухонийлар ахлига сезиларли зарба берди, мулк дахлсизлигини оЁқ-ости этди. Бироқ буларнинг барзаси Советларнинг тез орада мунофиқлик қиЁфасини ошкор этиб, қишлоқда ялписига амалга оширишга киришган жамоалаштириш сиёсати ва унинг оЁир оқибатлари олдида хез нарса булмай қолди. Гап шундаки, хукмрон партиянинг XV съезди (1927 йил декабрь) белгилаб берган деректив йул-йуриққа асосланиб, бутун мамлакатда дехқон хужаликларини уларнинг хохиш-иродаси, тайЁргарлигига қарамасдан Ёппасига жамоалаштиришга утказила бориши Ўзбекистон қишлоқ мехнаташлари узун хам куплаб фожиали холларни келтириб зиқарди. Негаки, бу ерда жамоалаштиришни утказишда улканинг узига хос хусусиятлари, қишлоқ ахолисининг савияси, онги даражаси, диний хиссиётлари, ислом анъаналарнинг кузли илдиз отганлиги сингари мухим холатлар мутлақо хисобга олинмади.

Марказдан, юқори партия органлари томонидан берилган «дастуруламал» курсатмаларга кур-курона асосланган заласавод, тажрибасиз махаллий рахбарлар узларини курсатиб, сон, рақам ортидан қувиб, бу «мухим мавсумий иш» ни жадал уринлаш узун «жон куйдирдилар». Аниқса 1929 йилнинг иккинзи ярми ва 1930 йилнинг бошларида республикада мавжуд реаллик билан хисоблашмай расмиятчилик йулида омонат тарздаги колхозлар тузиш авж олган эди. Масалан, Ўзбекистон партия ва хукуматининг 1930 йил 17 февралдаги «Коллективлаштириш ва қулоқ хужаликларини тугатиш туЁрисида»ги қарорида республиканниг 17 районида ялписига коллективлаштиришни амалга ошириш вазифаси белгиланган эди. Вахоланки, мазкур районларда буннинг узун хали мутлақо шароит етилмаганди. Куп жойларда қулоқларни тугатиш шиори остида урта хол, хатто камбаЁал дехқон

хужаликларига нисбатан хам зулм қилинди. Бунинг натижасида, масалан, 1930 йилда республикада 2648 та қулоқ ва бойлар хужаликлари деб аталган хужаликлар тугатилди. Купгина жойларда ахоли жамоалаштриш хавфидан қурқиб уз мол-зорваларини керагидан зиЁд суйиб юборди. Бу зорвачилик узун катта зарба булди.

Жумладан, биргина қорамолларнинг сони 1930 йилда республика буйиза 60 мингдан зиЁдроққа камайди.

Ялписига жамоалаштиришни қатъиян амалга оширишда узига тук, бозор узун товар Ёалла ишлаб зиқарузи дехқон хужаликлари йуқ қилинишида давом этди. 1930-1933 йилларда тугатилган хужаликлар сони 5,5 мингга етди. Уларнинг купзилиги хез нарсасиз Украина, Сибирга Ёхуд қушни Тожикистоннинг даштли, туқайли ерларига бадарЁа қилинди. Уларнинг куплари бу мислсиз оЁир шароитларга бардош бера олмай бехудадан-бехудага халок булиб кетди. Қанза-қанзалаб юртдошлармиз бу хавфни олдиндан хис этиб, оилалари билан хорижий элларга кетишга мажбур булидилар.

Ҳукмрон тузумнинг зуравонлик сиёсати оқибатида республикада дехқон хужаликларини жамоалаштириш жараЁни тезлашиб борди. Агар 1932 йилда Ўзбекистон дехқон хужаликларининг 75 фоизи жамоалашган булса, бу курсаткиз 1937 йилда 95 фоизга, 1939 йилга келиб эса 99,5 фоизга етди. Бунга, албатта, якка хужаликларни сиқиш, уларни мумкин қадар маъмурий, молиявий-солиқ ва бошқа воситалар билан муттасил зеклаб бориш орқали эришилганлиги рад этиб булмас хақиқатдир.

Жамоалаштириш даврида қишлоқ туманларида МТСлар (машина-трактор станцияси) тузилиши, шубхасиз, катта ижобий ходиса булган булса-да (йирик жамоа ерларини ишлаб бериш, қул кузини энгиллаштириш, қишлоққа техника олиб кириш, техника илмидан қишлоқ ахлини хабардор қилиш ва хаказо маънода), бироқ бу нарса жамоа хужаликларининг давлатга тобелигининг кузайишига боис булди. Бунинг сабаби шундаки, йирик ишлаб зиқариш воситалари МТС лар орқали давлат қулида туплана борди. МТС лар жамоа далаларини натурал хақ эвазига ишлаб берар, бу хақнинг миқдорлари эса юқоридан белгинарди. 1933 йилда Ўзбекистонда 73 та МТС фаолият курсатди.

30 йилларда халқ кузи, хашари йули билан бунЁд топган Катта ФарЁона, ЛоЁон, Шимолий Тошкент каналлари, КаттақурЁон сув омбори сингари йирик сув иншоотлари, шубхасиз, республикада дехқончилик маданиятини ривожлантиришда мухим роль уйнади. Бироқ шуни айтиш уринлики, узбек қишлоЁининг мажбурий тарзда Ёппасига жамоалаштиришга юз тутиши дехқон хужаликларининг соЁлом хужалик юритишига, мустақил фаолиятига бенихоя асоратли таъсир курсатди. Уларнинг эрки, инон-ихтиЁри бутунлай бархам топтирилди. Қишлоқдаги хамма нарса-ердан тортиб, унга нималар экиш, нималар етиштириш, қандай турда, қанза миқдорда - булар хаммаси дехқон ихтиёридан олиниб, маъмурий - буйруқбозлик тизимининг тизгинига берилди. Бунинг оқибатида куп асрлардан буЁн давом этиб келган узбек дехқончилик маданияти анъаналари бархам топиб, бободехқонлармиз мулкка эга булиш хиссидан махрум этилиб, улар юқоридан тухтовсиз бериладиган курсатмалар, буйруқларнинг расмий ижрозиларига айланиб бордилар. Бу хунук холлар токи

Ўзбекистон мустақиллиги кунларига қадар хам давом этганлиги Ёоятда таассуфланарлидир. Бунинг устига республикамизда - пахта якка хокимлигининг кузайиб, унинг мамлакатнинг хомашЁ базаси сифатидаги урни мустахкам илдиз отиб борганлиги хам Ўзбекистон қишлоқ хужалигининг умумий холатига сталинза жамоалаштириш сиёсати незохлик асоратли таъсир утказганлигидан яққол далолатдир.

Советларнинг Ўзбекистонда юритган индустрлаштириш сиёсати:

Маълумки, Совет хокимияти нафақат Россияда, балки шу билан бирга унга тобе миллий худудларда хам мустахкамланиб, оЁққа туриб олгаз, эндиликда бутун мамлакатда «социалистик қайта қуриш» ишларини жадал суръатларда амалга ошириши лозим эди. Бунинг устига мамлакатнинг иқтисодий - техникавий қолоқлигини тугатиш, уни ривожланган индустриал давлатлар қаторига олиб зиқиш, халққа ваъда қилинган бой, фаровон турмушга сазовор қилиш хукмрон партиядан бу борада катта куз-Ёайрат, ташаббус курсатишни, энг аввало, «ленинза Ёоялар»га асосланиб иш куришни талаб этарди. Гап шундаки, социалистик жамият рахномоси - Ленин тарихан қисқа муддатларда СССР да янги жамият қуришнинг бош вазифаларини олдиндан «башорат» қилиб, белгилаб берган эди. Зеро, Лениннинг «социализм қуриш режаси»да узта бир-бири билан узвий боғлиқ вазифа: мамлакатни индустрлаштириш, дехқон хужаликларини жамоалаштириш ва маданий инқилобни амалга ошириш кузда тутилганди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг 20 йиллар бошларидаги иқтисодий хаЁтини кузатар эканмиз, бунда унинг саноатининг нихоятда заиф, қолоқ холда эканлиги турЁунлик жараЁни кезираЁтганлиги аЁн булади. Азалдан хам индустриал салохияти заиф ривожланиб келган улка айниқса совет хокимиятини зурлик билан урнатиш зоЁида, бу тузумга қарши фаол жангу жадал харакатлар, фуқаролар уруши давомида янада иқтисодий таназзуллик ва бухронлик холатларига дузор булганди. Эндиликда Ўзбекистон тинз қурилиш даврига кирар экан, унинг олдида вайрон булган халқ хужалигини оЁққа тургизиш, шу жумладан, саноат ишлаб зиқаришини йулга қуйиш, ривожлантириш, унинг янги, замонавий тармоқларини вужудга келтириш вазифалари кундаланг булиб турарди. Совет хукмдорлари эса бундан таЁинда манфаатдор эдилар. Негаки, улар бу бой улканинг битмас-туганмас минерал ва хомашЁ ресурларини, ер ости ва ер усти бойликларини ишга солиб, махаллий ахолини арзон ишзи кузи сифатида фойдаланиб саноат ишлаб зиқаришини кенг миқЁсларда ташкил этиб, уни ривожлантириб борсалар, бундан Марказ қудрати ортар, унинг Туркистондаги уқ томирлари янада зуқурлашарди. Шу боис хукмрон комфирқа рахбарияти асослаб берган янги иқтисодий сиёсат негизида бу худудда мавжуд саноатни устириш, тармоқлантириш борасида амалий тадбирлар утказа борилди.

1921 йилда йирик Хильково цемент заводи қурилиши қайта тикланди. ФарЁона пиллакашлик фабрикаси, Тошкентда гидроэлектростанция барпо этила бошланди. 1924 йилда қуриб битказилагн Бекобод цемент заводи, 9 та электростанция, 2 та металл ишлаш заводи, 2 та тикувчилик ва 1 та пиллакашлик фабрикалари ишлай бошлади.

Ўзбекистон саноати аввало социалистик ишлаб зиқариш воситаси сифатида тикланди ва ривожланди. Умумий ялпи махсулот ишлаб зиқариш сохасида 1924 йилда давлат сектори улуши 97,1 фоизни, хусусий капиталистик сектор улуши 1,8 фоизни ва кооператив сектор улуши 1,1 фоизни ташкил этди.

Айни пайтда давлат тасарруфида етарли молиявий ресурслар, пул маблаЁлари етарли булмаганлигидан, купгина корхоналарни хусусий мулкдорларга ижарага бериш амалиЁти хам қулланиларди. Фақат ФарЁона вилоятининг узида бу даврда 24 та савдо ва ижара ширкатлари руйхатга олинган эди.

Ўлкада йирик фабрик-завод саноатининг нихоятда заиф ривожланганлиги боис анъанавий хунармандчилик ишлаб зиқариши бу даврда кенг тармоқ отган эди. 1921 йилда Туркистон АССРда ишлаб зиқаришнинг турли тармоқларига оид 1270 та кооператив-хунармандчилик артеллари ишлаб турар, уларга 30 мингга яқин хунарманд жалб қилинган эди. Ўлка хаЁтида хийла мураккаб, зиддиятли жараЁнлар кезишига қарамай, унинг саноат ишлаб зиқариши аста-секин усиш, ривожланишда давом этди. 1923-1924 хужалик йилида бу ердаги бутун йирик ва урта саноат махсулоти ишлаб зиқариши 1921 йилга нисбатан 1,7 мартадан зиЁдроқ купайди.

Ҳукмрон Марказ азми қарори билан бутун мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда индустрлаштириш сиёсатини кенг режада амалга оширишга киришиш арафасида республика саноати ишлаб зиқаришининг умумий манзараси шу тарзда кузга ташланиб турарди.

Ҳукмрон ВКП(б) (Бутуниттифоқ коммунистик большевиклар партияси)нинг 1925 йил декбрида булиб утган XIV съезди бутун мамлакатни индустрлаштириш томон бош йулни белгилаб берди. Унинг «гениал» қарорлари, курсатмалари асосида Ўзбекистонда хам социализм қуришнинг бу мухим буЁини вазифаларини бажаришга фаол киришилди.

Аввало, мохият эътибори билан қараганда Ўзбекистон индустриялаштиришга тайЁрмиди ва у бизга керакмиди? Албатта, бу саволларга турлиза нуқтаи назардан жавоб бериш мумкин. Асосий гап шуки, республика узун, унинг иқтисодий, хужалик хаЁтининг истиқболи узун индустрлаштириш нихоятда керак эди. Унинг куп замонлар қолоқ мустамлака улка булиб келганлиги, иқтисодий - техникавий заифлиги, улка хаЁтининг майда - буржуа харктери, майда кустар - хунармандзилигининг кенг урин тутиши-булар, шубхасиз, бу ерда замонавий саноат тармоқларини вужудга келтиришни тақозо этарди. Бироқ бу улкан вазифани хал этиш узун республиканинг уз куз - қудрати, имкониятлари, моддий ресурслари зекланган эди. Энг мухими, бу ерда бу ишни уддалай оладиган куп сонли мутахассис кадрлар, малаали ишзилар йуқ даражада эди. Шунингдек, замонавий индустрия иншоотлари узун зарур булган асбоб—ускуналар, жихозларни хам зетдан келтиришга тугри келарди. Ва нихоят, бу мақсадлар узун улкан молиявий ресурслар, катта хажмдаги пул маблаЁлари талаб этилардики, бунга ЁлЁиз республиканинг қурби етмасди. Мана не боис қудратли Марказ Ўзбекистоннинг «қули калталиги»дан устамонлик билан фойдаланиб, уни бутунлай қул-оЁЁидан боғлаб, бу ердаги бой табиий ресурслар, ер ости ва ер

усти бойликларини уз манфаатлари йулида ишга солиш мақсадида республика индустрияси узун «хар томонлама беЁараз Ёрдам» курсатишга киришди. Шу мақсадда Иттифоқ хисобидан катта маблаЁлар ажратилди. Марказий шахарлардан куплаб миқдорда зарур асбоб - ускуналар, техник жихозлар ва энг мухими, минг - минглаб тайЁр мутахассислар, малакали ишзи кадрлар юборилди. Уларнинг рахбарлиги ва қул остида махаллий Ёшлар касб-хунар урганиб, «таълим-тарбия олиб», ишзилар синфи сафини тулдириб бордилар. Ҳатто Ўзбекистон мустақилликка эришгунза қадар хам унинг ишзилар синфининг купзилигини ва саноат корхоналари рахбарий тарикибининг асосий қисмини европалик миллат кишилари ташкил этганлиги сир эмасдир.

Шу нарсани холис таъкидлаш жоизки, республикада индустрия тармоқларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда Москва, Ленинград (Ҳозирда Санкт-Петербург), Урал сингари саноат марказларининг Ёрдами катта булди. Шунингдек индустрлаштириш сохасига ажратилган хукумат маблаЁлари миқдори хам йил сайин ортиб борди. Масалан, 1925 йилда у 3 миллион сумни ташкил этган булса, 1929 йилга келиб бу курсаткиз 29 миллион сумни ташкил этди. Мана шу хилдаги тадбирлар орқасида респблика саноати махсулоти муттасил кутарилиб борди. Жумладан, йирик саноатнинг ялпи махсулоти 1927-1928 хужалик йилида 270 млн. сумга етди, яъни 1924-25 йилдагига нисбатан 2,5 баробарга усиб, урушдан олдинги даражадан ортиб кетди. Шу утган уз йил давомида йирик саноат корхоналарининг сони 48 тага купайиб, уларнинг сони 1928 йилда 166 тага етди. Шу давр изида республикадаги ГЭСлар сони хам 17 тага купайиб, уларнинг қуввати 3 бараварга усди. Шу йилларда Ўзбекистонда бир қатор мухим корхоналар, зунонзи, ФарЁона туқимазалик, Тошкент «Ўртоқ» қандолатилик, тикувчилик фабрикалари, Самарқанд, Бухоро, МарЁилонда пиллакашлик фабрикалари, Бузсув ГЭСИ, Турксиб темир йули, Хильково цемент заводи, ЗимЁн ва «Санто» нефтни қайта ишлаш заводлари қурилиб ишга туширилди.

Гарзи дастлабки совет беш йилликлари (биринзи беш йиллик: 1928-1932; иккинзи беш йиллик: 1933-1937; узинзи беш йиллик: 1938-1942 йй) якунлари рақамлари куп холларда бузилган, реал хақиқатдан узоқ булса-да, бироқ иккинзи жахон урушигаза булган даврда Ўзбекистонда индустрлаштириш жараЁни анза кенг кулам Ёзганлиги, юзлаб замонавий йирик корхоналар бунЁд топганлиги, халқ хужалиги ишлаб зиқаришида саноат махсулотининг салмоЁи узлуксиз ортиб борганлиги, махаллий ишзилар синфининг катта армияси шакллганлигини алохида қайд этиб утмасдан булмайди. Рақамлар тили билан гапирганимизда хам (гарзи уларнинг аниқлигига тула кафолат булмаса-да) республикамизда бирини беш йилликда 289 та, иккинзи бешйилликда 189 та ва тугалланмаган узинзи бешйилликда эса 134 та саноат корхоналари бунЁд этилганлиги, улар орасида йирик Тошкент туқимачилик комбинати, Зирзиқ электрокимЁ комбинати, Тошкент қишлоқ хужалик машинасозлиги, Қувасой цемент заводлари каби ноЁб индустриал иншоотлар қурилиб ишга туширилганлиги - булар Ўзбекистоннинг урушгаза булган даврда эришган ютуқларидан далолатдир.

Республикада бунЁд топган Янгийул, Ангрен, Қувасой, Олмалиқ сингари саноат марказлари хам фикримиз исботи була олади.

Бироқ шунга қарамасдан республиканинг индустрлаштириш жарЁни хақиқатдан хам жиддий қийинчиликлар, мураккабликлар билан кезганлиги, бу эса унга бенихоя катта моддий ва маънавий зарар махрумликлар келтирганлиги, унинг моддий ресурслари, ер ости бойликлари, қимматбахо маъданларининг талон - тарож булганлиги, атроф - мухит эса янада ифлосланишга дузор этилганлиги рад қилиб булмас фактдир.

Зеро, Иттифоқдаги мажуд хид тарқатувзи газ зиқарувзи йирик кимЁвий корхоналарнинг жами 10 фоизи шу худудда барпо этилганлиги хам бунга Ёрқин мисолдир. Гарзи махаллий халқ орасидан янгидан куплаб ишзилар етишиб зиққан булса-да, бироқ республика ишзилар синфининг асосий қисми, унинг рахбар таркиби, йирик мутахассислар европалик миллат вакилларига мансуб эдилар.

Республикада саноат ишлаб зиқариши куламининг йил сайин усиб бориши мутахассис кадрларга, малакали ишзиларга зарур эхтиЁж сезганлигидан бу худудга европалик ахолига мансуб кишиларнинг куплаб оқиб кела бошлади. Масалан, 1926 йилдан 1940 йилга қадар Ўзбекистон ахолиси янги келганлар хисобига 750 минг кишига Ёки 10 фоизга купайди. Бу хам маълум маънода советлар юритган улуЁдавлатчилик сиёсатнинг типик куринишларидан бири эди. Негаки, Иттифоқ хукумати бунда махаллий мутахассис кадрларни турли уқув жараЁнлари ташкил этиб, етарли даражада тайЁрлашдан кура уларни зетдан олиб келишга устивор ахамият берди. Бунинг устига республика саноатининг асосий мурувватлари тобора хукмрон Марказ қул остига туплана бордики, бу хам Ўзбекистоннинг унга тобелиги, қарамлигини кузайтира борди. Масалан, 1928 йилда Ўзбекистондаги мавжуд корхоналарнинг 81,7 фоизи Иттифоққа тегишли, 14,5 фоизи республика ва 3,8 фоизи махаллий ахамиятга эга булган булса, 30 йиллар урталарига келиб Иттифоқ тасарруфида булган корхоналар 90 фоизни ташкил қилган. Индустрлаштиришнинг бутун оЁирлиги мехнаташ халқ зиммасига оЁир юк булиб тушган. Улар оЁир шароитларда мехнат қилишга, бу мураккаб жарЁнларнинг барза қийинчиликларига бардош беришга мажбур эдилар.

Бунинг устига республикада хосил қилинадиган хилма-хил махсулотларнинг хисоб-китоби, уларнинг қанзаси Марказга сув-текинга ташиб кетилади Ёхуд қанза қисми зетга экспорт қилиниб, бунинг эвазига қанза миқдорда валюта тушумлари оқиб келади, булар хам тулиЁига хукмрон тузум мутасаддилари тасарруфида булган. Буни билиш, суриштириш Ёки ундан Ўзбекистон ва унинг халқи манфаатлари йулида фойдаланишга махаллий рахабарларнинг хадди сиёмасди. Бунга уларнинг журъати етмасди. Бу хам республикада индустрлаштириш жараЁни нима мақсадда, кимларнинг асл манфаатларини кузлаб амалга оширилганлигини руй-рост исбот этади.

Адабиётлар

1. Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистан в 1917-1991 гг.: противоборство идей и идеологий. – Т.:Фан, 2002

2. Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари.- Т., 2000
3. Вахабов М.Г. Формирование ўзбекской социалистической нации.- Т., 1974.
4. Гордиенко А.А. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. –М., 1974.
5. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документў и материалў.-Т.2. –Алма-Ата, 1964.
6. История коммунистических организаций Средней Азии. –Т., 1967.
7. История Буҳарской и Хорезмской НСР. М.:Наука, 1971.
8. История Хорезмской Народной советской республики /Сборник документов.- Т., 1976.
9. Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Компартии – Т.:Ўзбекистан, 1975.
10. Коммунистическая партия в резолюциях и решениях съездов и конференций. Т.3. – М., 1976. Образование Казахской АССР.- Сборник документов. М., 1974.
11. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон моддий бойликларини талаш сиесати.- Т., 2000
12. Народное хозяйство Средней Азии. 1924. № 4. С. 208.
13. Постановление Первого краевого съезда по ўзбекскому язўку и грамматике. – Т., 1922.
14. Ташенов К.Т. Национально-государственное размежевание в Средней Азии и Казахстане.- Алма-Ата, 1960.
15. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. Коллектив.- Т.:Шарк, 2000
16. Турсунов Х.Т. Коммунистические партии Туркестана, Буҳарў и Хорезма в период национально-государственного размежевания Средней Азии. –Т., 1963
17. Туркестанская правда. 1924. 2,5,8,15,17 сентября
18. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи. – Т.:Шарқ, 2002
19. Хоразм тарихи. 2 жилд. – Урганч,1997.
20. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида –Т.:Шарқ, 2000.
21. Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. Т.:Фан, 1971.
22. Ўзбекистон тарихи. – Т.:Ўқитувчи, 1996
23. Ўзбекистон тарихи. – Т.:Ўқитувчи, 1998
24. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. – Т., 2000
25. Ўзбекистон Республикаси. – Т., 1997
26. Бюллетень ЦСУ Ўзбекистана. 1975. 1-сон.
27. Инқилоб қуёши. 1924. 3 сентябр.
28. www.e-tarih.uz

4-мавзу: 1925-1941 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги зиддиятлар.

Фанни ўқитиш технологияси:
«1925-1941 йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги зиддиятлар» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. 1925-41 йилларда Ўзбекистонда советларнинг индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати ва унинг оқибатлариги
2. Ўзбекистоннинг 1920-30 йиллардаги маданий ҳаётидаги зиддиятлар
3. Ўзбекистонда 20-30 йиллардаги қатағонликлар ва уларнинг оқибатлари

Таянч иборалар:

Маъмурий-буйруқбозлик тузум, ҳарбий коммунизм сиёсати, озиқ-овқат развёрсткаси, озиқ-овқат солиғи, индустрлаштириш, жамоалаштириш,"қулоқ қилиш", қатағонлик, Қосимовчилар, Иноғомовчлар, 18-лар гуруҳи, пахта яккаҳокимлиги, “маданий инқилоб», “хужум”, беш йиллик вазифалари, тоталитар тузум, коммунистик мафкура, байналмилалчилик сиёсати, қадриятларнинг топталиши, ўзбек адабиёти ва санъати.

1-асосий савол: 1920-41 йилларда Ўзбекистонда советларнинг индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари

МАҚСАД: 1920-41 йиллардаги Ўзбекистондаги иқтисодий аҳволни ёритиб бериш, янги иқтисодий сиёсат моҳиятини тушунтириш, иқтисодий муносабатлар ва хўжаликдаги аҳволни очиб бериш, жамоалаштириш ва индустрлаштириш сиёсатларини тушунтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. 1920-30 йиллардаги Ўзбекистондаги иқтисодий аҳволни тушунтиради.
1.2. Индустрлаштириш ва жамоалаштириш моҳиятини очиб беради.
1.3. Янги иқтисодий сиёсат моҳиятини тушунтиради.

1-асосий саволнинг баёни:

20 йилларнинг бошларида жорий этилган иқтисодий сиёсат Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодиётида жонланишга олиб келди. "Ҳарбий коммунизм" сиёсати ва ўлкадаги очарчилик оқибатида миллатнинг кўплаб қирилиб кетишининг олди олинди. Лекин 20-йилларнинг иккинчи ярмида бу сиёсат ўзининг моҳиятини йўқота бошлади ва 1929 йили батамом бекор қилинди. Эркин савдо, хусусий тадбиркорликка чек қўйилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид нархи туширилиши озиқ-овқат муаммосини келтириб чиқарди, деҳқонлар қашшоқлашди. Ўлка аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшар эди. Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида инқилобдан кейинги йилларда экин майдонлари биринчи жаҳон уруши бошланишидан олдинги даврга қараганда деярли учдан икки қисмига камайиб кетди. Чорва ҳам

камайди. Пахтачиликдаги таназзул сурункали тусга кирди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди.

Хоразм ва Бухоро республикаларида ҳам озиқ-овқат развёрсткаси жорий этилди. Пахта, қоракул, тери, пилла, жунга давлат монополияси амалга оширилди. Савдогарларнинг моллари, йирик хўжаликларнинг ғалласи ва чорваси мусодара қилинди, баъзи жойларда ерлар ҳам тортиб олинди. РКП)б) Х съезди 1921 йил мартда озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисидаги қарори иқтисодий муносабатларда кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) деган тамойиллар тизими вужудга келди. НЭПнинг асоси иқтисодиет, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ҳарбий-коммунистик усулларидан воз кечиш, ишлаб чиқарувчига, аввало деҳқонга бир қадар эркинлик беришдан иборат эди. НЭП деҳқонга белгиланган озиқ-овқат солиғини тўлагандан кейин ҳосилнинг қолган қисмига эркин эгалик қилиш, уни бозорда сотиш ва ўз хўжалиги ҳамда шахсий таъминоти учун зарур нарсаларни сотиб олиш имконини берди. Шаҳарда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида ўртача ва майда корхоналар, савдо шохобчалари ва бошқалар ижарага берилди. Акционерлик жамиятлар тузишга, ишчи кучини ёллашга руҳсат берилди ва ҳк. Бироқ пахтага давлат монополияси сақланиб қолди. НЭПнинг биринчи босқичининг қишлоқ хўжалик якунлари мўжалгина бўлиб чиқди. Озиқ-овқат солиғи режаси бажарилмади. Ўлкага ғалла олиб келинмади, натижада деҳқонлар пахта етиштиришдан бош тортдилар.

1921 йил март ойида Туркистон иқтисодий кенгаши -ТуркЭКОСО тузилди, унинг қошида Госплан таъсис этилди. Озиқ-овқат солиғидан ягона қишлоқ хўжалик солиғига ўтила бошланди.

Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти сифатида индустриялаштириш сиёсатини амалга ошириш бошланди. Саноати қолоқ, малакали ишчи кадрлари, мутахассислари деярли йўқ, оғир саноатни ривожлантириш тажрибаси йўқ ўлкада индустриялаштириш анча оғир кечди. Шу баҳона малакали ишчилар, мухандис-техник ходимларни Россиянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилди. Фақат 1931 йилнинг ўзида кўчириб келтирилганлар 15.000 нафарни ташқил қилди. Оқибатда 1926-1936 йиллари Ўзбекистон аҳолиси 37 фоизга кўпайган бўлса, европаликлар 62 фоизга ошди.

Индустириялаштиришнинг дастлабки пайтида кичик сув электростанциялари, қишлоқ хўжалиги, пахтачиликка қаратилган хом-ашёни қайта ишлаш корхоналари курилиб ишга туширилди. Чирчикдаги ГЭСлар, Тошкен тикувчилик, пойафзал, тамаки, Фаргона тукимачилик, Самарканд ва Маргилондаги ипак фабрикалари шулар жумласидандир. 30-йилларда Тошкент тукимачилик комбинати, қишлоқ хўжалик машинасочилик заводи, Чирчик химия комбинати ва бошқа кўплаб йирик корхоналар ишга туширилди. Жами 30-йиллар охирида Республикада 1445 та ҳар хил саноат корхоналари мавжуд бўлиб, бўларда 142 минг ишчи меҳнат қилар эди.

Советларнинг "ўз кучимиз билан қисқа муддатда" деб олиб борган индустриялаштириш сиёсати Ўзбекистон учун ғоят огир кечди. Марказ

томонидан Республиканинг ер ости ва ер усти казилма бойликлари хом-ашё манбалари талон-тарож қилиниб, арзон, деярли текин иш кучидан фойдаланиб улкадан максимум фойда олиш ҳаракатида бўлди. Бу сиёсат айникса миллионлаб дехконларнинг ҳисобидан амалга оширилди, қишлоқда ўтказилган жамоалаштириш сиёсати гаразли максад учун жуда ҳам кул келди.

1930 йилнинг бошалридан ёппасига жамоалаштириш ҳаракати бошланиб, катта ер эглари, урта хол дехконлар ва камбагалларнинг ерлари жамоа хўжаликларига бирлаштирилди, уларнинг кулларидаги от-улов, меҳнат воситалари, чорва моллари ҳам мажбуран умумийлаштирилди.

Давлат жамоа хўжаликлари оркали режалаштирилган йўл билан меҳнаткаш дехконлар оладиган хосилнинг деярли барчасини йигиб оладиган бўлди. Вакти келганда зурлик билан, куч ишлатиб соликларни йигиб олиниб, дехконлар хўжалиги хонавайрон қилинди. 30-йиллар бошларида юз берган очарчилик, унинг оқибатида миллионлаб кишиларнинг крилиб кетишлари, аҳолининг халигача қишлоқ хўжалик махсулотларига ёлчимай келиши уша давр кур-курона сиёсатининг натижаси бўлди. Оммавий жамоалаштиришга суяниб, бадавлат хўжаликлар, айрим урта хол дехконлардан 5,5 мингдан ортиги ўз оиласи билан ўзок улкаларга сургун қилинди. Бу билан қишлоқларнинг бош кутаришга кодир, эсини таниган, вазиятни тушунадиган қисмини йук қилиб, талончилик сиёсатини осонлаштиришга ҳаракат қилди. Ўз-ўзидан равшанки, жамоалаштириш сиёсати натижасида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги пасайиб, моддий манфаатдорлик йуколди, қишлоқ аҳолиси кашшоклашди, дехконнинг эксплуатация қилишининг бирдан-бир такомиллашган услуби кашф этилди. Бунинг эвазига, Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини кучайтириш йўли билан собик СССР пахта мустақиллигига эришди.

2-асосий савол: Ўзбекистоннинг 1920-30 йиллардаги маданий ҳаётидаги зиддиятлар

МАҚСАД: 20-30 йилларда Ўзбекистондаги маданият ва маорифни еритиш, қатағонлик оқибатларини очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАКСАДЛАРИ:

2.1. 20-30 йиллардаги халқ ижодиети, маданият ва маориф соҳасини изохлаб беради.

2.2. Миллий маданият арбоблари ва зиелиларни қатағон қилинишини очиб беради.

2-асосий саволнинг баёни:

Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқнинг ахлок-одоби, ақл-заковати ўтмиш авлодлар яратган бой маънавий анъаналар, Шарқ асрий инсонпарварлик қоидалари, исломнинг тарғиботлари таъсирида шаклланиб келган. Ўзбекистон кўп асрлик анъаналарга эга бўлган ўзига хос ягона ва ниҳоятда бой халқ санъатининг ватанидир. Ўзбекистоннинг маданий ҳаетида миллий зиелилар - адиблар, журналистлар, ўқитувчиларнинг роли ниҳоятда катта бўлган. Машхур адиб ва публицистлар А.Фитрат, А.Чўлпон, А.Қодирий, А.Авлоний, С.Айний, Х.Х.Ниезий, Г.Юнус, Хуршид, Боту, Зие Саид ва бошқалар, истеъдодли артист ва режиссер М.Уйғур зиелиларнинг атоқли намояндалари бўлдилар.

Ерли миллатлар болалари учун мактаблар очиш, ўқитувчи кадрлар тайерлаш юзасидан халқ таълимининг ташқилотчилари А.Шокирий, О.Дадахўжаев, Т.Қори-Ниезий ва бошқалар катта педагогик ишлар олиб боришди.

20-йилларнинг бошида Ўзбекистонда маданий ҳаетда бир канча тадбирлар амалга оширилди. 1923 йилда Бухорода тропик касалликлар институти очилди. 1921 йил майда Маориф халқ комиссарлиги қошида музейлар ва қадимги едгорликлар, санъат ҳамда табиат едгорликларини қўриқлаш иши юзасидан комитет -Комстарис тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Совет маданий сиесатининг етакчи тамойилларидан бўлган синфий ендошув Ўзбекистон миллий маданиятининг вакф, эски усул мактаблари, мадарасаларга катта зиен етказди. Шарк аелларини озод қилишни кўзда тутиб, "хужум" сиесатини амалга оширдилар. 1923 йилдан бошлаб мактаблар тармоғини кенгайтириш ишлари бошланди. Туркистон ва Бухородан 60 нафарга яқин ешлар Германияга ўқишга юборилди. Мактаблар, интернатлар, ҳунар-техника ўқув юртлари, кутубхоналар тармоғи кенгайиб борди. 20-йиллар ўрталарига келиб Туркистон, Бухоро ва Хоразмда 14 театр, 19 кинотеатр, 152 кутубхона, бир неча ўнлаб маданий-оқартув муассасалари ишлаб турди. Туб халқлар тилларида газета ва журналлар, дарсликлар нашр этилди. Адабиет соҳасида Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Юнус, Хуршид ва бошқалар асарлари кўринарли жой эгаллади. "Муштум" журнали чиқа бошлади.

1925-30 йилларда педагогик кадрларга бўлган эҳтиежни қондириш учун педагогика ўқув юртларининг кенг тармоғи яратилди. Халқнинг умумий саводхонлиги ўсди. Шундай бўлса-да, бу жараенлар партиянинг маданий соҳада зўрлик кўрсатиши туфайли мушкулликларга учради. Вақф мактаблари ва мадрасалар тугатилди. Езувчи ва шоирлардан Х.Х.Ниезий, С.Айний, Завқий, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг асарлари нашр этилди. Бироқ 20-йилларнинг иккинчи ярмидаеқ маъмурий-буйруқбозлик тизими таркиб топа бошладики, ижтимоий-маданий соҳаларнинг янгидан барпо бўлишини секинлаштириб қўйди. Миллий маънавий ҳаетнинг асл моҳиятини нотўғри тушуниш, уни оврўпалаштириш, кўп асрлик маънавий қадриятлардан воз кечиш каби зиддиятлар пайдо бўлди. 30-йилларга келиб миллий адабиет ва санъатнинг аҳволи қийин ва номутаносиб ҳолатда эди. Шахсга сиғинишнинг рутубатли иқлимига қарамай, ижодий ҳает сўнмади. Езувчилар ва адабиетшунослар қатори кенгайди. 1934 йил мартда Тошкентда Ўзбекистон езувчиларининг съезди бўлди ва унда Республика Езувчилар иттифоқи ташқил қилинди. Ўзбек езувчиларининг номлари жаҳонга кенг ейила бошлади. /афур /улом, Ойбек, /айратий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин Собирова, Усмон Носир, Уйғун, Комил Яшин ва бошқаларнинг асарларида халқнинг маиший турмуши ва анъаналари, меҳнат қаҳрамонлари, даврнинг романтик ва шижоатли каби хусусиятлари ўз бадиий ифодасини топган.

30-йилларда кучайган маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкураси ижод аҳлини, қолаверса республиканинг маданий ҳаетини буға бошлади. Ижодни партиявийлик ва ягона мафкурага бўйсундирилиши ҳаетни бадиий тасвирида вулгар-социал кўринишларга кенг йўл очди. Партия

томонидан янги ҳаетни куйлашга бўлган чақириғи ва мажбурий нормалар ижодий жараенда тарихий ўтмишнинг унутилишига олиб келди.

Адабиетда борлиқни, мураккаб ижтимоий муаммоларни бўяб кўрсатиш, хато ва камчиликлар ҳақида сукут сақлаш зарурий шарт бўлиб қолди. Миллий маданият 30-йилларда қаттиқ фожеага дучор қилинди. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилиниши кучайди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зие Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин, каби адабиет ва санъатнинг қобилиятли вақилларининг асарларини ўқишдан жамоатчилик ўзок вақт маҳрум бўлди.

3-асосий савол: Ўзбекистонда 20-30 йиллардаги қатағонликлар ва уларнинг оқибатлари

МАҚСАД: Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик тузумининг ўрнатилишини кўрсатиш, партия ва давлат аппаратидаги қатағонлар ҳақида маълумот бериш, "қулоқ" қилиш сиёсати моҳиятини тушунтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

3.1. Ўзбекистонда маъмурий буйруқбозлик тузуми қарор топганини очиб беради.

3.2. 20-30 йиллар партия ва давлат органларидаги қатағон оқибатларини билади.

3.3. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий парокандалик сабабларини очиб беради.

3.4. 20-30 йиллар ижтимоий-сиёсий аҳволга умумий баҳо беради.

3-асосий савол баёни:

1918 йил апрель ойида РСФСР таркибидаги Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Большевикларнинг мажбуран ён бериши билан ҳокимият органларида маҳаллий аҳоли вақиллари иштирок қила бошлади. 1919 йил сентябр ойида маҳаллий аҳолининг Советларга жалб қилинишига ҳалакит берувчи совет ҳокимиятининг ўлкадаги таянчи фақат рус ишчилари деб ҳисоблайдиган, маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қаровчи Туркистоннинг бир қатор раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилди. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, ўлкада мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда Марказ ташқил қилган Турккомиссия ва РКП(б) МК Туркбюро, кейинроқ унинг ўрнига ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси каби ташқилотлар катта хизмат кўрсатдилар. Совет қурилиши 20-йилларда ҳам давом этиб борди: вилоят, волость, уезд совет ва партия органлари ишлаб турди. Фавқулодда шароитлар юзага келган жойларда инқилобий комитетлар (ревкомлар) тузилди. Сиёсийлашган, синфийлашган хўжалик органлари, касаба уюшмалари, ёшлар иттифоқлари, хотин-қизлар ва бошқа ташқилотлар юзага келди. Қишлоқларда камбағалларни уюштириш ва тарбиялаш мақсадида "Қўшчи" союзлари тузилди.

Совет ҳокимияти ўлкада саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни материаллар билан таъминлаш учун анча ҳаракат қилди. Лекин ўлка чуқурлашиб бораётган танглик гирдобига тушиб қолди. Саноатнинг национализация қилингани, хусусий мулкнинг мусодара этилгани, иқтисодиётнинг марказлаштирилгани шу тангликнинг асосий

сабаблари бўлди. Озиқ-овқат развёрсткаси ва пахта савдосига давлат монополиясини жорий қилиш натижасида аҳвол янада оғирлашиб борди. Бозорларнинг бекитиб қўйилиши, мажбурий меҳнат, қозихоналарнинг таъқиқлаб қўйилиши, масжид ва мадрасаларни беркитиши халқ ичида норочиликлар уйғотди. 1921 йилда бошланган ер ислоҳоти бир қанча жойларда ерга алоқадор муносабатларни кескинлаштирди. Бу ўзгартиришлар жараёнида халқнинг манфаатлари ва анъаналари ҳисобга олинмади, шу сабабдан улар қўллаб-қувватланмади ва хатто қаршиликка учради.

Туркистондаги раҳбар ходимлар, хусусан Турор Рисқулов (ТуркМИК раиси) бошлиқ маҳаллий коммунистлар туркий халқлар, Туркистон мустақиллиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашдек демократик тамойиллар учун кураш бошлади. 1920 йилда ТКП Мусулмон бюросининг III конференцияси ва ТКПнинг V ўлка конференциясида Т.Рисқуловнинг турк халқлари коммунистик партияси тузиш ва Туркистон Республикасини Турк республикаси деб аташ ҳақидаги ғоялари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Бироқ бу ғояларнинг асл мақсади Туркистон мустақиллиги бўлганлиги боис, Марказ Т.Рисқулов ва унинг тарафдорларининг фикрларига қарши чиқди. Марказнинг Туркистондаги ҳукмронлигининг ижрочиси Турккомиссия бу ҳаракатни рад этади ва миллат фидойиларини қувғинга учратади.

А.Икромов ва Т.Рисқулов ўлкада улуғ давлатчилик шовинизми, буржуа миллатчилиги юзага келаётганлиги тўғрисидаги масалаларни кўтариб чиқдилар. А.Икромов партия ичидаги тоқат қилиб бўлмас ҳолатлар, қўрқинч ҳисси мавжудлигини очиқ-ойдин баён қилди. У Туркистонда кўп соҳаларда мустамлакачилик қоидалари сақланиб қолганлигини кўрсатиб ўтди. Ушбу ватанпарварларнинг чиқишлари, кейинчалик уларни жисмоний йўқ қилишда айблов учун асос бўлди.

1924 йилда Ўрта Осиёни чегаралаб бўлиш ва миллий республикалар тузиш ғоясини амалга ошириш бошланди. 1925 йил 13 февралда советларнинг 1 умумўзбек съезди очилди. Бу съездда "ЎзССР тузилгани тўғрисида декларация" қабул қилинди. Республика МИК раиси этиб Йўлдош Охунбобоев сайланди. ЎзССР СССР таркибига кирди.

Туркистоннинг социал-иқтисодий ривожланиши борасида билдирилган муқобил фикр муаллифлари миллатчиликда айбландилар. Айни шу дамларда Ўзбекистоннинг илғор, ҳурфикрли фарзандлари "иноғомовчилик", "18лар гуруҳи", "қосимовчилик" каби гуруҳбозликда ва давлатга қарши миллатчиликда айбланиб қатағон қилиндилар.

20-йилларнинг охирига келиб республикада мустабид тузум ўзини тўлиқ намоён этди. Сиёсий қатағонлар авж олди. 1929 йилда машҳур жадидчи, маърифатпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошлиқ "Миллий истиқлол" ташқилоти аъзоларини қамоққа олиш бошланди. Бу ташқилотнинг қамоққа олинган 85 аъзосидан 15 таси отилди, қолганлари ахлоқ тўзатиш лагерларига жўнатилди. "Миллий Иттиҳод" ташқилотининг аъзолари ҳам қатағон қилиндилар. Машҳур жамоат арбоблари Маннон Абдуллаев (Рамзи), Носир Саидов, Маҳмуд Мирходиев, Хосем Василов, Собир Қодиров ва бошқалар ўлим

жазосига ҳукм қилиндилар, сўнгра бу ҳукм ўзоқ муддатли қамоқ жазосига алмаштирилди.

1930 йилда Давлат банки аппаратида ўтказилган тозалаш вақтида қатор раҳбар ходимлар қамоққа олиндилар. ЎзССР Суди раиси Саъдулла Қосимовнинг "қосимовчилик" деб номланган ишини кўриб чиқиш бошланди. Бу жараёнларнинг моҳияти кўзга кўринган сиёсий арбобларни тугатишга қаратилганди.

30-йилларнинг бошида диндор ва эътиқодли кишиларга нисбатан зўравонлик сиёсати қатағонликнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, будда динига тааллуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди. Ўтмишда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат маркази, халқнинг кўп асрлик меросини сақловчиси бўлган мачит ва мадрасаларни деярли барчаси ёпиб қўйилди, айримлари бўзиб ташланди.

Бутун республиканинг ҳаёти Марказнинг қаттиқ назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекиниш контрреволюцион, сиёсий мухолифат деб баҳоланди.

1937 йилдан "антисовет", "халқ душманлари"ни қидириб топиш, жазолаш кенг тус олди. Сиёсий бошқарув органлари (ОГПУ) фаолияти асосан ана шундай шахсларни , масалан, Ф.Хўжаев, А.Икромов, Д.Манжара, А.Каримов каби партия ва давлат раҳбарларини хибсга олишдан иборат эди. Улар ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Адабиетлар:

1. Алимова Д.А. Ўзбекистон тарихи (1917-1991) –Т.:Шарқ, 2000
2.Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида:сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари – Т., 2000
3.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. - Т.,2000.
4.Ишанходжаева З.Р., Иоффе В.Г. Репрессивная политика тоталитарного режима в Ўзбекистане (20-80-е годў XX в.). Уч.мет.пос. –Т.:Университет, 2003
5. Ўзбекистон тарихидан маърўза матнлари- Т.,1999.

5-мавзу Мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағончилик сиёсати ва унинг оқибатлари.

Фанни ўқитиш технологияси:
«Мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағончилик сиёсати ва унинг оқибатлари» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. Тоталитар тузумнинг кучайиши.

2. Миллий кучлар сафининг бўлиб ташланиши.
3. Зиёлиларнинг қувғин қилиниши.
4. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг поймол этилиши.

Таянч иборалар:

Маъмурий-буйруқбозлик тузум, ҳарбий коммунизм сиёсати, озиқ-овқат развёрсткаси, озиқ-овқат солиғи, индустрлаштириш, жамоалаштириш,"қулоқ қилиш", қатағонлик, Қосимовчилар, Иноғомовчлар, 18-лар гуруҳи, пахта яккаҳокимлиги, “маданий инқилоб», “хужум”, беш йиллик вазифалари, тоталитар тузум, коммунистик мафкура, байналмилалчилик сиёсати, қадриятларнинг топталиши, ўзбек адабиёти ва санъати.

1-асосий савол: Тоталитар тузумнинг кучайиши.

МАҚСАД: 1920-41 йиллардаги Ўзбекистондаги иқтисодий аҳволни ёритиб бериш, янги иқтисодий сиёсат моҳиятини тушунтириш, иқтисодий муносабатлар ва хўжаликдаги аҳволни очиб бериш, жамоалаштириш ва индустрлаштириш сиёсатларини тушунтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. 1920-30 йиллардаги Ўзбекистондаги иқтисодий аҳволни тушунтиради.
1.2. Индустрлаштириш ва жамоалаштириш моҳиятини очиб беради.
1.3. Янги иқтисодий сиёсат моҳиятини тушунтиради.

1-асосий саволнинг баёни:

ХХ-асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмига келиб советлар мамлакатининг ҳокимият бошқарув-идора тизимида ҳам кескин ўзгариш ҳоллари юз берди. Сталин аста-секинлик билан ўзининг якка ҳокимлигини бутун чоралар билан қарор топтириш ҳаракатида бўлди. 20-йиллар охирларида Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган “Социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик кучайиб боради” деган ғоя ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг авж олишига олиб келди. Сталин ва унинг атрофидагилар мамлакат ва партия ҳаётига оид ҳар бир масалада ўз иродаси, ҳукмини бошқаларга мажбур етиб, ҳар қандай мухолифатчи қарашларни, уларнинг ташувчиларини маҳв етиб бордилар. Шу тариқа, мамлакатда Ленин томонидан асос солинган тоталитар бошқарув тизимини Сталин янада кучайтирди. Бу тизимнинг моҳияти шундаки, унда давлат бошқаруви марказлашган ва буйруқбозлик характерига ега бўлади. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий соҳалар устидан тўлиқ давлат назорати ўрнатилади. Турли хил тарзда фикр, тафаккур юритиш, мухолифатчилик ҳаракатларида бўлиш қатъиян ман етилади, сиёсий еркинликлар тақиқланади. Айни чоғда демократия бузилади, илғор, тараққийпарвар кучлар қатағонликка маҳкум етилади. Ҳукмрон партиянинг ягона иродаси, ўзбошимчалиги, чегара билмас зўравонлиги авжига чиқади.

Мамлакатда тоталитар тузумнинг қарор топиши миллий совет республикалари ҳаётига ҳам дахл қилиб, уларнинг бутун инон-ихтиёрини Иттифоқ давлати тасарруфига боғлаб қўйди. Бу Ўзбекистон тимсолида ҳам кўзга яққол ташланди. Аввало, республика ҳокимияти бошқарувининг ҳамма бўғинлари тўлиқ равишда СССР органларига бўйсундирилди. Шунингдек, бу ердаги ягона раҳбар ташкилот – Ўзбекистон Компартияси ҳам ВКП(б)нинг

таркибий қисми сифатида вилоят бўлими мақомига туширилди. Бинобарин, ҳукмрон партия қабул қиладиган ҳар қандай қарору фармойишлар, раҳбарий кўрсатмалар республика партия ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий ва шарт эди.

Сталинча маъмурий-буйруқбозлик тизими кўзга кўринарли ва кўзга кўринмас минг хил қизил иплар билан Ўзбекистонни ўз домига киритиб, унинг амалдаги расмий мустақиллигини ҳам йўққа чиқарган эди. Унинг маҳаллий раҳбарияти республиканинг иқтисодий, хўжалик, маданий-маънавий ҳаётига оид бирор бир масала, муаммони мустақил тарзда ҳал етишга ҳақли, ҳуқуқли эмас эди.

2-асосий савол: Миллий кучлар сафининг бўлиб ташланиши.

МАҚСАД: 20-30 йилларда Ўзбекистондаги маданият ва маорифни еритиш, қатағонлик оқибатларини очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАКСАДЛАРИ:

2.1. 20-30 йиллардаги халқ ижодиети, маданият ва маориф соҳасини изохлаб беради.

2.2. Миллий маданият арбоблари ва зиелиларни қатағон қилинишини очиб беради.

2-асосий саволнинг баёни:

Мустабид тузум Марказдан Ўзбекистонга ўзининг кўп сонли садоқатли ходимлари, вакилларини раҳбарий лавозимларда ишлашга узлуксиз юбориб турди. Улар ёрдамида ўлка ҳаётида кечаётган барча жараёнлар, ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб, маҳаллий кадрлар фаолиятини кузатиб, назорат қилиб борди.

Ўз халқи, юртининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг истиқболини кўзлаб, ўзида куч-ирода топиб, бор ҳақиқатни айтишга журъат қилган миллат кишилари биринчи навбатда ҳукмрон Марказнинг қаҳру заҳрига дучор бўлди. Қатағонлик зулмкорлари, уларнинг гумашталари бир имо-ишора билан бундай юрт фидойиларини орадан олиб ташлаш, фаолиятини оғмачилик, бузғунчиликда айблаш, шаънига халқ душмани, миллатчи, аксилинқилобчи, буржуа малайлари сингари асоссиз бўҳтонлар билан лаънат тамғасини тиркашга доимо тайёр турардилар. Бунинг ёрқин ифодасини совет мафкурачилари томонидан тўқиб чиқарилган ва ўзбек миллий кадрлари шаънини булғашга қаратилган “ўн саккизлар гуруҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик” деган сиёсий ишлар мисолида кўришимиз мумкин. Уларнинг ягона “гуноҳи” ўз миллати дарди, ташвиши ва манфаатини кўзлаб, айрим муҳим муаммоларни кўтарганлиги ва уларни ҳал етишга юқорининг еътиборини жалб етганлигидир.

Хўш, “ўн саккизлар гуруҳи” таркиби кимлардан иборат бўлган? Улар совет мутасаддилари олдида қандай гуноҳ қилган эдилар? Республиканинг таниқли арбобларидан ташкил топган бу гуруҳ (И.Хидиралийев, Н.Саиджонов, У.Ашуров, Р.Раҳимбобойев, Р.Рафиқов ва бошқалар)га тиркалган асоссиз айбга, уюштирилган туҳмату бўғтонга кўра, гўё унинг аъзолари кўп масалаларда нотўғри йўл тутганлар. Аслида эса улар ҳукмрон Марказнинг улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсатига, миллий кадрларга нисбатан беписандлик, лоқайдлик

йўлига қарши чиқиб, адолат ва ҳаққонийлик тамойилларини ҳимоя қилиб чиққандилар. Шу боис расмий партия органлари томонидан мазкур гуруҳ аъзолари кескин қораландилар ва улар ўз лавозимларидан олиниб, турли партиявий жазоларга гирифтор етилдилар.

“Иноғомовчилик” гуруҳи тўғрисида гап борганда ҳам унга қўйилган барча айбларнинг тўлиқ тарзда тўқиб чиқарилганлиги аён бўлади. Маълумки, Раҳим Иноғомов ЎзКП(б) МҚ Матбуот бўлими мудири ва ЎзССР Маориф халқ комиссари вазифасида фаолият юритиб келган. У 1926-йилда “Ўзбекистон зиёлилари” деган рисоласини эълон қилган. Рисолада октабр ўзгариши ўзбек халқи учун кутилмаган воқеа бўлди ва унга ўзбек меҳнаткашлари тайёр эмас, деган фикрларни ёзган. Шунингдек Р.Иноғомов ўзининг бир қатор нутқларида Ўзбекистон Компартиясининг мустақил фаолият юрита олмаётганлигига, Марказнинг назоратчи органларининг ўлка ҳаётидаги зўравонлигига ҳам алоҳида еътибор қаратган. Республиканинг бир қатор маҳаллий партия, совет органлари масъул ходимларидан Н.Мавлонбеков, И.Исамуҳаммедов, М.Алийев сингари ҳаммаслаклар Иноғомов қарашларини қўллаб-қувватлаб чиққандилар. Албатта, бундай мухолифатчи чиқишлар ҳукмрон партия мутасаддиларининг қаҳрига учрамасдан, жазоланмасдан қолмасди. Шу боис 1926-1927 йилларда бу гуруҳ фаолияти партия ташкилотларида бир неча бор муҳокама қилиниб, оғмачи гуруҳбозликда айбланди. Р.Иноғомов ва унинг тарафдорлари вазифаларидан олиниб, номлари қораланди. Ўзлари эса тавба-тазарру қилишга мажбур етилдилар.

“Қосимовчилик” гуруҳи ҳам 1929–1930-йилларда совет ҳукмрон режими томонидан миллий кадрларни, зиёлиларни қатағон қилиш, жазолаш мақсадуда атайин уюштирилган навбатдаги уйдирма бўлган. ЎзССР Олий Судининг раиси лавозимида ишлаб келган Саъдулла Қосимов ва унинг яқин маслакдошлари деб топилган Н. Алимов, Б.Шарипов каби 7 киши 1929-йилнинг иккинчи ярмида қамоққа олинадилар. Уларнинг атайин тўқиб чиқарилган “айблов иши”га сиёсий тус берилади. Бунга кўра, улар республикадаги миллатчи ташкилотлар билан алоқа боғлаганликда айбланадилар, “босмачилик” ҳаракатига ён босганликда қораландилар. Бу гуруҳнинг 4 та аъзоси мана шундай асоссиз айблар билан айбланиб, отиб ташландилар, қолган 3 киши эса кўп йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар.

Ўзбекистон равнақи, истиқболи учун фидойилик кўрсатган Файзулла Хўжайев, Турар Рисқулов, Абдулла Раҳимбойев, Акмал Икромов, Исроил Ортиқов, Абдулла Каримов ва бошқа ўнлаб номдор маҳаллий раҳбар кадрларнинг ҳаёт қисмати ҳам пировардида мана шундай фожеа билан якун топди. Мустабид тузум ҳукмдорлари ва улар гумашталарининг йенг шимариб қилган “саъй-ҳаракатлари” натижасида 1937–1938-йилларда гўё Ўзбекистонда бир қатор йирик “аксил-инқилобий тузилма”лар борлиги тўқиб чиқарилди. Булар республика раҳбарлари А.Икромов ва Ф.Хўжайев бошчилигидаги “Буржуа-миллатчилик аксилинқилобий маркази”, Абдурауф Қорийев раҳбар бўлган “Мусулмон руҳонийларнинг миллатчи-исёнчилар ташкилоти”, “Аксилинқилобий ўнг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази”, “Бухоро ва Туркистон бахт-саодати” номли аксилинқилобий ташкилот, И.Ортиқов бошлиқ “Ёшларнинг аксилинқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”, “Инглиз жосуслик резидентураси”, “Япон жосуслик-қўпорувчилик резидентураси” ва бошқалар бор эди. энг сонгги маълумотлар, тарихий ҳужжатларни ҳар

томонлама ўрганиш, таҳлил қилишлар, суриштиришлар бундай ташкилотларнинг республика ҳудудида бутунлай бўлмаганлигини тасдиқламоқда. Демак, бундай “аксилинқилобий тузилма”лар қатағонлик тузуми буюртмаси асосида Марказ жаллодлари ва жазо органлари томонидан атайин тўқиб чиқарилган. Бунинг орқасида минг-минглаб бегуноҳ, айбсиз инсонлар шафқациз жазоланган, азиз умрлари хазон бўлган.

Фақат 1937–1939-йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 43 мингдан зиёд киши қамоққа олинган. Улардан 6 минг 920 нафари отиб ташланган, 37 минг нафари эса турли муддатли қамоқ ва сургунларга ҳукм етилган. Мустабид тузум жаллодларининг бу бедодликларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Яқин миллий тарихимизнинг бу қоронғу зулмати халқимиз дилида мангу ўчмас армон бўлиб қолди. У фақат миллий истиқлол туфайлигина тўла юзага чиқиб, бундан юртимиз фуқаролари чинакам рўшнолик кўрмоқдалар.

3-асосий савол: Зиёлиларнинг қувғин қилиниши.

МАҚСАД: Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик тузумининг ўрнатилишини кўрсатиш, партия ва давлат аппаратидаги қатағонлар ҳақида маълумот бериш, "қулоқ" қилиш сиёсати моҳиятини тушунтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

3.1. Ўзбекистонда маъмурий буйруқбозлик тузуми қарор топганини очиб беради.

3.2. 20-30 йиллар партия ва давлат органларидаги қатағон оқибатларини билади.

3.3. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий парокандалик сабабларини очиб беради.

3.4. 20-30 йиллар ижтимоий-сиёсий аҳволга умумий баҳо беради.

3-асосий савол баёни:

Совет режимининг қатағонларидан миллий зиёлилар энг кўп азият чекди, мислсиз қурбонлар берди. Негаки, бу режим мутасаддилари ўзлари жоҳил кимсалар бўлганлигидан илму маърифат, зиё аҳлини қадрлаш, эъзозлаш эмас, балки уларни хўрлаш, таҳқирлаш, керак бўлса йўқ қилишни ўзларига касб қилиб олгандилар. Шунинг учун Марказнинг ўткир шамшири ва пўлат қалқони ҳисобланган Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ), Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) каби жазо органлари ва уларнинг жаллодлари учун илғор, тараққийпарвар зиёлиларни ҳибсга олиш, уларнинг фаолияти учун йўқ айбларни тўқиб чиқариш, уйдирмаларни “ясаш” ҳеч гап эмас эди. энг ачинарлиси шуки, ўз элини жондан севган, уни куйлаган, бой тарихи, бетакрор маданиятига мурожаат қилиб ундан асар битган, буюк аждодлар номини тилга олган ватанпарвар ижодкорлар, илм-фан аҳли биринчилар қаторида қатлиомга дучор бўлди.

1929-йилда Мунаввар Қори Абдурашидхонов раҳнамолигида миллат равнақи ва истиқлоли йўлида фаолият юритган, халққа зиё таратиб келган “Миллий Иттиҳод” ва “Миллий Истиқлол” ташкилотларининг 87 нафар аъзоси қамоққа олинди ва улар устидан суд уюштирилди. Уларнинг 15 нафари 1931-йилда Москвада отиб ташланди, қолганлари ҳам узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ўзбек адабиётининг устунлари бўлган, ноёб ижодлари халқ меҳрини қозонган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, элбек (Машриқ Юнусов), Маҳмуд Боту, Гъози Юнус каби ажойиб истеъдодлар қуруқ бўҳтону туҳматлар асосида “халқ душманлари” сифатида жисмонан йўқ қилиниб, ёрқин фаолияти сўндирилди. Ахир уларнинг ҳар бири ўз миллатининг фахри, ифтихори даражасига кўтарилган, беқиёс ижоди, яратган бой мероси эътироф топган, ҳар қанча ҳавас қилса арзийдиган инсонлар эдиларку!

Мустабид тузум фармондорлари айниқса ўзбек халқининг миллий онги, тафаккурини ёритиш, унинг ўзлигини танитишга илк қалдирғочлар сифатида фидойилик қилган истиқлол дарғалари бўлган жадидчилик намоёндаларини йўқ қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Қатағонлик қурбонлари орасида жуда кўплаб илм-маърифат, маданият намоёндалари бўлган. Ажабланарли жиҳати шундаки, Бухоро ва Туркистон республикалари ҳукуматининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан 20-йилларда хорижга ўқишга юборилиб, яхши мутахассислар, фан арбоблари бўлиб йетишган кишилар атайин қатлиом қурбонлари бўлдилар. Агар Германия ёки Туркияда таълим олган бўлсалар уларга ўша мамлакатнинг жосуслари деган айб қўйилди. Германия ва Туркияда ўқиб, у ерда олган билимларини ўз республикасининг халқ хўжалиги, иқтисодиётини юксалтириш учун бахшида қилишга бел боғлаган Саттор Жаббор, Солиҳ Муҳаммад, Марям Султонова сингари ўнлаб билимдон ёш мутахассис кадрларга “чет эл жосуси” “халқ душмани” қабилидаги тавқи лаънат босилиб, қатағон қилинган.

Инсон тақдири билан бу қадар ўйнашиш, уни чуқур суриштирмай энг оғир жазога маҳкум этиш – бу тоталитар тузум қонунбузарлиги ва қонхўрлигининг типик намунасидир. Биз миллий истиқлол даври кишилари жонажон юртимиз эрки, озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашиб, сталинча қатағонлик қурбонлари бўлиб кетган азиз ва мукаррам инсонлар хотирасини доимо қалбимиз тўрида сақламоғимиз керак бўлади. Бу ҳар биримиз учун фарзу қарздир. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Тошкентда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ушун 2000–2002-йилларда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи барпо этилди. Президентнинг 2001-йил 1-майдаги фармони билан 9-май кунининг “Қатағон қурбонларини ёд етиш куни” деб эълон қилинганлиги ғоятда қувонарлидир. Бу ҳозирги миннатдор авлод кишиларининг ўтганлар, шаҳид кетганлар хотираси олдидаги еҳтироминиг умумхалқ ва умумдавлат эътирофидир.

4-асосий савол: Инсон ҳуқуқлари ва еркинликларининг поймол этилиши.

МАҚСАД: Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик тузумининг ўрнатилишини кўрсатиш, партия ва давлат аппаратидаги қатағонлар ҳақида маълумот бериш, "қулоқ" қилиш сиёсати моҳиятини тушунтириш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

3.1. Ўзбекистонда маъмурий буйруқбозлик тузуми қарор топганини очиб беради.

3.2. 20-30 йиллар партия ва давлат органларидаги қатағон оқибатларини билади.
3.3. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий парокандалик сабабларини очиб беради.
3.4. 20-30 йиллар ижтимоий-сиёсий аҳволга умумий баҳо беради.

4-асосий савол баёни:

Совет режимининг қатағонларидан миллий зиёлилар энг кўп азият чекди, мислсиз қурбонлар берди. Негаки, бу режим мутасаддилари ўзлари жоҳил кимсалар бўлганлигидан илму маърифат, зиё аҳлини қадрлаш, эъзозлаш эмас, балки уларни хўрлаш, таҳқирлаш, керак бўлса йўқ қилишни ўзларига касб қилиб олгандилар. Шунинг учун Марказнинг ўткир шамшири ва пўлат қалқони ҳисобланган Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ), Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) каби жазо органлари ва уларнинг жаллодлари учун илғор, тараққийпарвар зиёлиларни ҳибсга олиш, уларнинг фаолияти учун йўқ айбларни тўқиб чиқариш, уйдирмаларни "ясаш" ҳеч гап эмас эди. энг ачинарлиси шуки, ўз элини жондан севган, уни куйлаган, бой тарихи, бетакрор маданиятига мурожаат қилиб ундан асар битган, буюк аждодлар номини тилга олган ватанпарвар ижодкорлар, илм-фан аҳли биринчилар қаторида қатлиомга дучор бўлди.

1929-йилда Мунаввар Қори Абдурашидхонов раҳнамолигида миллат равнақи ва истиқлоли йўлида фаолият юритган, халққа зиё таратиб келган "Миллий Иттиҳод" ва "Миллий Истиқлол" ташкилотларининг 87 нафар аъзоси қамоққа олинди ва улар устидан суд уюштирилди. Уларнинг 15 нафари 1931-йилда Москвада отиб ташланди, қолганлари ҳам узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ўзбек адабиётининг устунлари бўлган, ноёб ижодлари халқ меҳрини қозонган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, элбек (Машриқ Юнусов), Маҳмуд Боту, Гъози Юнус каби ажойиб истеъдодлар қуруқ бўҳтону туҳматлар асосида "халқ душманлари" сифатида жисмонан йўқ қилиниб, ёрқин фаолияти сўндирилди. Ахир уларнинг ҳар бири ўз миллатининг фахри, ифтихори даражасига кўтарилган, беқиёс ижоди, яратган бой мероси эътироф топган, ҳар қанча ҳавас қилса арзийдиган инсонлар эдиларку!

Мустабид тузум фармондорлари айниқса ўзбек халқининг миллий онги, тафаккурини ёритиш, унинг ўзлигини танитишга илк қалдирғочлар сифатида фидойилик қилган истиқлол дарғалари бўлган жадидчилик намоёндаларини йўқ қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Қатағонлик қурбонлари орасида жуда кўплаб илм-маърифат, маданият намоёндалари бўлган. Ажабланарли жиҳати шундаки, Бухоро ва Туркистон республикалари ҳукуматининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан 20-йилларда хорижга ўқишга юборилиб, яхши мутахассислар, фан арбоблари бўлиб йетишган кишилар атайин қатлиом қурбонлари бўлдилар. Агар Германия ёки Туркияда таълим олган бўлсалар уларга ўша мамлакатнинг жосуслари деган айб қўйилди. Германия ва Туркияда ўқиб, у ерда олган билимларини ўз республикасининг халқ хўжалиги, иқтисодиётини юксалтириш учун бахшида қилишга бел боғлаган Саттор Жаббор, Солиҳ Муҳаммад, Марям Султонова сингари ўнлаб билимдон ёш мутахассис кадрларга "чет эл жосуси" "халқ душмани" қабилидаги тавқи лаънат босилиб, қатағон қилинган.

Инсон тақдири билан бу қадар ўйнашиш, уни чуқур суриштирмай энг оғир жазога маҳкум этиш – бу тоталитар тузум қонунбузарлиги ва қонхўрлигининг типик намунасидир. Биз миллий истиқлол даври кишилари жонажон юртимиз эрки, озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашиб, сталинча қатағонлик қурбонлари бўлиб кетган азиз ва мукаррам инсонлар хотирасини доимо қалбимиз тўрида сақламоғимиз керак бўлади. Бу ҳар биримиз учун фарзу қарздир. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Тошкентда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ушун 2000–2002-йилларда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи барпо этилди. Президентнинг 2001-йил 1-майдаги фармони билан 9-май кунининг “Қатағон қурбонларини ёд етиш куни” деб эълон қилинганлиги ғоятда қувонарлидир. Бу ҳозирги миннатдор авлод кишиларининг ўтганлар, шаҳид кетганлар хотираси олдидаги эҳтироминнг умумхалқ ва умумдавлат эътирофидир.

Адабиётлар:

1. Алимова Д.А. Ўзбекистон тарихи (1917-1991) –Т.:Шарқ, 2000
2.Алимова Д., Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида:сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари – Т., 2000
3.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. - Т.,2000.
4.Ишанходжаева З.Р., Иоффе В.Г. Репрессивная политика тоталитарного режима в Ўзбекистане (20-80-е годў XX в.). Уч.мет.пос. –Т.:Университет, 2003
5. Ўзбекистон тарихидан маърўза матнлари- Т.,1999.

6-мавзу: Қорақапоғистон 1917-1941 йилларда.

Фанни ўқитиш технологияси:
«Қорақапоғистон 1917-1941 йилларда» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:
1. XX аср биринчи чорагида Амударё бўлимидаги сиёсий вазият
2. Амударё вилоятида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт
3. Қорақалпоғистон автоном республикасининг ташқил топиши

Таянч иборалар: Амударё бўлими, Петро-Александровск шаҳар думаси, Амударё кенгаши, Чимбой қўзғолони,

1-асосий савол: XX аср биринчи чорагида Амударё бўлимидаги сиёсий вазият

МАҚСАД: 1917 йилги Октябр тўнтаришининг Амударё бўлимидаги сиёсий вазиятга таъсирини очиб бериш, Амударё кенгаши фаолияти ва ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо бериш

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Петро-Александровск кенгаши ва Амдураё кенгаши фаолиятларини таққослайди

1.2. Большевикларга қарши ҳаракатнинг бориши ва аҳамиятини тушунади.

1-асосий савол баёни:

1917 йил февралда чоризмнинг ағдарилиши мустамлака халқларнинг узоқ давом этган оғир, фидокорлик билан тўлиб тошган миллий озодлик ҳаракатидан иборат тарихий бир даврни якунлади. ХХ асрнинг бошларидаги Россия, Туркия, Эрон инқилоблари Қорақалпоғистон аҳолисининг кенг қатламларини (миллий зиёлиларни, диний арбобларни, жадидларни, деҳқонлар, чорвадорлар, балиқчилар, савдогарларни ва ҳоказоларни) уйғотди ва маълум даражада озодлик ҳаракатига жалб қилди. Миллий озодлик кураши жараёнида Амударё бўлимининг аҳолиси 1913-1917 йилларда маъмурларнинг ўтказган қатағонлари натижасида 38626 кишига қисқарди.

Россиядаги октябр тўнтариши Қорақалпоғистонда ҳеч қандай шов-шувсиз, тўполонсиз қабул қилинди, чунки ҳокимият тепасида собиқ мустамлакачилар ва подшо амалдорлари турарди. Петро-Александровск шаҳар думаси таркибида нуфузли, бадавлат фуқаролар қатлами бўлишига қарамай, большевикларнинг саъй-ҳаракатларини маъқулламади. Шундай бўлса ҳам ағдариб ташланган Муваққат ҳукуматнинг бу органи 1918 йилнинг охиригача мавжуд бўлиб турди. 1917 йил 31 октябрдан 1918 йил октябрга қадар Амударё бўлими комиссарлари лавозимини гидротехник В.Н.Памшев эгаллаб турди. Бу даврда ҳокимият тизимида кескин ўзгаришлар содир бўлмади: Амударё бўлимининг комиссари, Чимбой ва Шўрахон уездларининг комиссарлари, Петро-Александровск шаҳар думаси, жамоат қўмитаси ўз вазифаларини давом эттириб турдилар. 1917 йил март ойида ташқил этилган Петро-Александровск шаҳар солдат депутатлари кенгаши фаоллик кўрсата олмади, шаҳардан ташқарида ўз ҳокимиятини ташқил қила олмади. Амударё бўлими тасарруфидаги овул ва қишлоқлар аҳолиси Петро-Александровск маъмурларидан ҳеч қандай ҳарбий ва моддий кўмак олмасдан ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядларини ташқил этди, уларга нуфузли уруғ бошлиқлари, чунончи Убайдулла Бауатдинов (Хон Махсум), Бола бий ва бошқалар бошчилик қилишди. Халқ уруғ йўлбошчилари теварагига бирлаша бошлади, чунки очлик, қароқчилик ҳужумлари, тартибсизлик ва қурғоқчилик хавф солаётган эди.

1918 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Амударё бўлимидаги вазият ўзгара бошлади. Хива хонлигида Қурбон Мамед (Жунаидхон)нинг ҳукмронлиги ўрнатилиши муносабати билан бу ерга сўл Хива соҳилидаги Россия фуқаролари кўчиб кела бошлади. Хива хонлигида ҳокимиятнинг алмашиниши Туркистон Автоном Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгашини ташвишга солиб қўйди. Амударё бўлимига Чоржўй ва Тошкентдан қизил гвардиячилар отрядлари жўнатилди. Петро-Александровск шаҳри ҳақиқатда большевиклар ҳокимиятининг қўрғони, унинг ҳарбий базасига айлантирилди.

Амударё кенгаши деб қайта номланган Петро-Александровск кенгаши қизил гвардиячи отрядларга таяниб, саноатчиларнинг 24 та ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик, пахта тозалаш заводларини, балиқчилик корхоналарини, бойларнинг уйларини, ўрмон бойликларини, бадавлат хўжалик ерларини, боғлар, дорихоналар, ҳарбий лазаретлар ва касалхоналарни национализация қилди. Умуман национализация қилиш, товон тўлаш, қизил гвардиячи озиқ-овқат отрядларининг зўравонлиги, Хива хонлиги билан Туркистон АССР ўртасида ҳарбий қарама-қаршилик – бўларнинг ҳаммаси 1918 йил охири – 1919 йилнинг биринчи ярмида Амударё бўлимидаги ҳарбий-сиёсий аҳволнинг ҳақиқий кўриниши эди. Янги ҳокимият комиссарлари маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказдилар, сайловга савдогарлар вақиллари, ер эгалари, руҳонийлар қўйилмади. Большевикларнинг синфий принципи асосида ўтказилган маҳаллий кенгашларга сайловлар маҳаллий-миллий хусусиятни эътиборга олмади, жамиятнинг уруғчилик асосида тузилганлигига риоя қилинмади, ўзаро келишувчилик ва порахўрликка йўл қўйилди. Янги ҳокимиятнинг дастлабки тартиблари адолат ва тенглик ғояларини ўтказишдан кўра, асрлар давомида қарор топган анъанавий шарқона тузилмаларни барбод қилишга киришди. Бу жиҳатдан большевиклар комиссарлари подшо амалдорларидан ҳам ўтиб кетдилар.

Подшо маъмурияти Хоразм воҳасида жазо отрядларини мунтазам сақлаб турган эди, улар бу ерда большевиклар ҳокимияти ўрнатилишига қадар ҳукмронлик қилдилар. Большевиклар ҳокимияти чоризмнинг бу тажрибасидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланди. 1918 йилнинг кузидан 1919 йилнинг августига қадар Петро-Александовскка қуролланган ишчилар, матрослар, хорижий легионерларнинг бир қанча отрядлари келди, уларга Н.А.Шайдаков, В.П.Коноплев, А.Н.Христофоров, В.Кемпчинский, С.Наумов, А.Л.Тимошенко, В.Церпицкий ва бошқалар бошчилик қилди. Бу отрядлар Амударё бўлимидаги маҳаллий партия ташқилотларни, ҳарбий органларни «мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўришди», шунингдек, «Хива хонлиги ҳудудидаги инқилобчиларга қардошларча ёрдам» кўрсатиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Тиш-тирноғигача қуролланган отрядларнинг ўлкага келиши алоҳида аввалги тузумни, 1916 йилги фожиаларни эслатарди. Хоразм воҳаси халқларининг тилини, анъаналарини, турмушини билмасдан ўзига хос миллий тузилмалар ишига зўравонлик билан аралашиш ва уларга ҳужум қилиш жиддий низоларга олиб келди. Қизил гвардиячилар орасида ичқиликбозлик, ўғирлик, талончилик, хотин-қизларни зўрлаш авж олди. Ўтказилаётган тадбирларнинг маъмурий-буйруқбозлик оҳангида бўлиши кўп ўтмай аҳолининг кўпчилик қисмини янги ҳокимиятга нисбатан муносабатини кескин ўзгартирди.

Большевик комиссарлар диний мадрасаларни халқнинг ақл-идроки учун курашда ўзларининг рақобатчилари деб билиб, ўлкадаги диний арбобларга қарши «отлиқ ҳужум» бошладилар. Шунингдек, партия-совет маъмурлари Қорақалпоғистонга 1874 йилда Уралдан кўчирилган казакларга черков хизматини бажо келтиришни, қўнғироқлар овози билан ибодатлар ўтказишни, пасхани байрам қилишни, Амударёда балиқ овлашни тақиқлаб қўйдилар. Большевик маъмурларнинг халққа қарши қаратилган бу тадбирлари ўлкада

миллий-озодлик ҳаракатининг кўтарилишига сабаб бўлди. Қорақалпоғистондаги большевикларга қарши кўтарилган курашнинг биринчи босқичида аҳолининг барча қатламлари эшонлар бошчилигида фаол иштирок этди. Маҳаллий аҳолининг бу курашига Урал казаклари ҳам қатнашиб уларнинг мустақиллик ғояларини қўллаб-қувватладилар.

Амударё кенгашининг Закаспий фронти қўшинларига қарашли Хива гуруҳининг ҳарбий-оператив шатибга берган фармойиши янги ҳокимиятга қарши навбатдаги кўтарилишга сабаб бўлди. Мазкур фармойишда «учини Заир казаклар ҳарбий бўлинмасидаги буржуа унсурларини қуролсизлантириш, агар талаб қилинса бутун бўлинмани қуролсизлантириш, шундан кейин буржуа унсурларга ҳақиқий товон тўлатишга киришиш» буюрилган эди.

Фармойишга биноан 1919 йил июн ойининг охирида Чимбой участкасининг Заир посёлкасига махсус ҳарбий комиссия жўнатилди. Комиссия таркибида қизил қўшинлар Хива гуруҳи штабининг бошлиғи М.Р.Ваничкин, Амударё кенгаши ижроқўмининг махсус вақили М.Липовский, Нукус ҳарбий гарнизони бошлиғи М.В.Гадецкий бор эди. Бўлинмадаги «буржуа унсурларини» жазолаш вазифасини ўз зиммасига олган комиссиянинг фаолияти амалда ижобий натижалар бермади. Чунки, учинчи Заир казаклар ҳарбий бўлинмаси махсус комиссияга бўйсунмасдан, Заирдан Чимбой шаҳрига келиб қолди.

Большевикларнинг Амударё кенгаши 1919 йил 29 июлда яна махсус қарор қабул қилиб, унга биноан Чимбой шаҳрига Амударё бўлимининг 17 нафар партия-совет ва ҳарбий ходимларидан иборат фавқулодда комиссияси юборилди. Комиссияга Туркистон МИҚ аъзоси, РСФСРнинг Хива хонлигидаги мухтор вақили А.Н.Христофоров бошчилик қилди. Комиссия ихтиёрида байналмилал жангчилардан иборат 14 кишилик соқчи лар ҳам бор эди.

Фавқулодда комиссиянинг ураллик казаклар атамани М.Фильчев билан олиб борган музокаралари муваффақият қозонмади. Шунда комиссия Чимбой кенгаши ижроқўмини тарқатиб юборди ва унинг ўрнига Чимбой участкаси инқилобий қўмитасини тузди. Чимбойдаги совет ҳукумати раҳбариятидаги бу ўзгартириш кучлар нисбатини ҳисобга олмасдан амалга оширилган эди. Шу сабабдан ҳам фавқулодда комиссия 10 август куни Петро-Александровскдан ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур бўлди. У ердан Чимбойга 80 жангчидан иборат ҳарбий отряд юборилди, лекин бу отряд қамалга тушиб қолди. 14 августда қаршилик ҳаракати иштирокчилари фавқулодда комиссияни ҳибсга олдилар. Бу қаршилик отрядлари сафида 40.000 дан ортиқ киши бор эди. Тез орада қўзғолончилар ва 1919 йил 17 августда Чимбой участкасининг барча ҳудудлари, Мўйноқ балиқчилик тумани ҳам большевиклардан озод қилинди. Шу тариқа, Амударё бўлимининг шимолий туманларида большевикларсиз халқ ҳокимияти ўрнатилди. Халқ ҳокимиятининг бошлиғи қилиб ураллик казак Михаил Фильчев сайланди. Ҳукумат таркибига нуфузли қорақалпоқлар Убайдулла Боуатдинов (Хон Махсум), Бола бий, урал казаклари – Шишенков, Сальников, Гутаров, Божедомов, Шевелев ва бошқалар кирди.

Большевикларга қарши ҳаракат тобора кенг кўлам касб этиб борди. Қаршилик ҳаракати раҳбарлари Хоразм воҳасидаги советларга қарши

кўрашаётган Жунаидхон билан алоқа ўрнатдилар. Жунаидхон халқ ҳокимиятини «Амударёнинг ўнг соҳилидаги бирдан-бир қонуний ҳокимият» деб эътироф қилди.

Бу даврда Жунаидхонни «қолар ҳаракати» кенг қўллаб-қувватламоқда эди. 1919 йил 30 сентябрда собиқ Россия империясининг Осиё қисмидаги Россия олий ҳукмдори адмирал Колчак Омскдан Жунаидхонга мактуб юборади. Унда айтилишича, «Хива ерларида қуролли кучлар ташқил этишда ёрдам ва кўмак бериш мақсадида мен большевикларга қарши бўлажак кураш учун Хивага алоҳида ҳарбий миссияни жўнатмоқдаман». Тез орада полковник Худяков бошчилигидаги 8 зобит ва 130 урал казакларидан иборат бўлган миссия Хўжайли шаҳрига етиб келади. Ураллик оқларнинг алоҳида армияси қўмондони генерал Толстов Гурьеўдан 1919 йил 2 октябрда Жунаидхонга йўллаган мактубида «иложи борича тезроқ манфур халқ комиссарлари зулмини ағдариб ташлаш ва йўқ қилиш» истагини билдирди ва 120 кишидан иборат казаклар отрядини юборди, бу отряд ҳам Хўжайли шаҳрига етиб келди.

Шундай қилиб, 1919 йил ноябрда Амударёнинг ўнг соҳилида большевиклар тузумининг мавжуд бўлиб туриши масаласи бутун кескинлиги билан кўндаланг бўлган эди. Туркистон АССР Ташқи ишлар халқ комиссари С.Турсунхўжаев мусулмонларнинг советларга қарши қўзғолонда иштирок этганлигини «ниҳоятда ачинарли ва бизнинг Хивадаги сиёсатимизни ўзгартиришни талаб қиладиган факт», деб эътироф этган эди. Бироқ қизил қўшинлар томонидан Колчак тор-мор қилинди. Натижада, «Осиё инқилоби» нинг сиёсй ва ҳарбий штаби бўлган Турккомиссия олдида энди «Бухоро ва Хива – ички фронт» деган сиёсий формулани ечиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди.

Ана шу формулага мувофиқ Турккомиссия Хоразм воҳасидаги «жаҳон пролетар инқилобининг қўрғони» сифатида Амударё бўлимига катта эътибор берди. У бу ерга ўзининг ишончли вақили Г.Скаловни жўнатди.

Унинг Турккомиссия раиси Ш.Элиава томонидан имзоланган мандатида унга «Хиванинг Хива ҳукуматига қарши қўзғолон кўтарган қабилаларига қуролли куч билан ёрдам кўрсатиш вақти масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи» берилган эди. Агар совет қўшинлари Хива чегарасидан ўтган тақдирда Г.Скаловга уларнинг ҳаракатларига умумий сиёсий раҳбарлик қилиш ҳам топширилган эди.

Г.Скалов ихтиёрига Н.Шербаков бошчилигидаги қизил аскарлар батальони берилди. Ўз навбатида Закаспий фронтининг Чоржўй кенгаши ижроқўмига «унинг гарнизонини жонли ва асосий сиёсий куч билан тўлдириш учун Чоржўй коммунистлари ротасини дарҳол қуроллантириш ва Петро-Александровскка юбориш» ни буюрдилар. Бу тумандаги барча совет қуролли кучлари қайта ташқил этилиб, Закаспий фронти Петро-Александровск гуруҳи»га айлантирилди, бу гуруҳ Н.Шайдаков ва Г.Рижков бошчилигида Амударё бўлимига 1919 йил 17 августда етиб келди. 11 ноябрда Н.Шайдаков Нукус қалъасини эгаллади, бироқ бу Хоразм воҳасидаги умумий ҳарбий-сиёсий аҳволга таъсир кўрсатмади. Орадан кўп ўтмай Турккомиссиянинг вақиллари қаршилик ҳаракати вақиллари билан музокаралар олиб боришга мажбур

бўлдилар. 1920 йил 18 февралда Турккомиссия вақили Г.Скалов билан Қорақалпоғистондаги қаршилик ҳаракатининг етакчиси ўртасида сулҳ битими тузилди. Чимбой участкасида муваққат инқилобий қўмита тузилди. Участканинг волостларида аҳоли томонидан 5 кишилик қўмиталар сайланди. Казакларнинг урф-одатлари ва турмуш хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг ўз-ўзини бошқарувига рухсат этилди. Қўзғолончиларга амнистия эълон қилинди. Заир казаклар ҳарбий бўлинмасидан кейинчалик фақат Амударё соҳилини муҳофаза қилиш учун фойдаланиш лозим деб топилди. Сулҳ битимини Турккомиссиянинг вақили Г.Скалов, Чимбой участкасидаги қорақалпоқлар вақиллари Боғли Охун Муҳамедов, Ҳасан мулла Осалиев, казаклар вақиллари – В.Егоров, Конев, Гушчин, Шапочников имзоладилар.

Мазкур битимнинг асосий қоидалари 1920 йил 20 майда, бир томондан, Закаспий фронти қўшинлари Амударё гуруҳи қўмондонлиги билан, иккинчи томондан, қорақалпоқлар ва казаклар томонидан тузилган сулҳ шартномаси билан тасдиқланди. Шартномада шу нарса кўзда тутилган эдики, Чимбой участкаси ижроқўмига Заир казакларидан ва Амударёдаги рус аҳолисидан иккитадан вақил сайланиши, Амударё соҳилларини денгиз бўйидан Чимбойгача муҳофаза қилиш учун Заир казакларидан иборат чегара соқчилари отряди (40 кишигача) ташқил этилиши лозим эди. Бироқ, шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, шартномада Заирнинг чегара соқчилари отряди Хоразмдаги совет ҳокимиятига душман бўлган кучларга қарши ишлатилиши мумкинлиги айтилган эди.

Сулҳ шартномаси тузиш билан тугалланган умумхалқ қаршилик ҳаракати бир қадар ижобий натижалар ҳам берди. Амударё бўлимининг инқилобий қўмитаси қайта ташқил этилиб, Н.Солдатов (раис), М.Балжанов (ўринбосар), Ш.Ҳасанов, Г.Скалов, А.Макаев ва И.Митин аъзолари қилиб киритилди. Бринчи марта инқилобий қўмита раиси ўринбосарлари ва аъзолари қилиб қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, урал казаклари вақиллари тайинланди. Амударё бўлими советларини қайтадан сайлаш учун сайлов куни белгиланди.

Бироқ орадан кўп ўтмай большевик комиссарлар ўз ваъдаларини унутдилар. 1921йил февралда Чимбой участкасидаги қаршилик ҳаракатининг фаол қатнашчиларидан 24 киши ҳибсга олинди. Хон Махсум ва бошқалар Сибирга сургун қилинди. Йирик ер эгалари ва савдогарлардан 75 кишидан 10 минг сўм Россия червонида товон пули ундириб олинди.

Амударё бўлимида большевиклар бошлаган тўнтариш ва «унинг ғалабаларини ҳимоя қилиш» ўлка аҳолисига катта зарар ва азоб-уқубатлар келтиради. Агар тўнтаришга қадар бу ерда 232700 киши яшаган бўлса, 1920 йилга келиб улардан 113440 киши қолган эди, холос. Амударё бўлимининг аҳолиси ана шу фожиали йилларда 50%дан кўпроқ қисқарди. Бу большевиклар томонидан уюштирилган тўнтаришнинг оқибати эди.

2-асосий савол: Амударё вилоятида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

МАҚСАД: 1917 йилги Октябр тўнтаришининг Амударё бўлимидаги сиёсий вазиятга таъсирини очиб бериш, Амударё кенгаши фаолияти ва ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо бериш

Идентив ўқув мақсадлари:

1.3. Петро-Александровск кенгаши ва Амдураё кенгаши фаолиятларини таққослайди

1.4. Большевикларга қарши ҳаракатнинг бориши ва аҳамиятини тушунади.

2-асосий савол баёни:

Маъмурий жиҳатдан Амударё бўлими кўп поғонали бўйсунишга эга эди: маориф ва суд ишлари бўйича Самарқанд вилоятига, совет ҳарбий ва хўжалик ишлари бўйича Сирдарё вилоятига ва айрим фавқулодда ҳолларда бевосита Туркистон АССР МИҚ ва ХККга бўйсунар эди. Большевиклар ҳокимияти томонидан Амударё бўлимини бошқариш шу тариқа мураккаблаштирилган эди.

Шунинг учун ҳам 1920 йил октябр ойида ТуркМИҚ Амударё бўлимини олдинги ҳудуди доирасида унга вилоят мақомини берди ва унга вилоятларни бошқариш бўйича берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланишга рухсат этди. Шўрахон ва Чимбой участкалари Шўрахон ва Чимбой уездларига айлантирилди. вилоят маркази сифатида Тўрткўл шаҳри эълон қилинди. Янги вилоятнинг инқилобий қўмитасини ТуркМИҚ тайинлади.

Амударё вилоятининг ҳудудий-иқтисодий ва маъмурий сиёсий бирлик сифатида ташқил топиши (у бевосита ТАССР МИҚ ва ХККга бўйсунар эди), биринчидан, катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бўлса, иккинчидан эса, қорақалпоқ халқини большевикларнинг ягона «миллий давлати»га, мустабид тузум исканжасига олиш учун дастлабки замин эди.

Большевиклар ҳукмронлиги Амударё вилоятининг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати шунга олиб келдики, экин эқиладиган умумий майдон 1917 йилдаги 57950 десятинадан 1920 йилда 47000 десятинага; олинадиган ялпи пахта ҳосили 1917 йилдаги 433000 пуддан 1920 йилда 88000 пудга; ғалла экинлари деярли уч баравар, озуқа экинлари 3,5 бараварга камайиб, чорва моллари сони 500000 бошдан 201000 бошга тушиб қолди. Вилоятдаги экин ерларининг 75%и чиғир усулида суғорилган бўлиб, илгари фойдаланилган 25000 чиғирдан 1921 йилда фақат бор-йўғи 9145 таси ишга яроқли эди, холос.

Амударё вилоятида янги иқтисодий сиёсатнинг жорий этилиши дастлабки йилларда бир қадар ижобий силжишларга олиб келди. Вилоятдаги чорва моллар сони 1921 йилдаги 201000 дан 1922 йилда 233000 бошга етди. 200 тагача майда хусусий савдо корхоналари фаолият кўрсатди. Каналларнинг кенгайтирилиши ва узайтирилиши, янги дамбалар қурилиши ва эскиларининг мустаҳкамланиши қишлоқ хўжалик экинлари эқиладиган майдонларни 5481 десятинага кўпайтириш имконини берди. 1923 йилда 224 десятина ерга чигит эқилиб, 209797 пуд пахта олинди. Пахта вилоят товар маҳсулотининг 47,3 % ни ташқил этди. 1923 йилда 22 та хусусий балиқчилик корхонаси фаолият кўрсатиб, вилоятда овланган жами балиқнинг 2,7 % ини берган эди. 1921-1924 йилларда вилоятдан жами 339521 пуд балиқ Марказга олиб кетилди.

Шунга қарамасдан, Амударё вилоятида янги иқтисодий сиёсат ва ер ислоҳотининг ўтказилиши иқтисодий аҳамиятдан кўра кўпроқ сиёсий

аҳамиятга эга бўлди. Бу сиёсатни ўтказиш жараёнида қишлоқ аҳолисининг унчалик кўп бўлмаган қисми ер олди, 507 та хўжаликка фақат 1147 десятина ер ажратиб берилди, холос. Шу сабабдан Амударё вилоятининг IV партия конференцияси резолюциясида вилоятда «ҳар йили камбағал ва ерсиз хўжаликлар камаймасдан, балки, аксинча, ортиб бораётганлиги» алоҳида кўрсатиб ўтилган эди.

Октябрдан кейинги олти йил ичида большевикларнинг Қорақалпоғистонда ўтказган сиёсатининг натижаларини атоқли қорақалпоқ арбоби А.К.Дўстназаровнинг 1924 йил октябрда Сталин ва Молотовга йўллаган мактубида айтилган сўзлари билан ифодалаш мумкин: «Бутун иш энг кам қаршилик кўрсатиш йўлидан, яъни инқилобдан олдиноқ мавжуд бўлган миллий муносабатларни сақлаб қолиш принципи бўйича йўналтирди, бунда қорақалпоқлар оммаси партия ва советларнинг ишида иштирок этишдан мутлақо четлаштирилди... Партиявий ишнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳокимият тепасига ҳар қандай ҳийла-найранглар ёрдамида ижтимоий зарарли унсурлар келди, улар вилоятдаги қорақалпоқ маҳаллий аҳолисининг талабларини бутунлай инкор қилиб ўтакетган андишасизлик билан орани бузиш, гуруҳбозлик билан шуғулландилар. Улар шундан кейинги йилларда ҳам мунтазам равишда ҳокимият тепасида қолдилар, чунки оми, саводсиз ва рус тилини билмайдиган қорақалпоқлар вилоят ижроқўмида совет йўли билан ҳам, вилоят партия қўмитасида партия йўли билан ҳам ёрдам ола билмадилар, чунки у ерларда миллий акулалар (бу ерда Марказ шовинистлари назарда тутилмоқда ўтирган бўлиб, улар қорақалпоқ камбағалларига йўл бермадилар». Шунингдек, А.Дўстназаров яна шундай фактларни қайд қилиб ўтади: аҳолининг 80 % га яқинини ташқил этган айнан қорақалпоқлар қишлоқ хўжалиги, балиқ саноати, пахтачилик билан шуғулланиб, ўз меҳнатлари маҳсулини ташқи бозорда сота олмасдилар, қорақалпоқлардан ҳеч ким партия ва совет мактабларида ўқишга қўйилмади, у ерга ўша-ўша ҳокимият тепасида турганлар ва ҳокимиятни қуршаб олган миллий гуруҳлар юборилади. Натижада, қорақалпоқлар ўз миллати орасидан ходимлар етиштира олмадилар. Большевикларнинг 1917-1924 йилларда Қорақалпоғистон муҳитига тиқиштирган совет ҳокимияти ва унинг миллий сиёсати қорақалпоқ халқининг асрий орзу-умидларига жавоб бермади.

Қорақалпоғистон 20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йилларда:

Ўрта Осиёда тўсатдан пухта тайёргарлик кўрилмасдан бошланган миллий-ҳудудий чегараланиш совет империясининг бўлажак иттифоқдош республикаларда ва миллий-маданий мухториятларида ўз «миллий хонадони» учун кескин курашни ва бир қатор зиддиятларни келтириб чиқарди. Ўрта Осиё – Туркистон халқларининг кўп асрлар давомида қарор топиб келган тарихи, хўжалиги, анъаналари, ҳудуди, дин ва маданиятининг яхлитлиги большевиклар томонидан назар-писанд қилинмади. «Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил» принципи Марказнинг бу масаладаги ҳақиқий ниятини акс эттирарди. Миллатлар ва элатларнинг тарихий ватани тўғрисида мунозаралар авж олди, тарихий маълумотлар тўплаш, ҳудудлар, хўжаликлар маданий бойликларни ҳисобга олиш бошланди.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати натижасида мажбуран икки қисмга бўлинган қорақалпоқ халқи ҳам ана шу ўзига хос «миллий мусобақа»га тортилди.

РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Марказий комиссиясининг қорақалпоқ кичик комиссияси тўплаган статистик маълумотларга қараганда, қорақалпоқлар Туркистон АССР Амударё вилоятининг Чимбой (бутун аҳолиси 81096 киши бўлиб, қорақалпоқлар 58604 киши, яъни 71%ни ташқил қиларди), Шўрохон уездларида (бутун аҳолиси 90736 киши бўлиб, улардан қорақалпоқлар 81100 кишини, яъни 72%ни ташқил қиларди) ва Қўнғирот (бутун аҳолиси 80988 киши, шундан қорақалпоқлар 79,5%ни ташқил қиларди) округи зич яшардилар[1].

Бу статистик маълумотлар Хоразм, Қорақалпоғистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон вақиллари ўртасида мунозаралар ва шиддатли тортишувлар объекти бўлди. Қорақалпоқ халқининг энг яхши фарзандлари – Оллоёр Дўстназаров, Абу Қудабоев, Отаниёз Бекимбетов, Ўроз Ирмонов, Ибраим Бекимбетов, Каримберди Саъдуллаев, Қосим Авезов ва бошқаларнинг қатъияти, собитқадамлиги, сабот-матонати иттифоқ раҳбар органларини кўп асрлар мобайнида ўз миллий мустақиллиги учун курашиб келган қорақалпоқ халқининг овозига қулоқ солишга мажбур этди. 1924 йил 14 октябрда Бутуниттифоқ Советлари МИҚнинг иккинчи сессияси Россия Федерациясининг Қозоғистон Автоном Республикаси таркибида Қорақалпоғистон автоном вилояти ташқил этилганлигини тасдиқлади. Қорақалпоқ халқининг эзгу орзуси ушалгандай бўлиб туюларди. Бироқ бу ўз моҳияти билан унитар (қўшма) давлат бўлган СССРдаги давлатчилик қурилишининг большевиклар андозасидаги «матрёшка» принципи эди: иттифоқдош республика – автоном вилоят – овтоном округлар ва туманлар. Қорақалпоқлар чинакам мустақиллик ва ҳақиқий суверенитетга эришиш учун узоқ машаққатли йўлни босиб ўтишлари лозим эди.

1925 йил 12-19 февралда вилоят маркази Тўрткўл шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон автоном вилоят Советларининг биринчи съезди «Қорақалпоғистон автоном вилояти ташқил топганлиги тўғрисида Деларация» қабул қилиб, «қорақалпоқ халқининг миллий давлатчилиги» ташқил этилганлигини қонунан расмийлаштирди. Қорақалпоғистон автоном вилояти Ижроия қўмитасининг раиси қилиб А.Қудабоев, раис ўринбосари қилиб, А.Айтешов ва Т.Непесов, аъзолар қилиб А.К.Дўстназаров, И.Бекимбетов, Қ.Авезов, О.Бекимбетов, Ў.Ирмонов, Е.Кожуров, Д.Қурбонбоев ва бошқалар сайланди.

Қорақалпоғистон автоном вилояти 160000 кв. км. дан ортиқ ҳудудни эгаллаган бўлиб, тўртта маъмурий округ – Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот округларидан ташқил топган эди. Вилоят кўп миллатли эди: қорақалпоқлар – 38,1%, қозоқлар – 28,5%, ўзбеклар – 27,5%, туркманлар – 3,2%, бошқа миллатлар – 2,7%ни ташқил этарди, Қорақалпоғистон автоном

[1] Алланазаров Б. Аллаяр бас болдў +орақалпаққа. – Нукус, 1996, 17-бет.

вилоятининг бойлиги унча катта эмасди: 5% ўрмон массивлари, 280745 бош чорва, 800000 сўм пул бўлиб, улар чегараланиш вақтида тақсимланган эди[1].

Большевиклар партиясининг сталинча раҳбарияти «жаҳон пролетар инқилоби» ғоясидан вақтинча воз кечиб, алоҳида олинган мамлакат – СССРда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган, феодал-патриархал муносабатлар ҳукмронлик қилган Қорақалпоғистонда социализм қуришга киришди.

Мамлакат сиёсий раҳбариятининг «социалистик индустрлаштириш қорақалпоқ халқининг ҳақиқий тенгсизлигига барҳам бериш» ни таъминлаши лозим, деган баландпарвоз сўзларига қарамай, реал ҳаётда эса бу истак қоғозда қолаётган эди. Лекин шунга қарамасдан мухтор вилоятнинг, кейин эса республиканинг саноат потенциали маълум даражада ривожлантирилаётганлиги ҳар ҳолда кўзга ташланаётган эди.

1925-1926 йилларда Қорақалпоғистонда 16 та ишлаб турган саноат корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 3824 т. пахта толаси, 6332 т. уруғчилик чигит, 691 т. пахта ёғи, 113 т. совун, 2422 т. чигит кунжараси ва ҳоказолар ишлаб чиқарилган эди. Вилоят саноатида 435 нафар ишчи ишлаган бўлса, маҳаллий ҳунармандчилик саноатида эса 4516 киши ишларди. 1927-1928 йилларда саноатни ривожлантириш учун 183900 сўм миқдорида маблағ ажратилди[1].

Қорақалпоғистон иқтисодиётининг ривожланиши бир томонлама хусусиятга эга бўлиб, собиқ СССРнинг марказий минтақалари саноатини ривожлантириш эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган эди, вилоятнинг ўз манфаатлари бутунлай назар-писанд қилинмас, унинг таркибий иқлими ва хом-ашё ресурсларидан шафқатсизлик билан фойдаланиларди.

30-йилларнинг ўрталарига келиб Қорақалпоғистон саноатининг ишлаб чиқариш қуввати ошганлиги кўзга ташланди: 1934 йилнинг охирида Нукусда СССРда энг йирик беда уруғи тозалайдиган завод ишга туширилди, пахта тозалаш заводлари, Мўйноқда балиқ консерваси комбинати, Тўрткўл электр станцияси, Нукус шаҳрида матбаа комбинати барпо этилди. Бироқ саноат банд бўлган миллий муҳандис-техник ходимларни шакллантириш муаммоси кескинлигича қолаётган эди: масалан, 940 нафар муҳандис-техник ходимлардан фақат 37 нафари маҳаллий миллат вақиллари эди, холос.

Автоном вилоят саноатининг етакчи тармоқлари пахта тозалаш ва балиқ консерва корхоналари эди. Саноатни ривожлантиришдаги айрим силжишларга қарамасдан, Қорақалпоғистон бу соҳада жуда орқада қолаётган эди: бу жиҳатдан аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий саноат маҳсулоти бор-йўғи 36 сўмни ташқил этарди, ҳолбуки, умуман, иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 273 сўмни, Ўрта Осиё республикалари бўйича эса 71 сўмни ташқил қиларди.

Қорақалпоғистон саноати ривожининг ўзига хос хусусияти шунда эдики, у ирригация ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан, айниқса, унинг асосий тармоғи бўлган пахта, беда ва қоракўлчилик билан мустаҳкам боғлиқ эди.

Автоном вилоятнинг табиий ресурсларини ўрганишга совет ҳукумати катта эътибор берди, чунки Марказ учун кўплаб хом-ашё керак эди.

---

[1] Досумов Я.М. История Каракалпакской АССР. – Т., 1960. С. 85.

[1] Сарўбаев М.К. История хлопководства Каракалпакистана (1873-1941 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Нукус, 1998. С. 15.

РСФСРнинг геолог олимларидан – академик А.Е.Ферсман, А.Н.Чистяков, А.Ф.Сосодко ва бошқалар ўлкада қидирув ишларини ўтказиб, тальк, фосфорит, гипс, мармар ва бошқа табиий қазилмаларнинг бой конларини топдилар. Бўларни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш учун саноат корхоналари керак эди. Шу боисдан ҳам Қорақалпоғистон саноатига капитал маблағлар ажратиш муттасил ортиб борди. Улар биринчи беш йилликда 6 млн. сўмни, иккинчи беш йилликда 22 млн. сўмни ташқил этди. 30-йилларнинг ўрталарига келиб маҳаллий хом-ашёга асосланган пахта тозалаш заводлари ва бошқа корхоналар қурилиши кенг миқёсда авж олдирилди. Саноат корхоналари сони 1940 йилга келиб 89 тага етди[1].

ВКП(б) Қозоғистон Ўлка Қўмитаси 1927 йил 22 сентябрда Қорақалпоғистонга вилоят партия ташқилотининг биринчи котиби қилиб П.И.Варламовни (1930 йил охиригача ишлаган) юборди, бундан мақсад «партия ташқилоти ва пахта тайёрлаш ишини оёққа қўйиш» дан иборат эди. Ўша пайтдан бошлаб амалий ишлар асосан «қулоқлар хавфи» га қарши курашга қаратилади. 1927 йилги сайлов кампаниясидан бошлаб асосий эътибор «овулларни советлаштириш» га қаратилди. Ўша йилларда Қорақалпоғистон бўйича 5920 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. «Маҳрум этилганлар» тоифаси 17 банддан иборат бўлиб, уларга собиқ волость бошқарувчилари, бойлар, подшо маъмурияти хизматида бўлган зобитлар, савдо ходимлари, ижарачилар, косиб-ҳунармандлар, руҳонийлар вақиллари, халқ табиблари ва бошқалар қаратилган эди[1].

Қишлоқ ва овулларга «синфий кураш» сиёсатини киритиш ер-сув ислоҳотини тайёрлаш ва ўтказишдан бошланди. «ер тузилишидан фарқли ўлароқ, - деган эди бу кампаниянинг раҳбарларидан бири У.Жондосов, - ер ислоҳоти миллий қишлоққа синфий курашни олиб киришнинг синалган воситаси ва усули бўлиб, деҳқонларнинг барча ва ҳар қандай эксплуататорларга қарши курашни бошлаб беради».

П.И.Варламов бошчилигидаги Марказ эмиссарлари автоном вилоят давлат аппаратини «тозалаш» жараёнида унинг «руҳан аксилинқилобчи ёт, жиноятчи ва яроқсиз унсурлар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юборилганлигини, улар хизматчилар умумий сонининг 20 % ини ташқил этган» лигини аниқлади. ВКП(б) вилоят қўмитасининг ва Қозоғистон Автоном Республикаси МИҚ Раёсатининг аъзолари У.Бекимбетов, Ф.Маткаримов, туман муассасалари раҳбарлари Г.Абдуллаев, И.Жилқибоев, Ю.Матёқубов, Токмамбетов, Қурбонбоев, Эшимбетов, Бобониёзов ва бошқалар «саидвақкоссовчилик»[2] билан боғлиқ эканликда айбланди, уларга «ўнг оғмачилар» ёрлиғи ёпиштирилди. «Бойларга шерик бўлгани», ижтимоий келиб чиқишини яширгани, ишдаги синфий йўлни хаспўшлагани учун Кегайли туман қўмитаси котиби С.Елтезеров, Қипчоқ туман қўмитаси котиби Бойбозоров,

---

[1] www.ref.uz

[1] Нуржанов С.У. Каракалпакская автономная область: история и источники (1925-1932 гг.) – Автореф. дисс... канд. наук. – Нукус, 1998. С. 16.

[2] +озо\истон Автоном Республикасида 1920-1930 йилларда Марказнинг шовинистча сиёсатига қарши курашган миллий ращбарлар, зиёлилар гурущи.

Қўнғирот туман қўмитаси котиби Исамов, Чимбой туман партия қўмитаси котиби Тожибоев, Қипчоқ туман РИҚ раиси Рўзибоев, Қораўзак туман РИҚ раисининг ўринбосари Бекназаров ва бошқалоар ишдан олиниб, партиядан ўчирилди ва судга берилди. «Партия ва ҳукумат йўлини бузганлиги учун (бу ғалла тайёрлаш ва экиш кампаниялари вақтида бойларни ҳимоя қилишда ифодаланган)» биринчи тоифа бўйича прокурор ўринбосари К.Ирмонов, собиқ прокурор Х.Юсупов, вилоят судининг собиқ раиси Ш.Ўрумбоев ва бошқа «ёт унсурлардан тозаланди».

Ер-сув ислоҳоти ва ёппасига жамоалаштириш асосида «қулоқлар ва ярим феодал хўжаликлар» ни тугатиш Қорақалпоғистонда 1930 йил баҳорида бир вақтнинг ўзида амалга оширилди. «Капиталистик унсурларни аниқлаш» бўйича комиссиялар ва «бойлар хўжаликларини тугатиш» бўйича учликлар тузилди. ВКП(б) Қозоғистон Ўлка Қўмитасининг 1930 йил 9 февралдаги кўрсатмасида 300 та ана шундай «хўжаликлар» аниқланган эди. Қорақалпоғистон автоном вилояти ижроқўми 1930 йил мартда 298 та «қулоқ хўжалиги» ни Қорақалпоғистон ичкарисига ва Қозоғистоннинг Актюбинск округига сургун қилди. Шу билан бирга Марказ қўмитасининг бажариш жараёнида 9 бесятинадан камроқ ерга эга бўлган хўжаликлар ҳам «бойлар – ярим феодаллар» тоифасига киритилди. 1929 йил 1 январдан 1930 йил 1 майга қадар Қорақалпоғистондаги «бойлар – ярим феодаллар»дан 147 нафари отилди, 29 киши концлагерларга юборилди[1]. Жамоалаштириш сунъий равишда жадаллаштириш натижасида қишлоқ аҳлини зўрлик билан колхозларга олиб киришга, унинг бажарилиш даражасининг сунъий оширилишига сабаб бўлди. Агар 1930 йил январда Қорақалпоғистонда барча хўжаликларнинг 12,5%и жамоалаштирилган бўлса, апрелда 52 %и жамоалаштирилди. Фақат Қипчоқ туманида 20 та, Чимбой туманида 71 та жамоа хўжаликлари ташқил этилди. Томди ва Хўжайли туманларида эса жамоалаштириш юз фоиз ўтказилди. Деҳқонлар қуролли милиция ёрдамида колхозларга ҳайдаб киритилди, жамоа хўжаликларига киришдан бош тортганлар қамоққа олинди, ортиқча солиқлар солиниши билан қўрқитилди.

Лекин Марказнинг қўмитаси билан деҳқон хўжаликларини мажбур қилиш йўли билан ёппасига ташқил қилинган бу жамоа хўжаликлари мустаҳкам эмасди, улар заиф хўжаликлар эди. Бу хўжаликлар тарқаб кета бошлади. «Юз фоиз жамоалаштирилган» биргина Хўжайли туманида фақат 18,9% деҳқон хўжалигини қамраб олган 33 та колхоз қолганди. 740 та деҳқон хўжаликлари эса колхозлардан чиқиб кетган эди. Умуман, вилоятда бор йўғи 12079 та деҳқон хўжалигини бирлаштирган 210 та колхоз қолган эди, холос.

ВКП(б) вилот қўмитасининг «овулларнинг бой-бадавлат табақасига большевистик сиқув» ни кучайтириш ҳақидаги қатъий кўрсатмаси маҳаллий аҳолининг Қорақалпоғитон ҳудудидан оммавий равишда кўчиб кетишига сабаб бўлди. Фақат 1931 йилнинг феврал-мартида Қипчоқ туманидан 680 га яқин хўжалик Туркманистон ва Хоразм вилоятига кўчиб кетди. Чимбой туманидан 460 та хўжалик, Томди туманидан 263 та хўжалик кўчиб кетишга мажбур

[1] Нуржанов С.У. Новўе документў периода становления каракалпакской государственности // «Вестник ККОАНРУз». – Нукус, 1996, № 3. С. 68-72.

бўлди. Шундай қилиб, Қорақалпоғистонда жамоалаштиришнинг сунъий равишда жадаллаштирилиши фожиавий оқибатларга олиб келди[1].

ВКП(б) МҚ ва Қозоғистон Ўлка Қўмитасининг 1928 йил январ қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистонда ғалла тайёрлаш тадбирлари амалга оширила бошланди, бунга кўра Қорақалпоғистонда мустақил солиқ солиш ва сув йиғими жорий қилинди. Ҳолбуки, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўхшаш бўлган қўшни ҳудудларда – Хоразмда (Ўзбекистон) ва Тошҳовузда (Туркманистон) ғалла тайёрлаш ҳам, мустақил солиқ солиш ва сув йиғими ҳам ўтказилмасди.

1929 йил солиқ кампаниясида Чимбой ва Кегайли туманларининг кўпгина овулларида бирмунча ҳаддан ошишларга, аҳолига ўзбошимчалик билан солиқ солишга йўл қўйилди. Ҳаддан ошишлар шу даражада бўлдики, хонадонларни тинтув қилишда ўрта ва камбағал хўжаликлар ҳам қамраб олинди, батраклар туман вақиллари раҳбарлигида ёппасига тинтувлар ўтказилди, ўрта ҳол ва ҳатто экин экмаган хўжаликларга ҳам ғалла топшириш мажбурий равишда татбиқ қилинди.

Бош сиёсий бошқарманинг Қорақалпоғистон вилояти бўлими ахборот тармоқларида 1929 йил августнинг охирларида Чимбой ва Кегайли туманлари аҳолиси орасида сезиларли равишда норочилик кучайганлигини қайд қилди, ҳатто аҳоли совет ҳокимияти сиёсатидан норози бўлган бошқа кишилар билан алоқа боғлашга интилаётгани, аҳолида сақланиб қолган энг яхши отларни, қуролларни сотиб олинаётгани, одамларни ёллаш, кенгашлар ўтказиш рўй бераётгани қайд этилди. Шу тариқа, Совет ҳокимиятига қарши қўзғолонга кенг миқёсда ҳозирлик кўрилди. Амударёнинг сўл соҳилидаги Хўжайли ва Қўнғирот округлари (бу ерларда Шалтай ботир отрядлари ҳаракат қиларди), ўнг соҳилдаги Қораўзак, Кегайли, Чимбой, Тахтакўприк, Тўрткўл, Шўрохон, Шоббоз туманлари қамраб олинди (бу ерларда Бўтабек бекниёзов, Қилишбой Жумамуротов, Матқурбон Ҳакимниёзов, Мадиёр, Қурмиш ва бошқа қўзғолончи отрядлар ҳаракат қиларди). Ҳаракатнинг ғоявий раҳбари Абдужалил махсум Исматўллаев эди. Қўзғолончилар 1929 йил июл-августда Чимбой шаҳрида яширин кенгашлар ўтказиб, ҳаракатлар режасини белгилаб олдилар. Ана шу кенгашда халқ ҳукумати ташқил этилиб, Абдужалил махсум Исматўллаев – хон, Каримберди охун - қози-адлия вазири, Борлиқбой Нуримов – ҳарбий вазир лавозимларига сайландилар[1].

Вилоят сиёсий бошқарма бошлиғи Белоносов Чимбойдаги «аксилинқилобий ташқилот» раҳбарларини қамоққа олиш тўғрисида фармойиш берди: 21 сентябрда қамоққа олиниши лозим бўлган 44 кишидан 35 таси қўлга олинди.

Қамоққа олинишдан қочиб қолган Абдужалил махсум ва Борлиқбой 26 сентябрда Тахтакўприк яқинидаги Андаткўлга келдилар. 27 сентябрда соат 12 да исёнчилар отряди Каримберди охун бошчилигида Тахтакўприкни қўлга олдилар, бу ерда уларга 150 кишидан иборат деҳқонлар қўшилди, Улар таёқлар билан қуролланган эди. Қўзғолончилар ВКП (б) туман қўмитаси, туман

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон шўролар мустамлакаси даврида.-Т.:Шарқ, 2000

[1] Алланиязов Т.К. Тахтакупўрское вўступление 1929 года // «Вестник ККОАНРУз». 1986, № 2. С. 53-56.

ижроқўми, туман комсомол қўмитаси, «Қўшчи» иттифоқи, туман суди, туман молия бўлими биноларини тор-мор қилдилар. Суд ишлари ҳужжатлари, маош варақлари, солиқ ҳужжатлари ёқиб юборилди. Қурбонлар бўлди.

1929 йил 28 сентябрда ВКП(б) Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси котибияти Чимбой ва Тахтакўприкдаги воқеалар муносабати билан Қорақалпоғистон пойтахти Тўрткўлда Фавқулодда ҳолат эълон қилди. Қўзғолонни бостириш учун Тахтакўприкка йўл олган жазо отрядини таъминлаш учун Тўрткўл шаҳар аҳолисидан ҳар бир қизил аскар учун уч сўмдан пул йиғишга мажбур қилинди. Вилоят раҳбарлари телеграф орқали Ўрта Осиё бюросидан ҳарбий самолёт, 200 та милтиқ, 400 комплект кийим, Ўрта Осиё ҳарбий округи бюджетидан 30000 сўм пул юборишни сўрадилар[1].

1929 йил 2 октябрда ВКП(б) Қозоғистон Ўлка Қўмитаси бюро мажлисида ВКП(б) Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси котиби П.Варламовнинг Тахтакўприк қўзғолони ҳақидаги ахбороти тингланди. Вилоят раҳбарлари П.Варламов ва К.Оллобергенов содир бўлган воқеаларни, «Эксплуататорлар юқори табақасининг қаршилик кўрсатишининг олий шакли, Қорақалпоғистон партия ва совет ҳокимиятининг ўтказаётган синфий тадбирларига... қарши ҳужуми» сифатида таърифладилар. Қозоғистон Ўлка Қўмитасининг раҳбари Ф.Голошчекин қўзғолонни «ўта сиёсий хусусиятига эга бўлган босқинчилик чиқиши» деб баҳо берди.

Хоразм, Тошҳовуз округларида, Қорақалпоғистонда миллий озодлик ҳаракатининг кучайиб бораётганидан ташвишга тушган ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Урганч шаҳрига ўз вақили Шубриковни юборди, у 1929 йил 5 октябрда кенгаш ўтказиб, унда қўзғолонни бостириш юзасидан барча операцияларга ҳарбий раҳбарлик қилишни Ўрта Осиё ҳарбий округининг 84-отлиқ полки қўлида бирлаштириш зарурлигини эътироф қилди, Ўрта Осиё бюроси олдига «босмачиликнинг жонланиши» муносабати билан ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун ўз масъул вақилини ажратиш, унга қўзғолончиларга қарши қатъий ва шафқатсиз ўч олиш ҳуқуқи берилиши масаласи қўйилди.

Тахтакўприк воқеаси фақат Тошкент ва Қизил Ўрдани эмас, балки Москвани ҳам таҳликага солди: ВКП(б) МҚ Хоразм воҳасига Гричманов бошчилигида махсус гуруҳ юборди. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларига эса К.Оллабергенов, К.Мамбетов ва Холковскийдан иборат махсус бригада сафарбар қилинди.

Мустабид тузум ҳарбий ва сиёсий чора-тадбирларни бирга қўшиб олиб бориши натижасида қўзғолон қатъиятлик билан бострилди. ОГПУнинг вилоят бўлими ҳарбий жазо операциялари вақтида Хўжайли туманида 74, Қўнғирот туманида 64, Тўрткўл туманида 7, Тахтакўприк туманида 44 кишини қўзғолонда иштирок этгани учун ҳибсга олди. Шунингдек, Қорақалпоғистонда 1917-1920 йиллар миллий-озодлик ҳаракатининг етакчиси Убайдулла Боуатдинов (Хон Махсум) ҳам қамоққа олинди, у сургундан эндигина ватанига қайтиб келган эди.

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон шўролар мустамлакаси даврида.-Т.:Шарқ, 2000

Қозоғистон Олий судининг сайёр сессияси 16 кишини олий жазо – отишга, 25 кишини турли муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди, қатнашчилардан тўрт киши оқланди. «Чимбой аксилинқилобий ташқилоти» нинг 36 аъзоси суддан ташқари учлик томонидан отишга, 13 киши мол-мулки мусодара қилинган ҳолда беш ва уч йил концлагерга юборишга ҳукм қилинди. Қорақалпоғистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг бу саҳифасига ана шу тариқа нуқта қўйилди. 1929 йилги қўзғолонга баҳо берганда, шуни назарда тутиш керакки, у аввало овул ва қишлоқлардаги деҳқонларнинг Марказ томнидан сунъий равишда ўтказилган қишлоқ хўжалигини жамоалаштирилишига нисбатан қатъий жавоби эди[1].

1933 йилнинг бошларида жамоа ва давлат хўжаликларини ташқилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида улар қошида сиёсий бўлимлар ташқил қилиш бошлаб юборилди. Сиёсий бўлимлар Қорақалпоғистон колхозлари ва савхозларига ҳам жорий қилинди. ВКП(б) МҚ Ўрта осиё бюросининг сиёсий бўлимларга юборган вақилларининг «куч-ғайрати»билан «бой ва эшон унсурлари» тоифасига киритилган 1246 киши жамоа ва давлат хўжаликларидан чиқарилди.

1936 йили Қорақалпоғистонда жамоалаштириш якунланди. Колхозлар деҳқон хўжаликларининг деярли 90%ини бирлаштирган ва барча экин майдонларининг 96%ини қамраб олган эди. Жамоа хўжаликлар сони 1100 тага етди. 14 та МТС ташқил этилди. Қишлоқ хўжалигида 980 та трактор, 220 та насос қурилмаси, 7 та экскаватор, 11 та землесхоз, 374 та юк ва 66 та енгил автомашина ишлаб турар эди[1].

3-асосий савол: Қорақалпоғистон автоном республикасининг ташқил топиши

МАҚСАД: 1917 йилги Октябр тўнтаришининг Амударё бўлимидаги сиёсий вазиятга таъсирини очиб бериш, Амударё кенгаши фаолияти ва ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо бериш

Идентив ўқув мақсадлари:

1.5. Петро-Александровск кенгаши ва Амдураё кенгаши фаолиятларини таққослайди
1.6. Большевикларга қарши ҳаракатнинг бориши ва аҳамиятини тушунади.

3-асосий савол баёни:

1932 йил 20 мартда СССР МИҚ Раёсати «Қорақалпоғистон автоном вилоятини Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш ва унинг РСФСРга кириши тўғрисида» қарор қабул қилди. Аввалгидек Марказ режаларига мувофиқ автоном республикага қишлоқ хўжалик хом ашёси ва чала маҳсулотлар етказиб бериш вазифаси ажратилди. Пахта тозалаш ва балиқчилик автоном республика саноатининг етакчи тармоқлари бўлиб қолди.

---

[1] Алланиязов Т.К. Контрреволюция в Казахстане: Чимбайский вариант. – Алматў, 1999. С. 125.
[1] Джумашев А.М. История Каракалпакистана в правительственнўх документах (1932-1941 гг.) Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Нукус, 1996. С. 17.

20-30-йилларда Қорақалпоғистонда маданий қурилиш, мустабид тузумнинг барча ҳудудларида бўлганидек, большевикларнинг «маданий инқилоби» андозаси боирасида амалга оширилди. 20-йилларнинг бошларида «Йўқолсин саводсизлик» бутуниттифоқ жамиятининг Қорақалпоғистон бўлими ўз фаолиятини бошлади. Унинг район ва овул бўлимлари аҳоли саводсизлигини тугатишда фаол иштирок этди.

1924 йили қорақалпоқ халқи араб ёзуви асосида ишлаб чиқарилган алифбега ўз тарихида биринчи марта эга бўлди. Бу саводсизликни тугатиш тармоқлари ишини анча енгиллаштирди. 1928/29 ўқув йилида Қорақалпоғистон вилоятида 3 минг киши саводсизликни тугатиш тармоқларини битириб чиқди ва яна 4 минг киши ўқишни давом эттирди. Хотин-қизлар саводсизлигини тугатишга алоҳида эътибор берилди. ҚҚАССР МИҚнинг 1935 йил декабрида қабул қилинган махсус қарорига мувофиқ, хотин-қизлар саводсизлигини тугатишга тўсқинлик қилувчи ҳар бир шахсни жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилди. 1928 йили фақат 1815 хотин-қиз саводли бўлган бўлса, 1935 йилдан уларнинг сони 13644 нафарга етди. Бу даврга келиб саводсизликни тугатиш учун ўқув қвлланмалари чоп этиш кўпайди. Қорақалпоқ тилидаги ҳар хил дарсликлар асосан Москва нашриётларида чоп этилди. Совет статистик маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон аҳолисининг умумий саводхонлиги 1937 йили 43%ни, 1939 йилда 60%ни ташқил қилган. Саводсизликни тугатиш тармоқларида 1940 йилда 50 минг киши ўқир эди.

Лекин сакводсизликни тугатиш юзасидан ташқил қилинган қисқа муддатли курслар халқ таълими муаммосини ҳал қилолмас, узлуксиз таълим тизимини ташқил қилиш керак эди. 1924/25 ўқув йилида вилоятда 2,5 минг ўқувчи 49 та мактабда таълим олди. 1927/28 ўқув йилида эса 75 та мактаб фаолият кўрсатган бўлиб, улар мактаб ёшидаги болаларнинг тахминан 16%ини қамраб олган эди, холос. Қорақалпоғистон маорифини ривожлантиришга А.Есемуратов, П.Сейтмуратов, А.Айтешев, Х.Умаров каби ўқувчилар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

30-йилларда умумий бошланғич таълим жорий қилинди. Етти йиллик мактаблар сони кўпайди. 1940 йил охирига келиб бундай мактаблар сони 108 тага етди. 1936/37 ўқув йилида биринчи ўн йиллик мактаб ҳам пайдо бўлди. Мутахассислар тайёрлаш учун Қорақалпоғистонда педагогика, молия-режа, қишлоқ хўжалиги техникумлари ва тиббиёт ўқув юрти очилди. 1934 йилги Тўрткўл педагогика техникуми базасида Қорақалпоқ давлат ўқитувчилари институти очилди, унда физика-математика, қорақалпоқ тили ва адабиёти бўлимлари ва кейинчалик эса рус тили ва адабиёти ҳамда тарих факультетлари очилди. Шунингдек, маҳаллий миллат вақиллари Тошкент, Самарқанд, Москва, Ленинград, Қозон, Олмаота, Ашхабод, Самара ва бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртлари ва техникумларига ўқишга юборилди.

1931 йили вилоятдаги бир қатор илмий муассасаларни бирлаштирган Қорақалпоқ кенг тармоқли илмий-тадқиқот институти иш бошлади. Қорақалпоғистоннинг Ж.Урумбоев, К.Аимбетов, Т.Бекимбетов, Н.Довкараев, Б.Ергалиев, Я.Дўсумов каби таниқли олимлари шу даврларда вояга етди.

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъатининг большевиклар мафкураси ғоялари билан суғорилган янги жанглари ва шаклларининг таркиб топиш жараёни 20-30-йилларга тааллуқлидир. Шеърият билан бир қаторда драматургия, проза, адабий танқид соҳаларида ҳам юзага келди ва ривожланиб борди. Янги қорақалпоқ совет адабиётининг шаклланиш жараёнида А.Мусаев ва С.Мажитов каби шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди.

Бадиий ижодиётнинг мусиқа, амалий санъат ва бошқа амалий турларини ривожланиши билан бирга қорақалпоқлар учун санъатнинг янги тури – театр пайдо бўлди ва ривожланди. Олдинги ёшларнинг драматик тўгараклари, кейинчалик кичикроқ группалар, 1930 йилда эса «Тонг нури» номли драматик группа базасида давлат мусиқали драма театри ташқил қилинди. Т.Сейтмуратова, М.Матчанов, Б.Сейтов, Ж.Сейтовалар янги театрнинг биринчи актёрлари эдилар. Кейинчалик бошқа театрлар, шунингдек, мусиқа ўқув юртлари ва консерватория ташқил этилди. Шу билан бир қаторда халқ ўйинлари (жирау) ва халқ бахшилари анъанавий санъати ҳам ривожланди.

20-30-йилларда мустабид тузум амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тадбирлар қорақалпоқ халқининг анъанавий турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди, миллий қадриятлар оёқости қилинди. Большевиклар режимининг бу сиёсатига қарши чиққан миллий зиёлилар ва миллий раҳбар кадрлар қувғин остига олинди.

Қонунсизлик, қатағоннинг оммавий авж олиши натижасида ҳеч бир айбсиз минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Мустабид тузум қийноқхоналарида Қорақалпоғистоннинг ажойиб фарзандлари бўлган истеъдодли раҳбарлар Қ.Авезов, Қ.Нурмуҳамедов, А.Дўстназаров, К.Алимов, К.Аҳметов, С.Туреев, А.Бекмуротов, А.Қудабоев, С.Қличев, И.Бекбавлиев, Такимбетов ва бошқа кўпгина кишилар ҳалок бўлдилар. Миллий зиёли кадрларга қўйилган сиёсий айблар ва уларга қарши қатағонлар атайлаб қилинган зўравонлик оқибати эди.

Шундай қилиб, 30-40-йиллар чегарасида СССРда ўта марказлашган ва зўравонликка асосланган мустабид тузим шаклланди. Узил-кесил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи фақат Марказга берилди. Ҳудудий бирликлар – республикалар, ўлкалар, вилоятлар доирасида эса бевосита тайинланган ва Марказга ҳисобот берадиган кишилар «биринчи шахслар» га айлантирилди. Сталинча сиёсий таълимотнинг зўрлик билан амалга оширилиши натижасида 30-йиллар охириги келиб халқ ўзига ёт бўлган зўравонликка асосланган ва ўта мафкуралашган давлат таркибида яшашга мажбур қилинди.

1936 йил 5 декабрда СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди, Унда Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши кўзда тутилган эди. Бу марказнинг ўз манфаатларини кўзлаб «СССРнинг пахта мустақиллиги» ни қўлга киритиш учун Ўрта Осиё республикалари зиммасига режалаштирган навбатдаги афсонавий вазифани қонунлаштириши эди. Ана шу вазифа барча Ўрта Осиё халқларини бир-бири билан яқинлаштирди ва бир мақсад йўлида бирлаштирди.

Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кириб, кўп нарсаларга эга бўлди. Худудий яқинлик, ягона тарих ва маънавий қадриятлар, ислом дини, эркинлик

тўғрисидаги асрий орзулар ва унга интилиш, миллий мустақиллик учун олиб борилган кўп йиллик кураш бу қардош халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлади.

Адабиетлар:

1. Алланиязов Т.К. Контрреволюция в Казахстане: Чимбайский вариант. – Алматў, 1999.
2. Джумашев А.М. История Каракалпакистана в правительственнўх документах (1932-1941 гг.) Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Нукус, 1996.
3. Досумов Я.М. История Каракалпакской АССР. – Т., 1960.
4. Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан.- Т.:Фан, 1986.
5. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.- Т.:Шарқ, 2000
6. Кошанов Б.А., Сейтназаров М.С. Революция? Вторжение? Собўтия ва Хивинском ханстве в 1919 – 1920 г.г. – Нукус, 1997.
7. Нуржанов С.У. Каракалпакская автономная область: история и источники (1925-1932 гг.) – Автореф. дисс... канд. наук. – Нукус, 1998.
8. Очерки истории Каракалпакской АССР. Т. 1. 1917-1963. – Т., 1964.
9. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти.-Т.:Академия, 2000.
10. Сейтназаров М.С. История национально-освободительного движения в Каракалпакстане (1917-1920 г.г.) Автореф. дисс. наук. – Нукус, 1999.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон шўролар мустамлакаси даврида.- Т.:Шарқ,2000.

7-мавзу: Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон (1941-1945 йиллар).

Фанни ўқитиш технологияси:
«Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон (1941-1945 йиллар)» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. Иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарган сабаблар. Ўзбекистондаги сафарбарлик
2. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги, фани, маданияти ва санъати
3. Ўзбекистонликларнинг фронтда ва фронт орқасида кўрсатган жасоратлари
4. Уруш йилларида ўзбек халқининг юксак гуманизми.

Таянч иборалар: Иккинчи жаҳон уруши, фашизм, иқтисодиётни қайта қуриш, ҳарбий изга тушириш, янги саноат қурилиши, фидокорона меҳнат, фронт, фронт орқаси, жанговар жасоратлар, қаҳрамонлик, гуманизм.

1-асосий савол: Иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарган сабаблар. Ўзбекистондаги сафарбарлик.

Мақсад: 2-жаҳон уруш арафасида жаҳон ва СССРдаги вазиятни тушунтириш, урушнинг бошланиши, бошланғич даврдаги машаққатларини кўрсатиш, иқтисодиётни ҳарбий изга туширишни очиб бериш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Иккинчи жаҳон уруши бошланишини изоҳлайди.

1.2. Бошланғич даврдаги машаққатларни очиб беради.

1.3. Ўзбекистонда иқтисодиётни қайта қуриш йўлида қилинган ишларни тушунтириб беради.

1-асосий саволнинг баёни:

Иккинчи жаҳон уруши ХХ асрнинг энг катта фожиаси бўлди. Инсоният ушбу урушда ўлганлар ҳисобидан 50 миллиондан ортиқ кишидан ажралди. Вайронагарчиликдан қурилган зарар ва уруш олиб бориш учун сарфланган маблағлар миқдори 4 триллион долларни ташқил қилди. Иккинчи жаҳон уруши оловининг авж олишида фашистлар германияси ва милитаристик Японияда ташқари «урушдан аввалги» Англия ва Франция сиёсий етакчилари зиммасида ҳам катта жавобгарлик бор эди. Улар «большевизм балоси» ни йўқ қилишга интилиб, қарши туриш тафаккури мантиқидан келиб чиққан ҳолда, кўпинча тарихан оқланмаган ҳатти-ҳаракатларга интилдилар ва Германияда «уруш партияси»ни мустаҳкамлашга, гитлерчилар режимини қўллаб-қувватлашга ёрдам бердилар. Бундан рухланган Гитлер, большевизмни, марксизмни тугатувчи халоскор сифатида майдонга чиқди. Аслида эса, унинг асосий мақсади «учинчи Герман рейхи» ни вужудга келтириш, ҳамма жойда Германияга ҳудудий қарам ерлар плацдармини кўпайтиришдан иборат эди

Гитлерчилар Германияси рахбариятининг ошкора ҳудудий даъволари олдида СССРнинг ташқи сиёсий йўли тинчликсевар йўл бўлиб туялар эди. Бироқ Советларнинг юқори сиёсий йўлбошчилари ва табақаси ҳам халқаро кескинлик кучайганлиги ва уруш бошлангани учун жавобгардир. Совет давлати ташқи сиёсатининг стратегияси бу давлат пайдо бўлган дастлабки дамларданоқ «жаҳон пролетар инқилоби» мафкурасига таяниб, умумпланета коммунистик империясини тузишга қаратилган эди. Сталин фашистлар Германиясини Англия ва Францияга қарши гижгижлашга, уларнинг кучи ўзаро тугаши билан қизил армиянинг қақшатгич зарбасини ёғдиришга интилди. Англия, Франция ва СССРнинг ўзаро узоқлашиб боришининг кучайиши фожиавий жаҳон ихтилофи арафасидаги сиёсий ҳаётнинг фарқ қилувчи ҳусусияти эди. Аксинча, Сталин билан Гитлер ўртасидаги яқинлашув ортиб борди. 1939 йил 23 августда Сталин таклифи билан Германия ташқи ишлар вазири Риббентроп Москвага келди. Бўлиб ўтган музокаралар жараёнида 10 йил муддатга ҳужум қилмаслик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

1939 йил 24 августда шартнома эълон қилинган эди. Бироқ, шартномадаги махфий қўшимчалар сир сақланган бўлиб, унда Польша давлатининг тақдири ҳақида гап борган эди. Айнан шу ҳужжатда Германиянинг ҳам, Совет

давлатининг ҳам стратегик мақсадлари акс эттирилган эди[1]. 1 сентябрда эса Германия хавфли «шарқий қўшниси» ни бетараф қолдириб, Польшага қарши ҳужум бошлади. 3 сентябрда Англия ва Франция Германияга уруш эълон қилдилар.

Совет ва Герман манфаатларини чегаралаш йўли бевосита Польша ҳудуди орқали ўтарди. Совет томони манфаатлари /арбий Украина ва ғарбий Белоруссия ҳудудларини қамраб оларди.

1939 йил охири – 1940 йил бошларида бўлган совет-фин уруши оқибатида Финландия Ленинград ва Мурманск оралиғидаги ҳудудини СССРга беришга мажбур бўлди, Натижада шимолий чегарасини узоқлаштиришга ва мустаҳкамлаб олишга эришди[1].

1940 йилнинг ёзида эса совет ҳукуматининг расмий талаби билан Руминия Бесарабия ва Шимолий буковинани СССРга берди. 1940 йил июнда «советларга қарши авж олиб кетган фаолиятдан ҳимоя қилиш» бахонасида Эстония, Латвия ва Литва ҳам совет қўшинлари томонидан босиб олинди ва август ойида СССР таркибига киритилди[2].

Европанинг ғарбида эса немис қўшинларининг ғолибона ҳужуми борар эди. 1939-40 йиллар мобайнида фашистлар Германияси Польша, Норвегия, Франция, Бельгия, Голландия, Дания, Люксембургни босиб олди.

Бундан ташқари, Сталин мамлакат ичкарисида қатағонларни авж олдирди. Сталин Гитлерни Совет иттифоқига ҳужум қилмайди деб ишонган эди, чунки хали забт этилмаган Буюк Британия турарди, унинг орқасида эса қудратли АҚШ яширинган эди. Бироқ Фюрер 1940 йил ўрталаридан эътиборан аввалги йўлидан четга чиқа бошлади. Гитлер Сталиндан хавфсирарди. Охир-оқибат фашистлар Германияси 1941 йил 22 июн якшанба куни тонготарида ҳужум қилмаслик ҳақидаги шартномаси шартларини бузиб, СССРга тўсатдан бостириб кирди. Гитлерчиларнинг Шарққа доир ҳарбий муддаоларини ўзида гавдалантирган «Барбаросса» режасига «яшин тезлигидаги уруш» ғояси асос бўлган эди. Совет мамлакатини қисқа муддатда мағлуб қилиш ва урушни 1941 йил кузида тугатиш мўлжалланган эди

Собиқ СССР таркибига кирган Ўзбекистон халқлари ҳам шу тариқа 2 жаҳон урушига тортилди. 23 июнь куниёқ Тошкентда кўп минг кишилик митинг бўлди. Бу митингдан кейин кўп кишилар ариза бериб урушга кетдилар.

Бошланган уруш давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ўзгаришлар қилишни, шиддатли масофа учун куч-ғайрат сарфлашни талаб этарди. Фақат 29 июндагина Халқ Комиссарлари Кенгаши номидан жойларга кўрсатмалар жўнатилиб, унда уруш ахволни кескин ўзгартириб юборганлиги, Ватан жиддий хавф остида қолганлиги, барча ишларни ҳарбий изга солиш учун тез ва қатъий равишда қайта қуришни амалга ошириш зарурлиги кўрсатилган эди. Ҳужжатларнинг асосий талаби «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган чақирикда ўз ифодасини топган эди.

---

[1] www.history.ru

[1] Политическая история России и СССР. –М., 1991. с. 42.

[2] Ўзбекистоннинг Янги тарихи. 2-китоб. - 432-бет.

1941 йил 30 июнда И.В.Сталин бошчилигида Давлат Мудофаа Қўмитаси (ДМҚ) ташқил топди. Унинг қўлида давлат, ҳарбий ва партиявий ҳокимият тўпланган эди. Сталин Олий Бош Қўмондон лавозимини қабул қилди. Барча муҳим ҳарбий-сиёсий қарорларни қабул қилиш ҳақиқатда унинг қўлида тўпланган эди.

Уруш мамлакатнинг бир бутун турмуш тарзида туб ўзгаришлар ясашни талаб қиларди. Раҳбариятнинг олий қатламида эса саросимага тушиш ҳоллари кўзатилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Германиянинг ниятлари бутун Европа давлатлари орасида аён бўлиб қолган эди. Германия 2-жаҳон уруши арафасида ўз ҳаракатларини бошлашдан олдин баъзи давлатлар билан шартномалар тузиб олган эди. Шундай шартномалардан бири собиқ СССР билан ҳам 1939 йилда тузилган эди. Унга кўра 10 йилгача бир бирига ҳужум қилмаслик ва ҳарбий бир-бирига ёрдам бериш тўғрисида тузилган эди. Германия қатор Европа давлатларини босиб олгач, кучли мамлакатга айлана борди. Шу тариқа ўз ҳаракатларини собиқ СССРга қаратган эди ва урушга тайёргарлик кўра бошлади. Бу тайёргарликлар тўғрисида Сталинга маълумотлар етказилиб турилди, лекин Сталин бу хабарларга ишончсизлик билан қаради деб ҳам айта олмаймиз. Чунки хабар етказганларни жазолади ҳам, лекин ўз навбатида тайёргарликка ҳам бефарқ қарамади. Лекин 2-жаҳон уруши бошларидаги мағлубиятларга сабаб бу эмас эди. Дастлабки мағлубиятларнинг асосий сабаби ҳарбий бошлиқларнинг кўплаб қатағон қилингани эди. Янги ҳарбий бошлиқлар ҳам етарли малакаларга эга эмас эди. Ҳозирги кунда коммунистик режим қулагандан кейин, совет ўтмишига, шу жумладан, уруш даврига янгича баҳо беришмоқда. Нуқтаи назарлар бир хил эмас, албатта. Баъзан шундай фикрлар ҳам билдирилмоқдаки, уларнинг моҳияти – эзилган Ўзбекистон халқи совет империяси исканжасида қолиб, «социалистик ватанни» ўзининг Она-Ватани сифатида ҳимоя қила олмасди, ёт мустабид-мустамлакачилик режимини сақлаб қолиш учун жон-дилидан кураша олмас эди, шунинг учун чинакам ватанпарварлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, деган маънони англатмоқда. Аксинча, ўзбек халқи кўп йиллар мобайнида миллий озодликни орзу қилиб юрар, совет тузумининг қулашидан объектив равишда манфаатдор эди. Ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак адо этган ўзбек халқи фашизмдан фақат СССРни эмас, энг аввало, Ўзбекистонни ҳимоя қилишни, уни яна бир босқинчидан сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган эди, десак хато қилмаган бўламиз[1].

Албатта, қудратли мустабид давлат машинасининг тазйиқ ўтказиб келганини инкор этиш хато бўлар эди. Лекин мазкур ўринда халқнинг Иккинчи жаҳон уруши ҳусусияти ва фашизм билан курашдаги ўз ўрнини идрок этишдаги ахлоқий-ғоявий қарашларини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур. Оғир уруш йилларини ўз бошидан кечирган кишиларнинг хотираларида маълум бўлишича, одамлар ўша вақтда «социализмнинг афзалликлари», совет режимини ҳимоя қилиш зарурлиги ҳўқида кам ўйлар эди, халқнинг аксарият

[1] Ўзбекистоннинг Янги тарихи. 2-китоб. – 434 бет.

қисми мустабид тузумни қоралар эди. Чунки республикада ҳали Туркистон Мухториятининг қонга беланганлиги, озодлик учун кураш ҳаракатларининг зўравонлик билан бостирилиши, диний эътиқодлар учун таъқиб қилинлар эсдан чиқмаган эди. Жамоалаштиришнинг сталинча зўравонлик билан амалга оширилиши натижасида юз берган жиноятлар хотирадан кўтарилмаган эди. 1937-39 йиллардаги оммавий қатағонлардан халқда қолган яралар битмаганди. Бироқ, ўз юртига бўлган чинакам юксак муҳаббат туйғуси, жонажон заминга тажовуз қилган душманга нафрат ҳисси мустабид тузум етказган ғам-аламни орқа ўринга суриб қўйди. Халқ ўзини душманни тўхтатишга ва улоқтириб ташлашга қодир бўлган бирдан-бир куч деб ҳис қилди. У коммунистик тузумни эмас, балки фашизмга қарши курашнинг адолатли эканлиги ғоясини танлади. Шу жиҳатдан Президентимиз И.А.Каримовнинг «уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратларини тахлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни ... камроқ айтиш» га доир чақириғи ниҳоятда долзарб бўлиб жаранглайди. Президент ҳақли равишда бундай деб таъкидлаган эди: «Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл бермаймиз!»[1].

Ўзбек халқи гитлерчиларга қарши коалициядаги бошқа халқлар билан елкама-елка бир сафда туриб фашизмни йўқ қилишга муносиб ҳисса қўшди. Фашистларга қарши курашда Ўзбекистон халқининг фаол иштирок этиши унинг миллий рухини қудратли намоён бўлиши эди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам партия ташқилотлари томонидан митинглар ва йиғилишлар ташқил қилинди, уларнинг қатнашчилари фашистлар Германиясининг тўсатдан ҳужум қилишига ўз ғазаб-нафратларини ифодаладилар, барча кучларини, агар лозим бўлса ҳаётларини ҳам ғалаба ишига бағишлашга азму қарор қилганликларини якдиллик билан баён этдилар. Чунончи, 1941 йил 22 июнда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари анна шу дақиқадан бошлаб ўзларини Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган деб ҳисоблашларини билдирдилар. Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари заводи, «Қизил тонг» фабрикаси ишчилари душманни тор-мор қилиш учун ҳар қандай вазифани шараф билан бажаришга, бутун куч ва воситаларни бажаришга қарор қилганликларига ҳукуматни ишонтирдилар[1].

23-24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам кўп минг кишилар митинглар бўлиб ўтди. Уларда сўзга чиққанларнинг нутқлари Ватанни кўкракларини қалқон қилиб ҳимоя қилишга, мамлакат ичкарисида ва фронтда ёвуз босқинчилар устидан ғалабани таъминлашга қаратилган оханг билан тўлиб-тошган эди.

---

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқадасдир. –Т., 1996. 81-бет.

[1] Узбекистан в годў Великой Отечественной войнў. –Т., 1966. С. 15.

Ҳар куни фронтга жўнатиш истаги билан ҳарбий комиссарликларга келиб турган аризалар оқими ўзбекистонликларнинг миллий ватанпарварлик рухи юксаклигининг яққол намунаси бўлди. Мазкур аризаларни турли касбдаги ва ҳар хил миллатга мансуб кишилар, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар, партияли ва партиясизлар йўллар эдилар.

Архив ҳужжатларнинг далолат беришича, урушнинг дастлабки кунларида республиканинг шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликларига кўнгиллилардан 14 мингдан ортиқ ариза тушган

2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳақида тўхталсак, ҳарбий вазият фронт орқасини мустаҳкамлаш юзасидан шошилинч чоралар кўришни талаб қилар эди. Халқ хўжалигини қайта қуриш, ҳарбий изга тушириш, мамлакатни ҳарбий лагерга айлантиришга доир умумий дастўрнинг энг муҳим таркибий қисми бўлди. Совет Шарқи республикалари, жумладан Ўзбекистон Қизил Армиянинг фронт орқасидаги мустаҳкам базага айланди.

2-жаҳон уруши даврида Россиядан кўчириб келтирилган қатор заводлар Ўзбекистонда қурилди. Саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг мулклари, маданий бойликлари, миллионлаб кишилар ғоятда улкан оқим бўлиб Ўзбекистонга оқиб келаверди. Ўзбекистон 100дан зиёд корхоналарни қабул қилди. Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, Ростсельмаш, Красний Аксай, Сумск компрессор ва Днепропетровск карборуд заводлари, Москва "Подъемник" ва "Электростанок" заводлари, Сталинград қиме комбинати ва бошқа кўплаб корхоналар шулар жумласидандир. Кучириб келтирилган заводлар жуда қисқа муддат ичида куриб ишга туширилди. Масалан Ростсельмашнинг айрим цехлариуч хафта ичида монтаж қилиниб, 25 кун ичида махсулот бера бошлади. 1941 йил охирларигача кучириб келтирилган заводлардан 50таси ишга туширилди.

Республика саноатининг корхоналари ҳам уруш бошланиши биланоқ қайта қурилиб, мудофаага зарур маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтказилди. "Ташсельмаш" заводи, паровозларни таъмирловчи завод, Чирчиқ қиме комбинати, ва бошқалар шулар жумласидандир. Тўқимачилик ва тикувчилик саноати фронт эҳтиежларини қондириш учун ишлади.

Ҳарбий сафарбарлик чора-тадбирлари мажмуида миллий қўшилмаларни тузиш муҳим ўринни эгаллади. Ўзбекистон меҳнаткашлари миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқдилар. Давлат мудофаа комитети бу ташаббусни қўллаб қувватлади. 1941 йил 13 ноябрда шундай қўшилмалар тузишга руҳсат берилди. 1941 йил ноябридан то 1942 йил мартигача Ўзбекистонда 14та миллий бригада, жумладан 9та алоҳида ўқчи бригада ва 5та отлиқ дивизия тузилди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам мудофаа фондига маблаглар йиғилди. Мудофаа фондига бир кунлик иш ҳақи, қимматбаҳо буюмлар, давлат заемлари облигацияларини топширдилар. Урушнинг дастлабки кунларида умуман республика бўйича мудофаа фондига 30 млн сўм тушди, шу пулнинг 3 млн сўми 1941 йил 28 июнь кунидаги республика якшанбалигида ишлаб топилганди.

2-асосий савол: Уруш йилларида Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги, фани, маданияти ва санъати.
Максад: Уруш йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволини очиб бериш, илм-фан ва маданият ривожини таърифлаб бериш, талабаларда ватанпарварлик, инсопарварлик туйғуларини тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Уруш йилларида Ўзбекистон иқтисодини ҳарбий изга ўтказишдаги натижаларини кўрсатади.

1.2. Ўзбекистонда янги саноат қурилишини очиб беради.

1.3. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг фидокорона меҳнатини тавсифлайди.

1.4. Уруш йилларида Ўзбекистонда илм-фан ва маданият ривожини очиб беради.

2-асосий саволнинг баёни:

Урушнинг дастлабки ҳафта ва ойларида мамлакатдаги иқтисодий вазият кескин емонлашди. Кўпгина саноат ва қишлоқ хўжалик районларининг босиб олиниши халқ хўжалигини огир аҳволга солиб қўйди. 1941 йил 26 июнь кунидан бошлаб ишчи ва хизматчилар учун иш вақтидан ташқари мажбурий ишлар жорий этилди, иш куни ҳафтасига олти кун бўлгани ҳолда, катта ёшли одамлар учун 11 соатгача ўзайтирилди. Саноат корхоналарида ишлаш учун уй бекалари, ўсмирлар, нафақа олувчилар жалб қилинди. Иш интизомини бузганларга қаттиқ жазолар белгиланиб, ишдан ўз хоҳиши билан кетиб қолса, дезертирлик деб қаралиб, 5 йилдан 8 йилгача қамоқ жазоси берилар эди. Ишлаб чиқариш 2-3 баробарга ошди. "Ўзинг учун, урушга кетган дўстинг учун ишлашинг керак" деган шиор остида иш олиб борилди.

Ғарбдан Шарққа асбоб-ускуналар, Шарқдан ғарбга эса қурол-яроғлар етказиб берилар эди. Саноатнинг электрэнергиясига кескин кучайиб кетган талабларини қондириш учун еттита йириқ электр станция, жумладан Фарход ГЭСи қурилди. Ўзбекистонда 1943 йилда 1940 йилга нисбатан 3,5 баробар электр энергияси ишлаб чиқариш кўпайди. 1942 йил кузидан Бекобод металлургия заводини қуриш бошланди. 1944 йил март ойида мартен печи, 1946 йил августда прокат цехи ишга туширилди. 1941 йилдан то 1945 йилгача индустриянинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган 280та янги саноат корхонаси қурилди.

Ўзбекистонда металлургия, энергетика, еқилғи, машинасозлик саноатларини қайта яратиш мамлакат ҳарбий ишлаб чиқаришни асосларини мустаҳкамлади. Мамлакат ҳарбий салохиятининг йўқотилган қувватлари 1943 йили қайта тикланибгина қолмасдан, балки аввалгидан ҳам узиб кетдики, бу нарса асосий турдаги қурол-яроғларни ишлаб чиқариш ва улар сифатини таъминлашда фашистлар Германиясининг устунлигини тугатишга имкон берди.

Ўзбекистондан сафарбар қилинган кишиларнинг талайгина қисми Уралга - мамлакатнинг асосий жаговар аслахахонасига юборилди. Улар Уралмаш, Уралхиммаш, Кировмаш заводларида, кўмир конларида, электр станцияларда

ва темир йўллар қурилишида меҳнат қилдилар. Кўпгина кишилар янги касбларни эгалладилар.

Уруш даврида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб бериш вазифаси ҳам Ўзбекистонлик деҳқонлар зиммасига тушди. Пахта етиштириш ҳажми аввалги холида қолган бўлса ҳам, ғалла, сабзавот, картошка, полиз экинлари, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни ошириш зарур бўлиб қолди. 1941 йил давлатга 164280 тонна пахта топширилди, давлатга гўшт топширишни 2 баробар қилиш топширилди. 1942-43 йиллар мобайнидагина 546 минг гектар суғориладиган ерлар очилди. 1942 йил 1940 йилга нисбатан 45% кўп галла йиғиб-териб олинди.

Уруш йилларида пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг муҳим вазифа бўлиб қолди. Пахта топширишдаги режанинг бажарилмай қолганлиги маҳаллий партия ва хўжалик органлари бўйнига қўйилиб, қишлоқ хўжалик бошқаришни оператив қайта қуришга лаёқатсиз деб айбланди.

Уруш йилларида қишлоқ хўжаликда банд бўлган аеллар сони 52%дан 1944 йилда 75%га чиқди. 21 минг аел тракторчилар ва 12 минг нафар аел ҳар хил ихтисосликда тайерланди. 1943 йили мамлакатда 64 минг колхоз раислари ва раис ўринбосарлари бор эди.

2-жаҳон уруши йилларида Фанлар Академиясининг Украина, Белоруссия, Россия бўлимлари Ўзбекистонга кучириб келтирилди. Ўзбекистонда 22та илмий тадқиқот институти, 16та олий ўқув юрти, 2та кутубхона кўчириб келтирилди. Уруш йилларида мамлакат атоқли олимларининг катта гуруҳи ҳам Ўзбекистонда ишлади. СССР ФА академик олимлари В.Д.Греков, В.Струве, Каблуков ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳ.Олимжон, /./улом, А.Қаҳҳор, Ойбек, ойдин ва бошқа езувчи ва шоирларнинг ижоди гуллаб яшнади. Бу пайтда "Дўстлигимиз ҳақида", "Ўрик гуллаганда", "Ишонч","Россия", "Шинел" каби шеърлар, /./уломнинг "Сен етим эмассан" шеъри, А.Қаҳҳорнинг "Олтин Юлдуз", Яшиннинг "Босқинчиларга ўлим", Уйғуннинг "Қасос" ва бошқа очерк ва повестлари яратилди.

3-асосий савол: Ўзбекистонликларнинг фронтда ва фронт орқасида кўрсатган жасоратлари.

Мақсад: Ўзбекистонликларнинг урушдаги иштироки ва кўрсатган жасоратлари ҳақида талабаларга гапириб бериш, уларда ўз ватандошлари билан ғурурланиш ҳиссини уйғотиш, ватанпарварликни тарбиялаш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Ўзбекистонликларнинг уруш бошидаги жангларда иштироки ҳақида сўзлаб беради.

1.2. Москва учун жангларда иштирок этган Ўзбекистонликлар жасоратини изоҳлайди.

1.3. Сталинград учун олиб борилган жангларда Ўзбекистонликлар жасоратини очиб беради.

1.4. Урушнинг сўнгги йилларидаги операцияларида Ўзбекистонлик жангчиларнинг иштирокига баҳо беради.

3-асосий саволнинг баёни:

2-жаҳон урушида Ўзбекистонлик жангчиларнинг ўрни алоҳида бўлди. Урушнинг дастлабки кунларидан Брест қалъаси ҳимоясида Ўзбекистонлик Дониер Абдуллаев, Алиев, Исаев, Юсупов, Лаенков, Отаев ва бошқалар алоҳида жасорат кўрсатдилар. Москва учун жангларда Қозоғистонда тузилган Панфилов дивизияси Тошкент пиёда аскарлари ўқув юртини битириб чиққанлардан тузилган бўлиб, улар орасида З.Иброхимов, И.Жалолов, М. Мадаминов ва бошқа Ўзбекистонлик жангчилар бор эди.

Сталинград учун жангларда Мамасоли Жабборов, Камол Пўлатов, Хайит Хушматов, Ибод Қораевлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлдилар. Курск жангларида алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган Аҳмаджон Шукуров Золотаревка қишлоғини озод қилишда 110та немисни ўлдириб, 15тасини асир олган.

Белоруссия, Украина, Молдавия ҳудудларида ҳаракат қилган партизан отрядларида Отабоев, Мусаев, Топиболдиев, Ҳақимов, Қосимов ва бошқаларнинг номлари машҳурдир. Гданск учун бўлган жанглардаги қаҳрамонликлари учун ўлимидан кейин генерал Собир Раҳимов Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди. Бундан ташқари Бобоев, О.Раҳимов, Р.Абзалов ва бошқалар ҳам совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлдилар.

2-жаҳон урушидаги қаҳрамонликлари учун Ўзбекистонлик жангчилардан 120 минг нафари , жумладан 70 минг ўзбек бўлган жангчилар Совет Иттифоқи медал ва орденлари билан мукофотландилар. 300нафар Совет Иттифоқи қаҳрамони бўлган ўзбекистонликлардан, 75 нафари ўзбек эди.

2-жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга 150 мингдан зиед крим татарлари, 175 минг чеченлар, 157 минг ингушлар, 4,5 минг балкарлар, арманилар, греклар кучириб келтирилди.

Ўзбекистонлик жангчилардан 2-жаҳон урушида ар уч кишидан 1таси урушдан қайтмади. Тошкент шаҳрининг ўзидан 52 минг киши урушда халоқ бўлди.

Кўпгина ўзбекистонликлар Москвадан то Берлингача бўлган қаҳрамонона йўлни босиб ўтдилар ва немис қўшинларининг бутунлай тор-мор этилишида қатнашдилар. Берлин олинганлиги учун медали билан ўзбекистонлик жангчиларнинг 1706 нафари мукофотланди.

Сирдарё вилоятининг иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ва уруш қаҳрамонлари. Фашизм устидан қозонилган ғалаба ўзбек халқи тақдири учун ҳам бебаҳо аҳамиятга эга. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 мартдаги Фармони билан 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланди.

Сирдарё вилояти қуш учса - қаноти, одам юрса - оёғи куядиган кимсасиз, кулбасиз, сувсиз, қақроқ чўл ўрнида вужудга келган, ижодий меҳнат кишиларининг дўстлиги, қардошлиги, якдиллиги, ҳамкорлиги туфайли Ўзбекистонимизнинг яшнаган бир бўстонига айланган гўзал воҳадир. Сир бўйи диёри ҳатто минглаб хорижлик олиму уламоларни ҳайратга солади. У ўзининг бебаҳо пахтаси, пилласи-ю қоракўли, ширидан-шакар сабзавот ва полиз

маҳсулотлари, ажойиб шаҳарлари, қишлоқлари,боғу-роғлари, равон йўллари, шинам уй-жойлари билан мафтун этаётган гўзал диёрдир.

Иккинчи жаҳон уруши. 1941 йил 22 июнь тонги барча юртдошларимиз қатори сирдарёликларни ҳам оёққа қалқитди. Фашист босқинчиларига қарши мирзачўллик 15252 нафар мард ўғлон ҳаёт-мамот жангига отланди.

Урушнинг оғир йилларида бутун ўзбек халқи сингари мирзачўлликлар ҳам иттифоқнинг душман босиб олган ҳудудларидаги аҳолига дўстона бағрини кенг очди, ўз юртидан айрилган қувғинларни, уруш қурбонларини қалб ҳарорати билан иситди, уларни ғамхўрлик ва меҳмондўстлик билан кўнглини кўтарди, қардош халқларга иқтисодиетни тиклашга ва маданий қурилишни йўлга қўйишда ёрдам берди. Уруш даврида меҳнатга лаёқатли аҳоли - хотин-қизлар, ўсмирлар, нафақахўрларни сафарбар қилиш ҳисобига ишчилар сафи кенгайди. Ишлаб чиқаришга айниқса хотин-қизлар фаол жалб қилинди. Мирзачўлда асосан пахтачилик етиштирилди. Қишлоқ меҳнаткашлари қалб, бурч ва ор-номус даъвати билан фронтга ердам кўрсатиш учун умумхалқ юришига қўшилдилар. Фронтни ва мамлакат ичкарисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун, мамлакатга пахта етиштириб бериш йўлида мирзачўллик деҳқонлар фидойиларча меҳнат қилдилар.

Қарийб тўрт ярим минг нафар чўлқувар урушнинг дастлабки кунлариданоқ ваҳший душман ҳамласига қарши беомон жангларда қатнашиб, қурбон бўлди. Улар ўзларининг фидойиликлари, тарих билмас қаҳрамонликлари билан авлодлар қалбида ўчмас из қолдирдилар. Уруш йилларида 1950 нафар мирзачўллик марду майдон юксак орден ва медаллар билан тақдирланди. Жангчиларимиздан 176 киши зобит эди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганлар номлари қўшиқларда улуғланмоқда, улар хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликлар, мармарларга битилган зархал ёзувлар орқали ҳурмат бажо келтирилмоқда. Фашист босқинчиларига қақшатқич зарба беришда жасорат кўрсатган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Жўрахон Усмонов, Турғун Аҳмедов, Елена Стемпковская, Михаил Тумакшин каби юзлаб, минглаб ҳамюртларимиз номларини сирдарёликлар ҳамиша ҳурмат билан эсга оладилар, уларнинг жасорати олдида бош эгадилар. Сирдарёликлар жанггоҳлардан ғалаба байроғи билан ўз она юртига қайтган минглаб халоскор фахрийларни, уруш қатнашчиларини зўр ҳурмат билан эъзозламоқдалар. Вилоятимизда фашизмга қарши уруш йилларида гўзал юртимиз, бахтли келажагимиз учун жон фидо қилган қаҳрамонларнинг ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари истиқомат қиладилар. Сирдарёликларнинг янги авлоди вояга етмоқда. Бу авлод ҳозирги кунимиз ва келажагимиз учун курашган кекса авлод хотирасини ҳеч қачон ёддан чиқармайдилар. Ҳар бир шаҳар ва туман марказида, вилоятимиз маркази - Гулистон шаҳрида барпо этилган Хотира майдонлари бизга уларни эслатиб турмоқда.

Шундай қилиб, уруш даврида неча юз минглаб ватанпарварлик руҳида тарбияланган ўзбекистонликлар рус, украин, белорус ерлари ва бошқа қардош халқларнинг ерлари учун мардонавор кураш олиб бордилар. Европани фашизмдан озод қилишда иштирок этдилар. Кўпгина ўзбекистонлик жангчилар

мардлиги ва жасорати учун француз, итальян, югослав ва бошқа жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Уларнинг баъзилари Европа халқлари озодлиги учун ўз жонларини фидо қилдилар. Мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашлар ҳам уруш йилларида буюк жасорат кўрсатдилар. Ишчилар, колхозчилар, олимлар, инженерлар, конструкторлар металл ва нон, еқилғи ва хом аше учун, қудратли совет қуролини яратиш учун мисли кўрилмаган жангни ўзларининг фидокорона меҳнати билан ютиб чиқдилар.

4-асосий савол: Уруш йилларида ўзбек халқининг юксак гуманизми.
Мақсад: Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонликларнинг фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган кексалар, аёллар ва болаларни жойлаштириш, депортация қилинган халқларни қабул қилиш, ярадор жангчиларни жойлаштириш каби инсонапрварлик фаолияти ҳақида маълумот бериш ва унга замонавий баҳо бериш.
Идентив ўқув мақсадлари:
4.1. Гитлерчилар босиб олган ҳудудлардан эвакуация қилинган аёллар, болалар ва кексаларга кўрсатилган инсонпарварлик ҳақида маълумот беради.
4.2. Депортацияга баҳо беради.
4.3. Депортация қилинган халқларга нисбатан ўзбек халқининг гуманизмини очиб беради.

4-савол баёни:

Ўзбекистон халқларининг инсонпарварлик – ватанпарварлик фаолиятига мурожаат қилганда, бунга милларлараро муносабатлар нуқтаи назаридан янгича ёндашиш ҳам ғоят муҳимдир. Маълумки, гитлерчи стратеглар Совет Иттифоқига қарши агрессияни бошлар экан, халқлар ўртасидаги миллатлараро тўқнашувлардан ўз мақсадларида фаол фойдаланишни ният қилган эдилар. Гитлерчилар қўмондонлигининг директив ҳужжатларида ҳамма жойда «рус халқига рус бўлмаган халқлар» ни қарама-қарши қўйиш таклиф этиларди. Бироқ, гитлерчиларнинг босқинчилиги миллий ватанпарварлик туйғуларини ҳаддан ташқари қудратли кучини намойиш қилди. Умумий кулфат иттифоқдаги барча миллатлар ва элатларни жипслаштирди. Ўлим хавфи олдида қардошларча бирдамлик туйғулари бош ахлоқий мезон бўлди. Халқнинг азалий инсонпарварлиги фашизм мафкурасидан ҳам, коммунистик мустабидчилик зулмидан ҳам устун келди.

Ўзбек халқининг бирлик ва қардошларча дўстликка инсонпарварлик билан интилишининг эркин тимсоли, улкан ахлоқий куч-қудрати ва ҳақиқий самимий олижаноблигининг чин маънодаги исботи Иккинчи жаҳон уруши туфайли жонажон ерларини тарк этишга мажбур бўлган кишилар тўғрисида, ярадорлар ва ногиронлар ҳақида, фронтга келганларнинг хотинлари ва болалари ҳақида қилинган ғўмхўрлигида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон уруш йиллари Россиянинг душман босиб олган ҳудудларидан – Украинадан, Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди. Республика шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси бу ерга келган фуқароларни меҳмондўстлик

билан қарши олди. Аҳоли уларга турар-жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охирги бўлак нонини ҳам бўлиб берди. Улар учун кийимбош, пойабзал тўплади. Кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон аҳолиси ота-онасидан ва уйидан ажралган болаларга айниқса ғамхўрлик билан қабул қилди. «Сен – етим эмассан!» - ўзбек шоирининг қалб қаъридан отилиб чиққан бу самимий сўзлар бутун ўзбек халқининг ҳис туйғуларини ифодалар эди. Ўзбекистонликлар бахтсиз болаларни ўз қучоғига олиш, уларнинг кўнглини кўтариш, уларга қулай шароит яратиб бериш учун қўлларидан келган, мумкин бўлган ва хатто мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам қилдилар.

Юзлаб ўзбек оилалари кўчириб келтирилган, уруш туфайли ота-оналаридан ажралган болаларни ўз тарбияларига олдилар. Кўпгина оилалар иккита ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик темирчи Шоахмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Бахри опа Акромованинг номлари кўпчиликка танишдир. Улар турли миллат фарзандларидан 14 та болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. 1943 йилга келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда 870 та бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди[1].

Республикада аста-секин болалар уйлари, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари ва яслилари тармоғи кенгайтирилди. Республиканинг кўпгина меҳнат жамоалари болалар муассасаларига қўлларидан келганича ёрдам беришни ўз зиммаларига олдилар. Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, талабалар ва мактаб ўқувчиларининг болалар уйлари ва интернатларга оталиқ ёрдам кўрсатиш шакллари кенгайди.

Ўзбекистонликлар уруш фронтларида ярадор бўлган қизил армия жангчиларини самимий эътибор ва қалб ҳарорати билан қуршаб олдилар. Аслида, Ўзбекистон уруш йилларида умумиттифоқ госпиталига айланган эди. Бу ерда юзларча турли-туман тиббий муассасалар – шифохоналар, профилакторийлар, илмий тадқиқот муассасалари иш олиб борди.

Эвакуация қилинган госпиталларга Ўзбекистон йирик шаҳарларидаги энг яхши бинолар ажратиб берилди. Даволанаётган жангчилар учун тўлақонли овқатланишни ташқил этиш тўғрисида бутун халқ ғамхўрлик кўрсатди. Республиканинг барча бурчакларидан ҳар куни улар учун озиқ-овқатлар ортилган карвонлар жўнатиб турилди. Масалан, 1941 йил ноябрда Андижонда ярадор жангчиларга беш минг шишадан ортиқ турли узум винолари, 7 тонна хўл ва қуруқ мевалар, 2 минг қилограмм гуруч, 1800 қилограмм асал, тамаки, майиз ортиб юборилди. Бухоро вилояти деҳқонлари ярадорларга 18 вагон совға ва озиқ-овқатлар юбордилар[1].

Ўзбекистон тиббиёт ходимларининг қаҳрамонона меҳнати ва жамоатчиликнинг катта ёрдами туфайли республика госпиталларида бўлган ярадор аскарлар ва зобитларнинг аксарият кўпчилиги ўз соғлигини тиклаб, яна

[1] Правда Востока, 1995. 5 апреля.

[1] Воскобойников Э.А. Узбекский народ в годў Великой Отечественной войнў. –Т., 1947. С. 33.

сафга қайтдилар. 1941-42 йиллар мобайнида Ўзбекистондаги госпиталларда 100 мингга яқин ярадорлар даволанган эди[2].

Ўзбекистонликлар уруш қаҳрамонларини ўз саҳий қалбларининг ҳарорати билан иситишга интилдилар. Республика меҳнаткашлари фронтга кўп марталаб совғалар билан делегациялар юбориб турдилар, бу совғаларни Ўзбекистон колхозчилари, ишчилари, ўқувчилари, зиёлилари тўплаган эдилар. Бундан ташқари фронтчиларининг оилаларига оммавий ғамхўрлик қилдилар. Ҳарбий хизматчилар ва уруш ногиронлари оилалари учун ўтин, ғалла, чорва моллари, кийим-бош етказиб берилди, томорқага ишлов беришда ёрдам кўрсатилди.

Ўзбек халқига хос инсонпарварлик мамлакатнинг босқинчилардан озод қилинган районларида зарар кўрган иқтисодиётни ва маданиятни тиклаш борасида кўрсатилган ёрдамида ўз ифодасини топди. Масалан, РСФСР, Украина, Белоруссия мактабларини, мактабгача тарбия муассасаларини қайта тиклашда Ўзбекистон аҳолисининг инсонпарварликча ёрдами яққол намоён бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, озод қилинган районларда мактаблар фаолиятини қайта тиклаш йўлида жуда катта қийинчиликлар турарди: ўқитувчилар, моддий-техник воситалар етишмасди, кўплаб болаларда оддий кийим-бош ва пойабзал ҳам йўқ эди. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари етишмасди. Бу йилларда Ўзбекистоннинг ўзи қийин аҳволда бўлсада, ўзи емай-ичмай, кийинмай РСФСР, Украина ва Белоруссия мактаблари ва бошқа соҳалар учун пул ва моддий воситалар, дарсликлар, китоблар, озиқ-овқатлар, кийим-бош, пойабзал ваш у кабиларни етказиб берди.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, уруш йилларида Ўзбекистон учун ҳам оғир давр бўлганини ҳисобга олиб, озод қилган районларга кўрсатилган ёрдам осонликча бўлмади. Одатда бундай «ёрдамлар» марказий сиёсий раҳбариятнинг кўрсатмаси билан қилинар эди. Қанчалик оғир бўлмасин, кўрсатмани бажариш шарт эди. Бу тадбир бошида ҳар доим партия ташқилотлари раҳбарлик қилар, кенг жамоатчилик жалб қилинар эди.

1942 йил 10 майда Тошкент шаҳри Пушкин номидаги 115- мактаб ўқувчилари Ўзбекистоннинг барча мактаб ўқувчиларига мурожаат қилиб, Ленинград ва Ленинград вилояти болаларига совғалар ва маблағлар тўплашга фаол қўшилишга чақирдилар. Мактаб ўқувчилари икки кунда 7 минг сўмлик озиқ-овқат, ўқув қўлланмалар, адабиётлар тўпладилар. Ўқувчиларнинг ватанпарварлик ташаббусини республикадаги барча мактабларнинг ўқувчилари қўллаб-қувватладилар. Республика ёшлари Ленинград болаларига ҳаммаси бўлиб 250 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 10 минг жуфтдан ортиқ пойабзал ва кийим, 2 млн. сўмдан ортиқ пул тўпладилар ва топширдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия топшириғига биноан озод қилинган ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигини тиклашга ёрдам кўрсатиш ҳаракатида фаол қатнашдилар. 1942-43 йилларда ўзбек деҳқонлар ёрдам кўрсатиш жамғармаси ҳисобига 100 минг гектардан ортиқ ерга ғалла ва полиз экинлари экдилар, фашист босқинчиларидан озод этилган туманларга 1152 та трактор, 25 та

[2] Уша жойда.

комбайин, 1138 та плуг ва бошқа техника жўнатдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи халқ хўжалигини, вайронага айланган шаҳарларини тиклаш ишларида фаол иштирок этдилар, шунингдек, ишчи кучига эҳтиёж сезилган ҳудудларда ҳам фидокорона мҳнат қилдилар.

Уруш даврида ўзбек халқининг сталинча сиёсат натижасида қатағон қилинган халқларга самимий меҳр-шафқат кўрсатишни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўзбек халқининг байналмилал ёрдами мамлакат учун оғир бўлган уруш даври ва урушдан кейинги даврда тиклаш ишларини муваффақиятли авж олдиришнинг муҳим омили бўлди.

Уруш даврида СССР халқларининг мустаҳкамланиб борган байналмилал бирлиги, фақат гитлерчи бўсқинчилар томонидан эмас, шу билан бирга коммунистик истибдод тузуми томонидан ҳам ниҳоятда оғир синовларга дучор қилинди. 1941 йилда асоссиз айблар билан Волгабўйидаги немислар шарққа сургун қилинди. 1943 йилда ва шундан кейинги йилларда калмиклар, чеченлар, ингушлар, Қрим татарлари, қорачойлар, балкарлар ўз она юртларидан асоссиз равишда бадарға қилиндилар. Болгарлар, юнонлар, поляклар, месхети туркларидан иборат этник гуруҳлар ҳам мажбурий равишда кўчишга мубтало бўлдилар. Бу ғайриинсоний ҳаракатлар мазкур халқларнинг вақиллари бўлган жангчилар уруш жангоҳларида мардона жанг қилиб, ҳалок бўлаётган пайтларда содир қилинди. Сталинча раҳбарият «кичик халқларни» зўравонлик билан кўчирилишини, улар фашист босқинчилари билан «ҳамкорлик қилганлар» деб оқлашга урунди.

Барча кўчирилган халқлар ўзларининг миллий-давлат тузилмалари ва конституцион ҳуқуқларидан маҳрум этилдилар. Махсус равишда кўчириб келтирилган ўзлари учун белгиланган репрессив режимга қатъий риоя қилишлари ва НКВДнинг махсус комендатуралари фармойишларига бўйсунишлари шарт эди. Расмий статистик маълумотларига кўра, кўчириш жараёнида махсус посёлкалар ва лагерларда деярли 200 минг чечен ва ингуш, 120 минг калмик, 40 минг қорачойлик, 20 минг балкар ҳалок бўлган эди.

Депортация қилинган халқларни бошқа жойларга тарқатиб жойлаштириш Жанубий Уралнинг улкан ҳудудидан тортиб бутун Қозоғистон чўллари ва Олтой тизма тоғларининг одам оёғи етмаган тоғолди қисмлари бўйлаб ўтказилди. Кўчирилганларни ўрнаштириш учун танланган жойлардан бири Ўзбекистон эди. СССР НКВД махсус жойлаштириш бўлимининг иши тўғрисидаги маърузадан маълум бўлишича, фақат 1944 йил мартдан 1945 йил октябрга қадар мамлакат бўйлаб махсус кўчирилганлар сони 2.230.500 кишини ташқил этган бўлиб, улардан республикамизга жойлаштирилганлар сони 200 миндан ортиқ кишидан иборат эди. Лекин уларнинг умумий сони амалда бундан кўпроқ эди. Қримдан - 151.604 қрим татарлари, Грузиядан 110 мингга яқин месхети турклари, Шимолий Кавказдан 20 мингдан ортиқ ингуш, 4,5 минг арман, греклар кўчириб келтирилган эди. Кўчириб келтирилган орасида бошқа элатларнинг вақиллари ҳам оз эмас эди.

Совет тарих фанида махсус кўчирилганлар масаласи ҳақиқатда тақиқланган мавзу эди. Холбуки, бу мавзу уруш йилномасининг зиддиятли қора доғли муҳим саҳифасини ташқил этади. Бу мавзу бутун-бутун халқларнинг «сотқин» тамғасини қўйган коммунистик тузумнинг ғайри инсоний жиноятларини яққол кўрсатиш билан бир қаторда ўзбек халқининг бу халқларга нисбатан намоён қилган меҳр-шафқат ва инсонпарварлик жасоратини ҳам намойиш этади.

1944 йилгача Ўзбекистонга кўчиб келтирилган қрим татарлар, чеченлар, месхети турклари ва бошқалар орасида эркаклар фақат 18 % ни ташқил этарди. Аслида, улар «бронь» бўйича урушдан қолдирилган илғор колхозчилар, совет ва партия ходимлари, ички органларнинг ходимлари, болаликдан ногирон ва уруш ногиронлари, қариялар эди. Хотин қизлар тахминан 30 %, қолганлари, яъни ярмидан кўпроғи болалар эди. Маъмурлар махсус кўчириб келтирилганларга нисбатан «умумий нафрат» тўлқинини вужудга келтириш учун чораларни кўрдилар, улар билан муомалада бўлишга шубҳа билан қарардилар. Лекин бу тўсиқларга, марказларнинг давлат органлари томонидан «душманнинг шериклари» га нисбатан ўтказган геноцид сиёсатига қарамасдан, ўзбек халқининг бу ижтимоий тахқирланган кишиларга ҳам чинакам меҳр-шафқат кўрсатиши тобора таъсирлироқ бўлиб борди. Маҳаллий аҳоли уларга энг сўнгги бурда нонигача тақсимлаб бера бошлади. Ўзбекистонликлар уларга бошпана (бараклар) кўришда ёрдам кўрсатдилар, бусиз ҳам ўзлари учун тор бўлган хонадонларидан жой бердилар, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш тажрибасини баҳам кўрдилар, ишчи касбларини ўрганишда ёрдамлашдилар, қўлларидан келганча тиббий ёрдам кўрсатдилар. Кўчириб келтирилганларнинг кўпчилиги колхоз ва совхозларга ишга жойлашдилар. Мирзачўлни ўзлаштиришда иштирок этдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўзбек халқининг эвакуация қилинганларни ва қочоқларни ўз хонадонида самимий кутиб олганлиги, озод қилинган районлар иқтисодиёти ва маданиятига душман етказган яраларни даволашдаги бағараз ёрдами, қувғин қилиниб махсус кўчириб келтирилганларга кўрсатган эътибори, фронт учун керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги, қурол-яроғ ишлаб чиқаришдаги фидокорона меҳнатлари жаҳон солномасига инсон маънавиятининг юксак намуналари, ҳақиқий инсонпарварликнинг ёрқин тимсоли сифатида олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Қорақалпоғистон АССР уруш йилларида. Иккинчи жаҳон урушида, герман фашизмига қарши олиб борилган бу мислсиз курашда бутун Ўзбекистон халқлари билан бирга Қорақалпоғистон Автоном Республикаси меҳнаткашлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Урушнинг дастлабки куниданоқ автоном республиканинг барча ижтимоий-иқтисодий салоҳияти уруш эҳтиёжлари учун жалб қилинди. Қорақалпоғистондан фронтга ҳаммаси бўлиб 61618 киши сафарбар қилинди ва немис-фашист қўшинларига қарши жанговар ҳаракатларда иштирок этди. Уруш

бошланган вақтда автоном республикада 97-Қорақалпоғистон миллий бригадаси ташқил этилиб, унга кўпгина ватанпарварлар кўнгилли равишда ёзилдилар. Мазкур бригаданинг аскарлари ва зобитлари Иккинчи жаҳон фронтларида қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Қорақалпоғистон ўғлонларининг қаҳрамонлик жасоратлари юксак баҳоланди. 20 нафар жангчига кўрсатган қаҳрамонликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвон берилди: бўлар Ўринбой Абдуллаев, Иноят Наврўзбоев, Николай Сараев, Иван Махорин, Макаш Болмағамбетов, Плис Нурпеисов, Ўрозбой Жуманиёзов, Михаил Бўлатов, Жумағали Қалдиқараев, Андриян, Пишулин, Жуман Қорақулов, Дмитрий Бердановский, Александ Симанов, Борис Тихомолов, Александр Трошков, Ботир Бобоев, Иван Банифатов, Филипп Чепурин, Умеркин Абдулхан, Иван Лебедевлар эди. Қорақалпоғистонликлардан олти киши «Шуҳрат» орденининг учала даражаси нишондорлари бўлишди: бўлар Алимбой Омонбоев, Жўлдосбой Қалимбетов, Александр Зайко, Реип Саипназаров, Тлеумурат Ўтамуратов ва Ефим Беспаловлардир. Республиканинг 20 мингга яқин жангчиси турли орден ва медаллар билан мукофотланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг 25 мингдан ортиқ вақиллари меҳнат батальонларига олиниб, Свердловск, Пермь, Горький, Оренбург вилоятлари корхоналари ва шахталарида, Ўзбекистондаги Ангрен шахтаси қурилишида меҳнат қилдилар.

Ўрта Осиёдаги бошқа минтақалар каби автоном республика ҳам уруш йилларида курашаётган армиянинг мамлакат ичкарисидаги мустаҳкам таянчларидан бирига айланди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» деган мажбуриймасъулият юкловчи шиор ўша қийин даврда Қорақалпоғистоннинг ҳар бир меҳнаткаши учун ҳам «муқаддас» шиорга айланди. Уруш йиллари мобайнида автоном республика фронт учун 284 минг 500т. пахта, 78 минг 7000 т. дон, 15200 т. гўшт, 571 минг т. ёғ, 609 т. жун, қарийб 100 мингта қоракўл тери, 622,3 т. тузланган, қуритилган ва дудланган балиқ, 200 млн. шартли банкадан ортиқ консерва, шунингдек, бошқа кўпгина маҳсулотлар етиштириб берди[1].

Бундан ташқари, урушнинг дастлабки кунлариданоқ Қорақалпоғистон меҳнаткашлари мудофаа фонди учун ўзларининг шахсий жамғармаларини ҳам аямадилар. Масалан, танк колонналари ва самолётлар эскадрильяларини ташқил этиш учун улар 10 млн. сўмдан ортиқ пул ва облигациялар тўпладилар. Давлат ҳарбий заёмларига ёзилиш 30 млн. 755 минг сўмни ташқил этди. Деҳқонларнинг шахсий хонадонларидан мудофаа фондига 25,5 т. жун, қарийб 5 минг т. дон, 228,6 т. гўшт ва бошқа кўпгина маҳсулотлар топширилди. Қорақалпоғистон меҳнаткашлари Ленинград ва Сталинграднинг қаҳрамонона ҳимоячиларига, Украина ва Белоруссия партизанларига, фашист босқинчиларидан озод этилган ҳудудларнинг аҳолисига аниқ мақсадга қаратилган катта моддий ёрдам кўрсатдилар.

[1] www.ref.uz

Қорақалпоғистонга эвакуация қилинган 25 минг поляк ва 5180 дан ортиқ уйсиз, ватансиз қолган аҳолини ва мамлакат ғарбидан келтирилган 10 минг кишини ўз қариндошлари каби самимият билан кутиб олди ва уларга ғамхўрлик қилди. Ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар ўзларининг шахсий жамғармаларидан улар учун 262 минг сўм пул, шунингдек, қарийб 2,5 минг кийим-бош ва пойабзал тўпладилар.

Қорақалпоғистонликлар фронтчиларнинг оилаларига ҳам қўлларидан келганча – озиқ-овқат маҳсулотлари, кийимлар, ўтин, чорва моллари билан ёрдам бердилар. Улар учун уруш йилларида 33 минг 397 та квартира қуриб берилди ва таъмирланди, 30 млн. сўм пул миқдорида ёрдам берилди.

Шундай қилиб, ярим миллионли Қорақалпоғистон халқининг герман фашизми устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси озмунча бўлмади.

Бироқ бўларнинг ҳаммасига осонликча эришилгани йўқ: фронтга келганларнинг кўпчилиги (34 мингдан ортиқ киши) уйларига қайтмади. Лекин Қорақалпоғистоннинг урушдаги йўқотишлари фақат шу рақамларнинг ўзи билангина чекланмайди.

Мамлакат ичкарисидаги мислсиз ватнпарварлик ёлчиб овқат емаслик, тўйи ухламаслик ва ҳаддан ташқари толиқтирувчи оғир меҳнат эвазига намоён бўлди. Меҳнатга қобилиятли кишилар билан бир қаторда кексалар ва ўсмирлар ҳам меҳнат қилишди. Тинкаси қуриган одамлар кўп ҳолларда касал бўлишар, шифокорлар ва дори-дармонлар ниҳоятда етишмасди. Айни шундай шароитда 1943-1944 йилларда республикада тошма ва ич терлама эпидемияси пайдо бўлди ва авж олди. 1945 йилда эса, ўлат касали тарқалди. Халқнинг мамлакат ичидаги йўқотишлари фронтлардаги йўқотишлардан қарийб уч баравар кўп бўлди. Уруш йилларида ана шу ва бошқа касалликлардан очлик ва сурункали ёлчиб овқат емаслик, ҳолдан тойдирадиган оғир меҳнат натижасида Қорақалпоғистонда 90 мингдан ортиқ киши вафот этди.

Натижада, ярим миллион аҳолига эга бўлган республика уруш йилларида 124 мингдан ортиқ кишидан ажради, яъни ҳар тўрт кишидан бири ҳалок бўлди. Бу инсоний йўқотишлар Белоруссиянинг ва урушдан янада кўпроқ зарар кўрган давлатларнинг йўқотишлари билан тенг қиёсласа бўладиган йўқотишлар эди. Қорақалпоғистон аҳолисининг урушдан олдинги даражасига фақат уруш тамом бўлгандан кейин орадан 15 йил ўтгач, яъни 1959 йилдагина эришилди.[1] Чунки уруш йилларида ўн мингларча ёш эркаклар ва аёлларнинг ҳалок бўлиши аҳолининг табиий ўсишига бевосита таъсир кўрсатган эди.

Шундай қилиб, 1941-1945 йилларда мустабид тузум сиёсий раҳбарияти йўл қўйган хатолар сабабли бошланган уруш натижасида иттифоқнинг барча халқлари қатори Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқлари ҳам даҳшатли ҳун тўладилар.

[1] Народное хозяйство Каракалпакской АССР.Стат. сб. – Нукус, 1971. С. 7.

8-мавзу: Ўзбекистоннинг 1946-1985 йиллардаги тараққиётидаги зиддиятлар.

Фанни ўқитиш технологияси:
«Ўзбекистоннинг 1946-1985 йиллардаги тараққиётидаги зиддиятлар» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳволи.
2. XX аср 46-80 йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаёт.
3. 1946-80 йилларда Қорақалпоғистон.

Таянч иборалар: Халқ хўжалиги, турғунлик, пахта яккаҳокимлиги,Орол фожеаси, компартия мафкураси, маъмурий-буйруқбозлик тизими, индустрия, қишлоқ хўжалиги, турмуш даражасининг пасайиши, Шароф Рашидов, қатағонлик, маънавий маданият, инқироз.

1-асосий савол: Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳволи.

МАҚСАД: Урушдан кейинги йиллардаги Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалар билан талабаларни таништириш, уларни маъмурий-буйруқбозлик тизими оқибатларини тўғри таҳлил қилишга ўргатиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Халқ хўжалигининг тинч қурилишга ўтишини изоҳлайди.
1.2. Индустриянинг бир томонлама ривожланишига баҳо беради.
1.3. Пахта яккаҳокимлиги ва унинг салбий оқибатларини очиб беради.
1.4. Янги ерларни ўзлаштириш мақсадларини таҳлил қилади.

1-асосий саволнинг баёни:

Урушнинг тугаши энди барча куч-қувватни республика халқ хўжалигини ривожлантиришга, уруш оқибатларини тугатишга қаратишни талаб этарди. Бу оқибатлар оғир эди: республика саноатини тиклаш учун, аҳолини озиқ-овқат ва халқ хўжалиги моллари билан таъминлаш учун ёқилғи, электр энергия, хом ашёга, шунингдек, малакали ишчи ва инженер ходимларга танқислик сезиларли эди. Шу сабабдан Ўзбекистоннинг географик ҳолати, миллий анъаналари, халқ манфаатларини ҳисобга олиб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиш зарур эди. Бироқ бу йиллар давлат устидаги орган бўлиб қолган партиянинг тоталитар ҳукмронлиги билан ҳарактерли эди. Партия зўравонлик сиёсатини ўтказиб, турмушнинг барча масалаларини ўзига қаратиб олган эди. Партиянинг улкан режаларида Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи бир қўшимча манба деб қаралди. Бу нарса эса Ўзбекистон иқтисодиётини бир томонлама ривожланиб боришига олиб келди. Бундай шароитда Ўзбекистон ўзининг бой хом ашё ресурсларини тайёр маҳсулотга

айлантиришга имкон бермас эди. Партия раҳбарлари Ўзбекистоннинг мамлакат асосий пахта базаси сифатидаги ўрнини ҳисобга олиб, биринчи галда асосан қишлоқ хўжалигига тегишли индустриал ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан бошлаш керак деб бир қолипда фикр юритар эди. Пахтачиликни, хусусан пахта йиғим-теримини комплекс механизациялашни тугаллаш вазифалари ўртага қўйилиб, бўларни адо этиш учун катта моддий маблағ, малакали кадрлар керак эди. Саноат, халқ хўжалиги бошқа соҳаларининг тараққиёти тамомила пахтачилик манфаатларига қарам қилиб қўйилди. Пахтачилик ҳамда ирригация қурилиши учун турли машиналар ишлаб чиқарувчи машинасозлик заводлари қайта қуриш ва яратиш кўзда тутилди. "Ташсельмаш", "Ўзбексельмаш", "Красний двигатель", "Подъемник" ва бошқа заводлар пахтачиликни ривожлантириш мақсадларига мослаштирилди. Чирчиқ электр қимё комбинати минерал ўгитлар ишлаб чиқаришга ўтказилди ва ҳк.

Мамлакатнинг ички ресурслари, табиий бойликлари ва арзон ишчи кучини ғоят кучли эксплуатация қилиш эвазига, хорижий сармоялардан бош тортган ҳолда олиб борилган иқтисодиётни тиклаш халқ бошига оғир кунларни келтирди. Ўзбекистон халқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни тиклаш ишлари анча оғир ўтди. 1945 йил 15 июлдан Марказий ҳукуматнинг "Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарори асосида пахта яккаҳокимлиги кучайтирилди ва Ўзбекистоннинг марказга боғлиқлиги яна ҳам мустаҳкамланди. Об-ҳавонинг инжиқлиги, тиклаш ишларининг қийинчиликларига қарамай, 1950 йилги тайёрланган пахта 2.220 минг тоннага етди.

50-60 йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимига айрим ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 1954-1956 йиллари иттифоқ миқёсидаги бир қатор йириқ корхоналар республика ихтиёрига ўтказилди. Натижада саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг салмоғи 31 фоиздан 55 фоизга кўтарилди. Хўжаликни бошқаришда иқтисодий омилларга суяниш, меҳнат мангфаатдорлигини ошириш ва бошқа тадбирлар ўз самарасини бермади, чунки жамиятда туб ислоҳотлар ўтказилмади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги экстенсив йўл билан, яъни табиий бойликлардан ўринсиз, ҳисобсиз фойдаланиш, бутун халқнинг меҳнатини хаддан ортиқ эксплуатация қилиш ҳисобига 60-70 йилларда саноатнинг янги соҳалари вужудга келди.

Ўзбекистонда олтин, уран, рангли металлургия ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйила бошланди. Энергетика, қимё саноати ривожланди. Саноатнинг юксак даражада ривожланиши натижасида янги шаҳарлар: Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод кабилар қад кўтарди. Лекин, мустамлака ҳолатидаги республиканинг ривожланаётган иқтисодидан бошқалар кўпроқ манфаатдор эдилар. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда бевосита Иттифоқ министирликларига бўйсундирилган фақат олтин ва ураннинг ўзидан 15 миллиард Америка долларига тенг бойлик Марказга олиб кетилган. Ўзбекистоннинг аксарият шаҳар-қишлоқлари газлаштирилмаган ҳолда Республикада ишлаб чиқарилган табиий газ Россиянинг саноат марказларига етказилиб берилди.

50-60 йиллари Ўзбекистонда пахта майдонини янада кенгайтириш мақсадида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилиб, 1945-1985 йиллари қарийб 2.400 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.

Қишлоқ хўжалиги учун трактор, пахта териш машинаси ва бошқа техника ускуналари тайёрлаб берилди. Пахтачиликнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга пахта ҳосилдорлигини ошириш учун қимёвий моддалардан чексиз фойдаланилди. Кўрилган тадбирлар натижасида 1970 йили республикада пахта майдони 1.700.000 гектарни ташқил қилди, ялпи ҳосил 4.495.000 тоннага етди.

Йириқ саноат корхоналаррнинг вужудга келиши билан республиканинг Иттифоққа боғланиши яна ҳам кучайди. Президент И.А. Каримов: "…у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга - марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган яриммустамлака мамлакатга айланган эди", дейди.

1985 йилнинг баҳорида қишлоқ хўжалиги бошқарув тизимига ўзгартириш киритилиб, меҳнатни ташқил этишнинг бригада ёки оила пудрати, ижара сингари янги шакллари жорий этилди. Лекин марказда маъмурий буйруқбозлик бошқарув тартиби сақланган ҳолда кўрилган тадбирлар, қайта қуришлар натижа бермади. Жамиятда, хусусан, иқтисодиётда инқирозли ҳолатлар кучая борди. Қайта қуриш деб бошланган қуруқ компания Президент И. Каримов таъбири билан айтганда "ҳамма ёқни бўзиб, бақир-чақир, ўғрилик, қотилликни кучайтирди".

XII беш йиллик вазифалари, илгариги уч беш йилликлардаги каби, бажарилмай қолди. Ўзбекистонда миллий даромаднинг ўсиши 80-йиллар биринчи ярмида ўрта ҳисобда 3,3 фоизни ташқил қилди.

Пахта экин майдонларининг ўринсиз кенгайтирилиши ва агротехника қоидаларининг бузилиши туфайли ернинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Хосилдорликни ошириш учун экин майдонларида ҳаддан ташқари ортиқча минерал ўгитлардан фойдаланиш оқибатида бу ерлар, маълум бир вақтдан кейин, батамом яроқсиз ҳолга келиб қолди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан назоратиз фойдаланиш, ўлкада ўринсиз равишда сунъий сув ҳавзаларининг қурилиши натижасида Орол денгича аста-секин қурий бошлади ва XX асрининг энг йирик "Орол фожеаси" вужудга келди.

2-асосий савол: XX аср 46-80 йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаёт.

МАҚСАД: Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги салбий ҳодисалар билан таништириш, воқеаларни тўғри тушуниб, уларни тўғри ва холисона баҳолашга ўргатиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

2.1. Советлар, жамоат ташқилотлари вазифаларининг чекланишини очиб беради.

2.2. Маъмурий-буйруқбозлик тизими оқибатларини тушунтиради.

2.3. Сиёсий қатағонларга баҳо беради.

2.4. Меҳнаткашлар турмуш даражасининг пасайишини изохлайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволидаги нохуш ҳолатларнинг ижтимоий оқибатлари оғир бўлди. Ўлканинг ўзига хос демографик ҳолати ҳисобга олинмасдан давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағ қолдиқ принципига асосланиб йилдан-йилга қисқариб борди. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларида миқдорий ўсишлар кўзга ташланганлиги билан, аслида бўлар инсон талабини қондирмас эди. Республика бу соҳалардаги кўрсаткичар бўйича собиқ 15 республика ўртасида 13-14 ўринларда турди.

80-йилларда фан, маданият ва халқ таълимига ажратилагн ҳаражатлар давлат бюджетининг атиги 2,7 фоизини ташқил қилган бўлса, бу кўрсатгич 1989 йили Европа мамлкатларида 5,5 фоизни, Африка мамлакатларида 5,4 фоизни ташқил қилган. Болалар ўлими, ошқозон-ичак ва юқумли кассаликлар бўйича Ўзбекистон собиқ СССРда биринчилар қаторини эагаллади. Аҳолининг ўртача ёши 1970 йил 72 ёш бўлса, 1980 йили бу кўрсатқич 67,7 ёшни ташқил қилди. Бунга асосан сабаб экологик вазиятнинг кескинлашуви бўлди. Жафокаш, заҳматкаш Ўзбек халқининг турмуш даражаси ачинарли аҳволда бўлиб, бошқа республикалар билан қиёслаганда охирги ўринларда эди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди.

Давлат бош эсплуататор ролини бажарган социалистик тизмида меҳнаткаш аҳоли ўз кучи билан яратган маҳсулотнинг атиги 25-30 фоизи ҳажмидагина ҳақ олди. Собик иттифоқнинг саноат ривожланиши, ядро қуролларни ишлаб чиқариш, коинотни ўзлаштиришдаги ютуқларига катта ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг миллион тонналаб пахтаси, ноҳақ, сурбетларча, адолатсиз ҳисоб-китоб қилинди. Ўша даврнинг меҳнат илғорлари совет тизимидаги социал сиёсатнинг оғир оқибатларини хали ҳам кўришяпти.

Тоталитар тизим жараёнида ўлкадаги маданий-маърифий ишлар эътибордан четда қолмади. Ўзбекистонда 6 мингдан ошиқ мактаб бўлиб, уларда 42.000 ўқитувчилр дарс берди., 1 млн.дан ортиқ ўқувчи таълим олди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ишчи кадрларга талабини қондириш учун фабрика, заводлар қошида махсус ўқув юртлари очилди. Ўрта Осиёда олий таълимнинг бешиги, ҳозирги ЎзМУ бир қанча олий ўқув юртларига асос бўлди. Республикада 30 дан ортиқ олий, 100 га яқин ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турди.

Адабиёт ва санъат соҳасида жаҳонга машҳур ёзувчилар ва шоирлар етишиб чиқди, театр ва кино санъати ривожланди. Маданий-оқартув муассасаларининг сони ортиб борди.

Ачинарлиси шундаки, республикада таълим-тарбия, маданий-маърифий ишлар "Шаклан миллий, мазмунан социалистик" шиори остида оилб борилдики, асл мақсад "байналминалчилик" ниқоби билан пардаланиб, ўлкага рус маданиятини, уларнинг турмуш тарзини тарқатишдан иборат бўлди. 1983 йил 19 мартда Ўзбекистон раҳбарияти миллий мактабларда мажбуран рус тилини ўқитиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўқишлар ва идораларда иш юритишлар 1929 йилдан бошлаб лотин, 1940 йилдан бошлаб кирилл алифбосида олиб борилди. Шу тариқа халқимиз асрлар давомида яратилган

тарзимиз, маданиятимизни ўрганишдан республиканинг туб аҳолиси маҳрум бўлди. 1927 йили ўтказилган "Ҳужум" ҳаракати оқибатида, бир томондан, ўзбек хотин-қизлари жаҳон тараққиётига тортилган ҳолда, иккинчи томондан, улар индустриялаштириш гирдобига кенг жалб қилиниб, ўзларининг табиий бурчларини бажариш ҳамда шарқона фазилатларидан маҳрум бўлдилар.

Маданий-маърифий муассасалар компартиянинг ғояларини, социалистик мафкурани омма ўртасида кенг тарқатиш юзасидан фаол ишлар олиб борди.

Фашизмга қарши уруш йиллари издан чиққан таълим-тарбия ишлари, маданий-оқартув муассасалари урушдан кейинги йилларда қайта тикланди ва кенгайтирилди. 1970 йили Республикада 2977 та клуб муассасалари, 5822 та кутубхоналар, 26 та музей, 3988 та киноқурилмалар ишлаб турибди. Лекин, амалда бу муассасаларнинг бир қисми статистик ахборотларда оширилиб кўрсатилган, бошқа қисми ҳар хил сабабларга кўра фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган. Уларнинг моддий техника базаси қониқарсиз бўлиб, молиявий ёрдамга муҳтож, айниқса қишлоқ жойларда ташландиқ аҳволда эди. Қандай бўлмасин бу муассасалар марксизм-ленинизмнинг сохта ғояларини, социалистик қурилиш амалиётини ташвиқот-тарғибот қилишнинг қудратли қуроли бўлиб хизмат қилди.

Урушдан кеийн мажбурий 7 йиллик, 1959 йилдан 8 йиллик, 1970 йилдан бошлаб 10 йиллик таълим амалга оширила бошланди. 1980 йилларда ўрта ва олий таълим тармоқлари кенгайиб борди. 1990 йил Ўзбекистонда мактаблар сони 9.000 га етди, лекин улардан 1700 таси вайрона аҳволда бўлиб, капитал таъмирлашни талаб қилар эди. 1978-79 ўқув йилида республикада 43 та олий ўқув юрти бўлиб, бўларнинг кундузги, сиртки, кечки бўлимларида 26.000 талабалар ўқиди. Республика фанлар Академиясида илмий-тадқиқот институтларининг қатори кенгайиб, уларда йирик олимлар илмий изланиш ишларини олиб бордилар.

Талабалар, олий маълумотли мутахассислар, илмий ходимларнинг сони жиҳатидан 10.000 кишига ҳисоблаганда Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторида турса ҳам, кадрлар тайёрлаш тизимида кўпол нуқсонлар бор эди. Олий ўқув юртларига вилоятлардан қатъиян режа асосида қабул қилиш, қандай ўқимасин, уларни битириб чиқариш натижасида кўпинча малакаси етарли бўлмаган мутахасссисларга диплом беришга тўғри келади.

Таълим-тарбия, илмий-тадқиқот ишларининг миқдорий кўрсатқичлари қанчалик юқори бўлмасин, улар Марказга қарамлиги сабабли ўзларининг иш фаолиятида Компартиянинг мафкуравий тазйиқидан четга чиқолмадилар. Ўқув дастурлари, айниқса ижтимоий фанлар ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилди. Ўтмишда дунёга машҳур бўлган, жаҳон фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Ватанимиз мафкурачилари эсга олинмади, миллатимизнинг бой тарихи ва адабиёти ўқитилмади. Чунки, мактаб, олий таълим тизимининг миллий сиёсатининг тантанасини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Бу тизим республиканинг Марказга қарамлигини кучайтирди.

Марказнинг байналминалчилик сиёсати мамлакатда истиқомат қилувчи 120 дан ортиқ миллатлар ва элатлар ягона совет халқини шакллантириш

сиёсатини рўёбга чиқариш учун жадал ишларни олиб борди. Шу мақсадда рус тилини бутун ҳаётга киритиш фаоллашди. 1969 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча болалар боғчаларида рус тилини ўргатиш бошландики, бутун ҳаракат ягона байналминал тил яратишга қаратилди. Бундай сиёсатнинг оқибатида ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни, миллий, диний қадриятлар йўқола борди.

Собиқ совет ҳукумати дастлабки кунлардан бошлаб динга, диний ташқилотларга қарши кенг миқёсда кураш бошлаб, атеистик жамият қуриш томон йўл тўтди. Мачит ва мадрасаларни ёпиб, уларнинг биноларидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. "Наврўз" каби умумхалқ байрами, диний маросимлар бекор қилинди. Хаж сафарига борадиган мусулмонларнинг сони ҳар йили бутун Ўзбекистонда икки-уч кишидан ошмади. Руҳонийларнинг кўпчилиги билан ҳар хил баҳоналар билан қамоққа олинди, сургун қилиндилар.

Сахна санъатида опера ва балет соҳасида дастлабки ютуқларга эришилди. Кино санъати қарор топди. Айнан шу даврда адабиет ва санъатда социалистик реализми деб аталмиш йўналиш ҳукмрон бўла бошлади ва республикада маданий ҳает комунистик мафкурага бўйсундирилди.

Урушдан кейинги 50-60 йилларда республика ижодий зиелиларининг янги авлоди шаклланди. Шахсга сиғинишнинг фош этилиши билан юзага келган илиқлик шамоли билан бадиий адабиетда кўпгина салмоқли асарлар яратилди, санъатда бир қанча янги ўзбек театр ва концерт санъатининг донгини таратган жамоалар ташқил этилди. Жамиятда инқирозли ҳолатларнинг кучайиши билан маданий ҳаетдаги зиддиятлар ҳам кескинлашди. Чириб бораетган социализм ғояларисиз тарихий, бадиий асарлар еруғлик кўрмайдиган бўлди. Фақат 80-йиллар 2 ярмидан янгича фикрлаш даврида социализм ғоялари ва амалиетининг жамият ҳаетининг барча соҳаларидаги мудҳиш оқибатларини фош қиладиган асарлар яратилди.

40-йиллар охирларида фан ва маданият ходимларини қатағон қилишлар давом этди. ВКП(б) МҚнинг 1946 йил "Звезда" ва "Ленинград" журналлари ҳақидаги" қарорлари қатағонлар янги тўлқинининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Шу пайтдан бошлаб адабиет ва санъатда ижодий демократик ривожланиш ўзоқ йиллар давомида сунъий таъкиб қилинди, жойларда ҳурфикрлилик сиқувга олинди.

Марказнинг кўрсатмаларига асосланиб, республкианинг партия органлари ижодий зиелиларга қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг асарларидаги миллий ғоялар, уларни айблаш учун фойдаланилди. Езувчи ва шоирларнинг асарларида ўрта аср ва инқилобгача бўлган даврдаги халқ тарихини ва маданиятини бадиий тасвирлаш - ўтмишни кўмсаш, идеаллаштириш деб айбланди ва уларга "миллатчи" деган тамғалар епиштирилди. Шу каби Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода ва бошқа ўзбек езувчилари қораланди.

1951 йил августда республика матуботида қатор "шоир ва езувчиларнинг ижодида мафкуравий оғишлар" мавзусида мақола чоп этилди. Унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, А.Бобожонов, Собир Абдулла, Хабибий каби ижодкорлар миллатчиликда ва пантуркчиликда айбланиб, танқид қилиндилар.

Шунингдек, Ойбек, Х.Зарифов, Х.Еқубов, И.Султонов ва бошқалар "Ўзбек совет адабиети вазифаларидан четда туришда ва жиддий ғоявий хатоликлар"га йўл қўйганликда айбландилар.

1951 йилда Мақсуд Шайхзода, Шукрулло Юсупов, /улом Алимов, Салохий ва бошқа бир қатор ижодкорлар "антисовет миллатичилик фаолияти"да айбланиб, қамоққа олиндилар ва 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Шу йиллари жамиятшунос олимлардан бир гуруҳи чунончи файласуф В.Зохидов, тарихчи А.Бобохўжаев, иқтисодчи А.Аминовлар пантуркизмни ташвиқот қилишда айбланиб, таъкиб қилинди.

Қатағон қилинган санъат, фан ва маданият арбоблари гуриллаган мустабид тузум даврида ҳам ҳуқуқсизлик қурбони бўлдилар. Адолат бир қадар қарор топиб, шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тузатиш учун олиб борилган курашлардан кейин асоссиз қатағон қилинган маданият ва фан арбоблари тўлиқ оқландилар.

Ўзбекистонга халқаро миқесларда ҳам марказий ҳокимият органлари томонидан хом аше базаси роли берилар эди. Республика асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари - пахта толаси, ипак, линт, қоракул терини четга чиқариб келди. Халқаро алоқалар асосан социалистик лагерга кирган мамлакатлар билан олиб бориларди. Бўлардан ташқари Ўзбекистон айрим ривожланаетган мамлакатларга қишлоқ хўжалик машиналари, қимевий ускуналар, кабель, насослар ва бошқа маҳсулотларни чиқарарди. Шундай бўлсада, Ўзбекистон четдан келтирилган молларнинг йирик истеъмолчиси бўлиб колаверди.

Тошкент олийгоҳларида ажнабий мамлакатлардан келган талабалар ўқир эди. Мутахассис кадрлар билан алмашиш бирмунча йўлга қўйилди. Санъат соҳасидаги ҳамкорлик Халқаро маданий алоқаларда кўзга кўринарли ўринни эгаллади. Мисол учун Тошкент кинофестивалини келтириш мумкин.

3-асосий савол: 1946-80 йилларда Қорақалпоғистон

МАҚСАД: Қорақалпоғистондаги 1940-йилларнинг иккинчи ярми – 80-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги зиддиятларни очиб бериш

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Урушдан кейинги йилларда Қорақалпоғистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка ихтисослашувини таҳлил қилади

3.2. Қораҳалпоғистон иқтисодиётидаги асосий тармоқларни аниқлайди

3.3. 60-80 йиллардаги ўтказилган ислоҳотлар натижаларини изоҳлайди

3-асосий савол баёни:

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қорақалпоғистон ҳам бошқа иттифоқдош республикалар қатори Кремльда ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар исканжасида қолган эди. Унга КПССнинг «улкан режалари» да хом-ашё етказиб бериш вазифаси ажратилган эди. Бу ҳол Қорақалпоғистон иқтисодиётини фақат бир томонлама ривожланишини

таъминлаб, унга ишлаб чиқиш технологияларини такомиллаштириш, бой ресурсларни тайёр маҳсулотга айлантириш имконини бермас эди.

Иттифоқ сиёсий раҳбариятининг фикрига кўра, 1946 йил пахтачиликни ривожлантиришда ҳал қилувчи бурилиш йили бўлиши лозим эди. Натижада пахта яккахоким экинга айлантирилди, автоном республика «иқтисодиётининг ўзаги», унинг «фахри» бўлиб қолди.

1946 йилда Қорақалпоғистонда 425 та жамоат хўжалиги бўлиб, 154,8 минг га суғориладиган ерга, шу жумладан, чигит эқиладиган 54,0 минг га майдонга эга эди. 1946-1950 йилларда 42 минг га ер ўзлаштирилди. Тиклаш даврининг кўп қиррали муаммоларни ҳал қилишда қаровсиз қолган ва фойдаланмай келинган суғориладиган ерларни ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1947 йилнинг баҳорида Туямўйин каналининг биринчи навбати ишга туширилди (унинг узунлиги 11,5 км эди). «Шуманай» канали қурилди. 1950 йилда Марказнинг Бош Туркман канали қурилиши тўғрисидаги қарори қабул қилинди, бу канал Хоразм воҳаси орқали Шимолий Туркманистон бўйлаб ўтар ва Амударёнинг қадимги Ўзбой ўзани бўйлаб Каспий денгизгача борар эди. Белгиланган режалар, агар кейинги даврда ҳам амалга ошириладиган бўлса, минтақадаги экологик вазиятни жиддий равишда ўзгартирарди, лекин Орол денгизини ҳалокатга олиб келмас эди. Бироқ 1952 йилда Бош Туркман каналининг қурилиши бошқа лойиҳа бўйича борди, уни амалга ошириш натижасида Қайроқум канали юзага келди.

1949 йилда суғориш тизимларининг тўртта бошқармаси ташқил этилди: Пахта-арна (Тўрткўл ва Беруний туманлари учун), Ленин номли канал (Хўжайли ва Қўнғирот туманлари учун), Кегайли (Чимбой ва Кегайли туманлари учун), Қуваниш – Жарма (Тахтакўприк ва Қораўзак) бошқармалари.

Жамоа хўжалигини бирлаштириш юзасидан Марказ йўлини амалга ошириш кўпгина қийинчиликлар билан боғлиқ бўлди. Деҳқонлар ўзларининг жонажон кичик овуллардан йирик хўжалик посёлкаларига кўчиб ўтишга психологик жиҳатдан тайёр эмас эдилар. Биринчидан, улар Марказнинг бу «ташаббусини» салбий идрок қилдилар, иккинчидан эса, белгиланган бу ишларни ниҳоятда қисқа бўддатларда амалга ошириш учун маҳаллий ҳокитмият органларининг сунъий равишда жадаллаштиришга уринишлари вазиятни янада мураккаблаштирди.

Бу йилларда совет ҳокимияти деҳқонларга қарши қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилди. Деҳқонлар ва фермерлардан 2622 га ер тортиб олинди, бу ерлар уларга Иккинчи жаҳон урши вақтида ёрдамчи хўжаликлар, якка ва жамоа тартибида жеҳқончилик қилиш учун вақтинча берилган эди. Аҳоли жамоа хўжаликларига 1083 бош қорамолни, 4146 бош майда ҳайвонларни, 180 бош отни қайтариб топширди.

Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида маҳсулдор чорвачиликни ривожлантиришда муайян натижаларга эришилди. Чимбой туманида Бутуниттифоқ чорвачилик илмий тадқиқот институтининг таянч пункти ташқил қилинди. Чимбой туманидаги наслчилик давлат хўжалигига Россиядан 104 бош қизил-чўл зотли бузоқлар келтирилди, республика жамоа

хўжаликларининг 80 %и учтадан маҳсулдор моллар фермаларга эга эди. 219 та йилқичилик ва 48 та туячилик фермалари ташқил этилди.

50-йилларнинг ўрталарига келиб республика чорвачилигидаги мутаносиблик бузилди. Чорвачилик пахта яккаҳокимлиги кучайиб бориши билан сиқиб чиқарила бошлади. Шу йиллардан бошлаб хўжаликларда чорва моллари сони муттасил камайиб борди. Бу эса, деҳқонлар ва чорвадорлар моддий аҳволига, турмуш даражасига таъсир қилмай қолмас эди.

Пиллачилик соҳасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Республикадаги 36 та жамоа хўжалиги 1948 йилда ҳар қути уруғдан 55 кг.дан пилла олдилар. 1957 йилда эса давлатга 410 т пилла топширилди, бу 1953 йилда олинган пиллага нисбатан 49% кўп эди.

Урушдан кейинги ўн йилликлар давомида Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги зиддиятлар янада кўпроқ чуқурлашди. Режалаштирувчи Марказ озиқ-овқат экинларини сиқиб чиқариш ҳисобига чигит экиш салмоғини муттасил ошириб бориш мажбур қилди. «СССРнинг пахта мустақиллигига эришиш тўғрисида»ги машъум тезис Қорақалпоғистоннинг 50-йиллар бошидаги халқ хўжалиги ривожланишида устун даражада устуворлик қилди. Марказ пахта етиштиришнинг 1950 йилдаги 139 минг т. дан 1955 йилда 270 минг т. га етказишни белгилаб берди. Бироқ Қорақалпоғистон уч йил сурункасига (1951-1953) пахта тайёрлаш режасини бажармади, фақат 1954 йилда колхозчилар мамлакат хазинасига 199 минг т. пахта топширдилар.

50-йилларнинг ўрталарида бутун Иттифоқ бўйича «қўриқ ерларга юриш» даври бўлди. Марказий ҳукуматнинг «1954-1958 йилларда ЎзССР да пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида», «ЎзССР ва Қозоғистон ССР да Мирзачўлнинг қўриқ ерларни суғориш тўғрисида» ги ва яна шу йилларда қабул қилинган бошқа қарорларида асосий эътибор умуман Ўрта Осиёнинг, хусусан Амударё делтасидаги қўриқ ва бўз ерларнинг катта массивларидан фойдаланиш истиқболига қаратилди. Мазкур қарорларга мувофиқ Қорақалпоғистонда чигит экиладиган майдон, агар 1953 йилда 92,9 минг га бўлган бўлса, орадан ўн йил ўтгандан сўнг 1963 йилда бу майдон 135,4 минг га етказилди. Бироқ ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик эса, бу йилларда 15,8 центнердан ошмади.

50-йилларнинг иккини ярмида Қорақалпоғистонни ҳуқуқий «қайта ташқил этиш эпидемияси» ларзага келтирди, бу кўп жиҳатдан вилоят партия ташқилотига Тошкентдан Носир Маҳмудовнинг биринчи котиб лавозимига тайинланиши (1956-1963 йиллар) билан боғлиқ бўлди. бу раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари волюнтаризм, ўйламай-нетмай қилган тадбирлари билан ажралиб турарди: у Қорақалпоғистоннинг иқлим шароитининг совуқ келишини ҳисобга олмасдан чигитни чуқур эмас, ер сиртига юзароқ қилиб экишни жорий қилди. республиканинг шимолий туманларидаги жамоа хўжаликлари тарқатиб юборилди, уларнинг ўрнига давлат хўжаликлари ташқил этилди. Натижада 475 та колхоздан фақат 38 таси қолдирилди, қолган 437 жамоа хўжалиги негизида 20 дан ортиқ йирик давлат хўжаликлари ташқил қилинди. Масалан, биргина Кегайли тумани миқёсида битта «Кегайли» давлат хўжалиги ташқил топди.

Республика давлат хўжаликлари биргина 1958 йилнинг ўзида давлатга 108 млн. сўм миқдорда зарар етказдилар. Шунингдек, давлат хўжаликларида мавжуд бўлимлар қисқартирилиб, улар ўрнига экин майдони 250-500 га дан бўлган йириклашган бригадалар ташқил этилди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Хўжайли, Шуманай, Қонликкўл, Қўнғирот туманлари битта йирик Хўжайли тумани қилиб, Тўрткўл, Беруний ва Эллик қалъа туманлари битта Тўрткўл тумани қилиб, Чимбой, Кеней, Қораўзак ва Тахтакўпир туманлари битта Чимбой тумани қилиб бирлаштирилди. Йириклашган туман раҳбарининг хўжаликларини айланиб, улар билан танишиб чиқиши учун камида 15 кун керак бўларди. «Қайта ташқил этиш эпидемияси» халқ хўжалигига катта зарар етказди.

1962 йилда Марказ томонидан партия органларининг саноат ва қишлоқ хўжалик органларига бўлинишида халқ хўжалик кенгашлари тизимини ташқил этилиши мутлақо тушунарсиз бўлган «бошқарувни такомиллаштириш» концепцияси эди. Бу ноилмий концепция натижасида Қорақалпоғистон миқёсида саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича вилот қўмиталари, туманларда эса қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари лавозимлари пайдо бўлди, айни вақтда собиқ туман партия қўмиталари раҳбарлари иккинчи лавозимларга ўтказилди. Бу янги ташқилий тузилишлар бор-йўғи икки йил умр кўрди, шунга қарамасдан, халқ хўжалигига жуда катта зиён-захмат келтирди.

60-йилларда, бутун мамлакатда бўлганидек, Қорақалпоғистон яна экспериментлар гирдобига тортилди. Бу гал «бош маккажўхорикор» Н.С.Хрушчевнинг талабига кўра маккажўхори етиштиришга, ҳатто, республиканинг шимолий туманларида ҳам катта эътибор берилди. Маккажўхори эқилган майдон 1957 йилда 2067 га, 1958 йилда 5772 га.ни ташқил этди, яъни бир йил ичида деярли 3 баравар кўпайтирилди.

Шунингдек, 60-йилларнинг ўрталарида республикада қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган шоликорликнинг ривожланишига эътибор кучайди. Махсус шоликорлик хўжаликлари ташқил қилинди. 1980 йилда республикада шоликорликка ихтисослашган 17 та давлат хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланди. Натижада, 1965 йилда 25,7 минг т. шоли етиштирилган бўлса, 1983 йилда бу кўрсаткич 332,3 т. ни ташқил қилди[1].

Умуман, 50-60-йиллардаги қишлоқ хўжалигига баҳо берганда айтиб ўтиш жоизки, бу давр қорақалпоқ халқининг хўжалик ҳаётида асрлар мобайнида қарор топиб келган анъанавий жуғрофий ва иқлим шарт-шароитларини эътиборга олмаган хилма-хил экспериментлар кўп ўтказилди. Деҳқонларнинг шахсий хўжаликлари ҳар томонлама чеклаб қўйилди. Бир деҳқон хўжалиги 1956 йилда бор-йўғи 15 сотих ёрдамчи хўжаликка эга эди, 1 бош сигир ва 4-5 бош қўй сақларди, бир қатор хўжаликлар (8775 хўжалик) умуман чорва молларига эга эмасди.

Шунга қарамасдан, Қорақалпоғистонда пахта етиштириш муттасил ошириб борилди. 1964-1984 йиллар мобайнида республикада 7 млн. 144 минг

[1] Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Стат. сбор. – Т., 1984. С. 129.

тонна пахта етиштирилди, Марказнинг тўқимачилик фабрикаларига 2 млн. 219 минг тонна пахта толаси жўнатилди. Фақат 1963, 1969 ва 1978 йилларда иқлим шароитларининг ноқулай келиши ва сув тошқинлари туфайли пахта тайёрлаш режалари бажарилмади.

60-80-йиллар мобайнида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосан экстенсив усуллар ҳисобига муайян силжишлар рўй берди. Қишлоқда эса бир қатор ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари, айниқса, фермерлик хўжалиги асосларини кенгроқ жорий этила борганда бу ўзгаришлар янада сезиларли бўлиши мумкин эди. Лекин мустабид тузум шароитида, коммунистик мафкура яккаҳокимлигида бундай ўзгаришларнинг самарали бўлиши мумкин эмасди.

Қорақалпоғистон саноатининг ривожланиши пахтачилик билан бутунлай боғлиқ қилиб қўйилган эди.

9-мавзу: Ўзбекистон мустақиллик йўлида. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши (1985-91 йиллар).

Фанни ўқитиш технологияси:
« Ўзбекистон мустақиллик йўлида. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши (1985-91 йиллар)» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. Қайта қуриш даврида Ўзбекистон.
2. Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг жорий этилиши.
3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг аҳамияти.

Таянч иборалар: “Қайта қуриш”, Кадрлар десанти, "пахта иши", "Ўзбек иши", таназзул, қатағон, парчаланиш, Давла тили тўғрисидаги қонун, суверенитет, Мустақиллик Декларацияси, мустақиллик,сайлов, референдум, президентлик бошқаруви.

1-асосий савол: Қайта қуриш даврида Ўзбекистон

МАҚСАД: Тоталитар тузум иллатлари ва сабоқларини тушунтириш, “қайта қуриш” моҳиятини очиб бериш, Мустақиллик Декларацияси ҳақида тушунча бериш, Ўзбекистоннинг Москвадаги давлат тўнтаришига муносабатини кўрсатиш.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1.”Қайта қуриш” сиёсатига баҳо беради.

1.2. Тоталитар тузум инқирози сабабларини билади.

1.3. Кадрлар десанти, пахта иши ва уларнинг оқибати ҳақида тушунча беради

1.4. Ўзбекистонда иқтисодий ва сиесий мустақилликни таъминловчи ҳуқуқий асосларини яратишдаги кўрилган чораларни билади.

1.5. Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини очиб беради.
1.6. Ўзбекистоннинг давлат тўнтаришига муносабатини тушунтириб беради.

1-асосий савол баёни:

XX аср интиҳосида дуненинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди. Социализм деб аталган тоталитар тузум, коммунистик мафкура деб аталмиш зўравонлик ва тазйиққа асосланган мафкура таназзулга учради. Жаҳонга ҳокими мутлоқликни даъво этган СССР жамият сифатида ҳам, давлат сифатида ҳам парчаланиб кетди. Унинг таркибига кирган иттифоқдош республикалар мустақил давлат мақомини олдилар.

Тоталитар тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб алоҳида шахсларнинг кундалик турмушига ва истиқболига даҳлдор бўлган ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олгани учун меҳнаткаш халқ боқимандалик кайфиятига дучор бўлган эди. У фақат ишлаш ҳуқуқига эга эди, холос. Меҳнат деб аталган ҳиссиз машинанинг мурватига айланиб қолган эди. Эртадан-кечгача меҳнат қиласан, меҳнатингга яраша очдан ўлмасликка етадиган ҳаққингни оласан - собиқ Иттифоқда қонун кучига эга бўлган давлат сиесати эди. Ақл билан иш тутиш, воқеликни идроқ этиш, бунед этиш, яратиш туйғулари бутунлай сўндирилган эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида юзага келган инқирозли ҳолат жамиятни бошқаришни ҳаддан ташқари марказлаштиришга, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан зўрлик ўтказишга, республиканинг бутунлай ҳақ-ҳуқуқсиз бўлишига боғлиқ эди. Раҳбарларнинг буйруқбозликка асосланган усул-амаллари деҳқонларнинг иқтисодий манфаатларини камситишга, уларнинг ўз меҳнати натижаларига бегоналарча кўз билан қарашига олиб келди. Маънавий-ахлоқий соҳадаги салбий ҳодисалар кучайиб борди: жамоат мулкини ўғирлаш, қўшиб езиш, кўзбўямачилик қилиш одат бўлиб қолди.

80-йилларнинг ўрталарида республикада ўзбошимчалик ва қатағонларнинг янги даври аниқ белги бериб қолди. Асосан илмий - ишлаб чиқариш ва сиесат билан банд бўлган кадрлар, республиканинг миллий манфаатларини буғиб келаетган мавжуд тизимнинг ярамас ва умидсизлигини тушуниб борган миллий зиелилар таъкиб остига олинди. Тизимнинг мафкурачилари ўзларининг ночорлиги ва маҳкумлигини сезиб, "гайкаларни қаттиқроқ бураш"дек синаб кўрилган йўлга кирдилар ва Ўзбекистонни янги қатағонлар майдонига айлантирдилар. Марказий партия-совет аппарати чекланмаган олий ҳокимиятни сақлаб қолишга ўриниб, халқнинг тақдирини бундан кейин ҳам ҳал қилиб бориш учун Ўзбекистон раҳбариятининг мавжуд ижтимоий-сиесий тартиботни ўзгартириш ва республика миллий мустақиллигини қарор топтириш зарурлигини тушунганларни бадном қилишга, уларга туҳмат тошларини еғдиришга ўринди. Республикага "кадрлар десанти" деган ҳар хил югурдаклар юборилди, улар партия, совет ва суд органларида муҳим ўринларни эгаллаб, чинакам террорни авж олдирдилар. "Пахта иши" деган иш тўқилиб, майдонга олиб чиқилди. Бу иш вақтли матбуотда "Ўзбек иши" деган ном билан аталди. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги гуруҳ бир неча

юз минглаб халол кишиларни ва умуман республикани бадном қила билди. Албатта "пахта иши" нинг чиндан ҳам мавжуд бўлган камчиликлар ва ҳатто жиноятларни очиб ташлашга ёрдам берганлигини айтиб ўтмаслик адолатдан бўлмайди, лекин бу нарсанинг бадном қилишга мўлжалланган ўзбек халқига ҳеч бир алоқаси йўқ. Мустақилликка эришилгандан сунг бу ишнинг шармандаси чиқди, озор чеккан минглаб кишилар оқланди. Ш.Рашидов покиза номи тикланди.

Қайта қуришнинг бошидаеқ СССР ва иттифоқчи республикаларнинг раҳбариятлари халқ хўжалигини бошқаришнинг тузилиши, шакллари ва усулларинигина эмас, балки бутун сиесий тузумни тубдан ўзгартириш эҳтиежи етилиб қолганлигини ҳам тушунар эди. Бироқ улар халқ уни ислоҳ қилиш ғоясига ўзларининг тарафдор эканликларини эътироф қилсалар-да, мамлакатда ягона бўлган коммунистик партия ва бу партия социалистик мафкурасининг ҳукмронлик ролини ўзгартириш мумкин деган фикрни ҳаелларига ҳам келтирмас эдилар. КПСС МК республикаларнинг марказдан четлашишга қаратилган хатти-ҳаракатларини сўндиришга, расман иттифоқчи, лекин ҳақикатда унитар бўлган давлатда тоталитар марказ ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашга ҳар томонлама тиришди.

Бироқ ошқоралик тазйиқи остида социалистик мафкура ўзининг жозибадорлигини тобора йўқотиб борди. Сиёсий ва мафкуравий плюрализмнинг қарор топиши туфайли Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришларда, гарчи ҳали ўзига хос бўлсада, лекин бошланиб қолган ўзгаришлардан дарак берувчи тенденциялар кучайиб борди.

Қайта куриш йиллари Горбачев мамлакатни таназзулдан олиб чиқиш йўлида бошини урмаган эшик қолмади. Гоҳ жадаллаштириш концепциясини ўйлаб топди, гоҳ фан-техника тараққиёти деб, бутун мамлакатни алғов-далғов қилди. Ундан натижа чиқмагач, агросаноат комплексини қайта қуриш режаларини ишлаб чиқди. Шундан сўнг кадрлар сиесати масаласини кўтарди. Бироқ барча ҳаракатлар самарасиз бўларди. Бора-бора, энг муҳими - инсон омили эканлигини тушунди, Бироқ энди кеч бўлиб қолган эди.

Дарҳақикат, инсон онги ва тафаккурида ўзгариш ясамагунча, унинг дунеқарашларини янги ижтимоий-сиесий жараенларга мослаштирмагунча ҳар қандай ҳаракатлар бесамар ва фойдасиздир. Ислом Каримов эса мамлакат раҳбарлигига сайланганидан бошлабоқ халққа суянди, унинг ташвиши ва изтироблари билан яшади. Аҳоли руҳиятига таъсир қиладиган, уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, ўзлигини англашга ёрдам берадиган усулларни ишлаб чиқди ва ҳаетга тадбиқ этди.

Шўро тузуми даврида Ўзбекистон иқтисодини издан чиқариш, аҳолини қора меҳнатга маҳкум этиш, унинг бой ўтмиш маданиятидан, миллий қиефа ва анъаналарни ўзида мужассам этган ерқин хотирасидан айириш мақсадида пахта яккаҳокимлигига зур берилган эди. Қайта ишлаш саноати атайин ривожлантирилмади. Халқнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, жаҳон тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган қадриятлари топталди.

1989 йили Фарғона, Тошкент ва Андижон вилоятларида рўй берган миллатлараро можаролар республикада ва бутун мамлакатда ғоят даражада

катта шов-шувга сабаб бўлди. Натижада минглаб месхети турклари Фарғона вилоятидан мамлакатнинг бошқа районларига кўчирилди.

Республикада вужудга келган ижтимоий-иқтисодий кескинликдан оммавий тартибсизликларни, миллатлар ўртасида нифоқ ва тўқнашувларни келтириб чиқаришга ўринган экстремистик кучлар фойдаланди. Бироқ республикада яшовчи ва мафкуралаштирилган байналмилалчиликни эмас, балки объектив тарзда қарор топган, уруш йиллари ва сўнгги даврларда айниқса ерқин намоен бўлган, ўзининг табиий байналмилалчилигини бутун жаҳонга неча марталаб намойиш қилган ўзбек халқи ва бошқа миллат вақиллари учун ҳеч қандай ижтимоий мухтожликлар миллатлараро жанжал туғдиришга баҳона бўлиб хизмат қила олмас эди. Ўзбекистонда 100дан ортиқ миллат ва элатлар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келдилар. Тўсатдан шундай фожиа юз берди.

Бу сиесий иғвогарлик Сумгаит, Боку, Тоғли Қорабоғ, Янги Ўзан ва бошқа минтақалардаги ҳудди шундай иғвогарликлар билан бир қаторда турар эди. Туб халқларнинг ўсиб бораетган миллий ўз-ўзини англашини босиш, вазиятни беқарорлаштириш, "инқилобий қайта куриш" режаларининг аниқ барбод бўлганлигидан мамлакат аҳолиси эътиборини четлаштириш учун шундай иғвогарликлар керак бўлиб колди.[1]

Оммавий ахборот воситалари томонидан ҳамиша ҳам холисона еритиб берилмаган ҳодисалар ўзбек халқининг миллий ўз-ўзини англаши кучайиб, республиканинг ижтимоий-сиесий ҳаетида бурилиш бошланишига сабаб бўлди. Жамият зиелилари ва сиесий кучлари Фарғона водийсидаги ҳодисалардан сунг сиесий жиҳатдан етилган, маънавий жиҳатдан юксак мавқеларни эгалладилар. Фожианинг асл сабабларини очиб ташлаш, ўз халқининг шон-шуҳрати ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш йўлидаги ўзларининг машаққатли ўринишларида улар республиканинг энг кескин муаммоларини биринчи марта ошкора равишда муҳокамага қўйдилар.

Ўзбекистоннинг Фарғона ҳодисаларидан кейин ҳокимиятга келган И.А.Каримов бошлиқ янги раҳбарияти ҳам принципиал мавқени эгаллади. Ана шу фожиали ҳодисалардан кейин тез орада республика Компартияси Марказий Комитети, Олий Совет Президиуми ва ҳукуматнинг қўшма мажлисларида Ўзбекистон иқтисодиети ва ижтимоий соҳасининг аҳволини холисона, танқидий нуқтаи назардан баҳолашга биринчи бор ўриниб кўрилди. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг тобора кескинлашиб бораетганлиги қайд қилиб борилди. Бироқ ана шу холисона хулосаларга қарамай, Ўзбекистон тараққиётини 1985 йилгача бўлган даврда жадаллаштиришнинг тамомила ҳаелий дастури маъқулланди. Қишлоқ аҳолисининг шахсий томорқалари, шаҳарликларнинг боғ-экинзор ҳовлилари учун ер ажратиш, ижара пудратини, қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташқил этишнинг ижтимоий жиҳатдан илғор бўлган бошқа шаклларини жорий этишга доир вазифаларинигина бир қадар амалга ошириш мумкин эди. Ўша вақтда ҳукм суриб турган, иложи борича кўпроқ марказлаштирилган бошқариш тизими шароитларида республика районларининг саноат марказлари билан,

СССРдаги бошқа минтақалар билан бевосита алоқаларни ривожлантириш хусусидаги режани эса мутлақо амалга ошириб бўлмас эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг 1989 йил 25 ноябрида бўлиб ўтган XVII пленуми республика ижтимоий-сиесий ҳаетида кескин бурилиш ясади. Унда миллий масаланинг тарихий жиҳатлари, ҳозирги аҳволи, миллий сиесатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, маданий-ахлоқий масалалари чуқур илмий холислик билан таҳлил этилди ва иттифоқ раҳбарияти олдига бу масалаларни хал этиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Биринчидан, Ўзбекистон ва ўзбеклар бошига ёғилаетган маломат тошларига чек қўйиш, "пахта иши", "Ўзбеклар иши" деган ўйдирмаларни бас қилиш, Москва матбуотида ўзбекларни шарманда қиладиган, миллий нафсониятига тегадиган чиқишларни тўхтатиш зарур эканлиги ўқтириб ўтилди.

Бундай талаблар жавобсиз қолавергач, жиддийрок йўл тутишга тўғри келди. Айрим газеталарни тарқатилиши тўхтатилди. Муҳбирлар йўли тўсилди. Буни ўша пайтда ҳар ким ўзича тушунган бўлса, вақт ҳаммасига ўз баҳосини берди. "Век" газетасида босилган бир мақолада шундай дейилган эди: "СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. Каримов биронта ҳам хатога йўл қўймади…"

Иккинчидан, ўзбеклардай қадимий халқ жуда катта маданиятга, тарихга ва маънавий меросга эгалигини назарда тутиш, унинг миллат сифатидаги бетакрор қиефасини тан олиш ва шу асосда юқори даражадаги раҳбариятнинг номақбул сиесати туфайли бутун СССРда илдиз отган нуқсонларни ўзбекларга тункаш ғайриқонуний иш эканлиги таъкидланди.

Учинчидан, мамлакат халқ таълими тизимида, маданий-маърифий ҳаетида жиддий равишда ислоҳотлар ўтказиш, халқнинг ўзлигини англаши, миллий қадриятларни қайтадан тиклаши ҳаетий зарурат эканлиги қайд этилиб, бу иш учун масъуллик қайси даражада бўлмасин, барча соҳадаги раҳбарларнинг зиммасига қатъий қилиб қўйилди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг сиесий тизимида 1990 йилнинг баҳорига қадар чиндан ҳам муҳим бўлган бирор хил ўзгаришлар рўй бергани йўқ. ЎзССР Олий Совети томонидан тарихан муҳим ҳужжат - ЎзССРнинг ўзбек тилига давлат тили мақомини берган "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши (1989 йил октябрь) бундан истисно. Айни вақтда, шу қонунда кўрсатилгандек, республикада миллатлараро мулоқот тили сифатида рус тилидан эркин фойдаланиш сақлаб қолинди. Бу қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи, шу халқ миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиши, республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек халқида миллий ўз-ўзини англашнинг қайта вужудга келиши ўз миллий хусусиятини, миллий хислат ва маданиятни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш, ўзининг иқтисодий ва маданий савиясини кўтариш, ўз тили тўғрисида қайғуришга бўлган қонуний ва ижобий интилишларни келтириб чиқарди. Лекин байналмилаллик деганда баравaрлаштириш ва бир халқнинг эҳтиежларини бошқа халқлар ҳисобига қондириб боришни тушунадиган совет

давридаги қолип-андозаларнинг барҳам топиши ўзбек халқи миллий манфаатларининг Ўзбекистонда яшаб турган барча халқлар талаб ва эҳтиежларига нисбати муаммосини кескинлаштирди. Республикадаги бир сўз билан ифодалаб бўлмайдиган демографик ва ижтимоий вазият миллий ва байналмилал жиҳатлар нисбатида ҳақиқий аҳволга тўғри келадиган йўл тутишни қийинлаштириб қўйди.

Ана шундай шароитларда иқтисодиетни жонлантириш ва юксалтириш йўли билан ижтимоий сиесатни ўзгартириш ва уни республикадаги барча халқларнинг талаб-эҳтиежлари ҳамда манфаатларига бўйсундириш ниҳоят даражада муҳим бўлди, чунки Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий аҳволи емонлашиб бораетган эди. 12-бешйилликнинг охирларига келганда, СССРда иқтисодий сиесат ҳам, номига мавжуд бўлиб турган, аввалари эса Иттифоқ республикалари ўртасида ва ажнабий мамлакатлар билан хўжалик алоқаларини йўлга солиб боришни таъминлаб келган иттифоқ бошқарув органлари ҳам энди таъсир ўтказмай қўйди. Ана шундай шароитларда хом аше ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва техникага, асбоб-ускуналарга, халқ истеъмоли молларига бўлган ўз эҳтиежларини бошқа республикалардан ва ажнабий мамлакатлардан олиб келиш ҳисобига кўп даражада қондирадиган Ўзбекистон сингари республикаларга айниқса қийин бўлди.

Республиканинг марказ билан тенг бўлмаган иқтисодий ўзаро муносабатлари сақланиб қолган эдики, бу нарса аҳолининг ижтимоий аҳволига жуда емон таъсир кўрсатди. 1986-1990 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 21 фоизга кўпайди, давлат бюджетидаги даромадлари эса (республикадан олиб чиқиб кетиладиган хом аше нархлари асоссиз равишда паст ва унга келтириладиган маҳсулот нархлари ҳам шундай асоссиз равишда баланд бўлгани холда) деярли 7 млрд сўмга ўсди, холбуки, истеъмолга ишлатилган миллий даромад улуши фақат 4,3 млрд сўмга ортди. Айни вактда умуман аҳоли сони билан меҳнат ешига етмаган аҳоли ва нафақахўрлар сони анча ўсди.

Истеъмолга сарфланадиган миллий даромаднинг камайиши ва халқ истеъмоли моллари, биринчи галда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўз-ўзидан кўтарилиб бориши аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси моддий аҳволининг жиддий равишда емонлашиб қолганидан дарак берар эди. Аҳоли жон бошига ҳисобланадиган ўртача ойлик даромадининг жами 75 сўмгача бўлган аҳолининг сони умумий сонига нисбатан 50 фоизга етиб қолди. Аҳолининг турмуш даражаси умуман паст эди.

Мана шуларнинг ҳаммаси бутун Урта Осиёдаги экологик вазиятнинг жиддий равишда емонлашуви, қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар қўлланилишининг кўпайиши, тиббий хизмат даражасининг пастлиги билан бирга қўшилиб, шунга олиб келдики, аҳолининг ич терлама касаллиги билан оғриши СССР бўйича ўртача рақамлардан 3-4 баробар, онкологик касалликлар билан оғриши эса 10 баробар кўпайди.[1]

1989 йил охири ва 1990 йилда аҳолининг кам таъминланган тоифаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан республика раҳбарияти томонидан кўрилган чоралар, жумладан кўп болали оналар ва елгиз оналарга туланадиган

нафакалар ва ёрдам пулларининг оширилиши, янги иш жойларининг яратилиши, қишлоқ аҳолиси томорқа участкалари майдонларининг кенгайтирилиши ва уларга турар жой қуриш учун қўшимча ер участкаларининг берилиши, кичик ешдаги ўқувчилар учун бепул нонушталар расм қилиниши, пахта хом ашеси учун туланадиган ҳақнинг кўпайтирилиши, пенсия ва иш ҳақларининг оширилиши ва бошқалар халқ турмуши савиясининг пасайиб кетишини сезиларли даражада сусайтирди.

Шу билан бирга мусулмон дини эркинлигини тиклаш, шунингдек Ўзбекистонда яшаб турган майда миллатлар этник ва маданий эҳтиежларини қондириш юзасидан, айниқса Фарғона водийси ва Тошкент вилоятидаги фожиали воқеаларнинг оқибатлари нуқтаи назаридан туриб, тарихга асосланган холда қилинган ишлар республикадаги маънавий-руҳий шароитни соғломлаштириш ва ижтимоий-сиесий вазиятни мустаҳкамлашга ёрдам берди. "Давлат тили тўғрисида"ги қонунини оғишмасдан ва ўзоқ муддат ичида амалга ошириб бориш кўзда тутилди, республикада миллатлараро марказ ва неча унлаб миллий-маданий марказлар яратилди (қозоқ, қирғиз, уйғур, яхудий, арман марказлари ва хк). Республиканинг миллий гуруҳлар зич яшайдиган турли районларида таълим-тарбия ишлари уларнинг тилларида олиб бориладиган мактаблар, синфлар ва боғчалар очилди.

Мана шу ва бошқа кўпгина нарсалар Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги сиесий ҳокимиятнинг республикадаги барча миллат ва элатларнинг ижтимоий манфаатлари устун туришини неча ўн йиллар мобайнида биринчи бўлиб тан олганлиги ва бўларни ўзининг ички ва ташқи сиесатининг асосий банди деб ҳисоблаганидан далолат берди.

Шуларнинг ҳаммаси республикада миллий тинчлик, тотувлик ва осойишталик сақланиб қолиши ва мустаҳкам бўлишига таъсир ўтказди. Ижтимоий-сиесий вазиятнинг барқарорлиги Қирғизистоннинг Ўш вилоятида 1990 йили рўй берган қонли қирғиз-ўзбек можароси кунларида қаттиқ синовдан ўтди. Ўшдаги фожиали ҳодисалар кунларида ўша ерда яшаб турган ўзбек аҳолисига сон-саноқсиз кулфат ва балолар келтирган миллий қарама-қаршилик ёнғини Ўзбекистонга ўтиб, ёйилиб кетмади.

ХП чақириқ республика Олий Советининг иккинчи сессияси (1990 йил 18 июнь) бошланишидаеқ Мустақиллик Декларацияси қабул қилишни кун тартибига киритилди ва қабул қилинди.

1991 йил 19-21 августида Москвада давлат тўнтариши қилишга ўриниб кўрилди. Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси тузилиб, СССР Президенти М.Горбачев зўравонлик билан ўз вазифасидан четлаштирилди. 1991 йил 21 август куни Ўзбекистон Президенти Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарор ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди. Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, ҳар бир республика ўз холига ташлаб қўйилган шароитда И.Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди.

2-асосий савол: Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг жорий этилиши
МАҚСАД: Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланиши тафсилотларини тушунтириш
ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

Президент сайловлари ҳақида гапириб беради.

И.Каримов сиёсий портрети ҳақида фикр юритади.

Ўзбекистон Президентининг мақоми мохиятини очиб беради.

2-асосий саволнинг баёни:

12-чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси республиканинг келажаги учун жуда муҳим ва СССР доирасида биринчи бўлган сиесий қарорни - Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. 1990 йил 24 мартда Олий Совет ўша пайтда республика Компартияси Марказий комитетининг Биринчи котиби бўлган И.А.Каримовни ЎзССРнинг Биринчи Президенти этиб сайлади. Бу билан Ўзбекистон мустақиллигига дастлабки пойдевор қўйилган эди.

Тарих ҳақиқатини тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган анъаналар ва урф-одатларимиз, қадриятларимизни жой-жойига қўйиш учун энг аввало сиесий ва ҳуқуқий жихатдан мустақиллик керак эди. Акс холда тоталитар тузум тиш-тирноғи билан иттифоқдош республикалар ва кичик халқларга зуғум қилаетган бир пайтда миллат эҳтиежлари хусусида гапириш хом ҳаелдан бошқа нарса эмас эди. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни том маънода мустақил мамлакат сифатида тан олдириш йўлини тутди ва президентлик бошқаруви тизимини жорий этганидан кўп ўтмай республикамизда Мустақиллик Декларацияси эълон қилинди. Бугунги кунга келиб эса биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, майда-чуйда иғволарга мутлақо эътибор бермайдиган кучга айландик.

1991 йил охирида Ўзбекистон ҳаетида том маънода улкан тарихий воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида "ЎзР Президенти сайлови тўғрисида" қонун қабул қилинди. 1991 йил 29 декабрда халқимиз узоқ йиллик мустамлакачиликдан сўнг том маънодаги мустақиллик рамзи сифатида биринчи бор умумхалқ хоҳиш-иродаси билан мустақил ЎзР Президентини сайлади. Бу сайловлар муқобиллик асосида ўтди. Олий лавозимга икки номзод И.Каримов ва Муҳаммад Солих (Салой Мадаминов) номзоди қўйилди. Сайловлар якунига кўра, миллиондан ортиқ киши И.Каримов номзодини, 1 миллиондан ортиғи эса Салой Мадаминов номзодини еқлаб овоз берди. Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, ЎзР Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35 моддасига асосан Ислом Каримовни 1991 йил 29 декабрдан ЎзР Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январда бўлган навбатдан ташқари 1Х сессиясида И.Каримов қасамед қилди.

Сайловлар натижалари ўзбек халқининг мустақил тараққиёти ва ривожланишини, ютуқларини И.А.Каримов шахси, унинг доно сиесати, ташаббускорлиги ва фидоийлиги билан боғлашнинг яққол далили эди.

ЎзР Конституцияси 5 бўлимининг 19 бобида ЎзР Президенти мақоми белгилаб берилди. Унга кўра ЎзР Президенти лавозимига 35 ешдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. Умуман, ЎзР бўйича яширин овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади. Президент шахси даҳлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

Хуллас, 1991 йил 29 декабр куни мукобиллик асосида Ўзбекистон Президенти сайлови ҳам бўлиб утди. Президентликка номзод Ислом Абдуганиевич Каримов узун 8.514136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси сайлов якунларини куриб зикиб, И.А.Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ўзбекистон Республикасининг мукобиллик асосида умумхалқ томонидан сайланган биринчи Президенти Ислом Каримов ўз вазифасини бажаришга киришди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қиламан».[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида дастурий нутқ сўзлаб, 1991 йилда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда қилинган ишларга якун ясади. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий ҳуқуқий давлат қуриш, демократик жамият барпо этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш, маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш борасида ўзининг сиёсий йўлини, дастурини баён этиб берди. Президентнинг сиёсий йқли, дастури қуйидаги йўналишларни, вазифларни ўз ичига олади:

Биринчидан, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, камбағал ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш.

Иккинчидан, тинчлик, тотувлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, адолат ўрнатиш.

Учинчидан, фуқаролар ва миллатлараро тинчликни сақлаш.

Тўртинчидан, тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик бериш, чет эл сармояларини ва замонавий технологияни юртимизга олиб кириш.

Бешинчидан, маънавиятимизни тиклаш, ошкораликни таъминлаш.

Олтинчидан, таълим-тарбия, соғликни сақлаш ишларига эътибор қилиш.

[1] Ўзбекистон Республикаси : мустакил давлатнинг бунёд бўлиши. Т.,Ўзбекистон, 1992, 48-бет.

Еттинчидан, жаҳонга, бутун дунёга олиб чиқадиган йўлларимизни кенгайтириш.

Саккизинчидан, кўп партиявийлик замонига ўрганиш, онгимизни шунга мослаштириш, ўзини-ўзи бошқариш усулини кенг жорий қилиш.

Тўққизинчидан, вайрон бўлган бошқарув тизими ўрнида ўзимизнинг биномизни тезроқ тиклаш, қонунни ҳурмат қилиш ва унга бўйсуниш.

Ўнинчидан, халқ билан, унинг дарди билан бирга бўлиш, халқ ноиблари, миллат вақилларига суяниш.[2]

Ислом Абдуганиевич Каримов - Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ сайлаган биринчи Президенти ҳақида. Ислом Абдуганиевич Каримов 1938 йил 30 январда Самаркандда тугилди. Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини битириб, муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга бўлди.

И.Каримовнинг меҳнат фаолияти Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлайди. Бу ерда у уста ёрдамчиси, уста-технолог бўлиб ишлади. Ҳаётининг салмоқли даври оғир самолётлар ишлаб чиқариш буйича энг йирик корхона бўлган Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан боғликдир. Бу ерда И.Каримов муҳандислик ва етакчи мухандис конструтор лавозимларида ишлади.

И.Каримов 1966 йилдан бошлаб ҳукумат идораларида ишлайди. Дастлаб, Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитасида у бўлим бош мутахассислигидан тортиб, то Давлат режалаштириш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарлигигача бўлган босқичларни босиб ўтди.

И.Каримов 1983 йилда Ўзбекистон молия вазири, 1986 йилда Министрлар Совети Раиси ўринбосари ва айни пайтда Давлат режалаштириш қўмитаси раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Коммитети биринчи котиби этиб сайланган И.Каримов, 1989 йилнинг июнида амалда республикани бошқарди. Компартияни тубдан ислоҳ қилиш, уни 1991 йил ноябрида тамомила янги мафкура ва сиёсатга эга бўлган Халқ Демократик партиясига айлантириш, мамлакатда кўппартиявийлик учун шароит яратиш ҳам унинг хизматидир. И.Каримов ҳозирги пайтда партия аъзоси эмас.

И.Каримов 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида Республика Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. И.Каримов мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юритиб келмоқда.

Ўзбекистон қаҳрамони, кўплаб илмий асарлар муаллифи, академик, қатор хорижий университетларнинг фахрий доктори.

3-асосий савол: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг

[2] уша жойда, 58-67 – бетлар.

эълон қилиниши ва унинг аҳамияти

МАҚСАД: Ўзбекистон Республика давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг аҳамиятини тушунтириб бериш

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Мустақиллин Декларацияси мазмунини очиб беради

3.2. Мустақилликни эълон қилишда И.Каримов хатти-ҳаракатларини таҳлил қилади

3.3. Давлат мустақиллиги эълон қилинишидан один қабул қилинган тарихий ҳужжатларни санаб беради

3.4. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилинишининг тарихий аҳамиятини очиб беради

3-асосий савол баёни:

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлидаги муҳим қадам Ўзбекистон ССР Олий Кенгашнинг XII чақириқ иккинчи сессиясида (1990 й. 20 июн) қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Мустақиллик Декларацияси"дир. Ушбу Декларацияни қабул қилишда республика Олий Совети депутатлари жонбозлик кўрсатдилар. "Мустақиллик Декларацияси"да ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши, Декларация қоидаси билан кафолотланиши таъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олинди. Декларация 12 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида "Ўзбекистон ССР нинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларини белгилашда ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир",-деб, ёзиб қўйилган. Сессия қабул қилган бу "Мустақиллик Декларацияси" халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди. Бунга мисол тариқасида 1991 йил 22 июлида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми қарорида Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташқилотларнинг Ўзбекистон ССР ҳуқуқий тобелигига ўтиши тартибини белгилаш вазифаси топширилди. Ўша вақтда Марказ раҳбарлари Республикалар Иттифоқини қанчалик сақлаб қолишга уринмасинлар, бунинг иложи йўқ эди. Чунки, энди эскича тартиб билан мамлакатни идора этиб бўлмас, ўз навбатида иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка бўлган интилиши тобора кучайиб борарди. Бироқ Марказни кучайтириш тарафдорлари бошқа усуллардан: намойишлар ўтказиш, митинглар ташқил қилиш, ҳатто ғайри конституцион йўллар билан давлат тўнтариши ўтказиш билан бўлсада, олдинги буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Бунинг акси сифатида Ўзбекистон ҳукумати ўзбек халқи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг фаол сиёсатини давом эттирарди. 1991 йил 11 январида мамлакат Президенти қишлоқ аҳолисига бевосита амалий ёрдам бериш учун навбатдаги Фармонга имзо чекди. Мазкур Фармон 1989 йилда бошланган ҳақиқий янгиланишларнинг мантиқий давоми эди. Президент имзолаган ҳужжатда 1991 йилда пахта экин майдони қисқартирилишини назарда тутиб, томорқа майдонларига 108,5 минг гектар ер ажратиш

кўрсатилган. 1991 йил 14 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мамлакат Президенти И.Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқ матбуотда “Мураккаб вазиятда оқилона сиёсат юритайлик” деган сарлавҳада чоп этилди. Ушбу нутқида Ўзбекистон раҳбари Иттифоқ шартномасига ўз муносабатини билдириб, Ўзбекистоннинг бу шартномага кирмаслигини қайд этиб ўтди. 1991 йил Наврўз байрами арафасида Президент авф этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармон ҳам халқ томонидан зўр қувонч билан кутиб олинди. Қолаверса, амнистиянинг ўша даврда фақат Иттифоқ Президенти эълон қилар эди. 1991 йил 19 августга келиб, бутун жаҳонни ҳаяжонга солган Москвада давлат тўнтарилишига уриниш бўлди.

Тўнтариш тарафдорларининг асл мақсадлари Иттифоқда яшовчи барча халқларнинг мустақилликка эришувига йўл қўймаслик, ҳамда мамлакатдаги парокандаликдан фойдаланиб қолиш эди. Лекин, Ўзбекистон раҳбарияти мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш, республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилишига, Конституцияга қарши давлат тўнтарилишини қўллаб-қувватлаш йўлидаги иғвогарона ҳаракатларга учмаслик учун ўзларининг бутун имкониятларидан фойдаландилар. Ўша вақтда Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон сафарида эди. Сафардан қайтиб 19 август куни кечқурун Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи-назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти: “Марказдан, ким бўлишидан қатъий назар, Қонунга хилоф кўрсатмаларни бажариш мумкин эмас”,-деб ҳисоблади. 20 августда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди. Президент И.А.Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқди ва Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг ғайри конституциявий, ҳуқуққа қарши қарорлари ва бошқа кўрсатмалари ноқонуний деб эълон қилинди. Шундай мураккаб шароитда, яъни марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилиятини йўқотган ҳар бир жумҳурият ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди. Чунки ҳар бир миллий жумҳуриятнинг чинакам тенг ҳуқуқлиги ва мустақиллиги таъминлангандагина таназзулдан чиқиш мумкин эди.

1991 йил 20 август куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокидаги қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис мамлакатда вужудга келган вазиятда муҳокама қилиб Баёнот қабул қилди. Баёнотда Республикада вазият барқарор эканлиги ва фавқулодда ҳолат жорий этишга хожат йўқлиги таъкидланди. Унда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳар қандай иғвоғарона

ҳаракатларнинг олдини олиш, ҳамма жойда қаттиқ интизом ва тартибни сақлаш, миш-мишлар ва эҳтиросларга берилмаслик вазифалари илгари сурилди. Баёнотда Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация қоидаларини амалга ошириш йўлидан бораверади, деб кўрсатилди.[3]

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қалтис вазиятда республика аҳолисига ўзининг мурожаатини эълон қилди. Мурожаатда: «Хозирча мамлакатнинг ҳокимият доиралари қандай йўл билан, нималар орқали, қандай сиёсат орқали бу мақсадларга эришиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ, батафсил маълумот берганича йўқ. Бу маълумотлар билан чукур танишганимиздан кейингина бўлаётган ўзгаришларга ўзимизнинг муносабатимизни албатта билдирамиз», деб таъкидлади. Президент халққа биз бировнинг гапига кириб иш тутмаймиз, «биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ», деб мурожааат қилди, халқни оғир синовлардан ўтаётган бир пайтда сабр-тоқатли, бардошли ва вазмин бўлишга, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашишга чақирди.[4]

1991 йил 21 августда Ўзбекистон Президенти ўз фармони билан Ўзбекистон ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташқилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси Ўзбекистон ССР Конституциясига ҳамда қонунларига сўзсиз мос келиши керак, деб белгилаб қўйди. Фармонда СССРда фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган фармонлари ва қарорлари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланди.[5].

И.Каримов Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятига ўз муносабатини билдирмаган, қўрқоқ ва принципсиз мавқеда турган КПСС Марказқўми Сиёсий Бюроси ва Котибиятининг юз минглаб коммунистлар шаъни ва қадр-қимматини зарба остига қўйганини қоралади. Бунинг устига республика коммунистларини чалғитишга ва давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлашга мажбур қилишга уриниш бўлганини ошкора айтди. И.Каримов, бундан кейин КПСС Марказий кумитаси Сиёсий бюросининг таркибида қола олмаслиги тўғрисида баёнот берди. Мазкур Баёнотни Ўзбекистон Компартияси МҚ бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсати маъқуллади.[6].

1991 йил 25 августда Ўзбекистон Президентининг махсус фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди. Республика худудида жойлашган СССР изки ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси, прокуратураси ва адлия органлари , шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан бутунлай холос қилинди.[7]

---

[3] Совет Ўзбекистони, 1991 йил 21 август сони
[4] Совет Ўзбекистони, 1991 йил 21 август сони
[5] Совет Ўзбекистони, 1991 йил 22 авнуст сони
[6] Совет Ўзбекистони, 1991 йил 23 август сони.
[7] Совет Ўзбекистони, 1991 йил 27 август сони.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий Кенгаш Раёсатига жуда қисқа муддатда республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Олий Кенгашнинг навбатдан ташкари сессияси муҳокамасига тақдим этишни таклиф қилди. Олий Кенгаш 1991 йил 26 август куни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳақида ва 31 августда олий Кенгашнинг навбатдан ташкари VI сессиясини чақиришга қарор қилди.

1991 йил 28 август куни Ўзбекистон Компартияси МҚ ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Прездент И.Каримовнинг СССРда 19-21 август кунлари содир бўлган фожеали воқеалар ва республика партия ташқилотларининг вазифалари тўғрисидаги ахбороти тингланди ва мухокама қилинди. Пленум Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқаларни тўхтатишга, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқишга, унинг марказий органларидаги ўз вақилларини чақириб олишга қарор қилди.[8]

Шундай қилиб, 80-йилларнинг охирларидаёқ таназзулга юз тутган Совет империяси 1991 йил августида чуқур сиёсий инқирозга учради. СССР тасарруфидаги республикалар, шу жумладан Ўзбекистон учун, асрлар давомида мустақилликни орзу қилиб, курашиб келган ўзбек халқи учун сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий қарамликдан қутилиш, давлат мустақиллигини, ўз тақдирини ўз қўлига олиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кен-гашининг навбатдан ташкари тарихий олтинчи сессияси бўлиб утди. Сессияда Ўзбекистон Президенти И.Каримов нутк сузлаб, собик Иттифокда сунги пайтларда юз берган ижтимоий-сиёсий вокеаларни, давлат тунтаришига уриниш окибатларини тахлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Вазиятдан келиб зиккан холда, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилишни, уни мастақиллик тўғрисидаги қонун билан мустахкамлашни таклиф қилди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Баёнотда бундай дейилган эди :

- «утмишдан сабок зикариб ва СССР Иттифокининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги узгаришларни эътиборга олиб,
- халқаро-ҳуқуқий хужжатларда кайд этилган уз тақдирини узи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,
- Ўзбекистон халқларининг тақдири узун бутун масъулиятни англаб,
- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар уртасидаги зегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига катъий садокатини баён этиб,
- миллати, диний эътикоди ва ижтимоий мансублигидан катъий назар, республика худудида яшовзи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кезиришини,

[8] Совет Ўзбекистони, 1991 йил 29 август сони.

шаъни ва кадр-кимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

- Мустақиллик декларациясини амалга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат-Ўзбекистон Республикаси ташқил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади».[9]

Ўзбекистон Респрубликаси тула давлат хокимиятига эга, халқаро муносабатларда мустақил давлат, олдиндан хез кандай шарт куймаган холда барча шериклар билан бевосита тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш узун узини озик деб эълон қилади.

Олий Кенгаш сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул ки-линди.Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти тасдикланди.

қарорда: «1 сентябр Ўзбекистон Республика-сининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин», - деб катъий белгилаб куйилди.[10]

Олий Кенгаш сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди.[11] Бу қонун 17 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллини ҳуқуқий жихатдан мустахкамлаб берди.

қонуннинг 1-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси уз таркибидаги коракалпогистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир», - деб қонунлаштириб куйилди.

қонунда Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва республикада давлат хокимиятининг бирдан-бир сохибидир. У уз хокимиятини ҳам бевосита, ҳам вақиллик идоралари тизими оркали амалга оширади, деб белгилаб куйилди.

Мустақиллик асослари тўғрисидаги қонун Ўзбекистон Республикаси тула давлат хокимиятига эга, узининг миллий давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, хокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди, давлат зегаралари, худуди дахлсиз ва булинмас бўлиб, унинг халқи уз хохиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб узгартирилиши мумкин эмас, деб катъий қонунлаштириб куйилди.

Мазкур қонунда Республика худудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва урмонлар, усимлик ва хайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар Республиканинг маънавий бойликлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади, деб белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси уз худудида олтин, бошқа кимматбохо металлар ва тошларни казиб чиқариш, кайта ишлаш ва саклашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, уз олтин захирасини яратади, дейлади бу қонунда.

---

[9] Ўзбекистон Республикаси : мустакил давлатнинг бунёд булиши,Т. Ўзбекистон, 1992, 7-бет.
[10] «Ўзбекистон Республикаси» мустакил давлатнинг бунёд булиши. Т. Ўзбекистон, 1992, 6-бет.
[11] уша жойда, 10-12 – бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VII сессиясида 1991 йил 30 сентябр куни «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғриси»ги қонунга Конституциявий қонун макомини беришга қарор қилинди. қарорда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддалари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг моддаларига зид келган холларда мазкур қонунга амал қилинсин, деб белгилаб куйилди.

Республика Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида"ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Президент И.А. Каримов маъруза қилди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида Марказий Ҳукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳлил қилди. 19-21 август кунлари Москва Фавқулодда ҳолат давлат комитети аъзоларининг халқлар озодлиги, жумҳуриятлар мустақиллигига қарши қаратилганлиги халққа рўйи-рост билдирилди. Олий Кенгаш депутатлари моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар. Сўнгра Республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот қабул қилинди. Ўзбекистон ССР нинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун 1 сентябр 1991 йилдан бошлаб миллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақидаги бу ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанлигининг ҳуқуқий ифодаси бўлди.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида"ги қонун 17 моддадан иборат бўлиб, мустақил республика учун вақтинча конституция ролини ўйнайдиган бўлди.

Ушбу қонунда Ўзбекистон мустақил демократик давлат деб эълон қилинди, маъмурий-ҳудудий тузилиши, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаш қонунлаштирилди. Республиканинг давлат бўлиниши ҳамда иқтисодий асослари ҳам қонунда ўз аксини топди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг Қорақолпоғистон билан муносабатлари хусусида сўз бориб, Ўзбекистон Қорақолпоғистоннинг ҳудудий яхлитлигини тан олиши ҳақида фикр юритилади, у Ўзбекистон таркибида эканлиги эътироф этилади. Бундай қонуннинг қабул қилиниши ўша даврда эришилган ютуқларнинг юқори чўққиси бўлди. Шундай қилиб, ўзбек халқи асрлар давомида орзу қилган мустақилликка тинч йўл билан, Юртбошимиз И.А. Каримов бошчилигида республика раҳбариятининг оқилона йўл тутиши орқали эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан бирга Давлат мустақиллиги билан боғлиқ қонунлар тизимини яратиш зарур эди. Ўзбекистон эришган истиқлолни мустаҳкамлаш учун мамлакатда референдум ўтказишга қарор қилинди. 1991 йили 18 ноябрда Олий Кенгаш VIII

сессияси Ўзбекистон Респуликаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунга мувофиқ 29 декабрда; “Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?” мавзуида референдиум ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Референдум якунига кўра унда қатнашган аҳолининг 98,2 фоизи Ўзбекистон мустақиллигини ёқлаб овоз берди. Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилиниши жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам зўр қониқиш билан кутиб олинди. Фикримиз исботи сифатида Америка Қўшма Штатларининг ўша пайтдаги Президенти Жорж Бушнинг И. Каримов номига юборган телеграммаси ҳамда Швеция бош вазири К. Билодтнинг телеграммаларида кўриш мумкин. 24 сентябрда Тошкентда халқаро анжуман ўтказилди. Ўзбеклар (Туркистонликлар) нинг биринчи халқаро учрашувида Ўзбекистон Президенти нутқ сўзлади. 1991 йил 14 сентябрида Ўзбекистон Компартиясининг Фавқулодда XXIII съездида И.А.Каримов таклифи билан Ўзбекистон Компартияси КПСС таркибидан чиққанлиги эълон қилинди. Партиянинг бундай буён фаолият кўрсатмаслиги эътиборга олиниб, ушбу партия ўрнида Халқ-Демократик партияси тузилгани эълон қилинди. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ мустақил давлат рамзларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тўғрисида, республика гербининг нусҳаси ва Давлат мадҳиясининг мусиқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясиининг эксперт гуруҳига Давлат байроғининг вариантлари устида ишлашни давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли қўмиталарига Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат байроғи, мадҳияси ҳақида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, навбатдаги сессияга тақдим этиш топширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрида бўлиб ўтган VIII сессияси “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида” қонун қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи улуғ аждодларимизнинг ақида ва маслакларига мос келувчи, миллат табиати ва халқимиз руҳиятидан келиб чиқиб, унинг миллий ва маънавий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирмоғи керак эди. Мамлакатимиз давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат герби” тўғрисида қонун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга. Герб рангли тасвирда бўлиб, хумо қуши кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва “Ўзбекистон” деган ёзувлар тилла рангда, ғўза шохлари, барглари ва водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрида бўлиб ўтган XI сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Сессияда шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурхонов томонидан тайёрланган мадҳия нусҳаси тасдиқланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг Президентлик шакли ривожланди. 1991 йил 29 декабрда ўзбек халқи ҳоҳиш-иродаси билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Сайловга жиддий тайёргарлик кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси сайловлари муқобиллик асосида ўтди. Олий лавозимга икки номзод-Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси номзоди И.А. Каримов ва "Эрк" Демократик партияси вақили Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди қўйилди.

Сайловлар якунига кўра 8 миллион 514 минг 136 овоз ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислом Каримов номзодини, 1 миллион 220 минг 474 сайловчи (12,3 %) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди. Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблашга қарор қилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Давлат мустақиллигининг, истиқлол ва эркинлигининг эълон қилиниши, унинг бутун тарихий тараққиёти натижаларидан келиб чиқадиган объектив ва қонуний ҳодисадир.

Республика халқи ва раҳбариятининг донишмандлиги, саботли ва қатъиятлилиги, узоқни кўра билиши натижасида унинг давлат мустақиллигига эришуви тинч, демократик, парламент йўли билан, ижтимоий ларзаларсиз, қурбонлар ва вайронагарчиликсиз амалга ошди.

Шундай қилиб, халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди, руёбга зикди. Мамлакатимиз, халқимиз сиёсий мутеликдан, асоратдан кутилди. Дунё ҳаритасида яна битта мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

ўзбек халқи тарихида, мамлакатимизда яшайдиган барча халқлар тарихида зинакам тарихий аҳамиятга молик бўлган вокеа содир бўлди. Ўзбекистон тарихида янги давр-миллий истиклол даври бошланди. Ўзбекистон узун мустақил изки ва ташки сиёсат юритиш имконияти вужудга келди. Мустақиллик халқимизга уз такдирини узи белгилаш, узлари узун муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш эркинлигини берди. Мамлакатимиз олдида халқаро ҳамжамиятда узининг муносиб ўрнини эгаллаш имконияти озилди.

10-мавзу: Ўзбекистон – суверен демократик республика.
Фанни ўқитиш технологияси:
« Ўзбекистон – суверен демократик республика» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. Давлат рамзлари – мустақиллик асоси.
2. Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли.

Таянч иборалар: Давлат рамзлари, Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси, миллий валюта, ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли, ўзбек модели.

1-асосий савол: Давлат рамзлари – мустақиллик асоси.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:
1.1. Ўзбекистон Давлат байроғини тавирлайди.
1.2. Ўзбекистон Давлат гербини тавирлайди.
1.3. Ўзбекистон Давлат мадҳясини тавирлайди.
1.4. Ўзбекистон миллий валютаси тўғрисида тушунага эга бўлади.

1-асосий савол баёни:

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан бирга Давлат мустақиллиги билан боғлиқ қонунлар тизимини яратиш зарур эди. Ўзбекистон эришган истиқлолни мустаҳкамлаш учун мамлакатда референдум ўтказишга қарор қилинди. 1991 йили 18 ноябрда Олий Кенгаш VIII сессияси Ўзбекистон Респуликаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунга мувофиқ 29 декабрда; “Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?” мавзуида референдиум ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Референдум якунига кўра унда қатнашган аҳолининг 98,2 фоизи Ўзбекистон мустақиллигини ёқлаб овоз берди. Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилиниши жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам зўр қониқиш билан кутиб олинди. Фикримиз исботи сифатида Америка +ўшма Штатларининг ўша пайтдаги Президенти Жорж Бушнинг И. Каримов номига юборган телеграммаси ҳамда Швеция бош вазири К. Билодтнинг телеграммаларида кўриш мумкин. 24 сентябрда Тошкентда халқаро анжуман ўтказилди. Ўзбеклар (Туркистонликлар) нинг биринчи халқаро учрашувида Ўзбекистон Президенти нутқ сўзлади. 1991 йил 14 сентябрида Ўзбекистон Компартиясининг Фавқулодда XXIII съездида И.А.Каримов таклифи билан Ўзбекистон Компартияси КПСС таркибидан чиққанлиги эълон қилинди. Партиянинг бундай буён фаолият кўрсатмаслиги эътиборга олиниб, ушбу партия ўрнида Халқ-Демократик партияси тузилгани эълон қилинди. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ мустақил давлат рамзларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тўғрисида, республика гербининг нусҳаси ва Давлат мадҳиясининг мусиқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясиининг эксперт гуруҳига Давлат байроғининг вариантлари устида ишлашни давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли қўмиталарига Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат байроғи, мадҳияси ҳақида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, навбатдаги сессияга тақдим этиш топширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрида бўлиб ўтган VIII сессияси “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида” қонун қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи улуғ аждодларимизнинг ақида ва маслакларига мос келувчи, миллат табиати ва халқимиз руҳиятидан келиб чиқиб, унинг миллий ва маънавий жиҳатларини

ҳам ўзида акс эттирмоғи керак эди. Мамлакатимиз давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат герби” тўғрисида қонун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга. Герб рангли тасвирда бўлиб, хумо қуши кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва “Ўзбекистон” деган ёзувлар тилла рангда, ғўза шохлари, барглари ва водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрида бўлиб ўтган XI сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Сессияда шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурхонов томонидан тайёрланган мадҳия нусҳаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги Фармонига мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм уоалага киритилди.

2-асосий савол: Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Мустақилликнинг тарихий аҳамиятини оиб беради.
2. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлаш заруриятини тушунади.
3. Тараққиётнинг ўзбек моделини моҳиятини оиб беради.

2-асосий саволнинг баёни:

12-чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси республиканинг келажаги учун жуда муҳим ва СССР доирасида биринчи бўлган сиесий қарорни - Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. 1990 йил 24 мартда Олий Совет ўша пайтда республика Компартияси Марказий комитетининг Биринчи котиби бўлган И.А.Каримовни ЎзССРнинг Биринчи Президенти этиб сайлади. Бу билан Ўзбекистон мустақиллигига дастлабки пойдевор қўйилган эди.

Тарих ҳақиқатини тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган анъаналар ва урф-одатларимиз, қадриятларимизни жой-жойига қўйиш учун энг аввало сиесий ва ҳуқуқий жихатдан мустақиллик керак эди. Акс холда тоталитар тузум тиш-тирноғи билан иттифоқдош республикалар ва кичик халқларга зуғум қилаетган бир пайтда миллат эҳтиежлари хусусида гапириш хом ҳаелдан бошқа нарса эмас эди. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни том маънода мустақил мамлакат сифатида тан олдириш йўлини тутди ва президентлик бошқаруви тизимини жорий этганидан кўп ўтмай республикамизда Мустақиллик Декларацияси эълон қилинди. Бугунги кунга келиб эса биз ўзаро жипслашиб, том маънодаги халқ бўлиб, майда-чуйда иғволарга мутлақо эътибор бермайдиган кучга айландик.

1991 йил охирида Ўзбекистон ҳаетида том маънода улкан тарихий воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида "ЎзР Президенти сайлови тўғрисида" қонун қабул қилинди. 1991 йил 29 декабрда халқимиз узоқ йиллик мустамлакачиликдан сўнг том маънодаги мустақиллик рамзи сифатида биринчи бор умумхалқ хоҳиш-иродаси билан мустақил ЎзР Президентини сайлади. Бу сайловлар муқобиллик асосида ўтди. Олий лавозимга икки номзод И.Каримов ва Муҳаммад Солих (Салой Мадаминов) номзоди қўйилди. Сайловлар якунига кўра, миллиондан ортиқ киши И.Каримов номзодини, 1 миллиондан ортиғи эса Салой Мадаминов номзодини еқлаб овоз берди. Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, ЎзР Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35 моддасига асосан Ислом Каримовни 1991 йил 29 декабрдан ЎзР Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январда бўлган навбатдан ташқари 1Х сессиясида И.Каримов қасамед қилди.

Сайловлар натижалари ўзбек халқининг мустақил тараққиёти ва ривожланишини, ютуқларини И.А.Каримов шахси, унинг доно сиесати, ташаббускорлиги ва фидоийлиги билан боғлашнинг яққол далили эди.

ЎзР Конституцияси 5 бўлимининг 19 бобида ЎзР Президенти мақоми белгилаб берилди. Унга кўра ЎзР Президенти лавозимига 35 ешдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. Умуман, ЎзР бўйича яширин овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади. Президент шахси даҳлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

Хуллас, 1991 йил 29 декабр куни мукобиллик асосида Ўзбекистон Президенти сайлови ҳам бўлиб утди. Президентликка номзод Ислом Абдуганиевич Каримов узун 8.514136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси сайлов якунларини куриб зикиб, И.А.Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ўзбекистон Республикасининг мукобиллик асосида умумхалқ томонидан сайланган биринчи Президенти Ислом Каримов ўз вазифасини бажаришга киришди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида Президент Ислом Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қиламан».[12]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида дастурий нутқ сўзлаб, 1991 йилда ижтимоий-сиёсий,

[12] Ўзбекистон Республикаси : мустакил давлатнинг бунёд бўлиши. Т.,Ўзбекистон, 1992, 48-бет.

иқтисодий ва маънавий соҳаларда қилинган ишларга якун ясади. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий ҳуқуқий давлат қуриш, демократик жамият барпо этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш, маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш борасида ўзининг сиёсий йўлини, дастурини баён этиб берди. Президентнинг сиёсий йқли, дастури қуйидаги йўналишларни, вазифларни ўз ичига олади:

Биринчидан, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, камбағал ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш.

Иккинчидан, тинчлик, тотувлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, адолат ўрнатиш.

Учинчидан, фуқаролар ва миллатлараро тинчликни сақлаш.

Тўртинчидан, тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик бериш, чет эл сармояларини ва замонавий технологияни юртимизга олиб кириш.

Бешинчидан, маънавиятимизни тиклаш, ошкораликни таъминлаш.

Олтинчидан, таълим-тарбия, соғликни сақлаш ишларига эътибор қилиш.

Еттинчидан, жаҳонга, бутун дунёга олиб чиқадиган йўлларимизни кенгайтириш.

Саккизинчидан, кўп партиявийлик замонига ўрганиш, онгимизни шунга мослаштириш, ўзини-ўзи бошқариш усулини кенг жорий қилиш.

Тўққизинчидан, вайрон бўлган бошқарув тизими ўрнида ўзимизнинг биномизни тезроқ тиклаш, қонунни ҳурмат қилиш ва унга бўйсуниш.

Ўнинчидан, халқ билан, унинг дарди билан бирга бўлиш, халқ ноиблари, миллат вақилларига суяниш.[13]

Ислом Абдуганиевич Каримов - Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ сайлаган биринчи Президенти ҳақида. Ислом Абдуганиевич Каримов 1938 йил 30 январда Самаркандда тугилди. Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини битириб, муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга бўлди.

И.Каримовнинг меҳнат фаолияти Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлайди. Бу ерда у уста ёрдамчиси, уста-технолог бўлиб ишлади. Ҳаётининг салмоқли даври оғир самолётлар ишлаб чиқариш буйича энг йирик корхона бўлган Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан боғликдир. Бу ерда И.Каримов муҳандислик ва етакчи мухандис конструтор лавозимларида ишлади.

И.Каримов 1966 йилдан бошлаб ҳукумат идораларида ишлайди. Дастлаб, Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитасида у бўлим бош мутахассислигидан тортиб, то Давлат режалаштириш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарлигигача бўлган босқичларни босиб ўтди.

И.Каримов 1983 йилда Ўзбекистон молия вазири, 1986 йилда Министрлар Совети Раиси ўринбосари ва айни пайтда Давлат режалаштириш қўмитаси

[13] уша жойда, 58-67 – бетлар.

раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Коммитети биринчи котиби этиб сайланган И.Каримов, 1989 йилнинг июнида амалда республикани бошқарди. Компартияни тубдан ислоҳ қилиш, уни 1991 йил ноябрида тамомила янги мафкура ва сиёсатга эга бўлган Халқ Демократик партиясига айлантириш, мамлакатда кўппартиявийлик учун шароит яратиш ҳам унинг хизматидир. И.Каримов ҳозирги пайтда партия аъзоси эмас.

И.Каримов 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида Республика Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. И.Каримов мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юритиб келмоқда.

Ўзбекистон қаҳрамони, кўплаб илмий асарлар муаллифи, академик, қатор хорижий университетларнинг фахрий доктори.

АДАБИЁТЛАР :

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 1992

2. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., Ўзбекистон, 1992

3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т., Ўзбекистон, 1992, 3-9-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига утишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 3-20-бетлар.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997, 3-16 – бетлар.

6. Салимов О, Усмонов Қ, Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Т., Шарк, 1999, 13-35-бетлар.

7. Усмонов Қ. ва бошқалар. Ўзбекистон карамлик ва мустақиллик йилларида. Т., Ўқитувчи, 1996, 8-28-бетлар.

8. Усмонов к, ганиев Д. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Т., Ўзбекистон, 1994.

9. Ғуломов.С, Усмонов.к. Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди. Т.: уАЖБНТ маркази, 2000, 3-8-бетлар.

10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т.: Шарк, 2000, 7-75-бетлар.

11-мавзу: Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш тарихий тараққиёт йўли.

Фанни ўқитиш технологияси:
« Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш тарихий тараққиёт йўли» мавзуси бўйича маъруза дарсининг технологик харитаси

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистонда иқтиодий ислоҳотларни ўтказилиши.
2. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантирилиши.
3. Аграр сектордаги ўзгаришлар.
4. Ўзбекистон буюк келажак сари.

Таянч иборалар: Иқтиодий ислоҳотларнинг беш тамойили, давлат мулкини хусусийлаштириш, бозор инфраструктураси, кўп укладли иқтисодиёт, мулкдорлар синфи, солиқ сиёсати.

1-асосий савол: Ўзбекистонда иқтиодий ислоҳотларни ўтказилиши.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. “Ўзбекистон модели”нинг беш тамойилини билиб олади.
1.2. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш босқиларини шарҳлаб беради.
1.3. Бозор инфраструктурасини шакллантирилишини тушунади.

1-асосий савол баёни:

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратди. Бизнинг диёримизда бозор муносабатлари янгилик эмас. Минг йиллар давомида аждодларимиз ҳунармандлар ишлаб чиқарган ажойиб маҳсулотларини, табиий бойликларини дунёнинг тўрт томонига чиқариб савдогарлик қилган, мол алмашган.

Ўзбекистоннинг бой имкониятлари, геополитик шароитидан фойдаланиб, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни белгилаш дастлабки кунларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришга қаратилди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўлини ишлаб чиқди. Бу йўлнинг асосий қоидалари И.Каримовнинг «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида, республика парламентида қилган маъруза ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда ўз аксини топган. Бу йўлга, биринчидан, халқаро тажриба асос қилиб олинган. Иккинчидан, республикамизнинг хўжалик имкониятлари ва шарт-шароитлари ҳисобга

олинган. Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини белгилашда мамлакатимизнинг тарихан таркиб топган миллий қадриятлари, хусусиятлари, анъаналари ва манфаатлари ҳисобга олинди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлига доир Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил нафақат республика, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди.

1. Иқтисодиёт сиёсий манфаатларга бўйсундирилмасдан, ўзига хос бўлган ички қонунлар асосида ривожланмоғи зарур. Иқтисодиёт сиёсатга нисбатан устувор мавқеида бўлиши лозим. На сиёсат, на мафкура иқтисодиётни назорат қилиш, унга тазйиқ ўтказиш даражасига кўтарилмаслиги зарур. Ўзбекистонда «аввал иқтисод, кейин сиёсат», «аввал таом, кейин калом» деган ҳикматларга амал қилинди.

2. Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур.

3. Қонун ва қонунларга риоя етиш устувор бўлиши лозим. Негаки, бозор иқтисодиёти қонунчиликка таянади. Яхлит бозор тизимини яратиш учун унинг турли томонларига оид қонунлар яратилиши ҳамда уларга риоя қилиниши шарт. Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлат барпо етиш заруриятидан ҳам келиб чиқади. Қонун олдида ҳамма баробардир.

4. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бунинг зарурияти иқтисодий аҳвол билан боғлиқ. Аҳоли таркибида давлат ва жамият ўз ҳимоясига олиши зарур бўлган болалар, ўсмирлар, қариялар кўпчиликни ташкил этади. Ҳимояга муҳтож қатламни кучли даражада ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш зарурлиги инобатга олинди.

5. Бозор иқтисодиётига ўтиш еволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, уни бирданига яратиб бўлмайди.

Иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини шакллантиришда юқоридаги барча тамойиллар бирдай муҳим ва белгиловчи аҳамиятга егадир.

Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар орқали бозор муносабатлари шакллантирилмоқда. Мустақилликнинг ўтган 14 йилида кишилар турмуши ва фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи иқтисодий тизим барпо этилмоқда. Кўп укладли иқтисодиётнинг, тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўлган хусусий мулкчилик вужудга келтирилди. Корхона ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар берилмоқда. Моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялаб бориш, кишилар дунёқарашини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришга аҳамият берилмоқда.

Бозор ислоҳотларини босқичма-босқич амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг негизини ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизлари яратилди. Мустақилликнинг

дастлабки йилларида хусусий мулкчиликни ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантирувчи қонунлар мажмуаси яратилди: мулк тўғрисида, ер тўғрисида, ижара тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи банклар фаолияти тўғрисида, пул тизими тўғрисида, тадбиркорлик тўғрисида каби қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятни белгилаб берувчи ҳуқуқий меъёрлар яратилди. Республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар кенг жалб қилинмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий асословчи қонун-қоидалар юридик ташкилотлар ва етук олимлар томонидан тайёрланди ва жаҳоннинг йирик мутахассислари томонидан қувватланиб, тан олинди.

Дастлабки вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Президент ҳузурида махсус Идораларарo кенгаш тузилди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартларидан бири мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилди. Бу билан давлат монополияси тугатилиб, маъмурий буйруқбозлик тизими бузилди ва бозор иқтисодиётига асос солинди, хусусий мулкдорларнинг кенг қатлами шакллантирилди ва хорижий сармоядан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг турмуш даражаси яхшилана бошлади.

Мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодни шакллантириш Ўзбекистонда ўзига хос йўл билан биринчи босқичда 1992-1993 йиллари амалга оширилди.

Бу даврда асосан маиший хизмат ва савдо корхоналари, транспорт ва қурилишнинг кичик корхоналари, давлат саноат ва маҳсулот қайта ишлаш корхоналари мулк шаклини ўзгартирди. Булар мулкнинг ижара, жамоа ва акциядорлик шаклига айлантирилди. Уй-жойлар кенг миқёсда хусусийлаштирилиб, аҳолининг айрим қисмига текин, бошқа қисмига эса арзон нархда хусусий мулк этиб берилди.

Дастлабки даврнинг ўзида қишлоқ хўжалигида 770 колхоз ва давлат хўжаликлари хусусийлаштирилди, жамоа ва ижара хўжаликларига айлантирилди. Лекин қишлоқда бу жараён секин ва қийинчиликлар билан амалган оширилди. Аграр соҳадаги бюрократик бошқарув тизимининг ҳар хил тўсиқлари қишлоқда ислоҳотларнинг боришига халақит берарди. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг биринчи босқичидаги энг муҳим хулоса мулкдорлар синфининг шакллана бошлагани бўлди.

Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 21 январдаги «иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўҚрисида»ги қарори асосида олиб борилди. Бу даврда очиқ шаклдаги акциядорлик жамият

қуриш, корхоналар акциясини чиқариш, аукцион (ким ошди) савдоси орқали давлат мулкини шахсларга сотиш, қим-матбаҳо қоҚозларни чиқариш ва хусусийлаштиришни ёппасига олиб бориш учун шароит яратиш ишлари амалга оширилди.

Алоқа, транспорт, геология-қидирув, ёқилғи-энергентика комплекслари хусусийлаштирилмади. Айрим соҳаларда — кимё, олтин қазиш, пахта тозалаш, тоғ-кон саноатида-51% акция давлат ихтиёрида қоладиган бўлди.

1994 йил охиригача 54.000 корхона мулк шаклини ўзгартирди. Хусусан, 34% хусусий, 48% акциядорлик, 16%-жамоа, 1% ижара хўжалигига айланди.

Натижада Республикада нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши ортиб борди. Мазкур сектор 1995 йили саноат маҳсулотини 44 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97 фоизини ишлаб чиқарди. Барча капитал маблағнинг 44 фоизи ана шу нодавлат секторига тўғри келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатда кичик бизнесни ривожлантириш давлат секторининг устувор йўналишларидан бири этиб қўйилган. Ўтган йиллар давомида шу соҳага тегишли ҳуқуқий асос яратилди, зарур меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, бозор инфратузилмаси ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 1999 йил бошида мамлакатда қарийиб 190 000 та кичик ва хусусий корхоналар фаолият юритмоқда. Унинг салкам 15.000таси 1998 йили ишга тушган бўлса, 1999 йили уларнинг сони 16.579 тага кўпайди.

Мамлакатда икки йўл билан мулкдорлар синфи шакллана бошлади. Биринчидан, кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш йўли билан, иккинчидан, пул маблағларини омонат кассалари ёки банкларга қўйиш, қимматбаҳо қоғозларга айлантириш йўли билан.

2-асосий савол: Давлат мулкини хусусийлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантирилиши.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Мулкни хусусийлаштириш тамойилларини билиб олади.
2. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари бўлмиш қонунлар билан танишади.
3. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг бозор иқтисодиётида тутган ўрни ҳақида фикр юритади.
4. Нархларни эркинлаштириш заруратини англаб олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларда йетакчи ўринда турди. Хусусийлаштириш жараёнини ташкил етиш ва унга раҳбарлик қилиш учун 1992 йил февралида Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис этилди. 1994 йилда унинг функциялари ўзгартирилиб, у Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига айлантирилди. Мазкур қўмита зиммасига кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни

амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, хусусий бизнеснинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш ва бошқа вазифалар киритилди. Хусусийлаштириш танлов ва ким ошди савдоси орқали амалга оширилди. Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган барча маблағлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун берилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида хусусийлаштиришни бошқариб борди. Давлат мол-мулкни янги мулкдорларга сотиш йўли билан мулкчиликнинг янги шаклларини жорий этди. «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун ЎзР Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги VIII сессиясида қабул қилинди. Унга кўра хусусийлаштириш ва мулкчилик шаклларини ўзгартириш махсус дастурлар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Дастурга асосан дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини қамраб олди. Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олиб, 1994 йилда тугалланди. 1992-94 йилларда 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий фирма, акциядорлик жамияти, ижара корхоналарига айланди. Уй-жойлар хусусийлаштирилиб, уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларига бепул берилди.

1994 йил 21 январда қабул қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Президент Фармонлари бу жараённи янги поғонага кўтарди. Бу қарорларга мувофиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш вазифаси қўйилди. Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк биржаларини ташкил етиш учун асос яратилди.

1995 йилдан бошлаб оммавий хусусийлаштириш даври бошланди. Йирик корхоналар ҳам давлат ихтиёридан чиқарила бошланди. 1000дан ортиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, 6 мингта хусусий ва оилавий корхоналар вужудга келди. Мамлакатда кўп укладли иқтисодиёт ва ўрта мулкдорлар синфи вужудга келди.

1996 йил 12 мартда тадбиркорликни ривожлантириш, қўлллаб-қувватлаш мақсадида турли жамғармалар тузилди. Кейинги йилларда республикамизда кўплаб қўшма корхоналар вужудга келиб, хорижий инвестициялар кенг жалб қилинмоқда.

Бозор муносабатлари бозор инфратузилмасисиз амал қила олмайди. Бозор инфратузилмаси деганда товар ва пул бозорида, меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминловчи иқтисодий воситалар – тегишли молия ва банк-кредит тизими, суғурта, аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими тушунилади. Бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёни одамларнинг янгича иқтисодий тафаккурини шакллантириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш кабилар билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасини шакллантиришдаги муҳим қадамлардан бири маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмасининг тугатилиши бўлди. Давлат буюртмаси зарур маҳсулотлар еркин, келишилган нархларда харид қилиш билан алмаштирилди. Товар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил этилди.

Оммавий хусусийлаштириш амалга оширилаётган бир пайтда малакасиз кишиларгагина эмас, маълум ихтисосга эга бўлган ходимларга ҳам талаб чекланди, ишсизлар сони кўпайди. Меҳнат биржалари ташкил этилиб, ишсизлар рўйхатга олинди ва иш билан таъминланиб келинмоқда.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун банк соҳасини ислоҳ қилиш йўлларини белгилаб берди. Республикада тижорат ва хусусий банк тармоқлари вужудга келди. Мамлакатимизда амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш бўлди. 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм муомалага киритилди. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чоралар муҳим рол ўйнади. Солиқлар – хазинани тўлдирувчи асосий манбадир. Мамлакатимизда солиқ тизими жаҳон андозалари даражасига кўтарилмоқда.

Янги мингйиллик бошларида Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ишлари жадал давом эттирилди, банк-молия тизими, хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришда бир қатор муваффақиятларга эришилди.

3-асосий савол: Аграр сектордаги ўзгаришлар.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаи эканлигини тушуниб етади.
2. Қишлоқда ўтказилган туб ўзгаришлар ҳақида гапириб беради.
3. Аграр ислоҳотлар натижаларини тушунтириб беради
4. Деҳқон-фермер хўжаликлари аҳамиятини изоҳлаб беради.

3-асосий саволнинг баёни:

Қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказишнинг бир неча ўзига хос омиллари мавжуд. Қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тикламасдан туриб, мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига эришиш қийин. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 60 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Қишлоқда катта ишчи кучи потенциали жойлашган.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги мажмуига раҳбарликни яхшилаш, аграр ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш чоралари кўрилди. 1991 йил 21 декабрда қабул қилинган «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида ташкил қилишга катта аҳамиятга эга бўлди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқда ислоҳотлар ўтказишга доир ўнлаб қарор қабул қилинди.

1996 йил 3 апрелда Президент томонидан имзоланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди. Одамларга шахсий томорқа учун қўшимча равишда суғориладиган ерлар ажратилди. Деҳқон-фермен хўжаликларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Фермер хўжаликлари нафақат пахта, балки полиз, сабзавот, дон маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда салмоқли ўрин эгаллади. Республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашни тиклаш изчиллик билан амалга оширилди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида янги врачлик пунктлари ишга туширилди, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида катта ишлар қилинди. Меҳнатга яроқли аҳолининг меҳнат билан банд қилишга эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистонда қишлоқни ҳар томонлама ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ислоҳотларни чуқурлаштириш, моддий базаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтириш ва уни ривожлантиришнинг бош мақсади аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш ва фаровон ҳаёт кечиришини янги сифат даражасига кўтаришга қаратилган, зеро иқтисодиётнинг ижтимоийлиги ҳам мана шунда. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг даромад топиш имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун йетарлича шарт-шароитлар ҳозирлаш зарур бўлмоқда. Натижада ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талабини қондиришга, унинг ижтимоийлигини таъминлашга, инсон салоҳиятини тўлиқ ишлатишга, ҳомийлар томонидан кўрсатилган шахсий ташаббускорликни иқтисодий рағбатлантиришга эришилади.

Шу ўринда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида "давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизниг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун" - деган теран маъноли фикрнинг мағзини очиб берар экан, "...содда қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик - бу пахта ёки ғалла етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими - нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганлигини кўриш қийин эмас", - деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, агар биз мустақилик йилларида эришган натижа ва ютуқларимизга бир назар ташласак, қилинган барча ишлар ва туб ўзгартиришлар, авваламбор, инсон учун, унинг манфаатларини кўзлаб, унинг учун муносиб турмуш шароитларнии яратиш мақсадида амалга оширилганлигига шоҳид бўламиз. Ҳозирги даврда иқтисодиётимизнинг тез

суръатлар билан ўсиб бораётганлиги бу борада катта ютуқларга эришганимиздан далолат беради.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизнинг қадр-қимматини ҳис этиш учун орқага бир назар ташлаш лозим бўлади. Собиқ тоталитар тузумдан бизга мўрт, заиф, бирёқлама ривожланган, хом-ашёга ихтисослашган, пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Шу боисдан XX асрнинг 90-йилларининг бошларида Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турган эди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 2,5 баробар паст даражада еди. Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни умуман Собиқ Иттифоқ аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қиларди. Расмий камбағаллик чегарасидан паст даражада ялпи даромад топадиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизни ташкил етарди. 1 миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмасди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Бу иқтисодиёт собиқ иттифоқнинг сўнгги йилларида таназзулга учраб, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб борди. Собиқ иттифоқнинг тарқаб кетиши туфайли республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бузилиши XX аср 90-йилларининг бошида ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин камайиб кетишига олиб келди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида кам таъминланган аҳоли қатламларини, моддий ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда дунёвий давлат тизими амал қилиб, инсонлараро меҳр-мурувват муносабатлари, инсонпарварлик ғоялари, умуминсоний қадриятлар давлат ижтимоий сиёсатининг тамойиллари сифатида асос қилиб олинган. Шунинг учун ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири “демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда, одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш” ҳисобланади.

Кам таъминланган аҳолини мақсадли, ишончли ижтимоий ҳимоялаш учун авваламбор, аниқ эҳтиёжлардан ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда муҳтож оилаларга субсидия, микрокредитлар бериш, уларга микрофирма, кичик корхона, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиши учун шароитлар яратилмоқда.

Меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлмаган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўрсатиладиган кўмакнинг самарадорлигини ошириш учун давлат маблағлари билан бир қаторда, меҳнат жамоалари, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари жамғармаларининг маблағларини кенг жалб қилиш назарда тутилмоқда. Кишиларнинг ҳайр-эҳсонлари асосида нодавлат суғурта, хайрия фондларининг ташкил этилиши ҳамда уларни кам таъминланган аҳоли

қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга, турли ижтимоий дастурлари амалга оширишга йўналтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Давлат турли солиқ, кредит имтиёзлари тизимини яратиш орқали фуқароларнинг, жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик субъектларининг ҳомийлик, хайрия ишларига маблағлар ажратишларини рағбатлантириш чора-тадбирларини кучайтириши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун иқтисодий ўсиш суръатларини янада ошириш, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш лозим бўлади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш учун:

- ✓ инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда хусусий капиталнинг етишмаслиги;
- ✓ ички бозорни ривожлантиришни таъминлашда аҳолининг тўлов қобилияти етишмаслиги;
- ✓ иқтисодда монопол мавқенинг баландлиги рақобатни ва хусусий бизнесни ривожлантиришдаги тўсиқ эканлиги;
- ✓ хусусий секторнинг ривожланишида баъзи тўсиқларнинг сақланиб қолганлиги, қонуний иш олиб бораётган ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкининг юқорилиги;
- ✓ ташқи савдонинг эркинлаштирилиши тугалланмаганлиги;
- ✓ банк соҳасидаги ислоҳотларнинг тугалланмаганлиги ва пул муомаласидаги камчиликларни ҳал этиш керак бўлади.

Иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиб бориши билан халқ турмуш даражаси ҳам ўсиб боради, унинг саломатлигини мустаҳкамлашга, кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ижтимоий дастурларни амалга ошириш имкониятлари кенгайиб боради. Энг муҳим инсонлараро меҳр-мурувват ва оқибатлилик кучайиши учун замин яратилади.

НАЗОРАТ ТОПШИРИҚЛАРИ:

1. 1985 йил апрелда эълон қилинган йўлнинг, яъни “қайта қуриш” сиёсатининг қандай ижобий ва салбий томонлари бор эди?
2. 80-йиллар қатағони моҳиятини очиб кўрсатинг.
3. "Пахта иши"га ўз муносабатингизни билдиринг.
4. СССРнинг таназзулга учраши сабабларини очиб беринг.
5. Фарғона воқеаларининг асл сабаблари тўғрисида ўз фикрингизни билдиринг.
6. Нима сабабдан иттифоқдош республикалар СССР таркибидан чиқа бошладилар?
7. Қандай кучлар, нима мақсадда Москвада фитна уюштирдилар?
8. Ўзбекистон суверенитети тўғрисидаги Декларация матни билан танишиб чиқинг ва унинг асосий қоидаларини таърифлаб беринг.
9. Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг мақсадини очиб беринг.
10. Ўзбекистон Президенти лавозими қачон таъсис этилди, унинг аҳамиятини биласизми?
11. И.А. Каримов қачон ва қайси орган томонидан Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди?

12. Президентнинг халқ олдидаги масъулиятини қандай тушунасиз?

13. ЎзР Президенти И.Каримов шахси ҳақида гапиринг. Унинг ислоҳотчилик сиесати, ташаббускорлиги ва фидоийлигини кўрсатинг.

14. Президент қандай мақомларга эгалигини изоҳлаб беринг.

15. Президент қасамедида нималар дейилган?

16. ЎзР Президентлигига кимларнинг номзодлари қўйилган?

17. Мустақиллик Декларацияси қачон қабул қилинди? Уни дафтарингизга ёзиб олинг.

18. Ўзбекистон Президенти 1991 йил 20 августдаги Баёнотида нималар дейилган эди?

19. 1991 йил 25 августдаги Ўзбекистон Президентининг кандай фармони эълон қилинди?

20. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлган сессиясида кандай хужжатлар қабул қилинди?

21. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидагиОлий Кенгаш Баёнати хакида сузлаб беринг.

22. Олий Кенгашнинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги қарорининг мазмунини биласизми?

23. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуни кутубхонадан топинг ва дафтарингизга ёзиб олинг.

24. Мустақиллик тўғрисидаги референдум ва унинг натижаларини биласизми?

25. Ўзбекистон Давлат мустақиллигини кулга киритшнинг тарихий аҳамияти нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР :

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 1992

2. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., Ўзбекистон, 1992

3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т., Ўзбекистон, 1992, 3-9-бетлар.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига утишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 3-20-бетлар.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997, 3-16 – бетлар.

6. Салимов О, Усмонов Қ, Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Т., Шарк, 1999, 13-35-бетлар.

7. Усмонов Қ. ва бошқалар. Ўзбекистон карамлик ва мустақиллик йилларида. Т., Ўқитувчи, 1996, 8-28-бетлар.

8. Усмонов к, ганиев Д. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Т., Ўзбекистон, 1994.

9. Ғуломов.С, Усмонов.к. Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди. Т.: уАЖБНТ маркази, 2000, 3-8-бетлар.

12-мавзу: Ўзбекистоннинг маънавий, маданий тараққиёти.

Асосий саволлар:

1. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт
2. Миллий истиқлол мафкураси ва миллий истиқлол ғояси
3. Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Таянч иборалар: Маънавий камолот, миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси, қадриятлар, маънавий мерос, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

1-асосий савол: Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1.1. Мустақилликни мустаҳкалашнинг асосий вазифаларини билиб олади.
1.2. Маънавий қадриятларни тиклаш борасидаги ишларни шарҳлайди.
1.3. Маънавий меросни тиклашни очиб беради.
1.4. “Маънавият ва маърифат” маркази фаолиятини изоҳлайди.
1.5. Миллий мафкура ва миллий ғоя ҳақида фикр юритади.

1-асосий савол баёни:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият кўрсатмоқда. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, маънавиятнинг моҳияти шунчалик кенгки, уни ўлчаб ҳам, поёнига етказиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир оламдир.

Жамиятимиз ҳаётида маънавий камолотни тезлаштириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, миллий қадриятларни ўрганиш мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳаётимизда маънавий камолотни ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий меросини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Миллий ва диний қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-боболаримиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу борадаги тадбирлар мустақилликнинг дастлабки кунларидан амалга оширилмоқда. Жумладан, 1991 йили буюк аллома, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий юбилейини ўтказиш катта воқеа бўлди. Шоирнинг асарлари нашрдан чиқарилди. 1994 йили Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги кенг кўламда, жаҳон миқёсида нишонланди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишланган ҳафталик ва кўргазма очилди.

Амир Темурнинг 660 йиллиги 1996 йилда нишонланди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил – Амир Темур йили деб эълон қилинди. Мамлакатимизда

Темур ва темурийлар тарихи музейи очилди, Амир Темурга ҳайкаллар барпо етилди, унинг номи боғларга, хўжаликларга, кўчаларга берилди.

Республикамизда бизгача етиб келган бой меросни ўрганиш, миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларни ривожлантиришга кенг кўламда эътибор берилмоқда. Ислом оламининг алломалари Исо ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, Мотуридий, Марғиноний кабиларнинг тўёналари кенг кўламда нишонланиб, уларга бағишлаб ҳайкаллар қўйилди, асарлари чоп этилди. Бундан ташқари халқ қаҳрамонларимизнинг тўёналари ҳам ўтказилди. Жумладан Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги, «Алпомиш» достони яратилишининг 1000 йиллиги катта тантаналар билан нишонланди.

Маънавий ҳаётни такомиллаштириш борасида 1994 йили ЎзР Президенти томонидан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш ҳақида фармон эълон қилинди. Марказ томонидан Имом ал-Бухорий юбилейига бағишлаб «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) ва «Ал-адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоналари) ўзбек тилида нашр этилди.

1998 йилда Имом ал-Бухорий 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда чинакам миллий қадриятларни тиклаш учун юритилаёттган катта ишлардан далолат беради.

Маънавий тақдриятларнинг тикланиши унинг бир бўлаги бўлган диний қадриятларга ҳам эътиборни кучайтирди. 1992 йил Президент Фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Муборак Ҳаж сафари тикланди. «Мовароуннаҳр» диний бошқармасининг фаолияти республикамиз ҳаётида ўз ўрнини эгаллади. Халқининг асрлар давомида нишонланиб келган «Наврўз» байрами умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди.

Жамият тараққиётида рўй бераётган ўзгаришларни тушуниш, ҳур фикрликка интилиш учун кишиларни янги йўлдан олиб борувчи ғоявий қарашлар ҳам ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

2-асосий савол: Миллий истиқлол мафкураси ва миллий истиқлол ғояси.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Миллий истиқлол мафкурасининг маъносини билиб олади.
2. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга қаратилган И.Каримов асарлари билан танишади.
3. Миллий мафкура ва миллий ғоя аҳамиятини тушунади.
4. Миллий мафкура ва миллий ғоя тўғриида ўз фикрини билдиради.

2-асосий саволнинг баёни:

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларда йетакчи ўринда турди. Хусусийлаштириш жараёнини ташкил етиш ва унга раҳбарлик қилиш учун 1992 йил февралида Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис этилди. 1994 йилда унинг функциялари ўзгартирилиб, у Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига айлантирилди. Мазкур

қўмита зиммасига кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, хусусий бизнеснинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш ва бошқа вазифалар киритилди. Хусусийлаштириш танлов ва ким ошди савдоси орқали амалга оширилди. Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган барча маблағлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун берилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида хусусийлаштиришни бошқариб борди. Давлат мол-мулкни янги мулкдорларга сотиш йўли билан мулкчиликнинг янги шаклларини жорий этди. «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун ЎзР Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги VIII сессиясида қабул қилинди. Унга кўра хусусийлаштириш ва мулкчилик шаклларини ўзгартириш махсус дастурлар асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Дастурга асосан дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини қамраб олди. Бу «кичик хусусийлаштириш» деб ном олиб, 1994 йилда тугалланди. 1992-94 йилларда 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий фирма, акциядорлик жамияти, ижара корхоналарига айланди. Уй-жойлар хусусийлаштирилиб, уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларига бепул берилди.

1994 йил 21 январда қабул қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Президент Фармонлари бу жараённи янги поғонага кўтарди. Бу қарорларга мувофиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш вазифаси қўйилди. Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк биржаларини ташкил етиш учун асос яратилди.

1995 йилдан бошлаб оммавий хусусийлаштириш даври бошланди. Йирик корхоналар ҳам давлат ихтиёридан чиқарила бошланди. 1000дан ортиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, 6 мингта хусусий ва оилавий корхоналар вужудга келди. Мамлакатда кўп укладли иқтисодиёт ва ўрта мулкдорлар синфи вужудга келди.

1996 йил 12 мартда тадбиркорликни ривожлантириш, қўлллаб-қувватлаш мақсадида турли жамғармалар тузилди. Кейинги йилларда республикамизда кўплаб қўшма корхоналар вужудга келиб, хорижий инвестициялар кенг жалб қилинмоқда.

Бозор муносабатлари бозор инфратузилмасисиз амал қила олмайди. Бозор инфратузилмаси деганда товар ва пул бозорида, меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминловчи иқтисодий воситалар – тегишли молия ва банк-кредит тизими, суғурта, аудиторлик, юридик ва хусусий фирмалар тизими тушунилади. Бозор инфратузилмасини

шакллантириш жараёни одамларнинг янгича иқтисодий тафаккурини шакллантириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш кабилар билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасини шакллантиришдаги муҳим қадамлардан бири маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмасининг тугатилиши бўлди. Давлат буюртмаси зарур маҳсулотлар еркин, келишилган нархларда харид қилиш билан алмаштирилди. Товар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими ташкил этилди.

Оммавий хусусийлаштириш амалга оширилаётган бир пайтда малакасиз кишиларгагина эмас, маълум ихтисосга эга бўлган ходимларга ҳам талаб чекланди, ишсизлар сони кўпайди. Меҳнат биржалари ташкил этилиб, ишсизлар рўйхатга олинди ва иш билан таъминланиб келинмоқда.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун банк соҳасини ислоҳ қилиш йўлларини белгилаб берди. Республикада тижорат ва хусусий банк тармоқлари вужудга келди. Мамлакатимизда амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш бўлди. 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм муомалага киритилди. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чоралар муҳим рол ўйнади. Солиқлар – хазинани тўлдирувчи асосий манбадир. Мамлакатимизда солиқ тизими жаҳон андозалари даражасига кўтарилмоқда.

Янги мингйиллик бошларида Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ишлари жадал давом эттирилди, банк-молия тизими, хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришда бир қатор муваффақиятларга эришилди.

3-асосий савол: Аграр сектордаги ўзгаришлар.

ИДЕНТИВ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ:

1. Таълимни ислоҳ қилиш тамойилларини ўрганади.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури моҳиятини тушунтиради.
3. Дастурни амалга ошириш босқичларини ажратади.
4. “Соғлом авлод” Дастури аҳамиятини оиб беради.

3-асосий саволнинг баёни:

Истиқлол йўлида қадам ташлаб бораётган Ватанимиздаги мавжуд маънавий, маданий омилларга эътибор бериш билан бирга фан, маориф, таълим-тарбия ишларига ҳам эътибор кучайтирилди.

Республикамизда таълимнинг янги тизимини амалга оширишда, Ўзбекистон ҳукумати тарихимиздаги таълим жараёнларини ўрганиб чиқиб, таълимни ислоҳ қилиш дастурини тайёрлади. Барча эътибор таълим тизимларини демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида такомиллаштириб, унинг моддий техника базасини, замон ва давр талаблари даражасига кўтариш ва Ўзбекистоннинг маърифий салоҳиятини кучайтиришга қаратилди. Шу мақсадда 1997 йил 29 августда Республикамизда «Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди.

Таълимни ислоҳ қилиш қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилади:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги;

- таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;

- таълимда умуминсоний, миллий-маданий ва маънавий қадриятларнинг устуворлиги;

- эътиқоди, динидан қатъи назар барча фуқаролар учун таълим олиш имкониятлари яратилганлиги;

- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таъсиридан холилиги.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳар бир шахс ҳамда давлат ва жамият манфаатлари иқтисодий холат ва унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ечишга, ҳал қилишга йўналтирилган. «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги Қонуни ҳақида Президент И.Каримов ЎзР Олий Мажлисининг 9 сессиясида бу қонун «Мустақиллигимизнинг бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг кафолати ҳисобланади», деган эди. Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг асосланганлиги, муҳимлиги ва муаммоларни ҳал қилиш йўллари мустаҳкам илмий фундаментга таянади.

Биринчидан, Миллий дастур негизида тизимли ёндашув ётади. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва уни ҳал қилиш яхлит бир система кадрлар тайёрлаш тизимининг самарали ишлашга таъсир кўрсатувчи ўзаро боғланган барча омиллар бўйича кўриб чиқилади.

1. Таълим-тарбия йўналишлари:

- кадрлар тайёрлаш сифати ва кадрлар рақобатбардошлиги;

- маънавият ва маърифат;

- профессионал таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;

- иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- илмий-педагогик кадрлар;

- қишлоқ мактабларини ривожлантириш;

2. Информацион йўналиш:

- ахборот технологияси ва таълимни информатизациялаш;

- ўқув жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва XXI аср кутубхонаси;

- олий профессионал таълим холатини бахолаш ва кадрлар тайёрлашни башорат қилиш тизими;

3. Ижтимоий йўналиш:

- болалар ва ўқувчи ёшлар саломатлиги мухофазаси;

- махсус таълим: алоҳида нуқсоний тарбия ва таълим;

- ижтимоий ҳимоя.

Иккинчидан, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилиш профессионал таълимнинг ҳамма босқич ва табақалари учун, халқаро моделлар ва меъёрлар асосида яратиладиган илмий асосланган, илғор таълим стандартлари комплексига таянади.

